yutuqlaridan biri sanaladi. Soʻzlardagi maʼno nozikliklarini aniqlash uchun aynan biz ushbu lugʻatga murojaat qilsak, maqsadga muvofiq boʻlardi, sababi, ushbu lugʻatda soʻzlar darajalanishi birma-bir yoritilgan boʻlib, kitobxonni ham bu jihatdan qoniqtira olishi tayin:

Maʼnosiga koʻra

Achchiq - taxir - nordon - chuchuk - shirin

(maza-taʼmning meʼyoridan ortiq-kamligiga koʻra)

Avvalgi - hozirgi - keyingi

(zamon belgisiga koʻra)

Adoq - bel - bosh

(joylashish oʻrnining yuqoriligiga koʻra)

Ayb - gunoh - jinoyat

(ijtimoiy zararining kuchliligiga koʻra)⁵

Boʻyogʻiga koʻra

Aqlli - dono - donishmand - mutafakkir

(ifoda boʻyogʻining oshib borishiga koʻra)

Avval - ilgari - oldin - burun - qadim

(tarixiylik belgisining ortishiga koʻra)

Asta - sekin - ohista

(qoʻllanilish doirasining nofaolligiga koʻra)

Azob - aziyat - jabr - jafo - ozor

(boʻyoqdorligining oshib borishiga koʻra)

Ayyor - mugʻombir - hiylagar - quv - ustamon - makkor - dogʻush - moʻltoni - hilviri

(boʻyoqdorlik belgisining kuchliligiga koʻra)

Aniq - ochiq - yaqqol - ravshan - yorqin - oydin - ayon

(kitobiylik belgisining kam-koʻpligiga koʻra)

Anqov - merov - ovsar - kalvak - goʻl - pandavaqi

(salbiylik boʻyogʻining oshib borishiga koʻra)

Afzal - ortiq - ustun - yuqori - aʼlo

(ifoda belgisining kuchliligiga koʻra)

Axmoq - tentak - goʻsxur - devona

(boʻyoqdorlik belgisining ortiqchiligiga koʻra)⁶


⁵ “Oʻzbek tilining soʻzlar darajalanishi oʻquv lugʻati”, Sharif Bobojonov hamda Ikrom Islomov,9,2007.

⁶ “Oʻzbek tilining soʻzlar darajalanishi oʻquv lugʻati”, Sharif Bobojonov hamda Ikrom Islomov,9,2007.

Yuqorida kitob asosida keltirilgan misollarimizga e`tibor beradigan bo`lsak, ushbu lug`at har bir so`zlar guruhining darajalanish bosqichlarini bir qator guruhlariga ajratgan holda tasniflaydi, xususan , ma`nosiga ko`ra, bo`yog`iga ko`r va hokazo hamda ularning ichki ma`no nozikliklarini birma-bir yoritib o`tadi, ya`ni so`zlar guruhining qaysi jihatdan ma`no qirralarini yorityapti, ya`ni maza-ta`mning me`yoridan ortiq-kamligiga ko`rami, zamon belgisiga ko`rami yoki joylashish o`rni va yoinki ijtimoiy zararining kuchliligiga ko`rami. Bundan tashqari, bo`yoqdorlik xususiyatlarini o`zida jamlagan so`zlar guruhi ham ma`lum belgilarning oshib borishiga ko`ra tavsiflanadi, ya`ni ifoda bo`yog`ining oshib borishi, tarixiy belgisining kuchayishi, qo`llanilish doirasining nafaoligi, salbiylik bo`yog`ining oshib borishi, ko`p va kam ishlatilishi, belgilining keng ishlatilishi va shu kabi qator xususiyatlarni o`zida jamlagan ushbu lug`at barcha foydalanuvchilar ommasi uchun mo`ljallangandir.

2006-yilda Nilufar Yo`ldosheva hamda Nargiza Musulmonovalar hamkorligida yaratilgan “O`zbek tilining so`zlar birikuvchanligi o`quv lug`ati” ham mustaqillik davri o`zbek lug`atshunosligi doirasida olib borilgan amaliy ish bo`lib bo`lib, ushbu qo`llanma filologiya fanlari doktori, professor Baxtiyor Mengliyev taqrizi ostida yaratilgan. Lug`at alifbo tartibida tuzilgan bo`lib, o`quvchilar nutqida ko`p uchrovchi mustaqil so`zlar hamda hozirgi o`zbek adabiy tilidagi ma`nodosh, shakldosh, paronim so`zlar va ular bilan birika olish qobiliyatini o`zida namoyon qilgan birikmalarni o`z ichiga olgan. “O`zbek tilining so`zlar birikuvchanligi o`quv lug`ati” lug`at maqolasi uch qismdan iborat bo`lib, ular quyidagilardir:

“O`zbek tilining so`zlar birikuvchanligi o`quv lug`ati” lug`at maqolasi tuzilishi (3-chizma):



ATLAS I – 1 *Iqtisodiy atlas (xarita). Dunyo atlas. Yulduzlar atlas. Anatomik atlas. Atlasni keltirmoq. Atlas sotib olmoq.*

ATLAS II – 1 *Qora atlas. Sariq atlas. Xon atlas. Sakkiz tepki atlas. Atlas ko,,ylak. Atlas sotib olmoq. Atlasdan tiktirmoq. Sotilgan atlaslar.*

AYAMOQ - 1 *Ayamasdan urmoq. Ayamasdan tanqid qilmoq.*

2 *Ayab gapirmoq.*

3 *Oyog,,ini ayab bosmoq.*

4 *Mehrini ayamoq.*

5 *Ayab ishlatmoq.*

AYB – 1 *O`z aybiga iqrar bo`lmoq. Aybini bo`yniga qo`ymoq. Aybini yashirmoq. Katta aybga yo`l qo`ymoq.*

2 *So`raganning aybi yo`q. Orzuga ayb yo`q. Ayb qilmoq. Aybga buyurmoq. Ayb so`zlar bilan so`kinmoq.*

3. *Tuzatib bo`lmas ayb. Aybsiz do`st qidirmoq*

AYBDOR – 1 *Aybdor bo`lmoq.*

2 *Aybdorni olib chiqib ketmoq.*

3 *Aybdor qiz. Bir ko`zidan aybdor bo`lmoq.*

AYBLAMOQ – 1 *Ayb qilmoq.*

2 *O`g`rlikda ayblamoq⁷.*


Istiqlol yillarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi natijasida lug`atshunoslik sohasida ham sezilarli o`zgarishlar yuzaga keldi, xususan, ushbu davrda asosiy e`tibor nutq samaradorligiga qaratildi, desak, aslo mubolag`a bo`lmaydi hamda buning oqibati o`laroq, tilshunoslikda yangi sohalar – til va jamiyat uyg`unligiga asoslanuvchi sotsiolingvistika, tilshunoslikka psixologik nuqtayi nazardan yondashadigan psixolingvistika, turfa xalqlar lingvomadaniy konseptiga asoslanuvchi lingvokulturologiya va shu kabi so`z mohiyatiga aloqador hodisalar bilan shug`ullanuvchi tilshunoslik fanlari yuzaga keldi.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining tilshunoslik lug`atlariga yana bir ta`siri shundan iboratki, online va offline o`quv lug`atlari talabgor ehtiyojiga qarab har doim mavjudligidadir hamda ular masofa va vaqt tanlamaydi – hamisha foydalanuvchisi bilan birga. Ana shularni hisobga olgan holda, bugungi kunda til korpuslari yaratilmoqda. Til korpusi bevosita kompyuter lingvistikasi bilan aloqador bo`lib, unga bo`lgan talab kundan kunga oshib bormoqda. Til korpusi o`zi nima? Til korpusi har bir xalqning o`z tiliga aloqador umumlashma hisoblanib, bir yoki bir necha

⁷“O`zbek tilining so`zlar birikuvchanligi o`quv lug`ati”, Nilufar Yo`ldosheva hamda Nargiza Musulmonova, 6-b, 2006

tildagi katta o`lchovli matnlarning jamlanmasiga asoslanuvchi elektron qidiruv tizimiga nisbatan ishlatiladi. U o`sha tildagi davriy, uslubiy, hududiy va ujtimoiy variantlar haqida batafsil ma`lumot bera oladi. Til umumlashmasidan iborat korpus ikki bo`limdan tashkil topadi, ya`ni:

Korpusning tuzilishi(3-chizma):



Aynan shu o`rinda til korpusi bizga nima uchun kerak degan savolga javob beramiz. Mustaqillik davri o`zbek lug`atchiligi tarkibida yaratilayotgan lug`atlar tizimidagi korpus jamlangan matnlarning maqsadli qidiruv tizimiga asoslanishida foydalanish uchun zarur bo`ladi. Endi buning tahliliga to`xtalsak, yuqorida korpusning tildagi so`zlar, matnlar jamlanmasidan iborat ekanligini ta`kidlagan edik, ushbularni ma`lum maqsadga ko`ra qidirishga yordam berish uchun biz korpusdan foydalanishimiz lozim ekan. Dasturchilar va tilshunoslar hamkorligida yaratilayotgan korpuslar har birimizning ishimizning yengillashishiga anchayin yordam beradi, desak, aslo mubolag`a bo`lmaydi. Termiz davlat universiteti professor-o`qituvchilari Dc.S. Shoxista Mahmarayimova va Ph.D. Asqar Eshmo`minov hamda dasturchilar hamkorligida yaratilgan “Ozbek tili sinonimlar korpusi” fikrimizning yaqqol isbotidir. Sababi, ushbu online korpus o`z ichiga qator lug`atlarni umumlashtirgan bo`lib, xususan, so`zlarning etimologiyasi, omonimlari, sinonimlari, antonimlari, paronimlari va ularning morfem tuzilishi va hokazolar ushbu korpusdan joy olgan hamda misollar yordamida isbotlab berilgan.

“O`zbek tilining sinonimlar korpusi”dan namuna(4-chizma).

SUVLI	
Aytilishi	S-u-v-l-i
Yasalishi	Suv+yasovchi
Sinonimi	Sersuv
Paronimi	-
...	...

Ushbu korpus barcha lingvistlar uchun qulay qidirish tizimidan foydalanishlari uchun xizmat qiladi va qidirish ishlarini anchayin yengillashtiradi. Ushbu lug`atdan foydalanish, ayniqsa, maktablar uchun foydali bo`lib, o`qituvchi dars jarayonida biror so`zning izohini o`quvchilarga tanishtirmoqchi bo`lsa, ushbu jarayonda unga korpus yordamga keladi. Korpusdagi misollar o`quvchilar dunyoqarashini yanada boyitishga yordam berishi shak-shubhasizdir.

XULOSA

Xulosa sifatida shuni ta`kidlash mumkinki, mustaqillik davri o`zbek lug`atshunosligi bugungi kundagi sayqaliga yetgunga qadar birmuncha taraqqiyot bosqichlarini bosib o`tgan bo`lib, bunda ilm-fan jonkuyarlari bo`lmish – leksikograflarimizning xizmatlari kattadir. Aytish joizki, ushbu lug`atlar kelgusida yanada yangi so`zlar bilan boyitilib, yurtimiz taraqqiyotiga bevosita o`zining munosib hissasini qo`shadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

Asosiy adabiyotlar:

1. Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. - Т., 1994.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли: 1-т (Москва: “Рус тили”, 1981. - 631 б.), 2-т (Москва: “Рус тили”, 1981. -715 б.).
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. I т. (Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-й. -680-б.), II т. (2006-й. -672 б.), III т. (2006-й. -688 б.), IV т. (2008-й. -608 б.), V т. (2008-й. -592 б.).

Qo`shimcha adabiyotlar:

4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-IV. - Тошкент: Фан, 1983-1985.
5. Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. - Тошкент, 2002.

6. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. - Тошкент, 2007.
7. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I-III. Тошкент, 1960-1963.
8. Чориев З. Тарих атамаларининг изоҳли луғати. Тошкент: Шарқ, 1999.
9. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Фан, 2002.

Интернет сайтлари

10. www.literature.uz
11. www.genhis.philol.ru
12. www.library.ziyonet.uz
13. www.lingvo-online.ru
14. www.globalterminology.com

ББК -81.2(Англ.)

УДК -811.111'22

P-15

НАУЧНЫЙ ВЗГЛЯД НА ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ С КОМПОНЕНТАМИ ЗЕМЛИ И ВОДЫ А ТАКЖЕ ИХ ОТРАЖЕНИЕ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ПЕРСИДСКИХ ПИСАТЕЛЕЙ И ПОЭТОВ

Хошимова Мехрубону Косимчонова

Худжандский Государственный Университет,
факультет иностранных языков, докторант PhD 3 курса

Республика Таджикистан, Худжанд

mileyhosh@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье представлены некоторые научные мнения видных отечественных и зарубежных ученых о месте фразеологических единиц с компонентами стихий воды и земли в произведениях художественной литературы. Выяснилось, что фразеологизмы таджикского языка сформировались во второй половине двадцатого века и широко использовались писателями в их трудах.

Фразеологический, структурный смысловой и стилистические аспекты.

Исследователь попытался доказать, что фразеологические выражения на каждом языке понимаются со своими особенностями, и при переводе в художественных литературах эти выражения имеют переносное значение в соответствии с принципами идиоматических выражений а также историческое и традиционное использование одного и того же языка.

Ключевые слова: фразеологические единицы, Омар Хайям, рубаи, С.Айни, аллюзия

THE SCIENTIFIC VIEW OF PLACE THE PHRASEOLOGICAL UNITS IN FICTION OF TAJIK AND PERSIAN WRITERS AND POETS

ABSTRACT

This article contains some scientific opinions of prominent national and foreign scholars on the scientific view of place of phraseological units with components of water and land in fiction of Tajik and Persian writers and poets. It was found that the phraseological units of the Tajik language developed in the second half of the twentieth

century. Phraseological, structural, semantic and stylistic aspects. The researcher has tried to prove that phraseological expressions in each language are understood with their own peculiarities on fiction, and during the translation these expressions have a figurative meaning in accordance with the principles of idiomatic expressions, historical and traditional use of the same language.

Key words: phraseological units, Omar Khayyam, rubaiyat, S. Ayni, allusion

В основу этой статьи входит обобщенный анализ методом фразеологической идентификации (применение этого метода делает возможным выявление фразеологичности того или иного сочетания слов); сравнения и переводы произведений таких персидских поэтов начиная с 10-х веков до 80-х годов прошлого столетия таких писателей как: Омар Хайям «Рубаят», Р.Джалил «Шураб», Ф.Ниёзи «Солдаты без оружия», С.Айни «Дохунда», «Одина» и «Рабы», Саъди Шерази «Гулистан» и других не мало известных выдающихся людей своего времени.

Фразеологический фонд таджикского языка является сложной системой, хотя язык считается не сложным а именно аналитическим, таким образом элементы которыми обладают определенными структурно—семантическими свойствами этого языка. Фразеологические единицы (ФЕ) образуют – важную часть лексического состава любого языка. Складываясь на протяжении веков как один из важных элементов языка, они развивались в соответствии с его законами и правилами.

Изучение ФЕ в таджикском языке показывает, что существующие проблемы фразеологии были решены в советские времена на материале русского языка, но в таджикском языке не были достаточно изучены. Исследование фразеологии в русском языке связано с известным языковедом В.В. Виноградовым. Анализы показывают, что изучение фразеологических единиц, использование и их место в разговорной речи определены.

Доктор филологических наук Н.Лаврентева в своей научной работе подчёркивает, то что фразеологические единицы обладают своей спецификой системой, которая состоит из различных микросистем. Она в научной работе выделяет одну из таких микросистем фразеологии которая в свою очередь является группой фразеологических единиц (ФЕ) с компонентами-названий стихий связанной с такими компонентами как земля и вода [3,21].

Фразеологизмы с анализируемыми компонентами представляют особый интерес, так как стихии, пронизывая жизнь общества с древних времен до наших дней, прочно вошли во все сферы человеческой жизни а также связано с бытом

древних персидских племен от куда и берет свое начало таджикский язык и относится к иранской группе индо-иранских языков индоевропейской семьи что является очень близким или одинаковым литературным идиомом таджиков Афганистана, официально называемым «языком дари» (который фактически является вариантом таджикского языка и почти от него не отличается), входит в восточную зону новоперсидского диалектного континуума и рассматривается как северо-восточный вариант персидского языка.

Земля и вода являлись также и теми элементами, при помощи которых древние писатели того времени они издавна играли особую роль в жизни человека: были источником как жизни, так и повышенной опасности времени.

Омар Хайям и Саъди Шерази и другие писатели и поэты также пытались найти истоки всего сущего и это отражалось в их произведениях. Следовательно, земля и вода являются общими культурными понятиями, которые лежат в основе духовной жизни персидских народов и не только. Такое место и роль стихий в жизни человеческого общества и сознания не могло не найти своего отражения во фразеологии.

Великий философ, ученый, рубаист своего времени Омар Хайям не раз описывал философию бытия с помощью ФЕ с компонентами земли и воды то есть с помощью пословиц и поговорок которые хорошо отражали ту эпоху в котором жил сам философ и которое по сей день могут найти свой отклик в обществе нашего времени. В одном из самых знаменитых четверостишья великого философа включает в себя ФЕ с элементом земли которая по сути является стилистической окраской и изюминкой этого четверостишья. В оригинале оно звучит так :

*Ибрике майи маро шикасти раббьи,
Бар ман дари айш бубасти раббьи.
Ман май хураму ту мекуни бадмасти,
Хокам ба дахон магар ту масти раббьи. [7,59]*

В этом четверостишье используется ФЕ с компонентом земля которая выражает и раскрывает суть стиха. По выше указанным элементам читающий может понять суть той философии которую поэт хотел донести до читающего. В частности словосочетание «хокам ба дахон» обозначает притупленную мысль или не раскрывать рот попусту или молчать об ошибках кого-то. Также в это четверостишье можно увидеть отражение русской пословицы которая

эквивалентна к этому «В чужом глазу искать сено, а в своем и бревна не замечать».

ФЕ являются номинативными образованиями, так как представляют собой результат наименования, т.е. чередуется с означаемыми ими объектами - предметами, качествами, процессами и при этом фразеологическая номинация носит особый характер в силу специфики фразеологического значения. [1,47]

Анализ различных подходов к рассмотрению фразеологического значения в стихах таджикской поэзии а также в произведениях поэтов показал, что оно должно исследоваться комплексно, т.е. включать такие аспекты, как денотативно—сигнификативный (предметно-логический), коннотативный, грамматический и структурный для общего понятия и смысла фразеологического значения произведений.

Учитывать семантический состав той или иной ФЕ важно не только для изучения структуры значения словосочетания в произведение, но и для описания ФЕ с точки зрения типа преобразования их значения в стихах. Взаимопроникновение буквального и переосмысленного значения лежит в основе такого понятия как внутренняя форма ФЕ, которая характеризует степень абстрактности фразеологизма в произведение.

Использование полевого принципа, который отражен в работах русского советского лингвиста и доктора филологических наук, профессора А.И. Черных, учёного лингвиста Б.Д. Ходжагельдыев, Н.М. Мининой, Шубиной В.П., Аюповой Р.А., Кузина Ю.С. и др. позволяет изучить структурно-семантическую организацию ФЕ с компонентом — названием стихий а также в работах таджикских лингвистов профессора Азимовой М.М, Раджабова М.М, Фозилов М и других. [4,31]

Рассмотрение и анализ произведений таджикских писателей нам дает устойчивое понимание того что стилистическая окраска предложения в основном происходит за счет ФЕ которое является основным ядром предложения.

К примеру в произведение известного таджикского поэта, писателя и драматурга А. Бахори используются вот такая конструкция ФЕ с компонентом «воды» которая в свою очередь эмоционально и эстетично окрашивает его:

«Хамин тавр соли навбатии тахсил Шарофат ба мактаби шабона даромад. То ин муддат *баданхояш об гирифта*, сандуки дилаш баланд шуда, уро боз хам дилработар намуда буд.» (А.Бахори «Одамони шинос» стр. 41)

В этом предложении ФЕ с компонентом воды «*баданхояш об гирифтан*» которое дословно обозначает тело получило воду калькируется и дает нам

переносное значение становится смелее, стать более храбрым, устойчиво стоять на своём. [4,31]

В другом произведение не менее известного советского таджикского писателя Р.Джалиля та же ФЕ с компонентом «воды» толкуется уже по другому значению но идентичную на ФЕ которая использовалась предыдущем автором:

«Харидорони дорухои домулло торафт зиёд шуда, уро тез-тез аз тасбехгардони боз медоштанд. Ба бадани домулло *андак об хам давида буд*».(Р.Джалил «Рассказы» стр.67)

В выше указанном тексте ФЕ с компонентом воды «*андак об хам давида буд*» обозначает что человек идет на поправку, то есть выздоравливает, крепчает.

Фразеологизмы с компонентом-названием стихий прошли в своем развитии довольно длительный путь, начиная с древнеперсидского периода и заканчивая современной эпохой и каждый раз добавляя или убавляя свое переносное значение и структуру. [8,67]

Изучение ФЕ с компонентом-названием стихий приводит к выводу о тесной взаимосвязи данных единиц с культурой общества, его опытом, обычаями, традициями. Для частично - переосмысленных фразеологических оборотов в таджикском языке характерно то, что переосмыслению в них подвергаются компоненты-названия стихий. В своем большинстве данные ФЕ являются мотивированными с прозрачной внутренней формой приведем к примеру в произведениях многих поэтов писателей. [6,72]

К примеру в произведение советского писателя Ф.Ниези приводиться такое предложение:

Заминро мезазему рохи душманро банд мекунем...(Ф.Ниези, «Вафо» стр.32)

В данном предложении автор акцентирует мотивированность своего героя о том, что он будет сражаться до конца, не будет уступать и даже, когда ему придется грызть землю падая на мертво он будет защищать свою родину. [11,31]

Как было выше сказано многие ФЕ с компонентами стихий воды и земли связаны с определенными обычаями и традициями. В произведение таджикско-советского писателя, поэта и сценариста Х. Назарова «В поисках Карима Девона» оно в точности показывает нам подстрой той эпохи о котором идет речь в произведение.

Абдулгани кадом боеро ки бинад, якчанд маротиба дукат шуда таъзим мекунад. «Хой Абдулгани, ба ту онхо чи додаанд, ки ин тавр худро *ба замин мезани?*»-мегуфтанд дигар камбагалон.

Х.Назарова («Дар чустучуи Карим Девона»)

Указанная аллюзия используется автором, для того чтобы показать человека того времени и его отношение к слоям общества его манеру поведения также проанализированный материал доказывает, что такие стихии, как земля и вода наиболее часто ассоциируются с человеческими чувствами, положение общества в таджикском языке. Примером является ФЕ где в основе метафорического переноса лежит соотношение земли с трудностями.

В произведение советского писателя С.Гани «Магнитофон» приводится такое предложение:

« Мунаввархон, азизам, хезед, шарафи худро ба замин назанед, шумо ин чо заррае гунох надоред.»

(С.Гани,«Магнитофон»стр.23) [9,31]

На системный характер данного пласта фразеологизмов указывает и наличие межэлементных связей. В изучаемом материале представлены синонимико—антонимические связи, которые присутствуют во внутренних структурах микрополей и образуют синонимические и антонимические группы.

Например, в рамках класса субстантивных ФЕ можно выделить антонимичные фразеологизмы, имеющие противоположенную интегральную сему. В произведение таджикского писателя С.Айни «Дохунда» и С.Гани «Табассум» мы можем это увидеть:

«Едгор аз алами падараш сар ба замин мезад то дардхояш аз алам берун шавад» (С.Айни «Дохунда» стр 21)

Баъди шунидани ин суханон аз хар тораи муи марди бадмаст чак-чак арак, шорид. *Замин накафид*, ки дарояд. (С. Гани «Табассум» стр. 48) [9,232]

Таким образом в этой статье мы можем прийти к такому умозаключению что ФЕ с компонентами воды и земли широко используется в произведениях таджикских писателей , поэтов и философов также подобное распределение изученных ФЕ по фразео-семантическим полям и микрополям указывает на системный порядок их организации, поскольку в ней проявляется один из важнейших признаков системы: иерархичность, в частности, во взаимоотношении полей различных уровней которое в будущем мы должны более широко исследовать.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Азимова М.Н. Сопоставительно-типологическое исследование фразеологической системы таджикского и английского языков. Душанбе, 2006.
2. Айни С. «Дохунда», Ирфон, 1984. – 432 с.
3. Лаврентьева Н. «ФЕ с компонентами 4-х стихий». –М, 2006. – 21.
4. Маджидов Х. Фразеологическая система современного таджикского языка. Дисс. док-ра филол. наук.-Душанбе,1995
5. Маджидов Х. Фразеология современного таджикского языка. Душанбе,1982.
6. Раджабова М.М Сравнительный анализ семантики английских пословиц и поговорок в таджикском и английском языках/УИЗвестия Академии наук. - Душанбе,2008 - № 4.
7. Омар Хаям Рубаи . Душанбе, 1996.
8. Р.Джалил Хикохо . Душанбе, 1989.
9. С.Гани Табассум. Душанбе, 1996.
10. Фозилов М. Фарханги ибораи рехтаи забони тоҷики. Душанбе, 1963
11. Ф.Ниези Вафо. Душанбе, 1991.

ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ УЧУН РАҚАМЛИ КАРТАЛАРНИ ТУЗИШДА ARCGIS ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАШ

Абдурахмонов Сарвар Нарзуллаевич

Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаштириш
муҳандислари институти. Миллий тадқиқот университетининг, “Ер
ресурсларини бошқариш” факултети PhD, доцент.

s.n.abduraxmonov@gmail.com

Бердиев Дилшод Фахриддин ўғли

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Геология ва кончилик иши”
факультети ўқитувчиси.

dilshodberdiyev708@gmail.ru

Хазратқулов Сирожиддин Зойржон ўғли

Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаштириш
муҳандислари институти. Миллий тадқиқот университети, Қарши ирригатсия
ва агротехнологиялар институти “Қишлоқ хўжалиги механизациялаш”
факультети талабаси

sirojiddinzomin1999@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, ArcGIS дастури ёрдамида ер мониторингини юритиш учун электрон рақамли картасини яратиш, сунъий йўлдошлардан олинган космик суратларни фазовий боғлаш, таҳлил қилиш ва растрларни ранглар кесимида тус олиши ҳамда растрнинг керакли соҳаларини қирқиб олиш каби масалалар кўриб чиқилиши талаб этилади.

Калит сўзлар: ArcGIS, геоахборот таҳлил, қатлам, ишчи конфигурация, геокодлаш, проекция, электрон рақамли карталар, мониторинг карталар, ArcMap, ArcCatalog, растр, фотоплан, буффер.

ABSTRACT

This article discusses issues such as creating an electronic digital card to monitor the agricatorium, spatial cosmic photos from satellite, and to cover space photos, as well as cutting the rages.

Keywords: Arcgis, geoinformation analysis, layer, projection, electronic digital cards, monitoring cards, arcs, arccatalog, rage, photopan, buffer.

КИРИШ

Ҳозирги кунда ArcGIS дастури картографик маълумотларни яратиш, таҳлил қилиш ва тасвирлаш учун жуда қулай дастур ҳисобланади. ArcGIS нинг биринчи ва иккинчи версиялари маълум ҳудуд бўйича тарқалган географик маълумотларни (объект ва ходисалар) кўриш ва таҳлил қилиш учун энг оддий ва шу билан бирга самарали дастур сифатида ишлаб чиқилган. Бу дастурини қўллаш соҳалари турлича яни бизнес ва фан, таълим ва бошқарув, ижтимоий соҳа, демографик ва сиёсий изланиш, саноат ишлаб чиқариш ва экология, транспорт ва нефтгаз саноати, ердан фойдаланиш ва кадастр ва бошқа соҳалар.

Шу жумладан ҳозирги кунда гидрографик тармоқлар электрон рақамли карталарини яратишда ҳам ArcGis дастуридан кенг қўлланилмоқда. Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида бир қанча ташкилотлар томонидан инвестиция жалб қилинмоқда. Асосан қишлоқ хўжалиги экинларини назорат қилишда қўлланиладиган қишлоқ хўжалигининг электрон рақамли карталари ва сунъий йўлдош орқали олинган қишлоқ хўжалиги ерларининг растрларини таҳлил қилиш, тезкор ишончли маълумотларни етказиш учун замонавий техника ва технологиялар тегишли ташкилотларга жалб қилинган. Бундан асосий мақсад иш сифатини янада ошириш, қисқа вақт мобайнида сифатли, ишончли массив ер мониторингини юритиш учун электрон карталарини яратиш.

ИЗЛАНИШ УСЛУБЛАРИ

Юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларни ечимини топиш мақсадида биз Фарғона вилоятидаги қишлоқ хўжалиги ерлари ўрганилиб, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, атроф-муҳитнинг эколого-мелиоратив ҳолати ёмонлашувини олдини олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўламини кенгайтириш, хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилган масалаларни илмий ечимини топишга қаратилган вазифалар амалга оширилди.

Бу борада ҳорижий мамлакатларда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилган илмий изланишларнинг натижаларига назар ташласак.

Ер мониторингини юритиш учун зарурий электрон рақамли карталарини яратиш, сунъий йўлдошлардан олинган космик суратларни фазовий боғлаш, таҳлил қилиш ва растрларни ранглар кесимида тус олиши ҳамда растрнинг

керакли соҳаларини қирқиб олиш каби масалалар кўриб чиқилиши талаб этилади.

Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида бир қанча ташкилотлар томонидан инвестиция жалб қилинмоқда. Булардан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Давергеодезкадастр” давлат кўмитасини мисол қилиб келтириш мумкин. Асосан қишлоқ хўжалиги экинларини назорат қилишда қўлланиладиган қишлоқ хўжалигининг электрон рақамли карталари ва сунъий йўлдош орқали олинган қишлоқ хўжалиги ерларининг растрларини таҳлил қилиш, тезкор ишончли маълумотларни етказиш учун замонавий техника ва технологиялар тегишли ташкилотларга жалб қилинган. Мисол тариқасида “Давергеодезкадастр” давлат кўмитасининг тасарруфидаги ташкилотлар томонидан мазкур юқоридаги ишларни бажаришда фойдаланилаётган аргис дастурини келтириш мумкин.

ArcGIS дастурида растрлар устида ишлаш, уларни фазовий боғлаш ва таҳлил қилиш каби амалларни бажариш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, бунда мавжуд электрон ёки сканер ёрдамида қоғоз кўринишидаги картани электрон кўринишга келтириб, агстар иловаси ёрдамида растр устида бир қанча ишларни амалга ошириш ва интерактив хизматлар кўрсатиш учун маълумотлар омборини яратиш мумкин бўлади. Массив ер мониторингини юритиш учун карталарини яратиш учун растрлар сифати алоҳида аҳамиятга эга. Растрни анализ қилиш ёрдамида сифатсиз растрларни сифатини яхшилаб, ундаги маълумотларни ўқилиши осонлаштирилади. Растрни анализ қилиш жараёнлари ArcGis дастурининг компоненти ёрдамида амалга оширилади.

Растрларни анализ қилиш векторизациялаш ишларини бажаришда, электрон карталарни яратишда ҳамда соҳада ушбу маҳсулотлардан фойдаланишни самарали йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга Давлат кадастрлари ягона тизими географик маълумотларини шакллантиришда қўлланилиши мумкин.

Хукуматимиз томонидан ҳам бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, ички бозорларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, мамлакатни экспорт салоҳиятини ошириш борасида қатор Қарор ва Давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, ирригация тармоқларини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ўз навбатида кўшимча даромад олиш, хўжаликнинг иқтисодий салоҳиятини яхшилашдан иборатдир.

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР


Фарғона вилоятида мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларини ифодаловчи ер мониторинги картаси ArcGis дастури ёрдамида яратилди.

ArcMap ишчи ойнаси ишга туширилади.


ArcMap ишчи ойнасининг асосий ускуналар панелидан “Добавить данные” тугмасига муурожаат қилинади;

Ҳосил бўладиган дарчадан растр танланади ва “Добавить” тугамаси босилади;

Ишчи ойнада растр намоён бўлади (1-расм).



1-расм



2-расм

Растр арсмап ишчи ойнасига қўшилганда “Таблица содержания” (“Таблица содержания” матнда кейинги ўринларда жадваллар мундарижаси деб юритилади) ойнасининг мавзули қатламлар рўйхати қаторида пайдо бўлади. Мавзули қатлам сифатида рўйхатда кўринган растр номи устига сичқончанинг ўнг тугмаси босилади ва ҳосил бўлган менюдан “Приблизит к слою” (2-расм) буйруғи танланади ва ишчи ойнанинг экстенди бўйича мазкур растр экранда намоён бўлади.

Растрни фазовий боғлаш қуйидагикетма-кетликдаги амаллар бажарилади:

Ускуналар панелида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, активлаштирилмаган ёрдамчи панеллар қаторидан “Пространственная привязка” панели активлаштирилади;

Ҳосил бўлган менюдан “Приблизит к слою” буйруғига муурожаат қилинади;


Сўнгра ишчи ойнанинг экстенди бўйича мазкур растр экранга кўринади;

Координаталар киритилиб бўлгач, “Пространственная привязка” панелидаги “Трансформировать” буйруғига муурожаат қилинади;

Ишчи соҳада “Сохранит как” номли дарча пайдо бўлади (3-расм);


Мазкур дарчадан “Выходное место положения” бандига компьютер доимий хотирасига сақланадиган жой номи кўрсатилади ёки танланади;

“Имя” яъни растр номи ёзилиши зарур бўлган жойда растр номи ёзилади ва формати танланиб олиниб “Сохранить” тугмаси босилади ҳамда фазовий боғланган растр хотирада сақланади.




Геоахборот тизими мавзули қатламларини шакллантиришда кўпинча растрларни рақамлаштириш талаб этилади. Бунда растр кўринишидаги маълумотларни вектор кўринишидаги маълумотларга айлантирилади.

Растр қатламдан вектор маълумотларни ҳосил қилишнинг энг оддий йўли бу вектор объектларни қўл ёрдамида компьютер мониторидан сичқонча ёки махсус курсорлар ёрдамида (компьютер дастурларида) рақамлаштиришдир.



Растрни фазовий боғлаш, arcCatalog ёрдамида яратилган маълумотлар базаси ArcMap асосий менюсининг панелидаги “добавить данные” тугмаси орқали ҳосил бўлган дарчадан танланиб жадваллар мундарижасига олинади;

“Редактор” панели орқали “Начат редактор” буйруғи танланади ва редактор панелидаги ускуналар актив холга келади ва ишчи ойнанинг ўнг томонида “Создать объекты” ойнаси ҳосил бўлади (4-расм);



“Создать объекты” ойнасидаги мавзули яъни чизиқли, нуқтали ва майдонли қатламлардан бири векторланмоқчи бўлган объект турига қараб танланади ва растр устига бориб векторлаш ишлари амалга оширилади (5-расм);

Векторлаш ишлари яқунлангач асос бўлиб хизмат қилган растрни жадваллар мундарижасидан ноактив холга келтирилади;

Векторлашда хизмат қилган мавзули қатламларга шартли белгилар бериш учун жадваллар мундарижасидан мавзули қатлам белгисига сичқончанинг чап тугмаси бир марта босилади ва юзага келган “Выбор символа” дарчасидан мавжуд шартли белгиларни танлаш, ўзгартириш ёки янгидан яратиш имкониятини беради;

Растрларни сифатини яхшилаш учун растрни рангини очартириш, тўқлаштириш, ёрқинлаштириш ва шаффофлик даражаларини кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Бу жараён қуйидаги кетма-кетликлар ёрдамида амалга оширилади:


-ускуналар панелига сичқончанинг ўнг тугмаси босилиб, активлаштирилмаган ёрдамчи панеллар қаторидан “Эффекты” панели активлаштирилади ();

-ишчи ойнада активлашган “Эффекты” панели ёрдамида “Слой” бандига тузатма киритилмоқчи бўлган растр белгиланади;

“Контраст” буйруғидаги қийматлар орқали мазкур растрнинг рангларини ўзгартириш мумкин;

“Яркость” буйруғидаги қийматлар орқали мазкур растрнинг ёруғлигини ўзгартириш мумкин;

“Прозрачность” буйруғидаги қийматлар орқали мазкур растрнинг шаффофлик даражаси ўзгартирилади.



б-расм

Растрни қирқиб олиш, ишчи ойна соҳаси (экстенти) бўйича ёки мавзули қатлам асосида вектор шаклидаги белгиланган майдон бўйича амалга оширилади. Ишчи ойна соҳаси (экстенти) бўйича растрни қирқиб олишда фақат соҳадаги кўриниб турган қисминигина қирқиб олинади. Қолган қисми автоматик тарзда ўчирилади.

Вектор ёрдамида белгиланган маълум ҳудудни қирқиб олишда белгиланган шакл бўйича ҳудуд қирқиб олинади. Вектор ёрдамида растрдаги соҳани белгиланаётганда белгиланган соҳа ёпиқ контур бўлиши керак. Бундан ташқари маълум бўлган X ва Y координаталар бўйича қирқиб олиш амалларини ҳам амалга ошириш мумкин бўлади.

Демак, растрларни анализ қилиш векторизациялаш ишларини бажаришда, электрон карталарни яратишда ҳамда соҳада ушбу маҳсулотлардан фойдаланишни самарали йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга Давлат кадастрлари ягона тизими географик маълумотларини шакллантиришда қўлланилиши мумкин.

ТАВСИЯЛАР

Фарғона вилоятида мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларини тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва мунтазам ошириб бориш, юқори рентабелликка эришиш ҳамда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш мақсадида, яратилган электрон рақамли карталардаги ерлар аэрокосмик растрлар асосида юқори аниқликда туширилади.

ХУЛОСА

Барча вилоятларда ирригация тармоқларининг юқори аниқликдаги электрон рақамли карталари яратилса иш сифатида жуда катта сезиларли

натижаларга эришилади. Шу жумладан ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлиги оширилади, меҳнат сарфлари ҳам камайиб юқори иқтисодий самарадорликга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш тартиби. (Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги 176-сон Қарори).
2. И.Мусаев. Ў.Мухторов. Эргашов М. Геоаборот тизим ва технологиялари. Тошкент 2015.59 б.
3. Р.В. Ковин, Н.Г. Марков. Геоаборот тизимлари. Томск 2008. 69 б.
4. Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М. ва бошқ. Картография ва геовизуаллаштириш. Тошкент-2015 123 б.
5. <http://www.ESRI.com>
6. <http://gis-lab.info>
7. <http://www.geospatialworld.net>

ON THE USE OF RUSSIAN ZEUGMATIC CONSTRUCTIONS FROM THE WORKS OF TRANSLATED UZBEK LITERATURE IN TEACHING RUSSIAN LANGUAGE

Badalova Shakhnoza Anvarovna

shah-noza13@mail.u

Master's Student at Fergana State University

ABSTRACT

Understanding of the Russian text is mostly based on the students' native language: analytical comprehension of Russian texts has to be connected to their translation into the native (Uzbek) language. The main form of translation is the literal translation into the Uzbek language, because it expresses the students' understanding of the content and idea of the text.

Key words : zeugma, stylistic figures, comic effect, rhetorical effect, heterogeneous connections, text translation.

INTRODUCTION

In Russian linguistics, zeugmatic constructions are of particular interest due to their unusual semantics. As far back as in ancient times, ZEUGMA was defined as a technique of combining a number of speech units by a common component: this notion has not lost its relevance and remains in the field of view of Russian philologists to the present day. A zeugma is taken into account when the subject of research is a language game, which constantly attracts the attention of linguists.

Zeugma is (Greek for "conjugation", "connection") a term of antique stylistics. In a broad sense, ancient grammarians called zeugma such turns of speech, when a word, more often a predicate, was repeated twice or several times, but put once, and in other places only implied.

In a narrower sense, the term zeugma meant the repetition of a word, e.g. a verb, placed once, not in the same, but in a close meaning. The zeugma was sometimes seen as a rhetorical figure, for example: "Shyness overcame passion, fear overcame impertinence, prudence over madness" (repeating roughly the same segments of speech, the members parallel in construction).

METHODS

The zeugma is one of the most striking and also one of the most difficult stylistic figures of speech to form. The term 'zeugma' refers to a wide variety of speech phenomena, but we can find that all of its definitions cluster around two understandings of the phenomenon.

On the grammatical side, zeugma is seen as an absence of repetition, dictated by the economy of linguistic resources. For example, Quintilian, the ancient Roman rhetorician, describes zeugma as a figure formed by abbreviation.

From a stylistic point of view, zeugma is defined as a figure in which one word is grammatically linked to two or more words, although in meaning it refers to only one of the words or refers to them in different senses: as the grammatical agreement of two words that have different meanings, e.g. 'abstract' and 'concrete'. So a zeugma is a construction with non-uniform links of subordinate elements with a common subordinating word. A zeugma creates a comical, less often a rhetorical effect due to the grammatical or semantic heterogeneity and incompatibility of the components of the grammatical construction. According to E. M. Beregovskaya, in "the author's speech zeugma is capable of conveying all shades of comic: from soft humour and unassuming amusing burlesque to satire... zeugma is highly organic to poetic associative perception and reflection of the surrounding world".

Linguistic researchers T.R. Levitskaya and A.M. Fitterman define zeugma as follows: "This technique consists in the fact that two or more homogeneous members act as complements under one verb with which they cannot simultaneously be combined paradigmatically... The effect of this technique is the collision of two verb meanings - direct and figurative, free and lexically connected". It is clear from this definition that they regard as zeugma only those cases where the homogeneous members are complements of the same verb. Such an understanding seems, in our view, narrow and insufficient.

The 'Poems on figures of eloquence' by an unknown Latin author (dated by M. L. Gasparov as IV A.D.) treats the figure 'zeugma' ('sheaf') as follows: 'In a sheaf several words are linked by a single word: 'Ebol by the sword, Lycon is beaten by the spear and Pedasimus by the arrow' - here we read 'beaten' both to the first words and to the last".

Zeugmatic constructions are stylistic figures used in the process of communication: speaking, reading, writing, listening. Psycholinguists argue that reading in Russian (as a foreign language) is a very complex activity in its structure and content, which is expressed in the fact that the reader not only perceives the printed text, but correctly and accurately understands the author's thoughts expressed in it, critically evaluates

and consciously assimilates them for the purpose of creative application in the process of communication - in the process of communication in Russian.

The process of communication requires two basic conditions: the ability to express one's thoughts correctly, the ability to put thoughts into a linguistic shell grammatically correct - on the one hand, and the ability to understand these thoughts correctly - on the other hand.

Understanding of the read text is a very complex process, characterised by varying degrees of depth, clarity, completeness and validity. The depth of understanding is determined by the richness of the connections that readers uncover, their versatility and regularity. Reading text, students should understand not only the individual thoughts of the author, not only the course of these thoughts and the logic of the author's reasoning, but also should try to comprehend his main conclusions and inferences. According to psychologist A.A. Smirnov, full and clear understanding is achieved when we can express it in our own - native - language. Consequently, to read and understand a text in a foreign (Russian) language means to translate it into the native (Uzbek) language of the reader.

The most important support in understanding a Russian text is the pupils' native language: analytical understanding of Russian texts should be linked to their translation into their native (Uzbek) language. The main form of translation is literal translation into Uzbek, because it expresses the students' understanding of the content and idea of the text. The literal translation of the text encourages students to compare all elements of the studied Russian language with the corresponding elements of the native Uzbek language and thus to understand the Russian texts in a fuller and deeper way.

RESULTS

Uzbek students can more easily understand Russian texts by Uzbek authors and poets whose works are familiar to them from their course in Uzbek literature. We have analyzed the works of A. Kadyri and H. Hamza translated into Russian, and identified zeugmatic constructions used by the translators from Uzbek into Russian. Consideration of such constructions, in our opinion, helps students to better understand and master the studied Russian language.

For example, from the Russian-language novel "Scorpion from the Altar" by A. Kadiri we can consider such zeugmatic constructions:

1. That day, even before noon, for the first time in their lives they saw a man with a great conscience, with a lion's heart.
2. Indeed, a person may be capable of treachery for profit or under the threat of death.
3. Because my conscience is calm, my soul is pure and my heart is full of love!

4. Tulips with black hearts will bloom on my grave; they are the black wounds that you and people like you have inflicted on my heart!

Or such zeugmatic constructions from A. Kadiri's Russian-language novel *Days Gone By*:

1. A foreigner... it's Chinese... or some other trouble... Since you don't understand, I'll tell you straight up: a gypsy...
2. It's my business to repent and yours to forgive...

DISCUSSION

One can also consider such zeugma from the story "On Ulak", translated into Russian: "one grabs the carcass, the other snatches it, and pulls it towards himself; a third or fourth man comes, and now eight men are pulling the carcass, each one in his direction.

One of the founders of Uzbek drama was Khamza K. N., who created a famous satirical comedy "The Pranks of Maisara" in 1926. The comedy is based on folklore and abounds in Uzbek expressions and sayings. The author uses colourful language to expose the machinations of officials and their immoral deeds, and praises pure love and fidelity. Hamza, in beautiful folk language, tells the story of Maisara, a woman of intelligence, initiative and ingenuity with a keen and perspicacious tongue.

CONCLUSION

We believe that "The Pranks of Maisara" comedy translated into Russian will also be of interest to Uzbek students of Russian stylistics. For example, such phrases from the comedy are:

1. You will understand when I start swaddling. The harness, the axe, the saw, everything is in place.
2. They say the happy eyes of the Sultan himself can overlook. All the treasures of the white world are worth a nickel in front of my beloved.
3. I warn you once more, this is a dangerous and delicate business, and we must behave with restraint, modesty and no mischief until it is done.
4. I used to see Chupan, he'd caress me and I'd laugh, but when he'd talk, I'd cry.
5. Whether you turn me into a cow, or a donkey, just turn around faster! If I get out of here, I'll make a thousand vows!
6. I'll make you look like a cow!
7. Wait, don't fall down! The main thing now is to get out safely!

REFERENCES

1. Abdullah Kadiri. Days gone by. T.: Publishing house of literature and art named after Gafur Gulyam, 1984; also - Abdullah Kodiriy. Utgan kunlar (a folk singer and poet). T.: UzSSR Davlat nasriti, 1958.
2. Beregovskaya E.M. The Problems of Researching Zevgma as a Rhetorical Figure // Voprosy of Linguistics. 1985. №5. C. 59-67.
3. Skrebnev Y. M. Outline of the theory of stylistics: Textbook / Y.M. Skrebnev. - Bitter, 1975. - 175 c.
4. Smirnov A.A. Selected Psychological Works. In two volumes. Volume 1, Publisher: Pedagogica, 2007.
5. Hamza Hakim-zadeh Niyazi. The pranks of Maysara : Selected : Pieces / Hamza Hakim-zade Niyazi; [Comp. and author afterword. Sultanov; Translation from Uzb. Ivashev N.; Artist V.Adukhtin]. V. Apukhtin]. - Tashkent : Publishing House of Literature and Art, 1989.

ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATIDA INSON OBRAZI

Madirimova Gulfuza Ro'zmatovna

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti

Jurnalistika fakulteti 1-kurs magistranti

E-mail: gulfuzamadirimova@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Erkin Vohidov she'riyatida inson obrazining badiiy tasviri, shoirning inson obrazi orqali ifodalamoqchi bo'lgan ma'no-mazmun, g'oyalari, maqsadi, obraz yaratishdagi o'ziga xos uslub va novatorlik, badiiy vositalar qo'llashdagi mahorati tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Obraz, uslub, badiiy vositalar, g'oya, mazmun.

ABSTRACT

This article analyzes the artistic image of the human image in the poetry of Erkin Vahidov, the meaning, ideas, goals, unique style and innovation in the creation of the image, the skill of the poet in the use of artistic means.

Keywords: Image, style, artistic means, idea, content.

KIRISH

Erkin Vohidov she'riyatini nafisligi, badiiy jozibasi, falsafaga yo'g'rilgan chuqur ma'no olami, ohangdagi o'ziga xosligi bilan alohida ajralib turadigan she'riy ummonga qiyoslash mumkin. "Erkin Vohidov poetik tafakkuri g'oyat keng va tiniq shoir ekanligini",¹ uning qalamidan to'kilgan satrlarda olam-olam ma'no mujassam bo'lishini juda ko'p olimlar e'tirof qilishgani ham bejiz emas.

Shoir inson va uning umri, bu dunyoda yashashdan asosiy maqsadi aslida nima bo'lishi kerakligi, Alloh ato qilgan umrning nima uchun berilganligi haqida chuqur o'ychanlik va kuyunchaklik bilan yozadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Quyida shoir qalamiga mansub bir qator mazmunan yuksak, badiiy go'zal nazm namunalari tahlili orqali Erkin Vohidovning inson obraziga yuklagan ma'no va mazmunni, g'oya va maqsadini aniqlashga harakat qilamiz. "Suvni kesib, parchalab bo'lmaganidek, asl she'rlarni ham satrma-satr tahlilga tortish g'oyat mushkul".²

Sarlavhasiz ushbu she'rda shoir shunday yozadi:

*Inson fe'li ajabdan ajab,
Yo'qdir unga mezonisiz olam.
Yulduzlarni o'lchar botmonlab,
Qarichlaydi cheksizlikni ham.*

Shoir insonning inson fe'liga xos bo'lgan qiziquvchanlikni, aqliy salohiyatni shu yo'sinda ochib beradi.

*O'zi ega , o'zi qul mangu
O'zi topgan aqidalarga.*

Insoniyat paydo bo'libdiki, u turli urf-odatlarini o'zi yaratib , keyin ularga shu darajada tobe bo'ladiki, bu turli ko'ngilsiz holatlarga ham sabab bo'ladi. Shoir mana shunday holatlarni birgina jumla orqali ta'sirli va badiiy aks ettiradi.

Umrning oqar suvday o'tib ketishi, yoshlik o'rnini keksalik egallab, asta sekin go'zallik tark etishini, ammo inson bundan ranjmay, aksincha, xursand bo'lishini quyidagicha izohlaydi:

*Ko'paysa-da ajinlar garchand,
Oqarsa-da yillardan boshi,
Quvonadi- ko'paydi farzand,
Sevinadi-ulg'aydi yoshi.*

Shoir shu o'rinda inson umri, hayoti mazmuni xususida shunday xulosaga keladi:

*Bu tuganmas orzu-havasda
Bor umidbaxsh imonga asos.
Inson o'lmas.
Asta va asta
Farzandlarga o'tadi, xolos.*

Erkin Vohidov she'rlarida o'ziga xos jihatlaridan biri-u fikrlarini ochiqdan ochiq, oshkora aytib qo'ya qolmaydi. Balki yuragida tug'ilgan o'tkir kinoyali gaplarini ham yengil yumor vositasida kulgili qilib, yumshoqlik bilan aytadi
O'tkir satirani ham yumorga o'rab shunday kulgili holatni o'quvchilar ongida gavdalantiradiki, satrlardan to'kilgan ma'noni anglash jarayonida ham kulgu, o'kinch tug'iladi.

Quyidagi jamiyatdagi, insonlar orasidagi o'ta og'riqli illat haqida shoir shunday tashbehu kinoyalar o'ylab topadiki, o'qigan insonni kulib turib g'am chekishga majbur qiladi.

*Bu qaltis dard,
Ziyrak bo'ling,
Belgilari ayondir:
Bosh sal egik, qo'l ko'krakda,
Til suchuk, yuz alvondir.
Mana unga qarang!
Xushro'y,
Mo'mingina boladir.
Poraxo'rmas, qo'lingizni
Qaytarolmay oladir.*

Aslida, bu yerda o'tkir kinoya bor. Biroq shoir shunday badiiy topilma qiladiki, aslida o'ta qabih ishni qilayotgan odamning xatti-harakatini fazilat sifatida obrazli yaratadi va natijada, o'quvchi shoir fikrini juda yorqin his qiladi, aytmoqchi bo'lgan gapi ongu shuuriga qadar yetib boradi.

*Bu amaldor ko'tarilgan
Kimlargadir suyalib.
Tramvayda yurmaydi hech
Xaloyiqdan uyalib.*

Aslini olganda mansabga tanish-bilishchilik bilan o'tirgan inson bu qilgan ishidan uyalmaydi, aksincha, o'zini odamlardan yuqori qo'yadi, nazariga ilmaydi. Ammo shoirning badiiy topilmalari shunday o'rinli va serjiloki, u aslida bu ish juda uyatli ish ekanini shunday tasvirlaydi. U insonning qilmishini uyalganidan deya o'tkir kinoyani yengilgina aytadi.

“Haq so'z aytmoqqa kattalardan uyalgan hamkasbi” haqidagi kinoya ham juda chiroyli ifodalangan. Shoir jamiyatdagi eng og'riqli, eng qabih illatlarni shu zaylda birin-ketin sanab, ularning sababi “uyalish” deya izohlaydi. Kosa tagida nimkosa deganlaridek, asl haqiqatini satr zamiriga yashiradi. Zukko kitobxon buni ilg'ay olishiga ishonadi.

Shoir jamiyatdagi o'ta og'riqli nuqtalarni bir joyga shunday ustalik bilan jam qiladiki, inson nomiga yarashmaydigan illatlar haqida o'ylab, xulosa chiqarishga chaqiradi.

*Muloyim zot sehgardir,
Naqd qurboni bo'larsiz.
Kulib turib pichoq ura,
Rahmat aytib o'larsiz.*

Потребовалось пять лет, чтобы создатели новостей пришли к мнению, что космические компьютерные декорации в новостной студии – не самая лучшая форма подачи новостной информации. Оформление информационно-новостных телестудий стало более простым и классическим. [1]

Современные новостные телестудии представляют из себя яркую, хорошо освещённую студию, где располагается большой стол для ведущих, с монитором в передней части, а также огромные мониторы позади ведущих шириной 4-5 метров и высотой 1,5-3 метров. В этих огромных мониторах показывают видеоролики, изображения, миниатюры, иллюстрации или просто заглавные тексты касательно тех событий, о которых ведут речи ведущие.

Говоря о самих телевизионных информационно-новостных программах современности, можно сказать, что они стали многогранными и делятся на несколько стилей. Выделяются три основных стиля, они: *классический, домашний и публицистический стиль*.

1. Классический стиль. Это информационно-новостная программа, которая придерживается формата новостей государственных телеканалов. В этом стиле новость подаётся довольно официально, ритмично, коротко и ясно. Главное внимание уделяется – событиям текущего дня. Строгое оформление студии, строгий стиль ведущего могут охарактеризовать специфику этого стиля подачи новостей. Данный стиль более выражен в новостных передачах «**Yangiliklar 24**» или «**Axborot 24**», «**Taxlilnoma**» на государственном телерадиоканале «**O'zbekiston 24**». Такие новостные программы как «**Davr**» на телерадиоканале «**Yoshlar**», «**Zamon**» на телеканале «**Sevimli**», «**Bu Kun**» на телеканале «**ZO'R TV**», «**Uzreport News**» на телеканале «**UzReport**» стараются также придерживаться к этому стилю.

2. Домашний стиль. Здесь совсем другой принцип подачи новостного материала. Новостная студия оформлена менее строго, ведущим необязательно сидеть за столом, они могут вести программу стоя или сидя на диване. Первым может подаваться сюжет интересный, необязательно неоперативный, но из серии «Все обсуждают в махалле». Ведущий держится вольно, говорит больше, может спокойно прокомментировать тот или иной новостной материал. Сюжеты длиннее, чем в первом варианте. Так работают в программе «**Markaziy Studiya**» на телеканале «**Mening Yurtim**».

3. Публицистический стиль. Здесь, особая подача новостей, где одно событие, один сюжет служит стержнем для всего выпуска новостей. Говоря точнее, именно он становится основой для интерактивной коммуникации со зрителями. Безусловно, сюжет сам по себе яркий, острый, интересный.

Вёрстка новостных программ на телевидении.

Верстка является одной из важнейших составляющих выпуска новостей, решающим этапом создания программы. «Это процесс, состоящий из отбора материалов и структурирования выпуска, то есть расстановки экранных сообщений в определённой последовательности» [2].

Каждый телеканал, любая телепередача стремятся удерживанию постоянных зрительских интересов, и в этом особом деле главным инструментом и хорошим помощником является верстка.

От чего зависит верстка информационно-новостной программы?

Н.В. Зверева считает, что вёрстка зависит от:

- Концепции и стиля программы;
- Политических и художественных предпочтений главного редактора (руководителя программы), согласованных с учредителями;
- От качества подготовленных сюжетов к эфиру;
- Оперативности подготовленного материала и возможности сыграть на опережение конкурентов;
- Драматизма события: стихийные бедствия, катастрофы, война, политические катаклизмы (новые назначения или снятия с должности, арест крупного олигарха или чиновника, принятие закона или указа) и т. д.;
- Субъективного фактора в лице бригады выпуска новостей, вкусов и предпочтений режиссера, редактора. Сегодня для одного выпуска новостей в среднем подготавливается около 10 -13 сюжетов. Формула первого сюжета – это важность и оперативность, умноженные на качество материала. Всегда важно, насколько хорошо это снято и прокомментировано. Однако все сюжеты программы не могут быть наивысшего качества, поэтому многие телеканалы выстраивают верстку своих новостных программ не по принципу «сверху вниз», от самого интересного и качественного к самому скучному и «слепленному на скорую руку», а по принципу «волны», то есть с пиками самых интересных материалов через определенные временные промежутки. Такими «пиковыми» сюжетами, к примеру, могут стать первый, четвертый, восьмой (или девятый), в зависимости от длины сюжетов и от их общего количества [3].

А также следует уделить особое внимание контенту новостной программы. Контент телепередач состоит из новостных информационных. Это могут быть:

политические, социальные, спортивные, криминальные, оперативные, климатические, технологические, развлекательные и др. типы новостей. Как принято, обычно государственные телеканалы в своих новостных выпусках показывают политические, социальные и спортивные новости в строгом государственном уровне. Ярким примером служит отечественный телеканал «O'zbekiston 24», где в основном освещаются государственно-общественные новости.

А коммерческие телеканалы в своих выпусках могут показывать новости более развлекательного характера, которые заманивают зрителя своей популярностью и остротой сюжета. На сегодняшний день, коммерческие телеканалы Узбекистана ведут конкуренцию в сфере новостных программ. Потому-что, именно собственная новостная служба является одним из главных достоинств телеканалов. И в свою очередь, наличие хорошей и популярной среди населения собственной новостной службы, гласит о хорошем рейтинге телеканала. Среди новостных программы коммерческих телеканалов Узбекистана, лидерами в этой области являются: «Markaziy Studiya», «Zamon», «Bu Kun» и «Uzreport News». «Zamon», «Bu Kun» и «Uzreport News» придерживаются классическому стилю подачи новостей. Классическая новостная студия, ведущие в строгих классических нарядах. Вёрстка начинается от местных новостей, дальше идут зарубежные новости и в конце спортивные новости.

А программа «Markaziy Studiya» придерживается иному стилю. Вместо привычных для нас больших столов, создатели предпочли диваны для ведущих. Двое ведущих сидя на диванах или стоя ведут программу. Здесь контент и вёрстка расставлены по-иному, преобладающее количество показываемых новостных сюжетов – местные “проблемы”. Программа также располагает несколькими рубриками. Ведущие не только повествуют о событиях, но и могут их комментировать и высказать своё мнение в форме разговора друг с другом.

Общенациональным движением “Yuksalish” изучалась популярность информационных программ телеканалов среди граждан. [4]

Первая шестёрка:

- 1 место – «Markaziy Studiya» на телеканале «Mening Yurtim»
- 2 место – «Zamon» на телеканале «Sevimli»
- 3 место – «Axborot 24» на телерадиоканале «O'zbekiston 24»
- 4 место – «Bu Kun» на телеканале «ZO'R TV»
- 5 место – «Uzreport News» на телеканале «UzReport»
- 6 место – «Davr» на телерадиоканале «Yoshlar»

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Телевизионные новостные программы были и по-прежнему остаются одной из самых действенных, эффективных и социально важных форм передачи и распространения информации. Главная функция информационно-новостных программ -превращение фактической информации в новости о событиях. Достоверность, аргументированность, объективность и оперативность новостной информации, транслируемой на экраны телевизоров – незаменимый фактор получения доверия у зрителей. Новостные программы очень важны для деятельности телеканалов, так как они являются основным фактором успеха телевизионного эфира каждого телеканала. В наши дни новости стали неотъемлемой частью жизни как самих телеканалов, так и жизни телезрителей, которые получают достоверную и нужную информационную сводку через телевизионных новостей.

И следует отметить, что новость должна характеризоваться как нечто необычное и удивительное. Яркий пример этой мысли отражается в книге известного американского журналиста 20-го века Ф. М. О'Брайена «История “Сан”»:

“Если собака кусает человека, это не новость; новость – если человек кусает собаку”. [5]

Здесь говорится о том, что если собака укусила человека – то это обычное явление, такое случается часто. Но, а если человек умудрился укусить собаку – это дело необычное, это уже новость.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Чарльз Л. Понсе де Леон – “Так Оно И Есть: История телевизионных новостей в Америке” Чикаго 2005
2. В. Цвик – “Телевизионная журналистика” Москва 2002, с. 141
3. Зверева Н.В. “Школа тележурналиста” Нижний Новгород 2009. – с 272.
4. <https://aniq.uz/uz/yangiliklar/uzbek-telekanallari-reytingi-qaysi-kanal-nechanchi-urinda>
5. Ф. М. О'Брайен «История “Сан”» Нью-Йорк 1918, с 241

“MAORIF VA O‘QITG‘UCHI” JURNALI HAQIDA

Muratova Aziza Kamilovna

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti
jurnalistika fakulteti 1-kurs magistranti

aziza.muratova.3141@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada 1925-1933-yillarda nashr etilgan “Maorif va o‘qitg‘uchi” jurnali tadqiq qilinadi. Tadqiqot obyekti sifatida jurnalning 1925-1933-yillarda chiqqan sonlari olingan. Maqolaning ilmiy ahamiyati shundan iboratki, uning natijalarini “Jurnalistika tarixi”, “Chet el adabiyotshunosligi tanqidchiligi va tarixi” va “Adabiyot nazariyasi” darslarida qo‘llash mumkin.

Kalit so‘zlari: “Maorif”, “Maorif va o‘qitg‘uchi”, jurnal, matbuot, bibliografiya, folklor.

ABOUT “MAORIF VA O‘QITG‘UCHI” MAGAZINE

ABSTRACT


This article examines the journal “Maorif va o‘qitg‘uchi”, published in 1925-1933. The object of research was the issues of the journal published in 1925-1933. The scientific significance of the article is that its results can be used in the lessons “History of Journalism”, “Critique and History of Foreign Literary Criticism” and “Literary Theory”.

Keywords: “Maorif”, “Maorif va o‘qitg‘uchi”, journal, press, bibliography, folklore.

XX asr boshlaridagi adabiy-tanqidiy manbalarga boy jurnallardan biri “Maorif va o‘qitg‘uchi” jurnalidir. Jurnal 1918-yildan 1925-yilgacha “Maorif”, “Bilim o‘chog‘i” nomlari bilan chiqarilgan bo‘lsa, 1925-yil mart oyidan boshlab “Maorif va o‘qitg‘uchi” nomi bilan nashr ettirilgan. U keyinchalik 1934-1937-yillar oralig‘ida “Politeknik maktab va pedagogika”, 1937-yildan “Sovet pedagogikasi” nomi bilan chiqarilgan. Jurnal faoliyati urush yillarida to‘xtab qolgan va 1951-yildan “Sovet maktabi”, mustaqilligimizdan keyin (1991-yil) “Xalq ta’limi” nomi bilan faoliyat ko‘rsatgan. Jurnal faoliyatini quyidagi jadvalda ko‘rishingiz mumkin:

№	Jurnal chiqarilgan yillar	Jurnal nomlanishi
1.	1918-1925-yillar	“Maorif”, ”Bilim o‘chog‘i”
2.	1925-yil mart oyidan-1933-yilgacha	“Maorif va o‘qitg‘uchi”
3.	1934-1937-yillar	“Politexnik maktab va pedogogika”
4.	1937-yildan	“Sovet pedogogikasi”
5.	1951-yildan	“Sovet maktabi”
6.	1991-yildan hozirgacha	“Xalq ta‘limi”

XX asr matbuotida salmoqli o‘rin egallagan “Maorif va o‘qitg‘uchi” jurnali 1925-yil mart oyidan boshlab 1933-yilgacha Toshkentda O‘zbekiston Davlat nashriyotining birinchi matbaasida chop etilgan. U 1925-yil oktabrda kichik hajmda, bir ustunlik 160 betlik bo‘lib nashr etigan bo‘lsa, 1926-yildan katta hajmli ikki ustunlik, 38-98 betlik bo‘lib chiqqan. Mazkur jurnal arab (1925-1929-yillar), lotin yozuvlarida (1929-yil 4-sondan-1933-yil) chop etilgan. Uning idorasi Samarqanddagi Sovetskaya ko‘chasi 31-uyda joylashgan edi. O‘zbekiston Jumhuriyati Maorif komissorligi tomonidan ta‘sis etilgan jurnal ta‘lim-tarbiyaviy, ijtimoiy, ilmiy, fanniy jurnal deb yuritilgan. 20-yillar matbuoti bilan chuqur shug‘ullangan olim Ziyos Said: “Bu jurnal oylik bo‘lib, borgan sari muvaffaqiyat qozonmoqda va kundan kunga takomillashib o‘quvchilarni o‘ziga tortmoqdadir...” degan fikrlarni keltirgan. 1925-1933 yillar oralig‘ida jami 79 ta jurnal nashr ettirilgan. Jurnal mas‘ul muxarrirlari: Davlat Rizo o‘g‘li, Said Ahmad Nosirov, Mo‘min Xo‘jayev; tahrir hay‘ati: Mannon Ramz, Qurbon G‘iyosov, Abdulla Karimov, tahrir hay‘ati: Nosih Muhiddinov, Qurbon Beregen, U Salimov.



⁹ Rasmda “Maorif va o‘qitg‘uchi” jurnalining 1929-yil 5-sonining oldi-orqa muqovasi ko‘rinishi keltirilgan

Jurnal quyidagi ruknlardan iborat bo‘lgan:

“Rasmiy bo‘lim”, “Umumiy bo‘lim”, “Ta‘lim-tarbiya”, “Ijtimoiyyot”, “O‘lkani tanish”, “Adabiyot”, “Lug‘at va atamalar”, “Fan va texnika”, “Tanqid va kitobiyot”, “G‘arb adabiyoti”, “Tarjimayi hol”, “Til va istiloh”, “Go‘zal san’atlar”, “Adabiy taftishlar”, “Maorif xabarlar”, “Siyosiy oqartirish”, “Iqtisodiyot”, “Dehqonchilik”, “Mahalliy xabarlar”, “So‘roq-javoblar”, “Xabarlar”, Idoradan javob va kengashlar”, “E‘lonlar”.

1927-yilning 7-8-sonlaridan boshlab “Bolalar bo‘limi” ilova qilingan. Uning 1-soni avgustda 4 betlik bo‘lib chiqqan. Ertak, she‘r, hikoyalar chop etilgan.

Jurnal haqida fikr-mulohazalar. Sotti Husayn 1929-yil 25-fevral “Yosh leninchi” gazetasi orqali “Maorif va o‘qutg‘uchi” jurnalining ayrim ruknlari haqida bir maqola e‘lon qiladi. U tanqid uchun jurnalning 1928-yil 11-sonini asos qilib oladi. Jurnalning —Tanqid va kitobiyat, “Adabiyot”, “Ta‘lim-tarbiya” bo‘limlari haqida so‘z yuritadi.¹⁰

Oradan ko‘p vaqt o‘tmay “Maorif va o‘qutg‘uchi” jurnali haqida yana bir tanqidiy



maqola chop etildi. Bu safar boshqa gazeta, jurnallarda emas aynan “Maorif va o‘qutg‘uchi” jurnalining 1929-yil 4-sonida bosib chiqarildi.” Bu maqola mahalliy xabarlar rukni ostida Davidov Aziz tomonidan e‘lon qilindi. Bu ikki muallifning asosiy talabi jurnaldagi ta‘lim-tarbiyaga ko‘proq ahamiyat qaratib, siyosiy va ijtimoiy masalalarni boshqa nashrlar zimmasiga yuklashni tashkillashtirish edi. Bu maqolalar beiz ketgani yo‘q. Ko‘p o‘tmay jurnalning badiiy-estetik saviyasi sustlasha boshladi va 1929-yilning oxiri 1930-yillarda jurnal inqirozga uchradi. Sotti Husayn aytganidek, “Adabiyot” bo‘limi olib tashlandi, jurnal chinakamiga metodik qo‘llanmaga aylandi.

¹⁰ Rasmda Sotti Husayning 1929-yil 25-fevralda “Yosh leninchi” gazetasiidagi maqolasi.

Muqovalari ham, sahifalari ham barcha-barchasi o'zgardi va ko'p o'tmay nashr etilmasdan qoldi. El ta'lim va tarbiyasiga hissa qo'shgan matbuot nashrining taqdiri shu tarzda yakunlandi..." (Saodat Fayziyeva "Xalq ta'limi" jurnali tarixi" maqolasidan). Lekin jurnal sahifalarida o'z davrida adabiyot va adabiyotshunoslik uchun juda muhim bo'lgan maqola va asarlar nashr etilgan. Jurnalda Vadud Mahmud, Mo'min Sattoriy, Olim, Fitrat, Fotih, Cho'lpon, Sherbek, Qodiriy Yoqub, Hoji Mu'in, G'ozzi Olim, Azizzoda Laziz, Kobikov, Romiz Mannon, Shoir Tohir, Zarifiy Hodi, Zohiriy Ashurali, Majidiy Abdulhamid, Miyon Buzruk, Mutolaachi, Nozim.H, Olim Sayfi, Samaylovich A, Sir, Tangriberdi X, Shokir Sulaymon, Ismoil Hikmat, Rahimali, Rahmon F, Rahim Hoshim, Tixonovich, Tohiriy Ibrohim, Turusunqul, Fitch, Suboy, Muhiddinov N, Boyburova Sh kabi munaqqidlarning adabiy-tanqidiy maqolalari berilgan. Maqolalarda turli mavzulardagi muammolar yoritilganligi uchun biz "Maorif va o'qitg'uchi" jurnalida e'lon qilingan maqolalarni mavzusi va mazmuniga ko'ra quyidagicha tasniflanadik:

Folklorga oid maqolalar;

Sharq mumtoz adabiyoti tarixiga oid maqolalar;

XX asr o'zbek hamda boshqa qardosh xalqlar adabiyoti va san'atiga oid maqolalar;

Jahon adabiyotiga oid maqolalar;

"Maorif va o'qitg'uchi" jurnalidagi maqolalarning mavzu, mazmuniga ko'ra bibliografiyasi

I. Folklorga oid maqolalar:

1. G'ozzi Olim. **Alla to'g'risida bir necha so'z.**(Folklor haqida). // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №4
2. Zarifiy Hodi. **Xalq shoiri Muhammadqul Jonmurod o'g'li Po'ltan.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1927-yil, №7-8

II. Sharq mumtoz adabiyotiga oid maqolalar:

1. Vadud Mahmud. **Fuzuliy Bag'dodiy** (yubiley munosabati bilan) // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №4
2. Vadud Mahmud. Ismoil Hikmat. **"Turk adabiyoti tarixi"** (tanqid va bibliografiya) // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, № 9-10
3. Vadud. **Navoiygacha turk adabiyoti** . // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №2(14)
4. Vadud Mahmud. **Alisher Navoiy** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №3
5. Vadud Mahmud. **Fuzuliy Bog'dodiy** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №4
6. **Fuzuliy va Navoiy to'g'risida.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №4

7. Fitrat. **Qutag‘u bilik.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1925-yil, №2
8. Sherbek. **Go‘zallik va uni sevish.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1925-yil, №9-10
9. Cho‘lpon. **“Shoxnomaning turkcha tarjimasi”** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1925-yil, №5-6
10. Fitrat. **Navoiyning forsiy shoirliги ham uning forsiy devoni to‘g‘risida.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1926-yil, №12
11. Fitrat. **O‘zbek klassik musiqasi va uning tarixi.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1926-yil, №12
12. Zohiriy Ashurali. **Navoiyning yubileyi va tarjimai holiga yangi bir sahifa.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927-yil, №1-2
13. Majidiy Abdulhamid. **Meriyning boshqa asarlari to‘g‘risida.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927-yil, №7-8
14. Majidiy Abdulhamid. **Shavqiy.** (Muhammad Sharif Abulqosim). // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927-yil, №12
15. Majidiy Abdulhamid. **Shoir Meriy** (Muhammad Ochilmuroq Ne‘matulla o‘g‘li). // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927-yil, №6
16. Miyon Buzruk. **O‘zbek tarixiga oid to‘rt muhim kitob.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927-yil, №9-10
17. Samaylovich A N. **“Muhabbatnoma va taashshuqnoma”.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927-yil, №3-4
18. Sir. **Go‘zal san‘atimiz.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927-yil, №11
19. Fitrat. **Ahmad Yassaviy.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927-yil, №6-7
20. Ismoil Hikmat. **Navoiyda lirizm.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928-yil, №7
21. Miyon Buzruk. **Bedil.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928-yil, №1
22. Rahmon F. **Navoiy va chig‘atoy adabiyoti.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928-yil, №5-6
23. Fitrat. **Yassaviy maktabi shogirdlari to‘g‘risida tekshirishlar.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928-yil, №5-6
24. Fitrat. **O‘zbek shoiri Turdiy.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928-yil, №12
25. Fitrat. **“Hibbat ul-haqoyiq”.** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928-yil, №10

III. XX asr o‘zbek hamda boshqa qardosh xalqlar adabiyoti va san‘atiga oid maqolalar:

1. Vadud Mahmud. **Bugungi shoirlarimiz va san‘atkorlarimiz** // Maorif va o‘qitg‘uchi. 1925-yil, №4

2. Vadud Mahmud. **Bugungi shoirlarimiz va san'atkorlarimiz** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №4-8
3. Olim. **Bolalar adabiyoti to'g'risida bir fikr.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №3
4. Fotih. **Hozirgi teatruga bir to'xtash.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №5-6
5. Cho'lpon, **"Malikai Turandot"** (spektakl haqida) // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №5
6. Qodiriy Yoqub. **Turk adabiyoti namunalari.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №5-6
7. G'ozzi Olim. **Adabiyot to'g'risida xato nazariyasi.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №4
8. Hoji Mu'in. **Vasiliy.**(tarjimai hol) // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil, №9-10
9. Azizzoda Laziz. **Behbudiy.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №2
10. Romiz Mannon. **Teatru musiqamizning ketishi to'g'risida.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №5
11. Cho'lpon. **"Bazm – cholg'u" todasi"** . // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №6
12. Cho'lpon. **Moskvada ikki turk san'atkori.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №2(14)
13. Shoir Tohir. **So'fizodaning qisqacha tarjimai holi.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №10-11
14. **Shoirimiz Hamza Hakimzodaning qisqacha tarjimai holi.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №10-11
15. **O'zbek adabiyotiga tegishlik ma'lumotlarini to'plaguvchilarga qo'llanma.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №4
16. Hoji Mu'in. **Qozi Kaloni shol va uning bolalari.**(Adabiy taftishlar va tarjimai hol). // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil, №1
17. Mutolaachi. **Kitoblar orasida** (Yangi kitoblar va xorijiy jurnallar haqida). // Maorif va o'qitg'uchi. 1927-yil, №7-8
18. Mutolaachi. **Fitratning ikki muhim asari.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1927-yil, №12
19. Nozim H. **Turk adabiyoti tarixi tadqiqotlarida yangi bir soha.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1927-yil, №1-2
20. Otajon Hoshim. **O'zbekistonda ilmiy ishlar.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1927-yil, №11

21. Ramiz Mannon. **Prolitariat madaniyati**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1927-yil, №9-10
22. Cho'lpon. **"Malikai Turandot"**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1927-yil, №5(29)
23. Shokir Sulaymon. **Oktyabr va san'atimiz**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1927-yil, №10-11
24. **Yosh proletariat adib, shoir to'garagi**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil, №2
25. **Inqilobiy tojik adabiyoti**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil, №11
26. Otajon. **Proletariat va chig'atoy adabiyoti to'g'risida**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil, №4
27. Shokir Sulaymon. **Oktyabr va san'atimiz**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №10-11
28. **Yosh proletariat adib, shoir to'garagi**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №2
29. **Inqilobiy tojik adabiyoti**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №11
30. Otajon. **Proletariat va chig'atoy adabiyoti to'g'risida**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №4
31. Rahim Hoshim. **Inqilobiy tojik adabiyoti**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №11
32. Tursunqul. **Siddiqiy to'g'risida mulohazalar**.(jadid adabiyoti haqida) // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №3
33. Rahim Hoshim. **Inqilobiy tojik adabiyoti**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №11
34. Tursunqul. **Siddiqiy to'g'risida mulohazalar**.(jadid adabiyoti haqida) // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №3
35. Suboy. **Tarixning qonli sahifalari**.(Adabiy xotiralar). // Maorif va o'qitg'uchi. 1929-yil №1
36. Muhiddinov N. **"Milliy ittihadchilar"ning madaniy frontdagi ishlari**. //Alanga №7-8// Maorif va o'qitg'uvchi 1929-yil, №10
37. Boyburova Sh. **Lenin madaniyati haqida**. // Maorif va o'qitg'uchi. 1933-yil №5

IV. Jahon adabiyotiga oid maqolalar:

1. Cho'lpon. **"Ulug' hindi"** (Robindranat Tagor haqinda) // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil №7-8

2. Cho'lpon . **Tagor va Tagorshunoslik.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1925-yil №11-12
3. Kobikov. **Rusiyaning buyuk adiblari.** // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil №3,4,5
4. **San'at to'g'risida bir necha so'z.**(Yevropa san'ati haqida). // Maorif va o'qitg'uchi. 1926-yil №5
5. Rahimali . **Lev Nikolay o'g'li Tolstoy.** (Tug'ligan kuniga 100 yil to'lishi munosabati bilan). // Maorif va o'qitg'uchi. 1928-yil №8-9

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Do'stqorayev B. O'zbekiston jurnalistika tarixi.-Toshkent: G'afur G'ulom, 2009.
2. Karimov N. XX asr adabiyoti manzalari.- Toshkent: O'zbekiston, 2008.
3. Nuriddinova F. Milliy matbuot fixristi. 1-kitob. Toshkent: Milliy kutubxona, 2010.
4. Nuriddinova F. Milliy matbuot sahifalarida.- Toshkent: Manaviyat.
5. Turdiyev Sh, Qoriyev B. O'zbek adabiyotshunosligi va tanqidchiligi bibliografiyasi.- Toshkent: Fan. 2010

BOSHLANG‘ICH SINFLARDA NAVOIYNI QANDAY O‘RGANAMIZ

Asqarova Gulchehra Sobirovna

Yunusobod tumanidagi 258-umumiy o‘rta ta‘lim
maktabning boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi
asqarovagulchehra75@gmail.com

ANNOTATSIYA

Biz bu maqolada Alisher Navoiy asarlarini boshlang‘ich sinflarda qanday jabhada o‘qitish kerakligini, jajji o‘quvchilar qalbiga singdirish yo‘llarini, Navoiyning boy me‘rosini pandnoma va didaktik ruhda o‘qitish usullariga e‘tibor beramiz. Bobokalonimizning har bir asari tub mohiyatida ta‘lim, tarbiya yuqori o‘rinda turadi, oliy maqomga ko‘tariladi.

Kalit so‘zlar: Alisher Navoiy, aforizmlar, matallar, maqollar, o‘quvchi yoshlar qalbiga dars mohiyatini singdirish.

ABSTRACT

In this article, we will focus on how to pass Alisher Navoi’s works in the primary grades, ways to inculcate them in the hearts of young students, ways to convey Navoi’s rich heritage in a pandoma and didactic spirit. In essence, education takes precedence, rises to a higher status.

Key words: Alisher Navoi, aphorisms, proverbs, sayings, instilling the essence of the lesson in the hearts of students.

Biz bilamizki, jamiyki xalqimizning qalbiga buyuk bobokalonimiz Alisher Navoiy asarlari kirib bormagani bo‘lmasa kerak. Chunki ul zotning asarlari barchamizga yosh kitobxonlarimizdan tortib, yoshi ulug‘ kitobxonlarimiz uchun ibratli, keng, mazmundor o‘g‘itlar, maqol va matallar, aforizmlarni hayotiy haqiqatlar bilan qalbimiz quriga jamlovchi durdonalardir. Uning har bir asari, ilmiy bo‘ladimi, badiiy yoki lug‘atshunoslikka oid bo‘lmasin, har birida inson hayotining mazmuni, hayot haqiqatining hikmatlari yotadi. Aytaylik uning turli mazmundagi turli xil asarlari: “Badoye ul-bidoya”, “Navodir un-nihoya”, “Tarixi muluki ajam”, “Tarixi anbiyo-u hukamo”, “Sab’atu abhur”, “Devoni Foni”, “Muhokamat ul- lug‘atayn”, “Majolis un-nafois”, “Nasoyim ul-muhabbat”, “Mahbub ul-qulub”, “Xamsa”, “Holoti sayyid Hasan Ardasher”, “Holoti Pahlovon Muhammad”, “Me‘zon ul-avzon”, “Lison ut-tayr”, “Xazoyin ul-maoniy” devoni kabi barcha – barchasida inson ulug‘lanadi, adolatparvarlik yuksakka ko‘tariladi, mehnatsevarlik, to‘g‘rilik, Allohga bo‘lgan

muhabbat, Vatanga bo'lgan sadoqat, ota-onaga, oilaga hurmat, vafodorlik, nafsnii yengish, iymoni mukammal bo'lish tuyg'ulari; gumanizm g'oyalari ulug'lanib, bosh darajaga ko'tariladi. Shunday ekan, g'azal mulkining sultoni – Alisher Navoiy asarlarini nafaqat boshlang'ich sinf o'quvchilaridan, balki, bog'cha bolalaridan boshlab, yuqori sinflargacha, oliy o'quv yurti talabalarining qalbiga ham bugungi kunda alohida e'tibor bilan singdirilmoqda, shuning uchun ham har bir asar murakkabligi, mazmun darajasi qay yo'sinda ekanligi, yosh chegarasining ko'lamiga qarab har bir sinf darsliklariga kiritilgan. Masalan, Alisherning yoshligi mavzusidagi Oybekning kichik bir hikoyasi 4-sinf O'qish darsligida keltiriladi, unda yosh shoirning do'sti Husayn Boyqaro bilan bo'lgan suhbatii va ular o'rtasidagi do'stona muloqot keltiriladi. Bu suhbatda biz Navoiyni yoshligidan nafis qalb egasi, so'zni sevuvchi, shoirqalbliligini ko'rishimiz mumkin. Shoirning maktabdosh do'stlari bilan qiyos etganimizda ham doimo ul zot go'zallikka oshnoligi, o'zgacha zehni, ko'p kitob o'qishi, hozirjavobliligi bilan yaqqol ko'zga tashlanadi. Do'sti bo'lmish temuriy shahzoda Husayn Boyqaroni ham ta'lanti, noyob aql idroki bilan uni o'ziga tortadi. Podshoning butun umr yo'lida, unga to'g'ri yo'l ko'rsatib, faqat yordamchi emas, suyuqli do'st, aqlli vazir sifatida sobitqadam va hammaslak bo'lgandir. Davlat ishlarida ko'maklashib uning yuksak e'tiborini qozongani "amiri muqarrab" (shohning eng yaqin kishisi) unvonini olgani, bu esa bir muammo masalasi yuzasidan shohga yetti marotaba murojaat etishi mumkinligini anglatgan. Bunday yuksak unvon hammaga ham nasib etmasligi barchamizga ma'lum. Ayniqsa, shoir "Xamsa" asarini yozib tugatgandan keyin Husayn Boyqaro o'zining oq otida Navoiyga jilovdorlik ko'rsatadi. Bu ham Navoiyning naqadar hurmatga sazovor shaxs ekanligidan dalolatdir. O'z navbatida Navoiy ham "Xamsa"ning birinchi dostoni bo'lmish "Hayrat ul-abror" dostonida Bayqaroni "Shoh G'ozii" deb ulug'laydi. Navoiy asarlarning kelib chiqish mohiyati xalq og'zaki ijodi-folklorizmga borib taqaladi. Folklardagi xalq maqollari, aforizmlarning mazmuni Navoiy asarlarining mazmunidir. Masalan, barchamizga ma'lum "Mahbub ul-qulb" (ko'ngillarni sevgani) asari shoirning umrining so'nggi vaqtlarida bitilgan bo'lib hayotiy tajribalar asnosidadir. Unda to'g'rilik ulug'lanadi, egrilik qoralanadi:

*To'g'rilik-o'q, sarv,sham,
Egrilik-kamon yoyi,ilonga qiyos etiladi.*

Egrilik insonni yuztuban qilishi, uni qabih yo'llarga olib borishi uqtiriladi. Boshlang'ich sinf Odobnoma darsliklarida ham Navoiy asarlari pandnoma, nasihatnoma tarzda keltirilgan. Buni quyidagi misralarda ko'rish mumkin. Qit'a:

Boshni fido ayla ato qoshig'a,

*Jismni qil satqa ano boshig'a,
Tun, kunning g'a aylagaliy nurposh,
Birisin oy ayla, birisin quyosh.*

Misralari "Hayrat ul-abror" asaridan keltirilgan bo'lib ota-ona har bir kishi uchun ulug' aziz ekanligi dinimiz ota-ona kim bo'lishidan qat'iy nazar, ularni hurmat eh'tirom qilishga buyuradi, deb uqtiradi. Farzand ota-onaga muomala qilishda, garchi ular xatokor bo'lsalar ham ehtiyot bo'lishi, ularning qalbiga ozor berishdan tiyilmog'i lozim. Shuningdek jamiyatda ham doim ota-onasiga olqish va rahmatlar keltiradigan amallarni qilishi kerak. Ota-onani la'natlash, so'kish bilan ularning nomiga yomon so'zlarni olishi kishi o'zini-o'zi Allohtaoloning la'natiga loyiq qiladi. Allohning la'natiga duchor bo'lish esa rahmatidan mahrum qilinishdir. Bunday inson ikki dunyoda ham saodat topmaydi. Bundan ko'rinib turibdiki, o'quvchi yoshlar qalbiga har qanday holatda ota-onasini hurmat qilishi, ularning duosini olishi, har doim ularga mehribonlik ko'rsatishi yoshligidan singdiriladi. Navoiyning "Muhokamat ul-lug'atayn" asarida esa biz barcha sinf o'quvchilari uchun kerakli bo'lgan fe'l so'z turkumiga alohida to'xtalganini ko'ramiz. Birgina yig'lamoq fe'lining 100dan ortiq variantlarini keltirganini ko'rishimiz mumkin. Masalan, yig'lamoq-siqtamoq-ho'ngramoq va boshqalar. Ovoz darajasining ko'tarilishi va ichki kechinmalarning ifodalanishiga ko'ra fe'llarni darjalab ko'rsatadi. Bu ma'lumotlar boshlang'ich sinf ona tili darsliklarida qisman bo'lsada soddalashtirilgan holda kiritilganini ko'rishimiz mumkin. Shoir hikmatlari ham, ayniqsa, boshlang'ich sinf darsliklaridan boshlab namuna sifatida keltirilgani ham uning ijodini anglash uchun bir debochadir. Navoiy hikmatlari:

*Oz-oz o'rganib dono bo'lur,
Qatra-qatra yig'ilib daryo bo'lur.*

*Bilmaganin so'rab o'rgangan olim,
Orlanib so'ramagan o'ziga zolim*

*Odami ersang, demagil odamiy,
Onikim yo'q xalq g'amidin g'ami.*

Bu hikmatlar hayot haqiqatining in'ikosidir. Bugungi kunimizda xalqimiz uchun g'oyat tafakkur mezonini bo'lib xizmat qilmoqda. Har bir sinf uchun Navoiy asarlarini o'rgatar ekanmiz, avvalo, biz o'qituvchilar, o'zimiz, Navoiy asarlarining ma'nosiga chuqur kirib bormog'imiz va Navoiyni jon-u dilimiz bilan anglamog'imiz kerak! Har bir darsimizni boshlashdan oldin shoirning misralari bilan boshlab, sharhlamog'imiz

dars mavzusining ko‘lamini yanada ko‘rkamroq qiladi va sifatini ta‘minlaydi. Odob-axloq mezonlarini jajji o‘quvchi yoshlar ongiga ta‘sir etish darajasini oshiradi. Xuddi shoirning o‘zi ta‘kidlaganidek:

*Elga sharaf bo‘lmadi joh-u nasab,
Lek sharaf keldi xayoy-u adab.*

Ya‘ni odamzodning sharaf topishi mansab-martaba, boylik, yoki nasab orqali oshmaydi. Insonni faqat xayoy va adab ulug‘laydi. Shu sababli Navoiyning pandnoma o‘g‘itlari odobnoma darsliklarida ko‘p uchraydi.

Masalan, 4-sinf “Odobnoma” darsligida quyidagicha fikrlarni uchratamiz:

*Har kim ayon etsa yaxshi qiliq,
Yetar yaxshilikdin anga yaxshilik.*

Darslikning boshlanishi mana shu hikmatlar bilan boshlanadi. Yana biz kitobning “Milliy merosimiz-faxrimiz” bo‘limida “Navoiy va musavvir” mavzusida hikoya keltiriladi. Bu hikoya mazmunida Navoiyning ijod ahliga muruvvatpashaligini, doim yosh ijodkorlarning homiysi ekanligiga guvoh bo‘lamiz.

Navoiy haqida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev quyidagicha fikrlar bildirib ulug‘laydi: “Alisher Navoiy xalqimizning ongi va tafakkuri, badiiy madaniyati tarixida butun, bir davrni tashkil etadigan buyuk shaxs milliy adabiyotimizning tengsiz nomoyondasi, millitimizning g‘ururi, shan-u sharafini dunyoga tarannum qilgan o‘lmas so‘z sa‘natkoridir”.

2016-yil Poytaxtimiz Toshkentda “Alisher Navoiy nomidagi o‘zbek tili va adabiyoti” unversitetining tashkil etilishi ham bobokolonimizga nihoyatda, hurmat va ehtirom balandligini nishonidir.

Bugungi kunda bu unversitetda juda ko‘plab kelajak talaba, yoshlari yetishib chiqmoqda. Xulosa qilib aytganda Navoiy asarlarini yosh avlod qalbiga singdirish va ularni teran fikrli o‘stirishimiz biz o‘qituvchilarni vazifamizdir.

Navoiy bobomizning 1966-yilda 525 yilligi munosabati bilan Xalq shoiri Abdulla Oripov quyidagicha misralarni bitadi:

*Jahonki muqaddas neni ko‘ribti,-
Bariga onasan, ey qodir hayot,
Besh yuz yil narida boqib turubti
Nurli bu yuzlarga nuroniy bir zot.*

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. “O‘qish” darslik 4-sinf. T.: “Yangi asr avlodi”.2020.
2. “Odobnoma” darslik 4-sinf.T.: “Yangi asr avlodi”.2020.
3. Nurboy Jabborov. “Maoniy ahlining sohibqironi” manografiyasi.T.: “Adabiyot” .2021.
4. "Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug',hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi"
T.: “O'zbekiston” 2019. Shavkat Mirziyoyev

PEDAGOGIK TA'LIM KLASTERI ASOSIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KASBIY KO'NIKMASINI AMALIY SHAKLLANTIRISHNING NAZARIY XUSUSIYATLARI

Jumanova Fotima Uralovna

p.f.n.d, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

jumanovafatima@gmail.com

Jabborova Onaxon Mannopovna

p.f.f.d (PhD), Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

o.jabborova@cspi.uz

Tashanova Farida Zoirovna

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

Pedagogika va psixologiya 1-bosqich magistranti

Suyunovsindor1@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada bo'lajak o'qituvchilarining kasbiy ko'nikmalarini amaliy shakllantirishning nazariy xususiyatlari ilmiy-pedagogik muammo sifatidagi ahamiyati tadqiq qilingan. Ommalashib, kengayib borayotgan so'z va ibora "klaster", "pedagogik ta'lim klasteri", uning ma'nosi, pedagogikadagi amaliy ahamiyati haqida so'z boradi. Unda xorijiy va mahalliy tadqiqotchilarning fikrlari umumlashtirilgan. Bo'lajak o'qituvchilarini kasbiy rivojlantirish tamoyillari, nazariy va pedagogik jihatlari ilmiy asoslangan.

Kalit so'zlar: klaster, pedagogik ta'lim klasteri, kasbiy rivojlanish, o'zini o'zi rivojlantirish, metodik tayyorgarlik.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается значение теоретических особенностей практического формирования профессиональных умений будущих учителей как научно-педагогической проблемной бименоющей практическое значение в педагогике. В ней обобщены взгляды зарубежных и отечественных исследователей. Научно обоснованы принципы, теоретико-педагогические аспекты профессионального развития будущих учителей.

Ключивые слова и понятия: образовательный кластер образования, профессиональное развитие, саморазвитие, техничеккая подготовка.

ABSTRACT

The article examines the importance of theoretical features of the practical significance in pedagogy. It summarizes the views of foreign and domestic researchers. The principles, theoretical and pedagogical aspects of professional development of future teachers are scientifically based.

Some words and concepts: educational cluster of education, professional development, technical training.

KIRISH

O‘zbekiston Respublikasi o‘z oldiga 2030-yilgacha rivojlangan mamlakatlar, TOP – 1000 talikka kirishni maqsad qilib qo‘ygan ekan, bu-bo‘lajak o‘qituvchilar oldiga ham muayyan vazifalarni qo‘yadi. Mazkur vazifalar umumiy o‘rta ta‘lim, professional ta‘lim, oliy ta‘lim muassalarida faoliyat yuritmoqchi bo‘lgan bo‘lajak o‘qituvchilarning kasbiy-metodik, psixologik, pedagogik tayyorligini rivojlantirish bilan belgilanadi.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev “Ulug‘ ustozimizning-I.A.Karimov-ezgu go‘ya va vasiyatlari asosida ta‘lim va tarbiya sohasidagi tub islohatlarni yuksak bosqichga ko‘yarish, mamlakatimiz taqdiri va kelajagi uchun mas‘uliyatni o‘z zimmasiga olishga qodir bo‘lgan yangi avlod kadrlarini voyaga yetkazishga qaratilgan ishlarni izchil davom ettirish hammamizning nafaqat vazifamiz, balki muqaddas burchimiz bo‘lib, biz bu yo‘lda birinchi navbatda, siz, azizlarga, sizlarning bilim va malakangiz, tajriba va mahoratingizga tayanamiz”¹¹ – deb bo‘lajak, yosh kadr va ularga yo‘l-yo‘riq ko‘rsatuvchi malakali, mahoratli, bilimli ustozlarga murojaat qilmoqdalar. Demak, mamlakatimiz taqdiri sifatli kadrlarga bog‘liq. Sifatli kadrlarni esa hali ta‘lim muassasalarida o‘qib yurgan paytlarida tayyorlab bormoq darkor.

Hozirgi kunda bot-bot ishlatilayotgan “klaster” so‘zining ma‘nosi haqida, avvalo, bilib olmoq‘imiz zarur. Inglizcha so‘z bo‘lib “cluster”, “tarmoq”, “shingil”, “to‘plam” kabi ma‘nolarni anglatadi. Bu atama o‘zbek tilining izohli lug‘atiga hali kiritilmagan yangi so‘zdir. “Klaster” atamasi juda yosh. Uni 1990 – yil Maykl Porter iqtisodiyot sohasiga olib kirdi. Ta‘lim sohasiga esa endi kirib kelmoqda. 2011-yil oxirida ta‘lim klasterlarini rivojlantirish uchun zarur shart-sharoitlarni o‘rganish va asosiy vositalarni shakllantirishga bag‘ishlangan Ta‘lim vazirligining buyurtmachisi tomonidan amalga oshirilayotgan yirik loyiha boshlandi. Ta‘lim klasteri bo‘yicha <http://clusters.ntf.ru/> sayt ham hozirda faoliyat yuritmoqda.

¹¹ Sh.Mirziyoyev. Milliy tarqiyot yo‘limizni qat‘iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. Toshkent: “O‘zbekiston”-2017. 24-b .www.ziyouz.com

Pedagogik ta'lim klasteri- muayyan jug'rofiy hududning raqobatbardosh pedagog kadrlarga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish maqsadida bir-biri bilan uzviy aloqadagi teng huquqli alohida subyektlar texnologiya va inson resurslarining integratsiyalashuvini kuchaytiruvchi mexanizm.¹²

Pedagogikada "klaster"- "tarmoqlar metodi texnologiyasi" deb ham ataladi. Bu metod logik fikrlashga, mustaqil tarzda adabiyotlardan foydalanishga, mavzuni chuqur o'rganishga, fikrlash faoliyatini jadalashtirish hamda kengaytirishga xizmat qiladigan usul ma'nosida ham qo'llaniladi.

"Pedagogik ta'lim klasteri asosida" degani bu – respublikamizdagi barcha professional ta'lim, oliy ta'lim muassasalari, oliy ta'limdan keyingi ta'limda tahsil olayotgan bo'lajak pedagoglarni ushbu muassasalar hamkorligida kasbiy ko'nikmalarini ham nazariy, ham amaliy shakllantirishni nazarda tutaymiz.

Bo'lajak o'qituvchilardan kelajakda pedagogik mahoratni, o'z fanini chuqur bilishni, ta'lim jarayonini loyihalashni, tayanch hamda kasbiy kompetensiyalarni egallashni, o'z-o'zini rivojlantirishni talab etadi.

TADQIQOT MAVZUSINING DOLZARBLIGI VA ZARURATI

"Yangi O'zbekistonning tarqiyot strategiyasi"da inson kapitalini, ya'ni uning imkoniyatlarini rivojlantirish va undan oqilona foydalanish vazifalari qo'yilgan. Shu jihatdan pedagogik ta'lim klasteri asosida bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy ko'nikmasini amaliy shakllantirish muammosini tadqiq etish dolzarb bo'lib turibdi, chunki bunda bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy ko'nikmasi ularning aqliy imkoniyatlari, psixologik xususiyatlari asosida tarkib toptiriladi.

Pedagogik ta'lim klasteri – bu ta'lim va tarbiya jarayonida kutilgan samaraga erishish uchun mutaxassis shaxslar hamda muassasalarning izchil hamkorlik qilishidir. Shu sababli Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika institutining bosh ilmiy mavzusi sifatida Innovatsion pedagogik ta'lim klasteri O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 14-apreldagi 213-sonli Qarori bilan belgilangan. Pedagogik ta'lim klasteri bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy ko'nikmasini amaliy shakllantirishda muhim o'rin tutadi, chunki mazkur jarayonda asosiy e'tibor amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga qaratiladi. Ta'lim turlari o'rtasida, pedagogik faoliyatga munosib kadrlarning yo'qligi, kadrlar tayyorlash bo'yicha talab va takliflari chuqur o'rganilmaganligi tadqiqotning dolzarbligidan dalolat. Juda ko'plab oliy ta'limni bitirib borgan yosh kadrlar o'z fanini chuqur bilmasligi, pedagogik jamoaga tezlikda singib ketolmasligi, hujjat yuritishdagi xatoliklar tez-tez uchrab turishi, o'quvchi va ota-ona, hamkasblar bilan iliq psixologik muhit, munosabat yaratilmaganligi, boshqa

¹² G'.Muhammedov,U.Xodjamqulov,S,Toshtemirova, Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri-T.:Universitet,2020. 14-b

kasbiy qiyinchiliklar tufayli ta'lim sohasidan ketib qolish, boshqa yo'nalishlarni tanlash, bekorchilik, og'ir jismoniy ishlar qilib yurish holatlari uchramoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Bo'lajak o'qituvchilarga qo'yiladigan kasbiy talablar, muallim haqida Sharq mutafakkirlari Ismoil al-Buxoriy, Yusuf Xos Hojib, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Abduraxmon Jomiy, Alisher Navoiy, Jaloliddin Davoniy, Abdulla Avloniylarning asarlarida o'z ifodasini topgan. Oliy ta'lim muassasalarida o'qituvchilarni tayyorlash muammolari respublikamiz va chet ellik mutaxassislar tomonidan bir qator adabiyotlarda yoritilgan. Oliy ta'lim jarayonida bo'lajak o'qituvchi shaxsini shakllantirish, o'z-o'zini boshqarish asosida talabalarning ijtimoiy faolligini oshirish va kasbiy shakllanganlikni tashxislash masalalari M.A.Abdullajonova, O.A.Abdulina, A.A.Akbarov, X.A.Abduraxmanova, S.V.Safonovalarning tadqiqotlarida o'rganilgan. O'qituvchining kasbiy mahoratini tadqiq qilgan pedagog olimlar H.Abdukarimov, N.Azizxo'jayeva, A.Aliyev, Yu.A.Axrorov, A.A.Verbitskiy, R.H.Jo'rayev, B.R.Jo'rayeva, J.G'. Yo'ldoshev, S.M.Markova, G.M.Maxmutova, L.M.Mitina, A.G.Morozov, U.N.Nishonaliyev, M.Ochilov, B.Raximov, N.Saidahmedov, V.A.Slastyonin, O'.Tolipov, A.R.Xodjaboyev, A.A.Xoliqov, N.Shodiyev, O.Haydarova, A.A.Hamidov, F.R.Yuzlikayevlarning ishlarida bo'lajak o'qituvchilarning pedagogik mahorati, ta'lim texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari, talabalarning dunyoqarashlari, kasbiy va muloqot madaniyatini rivojlantirish yo'llari va usullari, shuningdek, kasbiy tarbiyalash va tayyorlash muammolari tadqiq etilgan. Bulardan tashqari pedagogik ta'lim klasteri, kasbiy pedagogika, kasbiy faoliyatga tayyorlash TVChDPI professor – o'qituvchilari: G'.Muhammedov, D.Himmataliyev, F.Jumanova, O.Jabborova, S.Toshtemirova, Sh.Botirova, J.Usarov, U Xodjamqulov, J.Yo'ldoshev, F.Ochilov kabi olimlar tomonidan ham tadqiq etilgan.

Tadqiqot maqsadi. Bo'lajak o'qituvchilarning metodik tayyorgarligini takomillashtirish va kasbiy rivojlantirishning ilmiy-pedagogik muammo sifatidagi ahamiyatini tadqiq qilish va tamoyillarini nazariy va pedagogik jihatlarini ilmiy asoslashdan iborat.

Tadqiqot metodlari. Yuqoridagi maqsadga erishish va tegishli vazifalarni bajarish uchun pedagogik kuzatuv, pedagogik monitoring, umumiy o'rta ta'lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan fan o'qituvchilari bilan suhbat, boshqa OTM larning berayotgan ta'limini qiyoslash bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlash borasida test usullaridan foydalanildi.

Kutilayotgan ilmiy yangiliklar.

Metodik tayyorgarlikni takomillashtirish va o'z-o'zini kasbiy rivojlantirishga bo'lgan ehtiyoj yetarlicha shakllantirilsa, bo'lajak o'qituvchilarda o'z kasbiga oid yangiliklarni, fan-texnika yutuqlarini o'rganishga qiziqish shakllanadi. Bu o'z navbatida esa mustaqil ta'lim olish, o'zini o'zi rivojlantirish ko'nikmalarini shakllantirishga olib keladi. Shu bilan birgalikda o'qituvchilar jamoasida obro'-e'tibor qozonish ko'nikmalarini shakllantiradi. Shuningdek talabalarda muvaffaqiyatga bo'lgan ehtiyojni oshirsak, raqobatchilik, o'z ustida ishlash kabi kerakli kasbiy ko'nikmalar shakllanadi. Qiyinchiliklarni ongli ravishda yengish usullari ko'rsatilsa, o'z kasbiga mehr qo'ya oladi. O'qituvchiga xos bo'lgan akmeologik pozitsiyani rivojlantirish orqali adaptatsiyani, atrofdagi voqelikdan shaxsiy rivojlanish uchun foydalanish qobiliyati shakllanadi. O'zini o'zi boshqarish psixotexnikasini o'rgata olsak, kasb asab buzarlilik holatlaridan oson chiqib keta oladi.

XULOSALAR

Jamiyatning malakali va sifatli kadruga bo'lgan ehtiyojlari, fan va amaliyotning rivojlanishi, inson shaxsini rivojlantirishga tobora ortib borayotgan talablar, o'zgaruvchan ijtimoiy jarayonlar hamda vaziyatlarga tez va adekvat javob berish qobiliyati, o'z faoliyatini qayta qurishga tayyorligi va yangi, yanada murakkab muammolarni mohirona hal qilishga tayyorligi bilan belgilanadi. O'z-o'zini rivojlantirish, mustaqil tarzda o'z ustida ishlash kasbiy mahoratni o'zlashtirishdir. O'rganilgan ilmiy tadqiqot natijalari va tahlillari hamda kuzatishlarimiz natijasida bo'lajak o'qituvchilarda kasbiy rivojlanishning quyidagi komponentlarining rivojlanishini e'tiborga olish muhim degan xulasaga keldik:

- pedagogik faoliyatdagi boshqaruvchanlik, texnologik usul va uslublarni ishlab chiqish;
- pedagogik faoliyatning har bir aniq turini loyihalash, tashkillashtirish va amalga oshirish;
- o'qitish jarayoniga mantiqiy yakunlangan pedagogik texnologiyalarni loyihalashtirish va amalga oshirish;
- pedagogik masalalarni olg'a surishda talabalarning ta'limiy ehtiyojlari va bilim darajasini hisobga olish;
- talabalarning faoliyati natijalarini baholash va hisobga olish;
- talabaning motivatsiyasini rivojlantirish;
- talaba bilan ta'lim jarayonida o'zaro munosabatlarni shakllantirish;
- talabaning ta'limiy ehtiyojlarini va jamiyatning talablarini ko'ra bilish;
- kasbiy kompetensiyani shakllanish istiqbolini belgilash va uni amalga oshirish;

- talabning samarali ta'lim olishi va natijaga erishishi uchun metodik tizim yaratish.

TAKLIFLAR

Yuqorida qayd etilganlardan kelib chiqib, ta'lim tizimida bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy rivojlantirish jarayonini isloh qilish bo'yicha quyidagilar taklif etiladi:

- bo'lajak o'qituvchilarni maktablarning rivojlanish maqsadlaridan kelib chiqib, ularning maqsadli va muammoli kurslarning dasturlarini ishlab chiqish;
- talabning individual tipologik xususiyatlarini hisobga olgan holda bilim o'zlashtirishga oid motivatsiyani uyg'otish, o'quv faoliyati va bilish darajasini rivojlantirishga doir akmeologik mashg'ulotlarni tashkil etish;
- bo'lajak o'qituvchilarni o'qitish jarayonida psixologik treninglar o'tkazish;
- bo'lajak o'qituvchilarga topshiriqlar ishlab chiqishga mo'ljallangan amaliy-o'quv mashg'ulotlarini tashkil etish.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Sh.Mirziyoyev. Milliy tarqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib,yangi bosqichga ko'tarmiz.Toshkent:. O'zbekiston-2017.24-bet
2. G'.Muhammedov,U.Xodjamqulov, S.Toshtemirova.Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri – T.Universitet, 2020.14-b
3. M.Xalilova. Klaster ta'lim tizimining uzluksizligi uzviyligiga va izchilligini ta'minlovchi model sifatida. SCIENTIFIC JOURNAL.Impact Faktor -2020:4.804 Volumi 1
4. Q.Mahmudov, Z.Sanoqulov, N.Shayxislamov, D.Qarshiyeva. SCIENCE AND EDUCATION.Scientific Journal, 2020.october Volume1.ISSUE 7
5. M.Shodiyeva. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy rivojlantirishning ilmiy – pedagogik jihatlari.Zamonaviy ta'lim.2021.4(101)
6. Sh.Baxshulloyeva.Boshlang'ich sinf o'qituvchisining kasbiy pedagogik faoliyatini takomillashtirish.Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar.-2021.№3 ISSN2181-1709 (P)
7. <https://apriori-nauka.ru/uz/monograph/klaster-monitoring>.

BI-ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА ҚЎЛЛАШ

т.ф.д.,к.и.х **Озод Жўраевич Бабомурадов**

Жиззах шаҳридаги Қозон Федерал университети филиали директори

bobomuradov@gmail.com

Шохрух Маткарим ўғли Матчонов

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-

тадқиқот институти стажёр тадқиқотчиси

shohruhmatchonov@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ҳозирги кунда кенг қулоч ёзиб ривожланаётган маълумотларни интеллектуал таҳлиллашни амалга оширишга йўналтирилган BI-тизимларни назарий жиҳатдан асослаш, манбалар таҳлиliga асосланиб, мавжуд BI-платформаларни солиштириш ва зарурий хулосалашларга бағишланган. Катта ҳажмли маълумотларни таҳлиллаш нафақат илмий тадқиқотчилар, балким амалиётчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Катта ҳажмли маълумотларни турли кўринишда ва кесимларда таҳлиллаш механизмини шакллантириш мумкин. Бундай воситалар орасида BI-тизимларига бўлган эҳтиёж ошиб бормокда. Шу туфайли тадқиқотлар дебочаси сифатида таққослама таҳлилга асосланиб, бир қанча тизимларнинг устунлик ва камчилиги жиҳатлари очиқ берилган. Ҳосил қилинган ахборот тизимларидан таҳлиллашга йўналтирилган BI-тизимларини шакллантириш асослари келтирилган.

Калит сўзлар: Маълумотлар базаси, таҳлиллаш, билимлар базаси, бошқариш, қарор қабул қилишга кўмаклашиш, қарор муқобиллари, BI-тизимлар, OLTP, OLAP, таълим, қоидалар базаси.

BI-SYSTEMS AND THEIR USE IN SOLVING PRACTICAL PROBLEMS

ABSTRACT

This article provides a theoretical basis for BI-systems aimed at the implementation of intellectual analysis of currently evolving data, based on resource analysis, to compare existing BI-platforms and draw the necessary conclusions. The analysis of large volumes of data has aroused great interest not only among researchers, but also among practitioners. It is possible to form a mechanism of analysis of large

volumes of data in different views and sections. Among such tools, there is a growing need for BI systems. As a result, as a prelude to the study, based on comparative analysis, the advantages and disadvantages of many systems have been revealed. The basics of the formation of BI-systems aimed at analysis from the generated information systems are given.

Keywords: Database, analysis, data science, management, decision making, decision alternatives, BI systems, OLTP, OLAP, education, rule base.

КИРИШ

Дунё ахборот ҳамжамиятининг ривожланиши катта массивли ахборот ресурсларини ҳосил бўлиши ва изчиллик билан ривожланиши маълумотларга ишлов бериш, мета маълумотларни ҳосил қилиш механизмларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки маълумотларни таҳлиллаш, турли кесимларни қамраб олиш, чуқур таҳлил асосида истиқболли қарор муқобилларини ишлаб чиқиш предмет соҳа бўйича ҳосил қилинадиган билимлар (мета маълумотлар) сифатига боғлиқ бўлади. Сифатли шакллантирилган билимлар асосида ахборот аналитиклари фаолияти, таҳлиллари ҳамда предмет соҳа бўйича берадиган хулосалари ҳатоликларининг камайтирилишига эришилади. Бу масала глобаллашув шароитида шаклланаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши, кенг қамровли таҳлиллаш механизмларини йўлга қўйишда сунъий интеллект усул ва воситаларини замонавий ахборот технологиялари асосида акслантириш ҳамда турли кроссплатформа тизимларида жорийлаштиришга бўлган талабни кучайтирмоқда.

Ҳозирги кунда бозор, жамият ва давлатни қамраб олувчи глобал ахборот маконида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Жамиятда юз бериши кутилаётган учинчи реносанс катта ўзгаришларни талаб этиб, бу ўзгаришларни “рақамли иқтисодиёт”ни кенг йўлга қўйган ҳолда амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ўсишни бутунлай янги сифат кўрсаткичига олиб чиқадиган имкониятларни очиб бериши кутилмоқда. IDC таҳлиллаш агентлиги томонидан катта маълумотлар бозоридаги ўсиш 2021 йилда аввалги йилларга нисбатан оғир пандемия шароитига қарамасдан 25% ошиши, иқтисодиётни янги реалликка мослашганини кўришимиз мумкин. 2022 йилга берилган башоратга кўра “рақамли борлиқ”ни 2021-йилга нисбатан қарийиб 2 баробар ошиши кутилмоқда. Булутли муҳитдаги маълумотлар ҳажми деярли 50%га ошиши оқибатида симсиз ускуна ва воситалар, “интернет нарса”лар, интеллектуал қурилмалар ва технологиялар, тўлдирилган ва виртуал борлиқнинг ривожланиб,

Исходя из факта того, что у телезрителей вкусы разные, существует надобность в комментировании передаваемых в эфир новостей ведущими программы. Главная задача журналистики мнения – объяснить аудитории, как именно следует интерпретировать событие. В новостных материалах требуется обязательное присутствие оценки произошедшего события, в результате читателю не приходится делать свои выводы, в которых они будут не уверены.

Это означает, что ведущий должен понимать всю ответственность в его плечах и следовать профессиональной этике журналиста, комментируя случившееся.

По поводу журналистики факта и журналистики мнения высказал свои мнения российский телеведущий В. Познер:

“К сожалению, журналистика сегодня, на мой взгляд, не только российская, а вообще журналистика в мире – это в основном журналистика мнений, а не журналистика информации. Каждый журналист почему-то считает важным не рассказать вам о том, что происходит, то есть не показывать вам наиболее

широко и сбалансированно информацию, а хочет обязательно сказать вам, что он думает по этому поводу”. [2]

Глобализация новостей

Современные новостные СМИ работают в условиях глобализации. Глобальные новости – в глобальном мире. Повестка дня таких новостей демонстрирует важнейшие события в сфере геополитики мира, мировой экономики, встречи, организуемые на высшем уровне представителей ведущих стран мира: саммиты, визиты государственных деятелей, заседания и принятые резолюции общемировых организаций как ООН, Всемирная организация здравоохранения и др.

Основное внимание глобальных новостей, обращается к чрезвычайным событиям – терактам, массовым протестам, локальным конфликтам, природным катастрофам и спортивным состязаниям мирового уровня

Влияние роста технического и технологического прогресса на эстетику новостей

Технические и технологические нововведения влияют на эстетику телевизионных новостей. Развитие техники способствует усилению зрелищности новостных выпусков, улучшению качества визуальной телевизионной картинке, максимальному вовлечению телезрителей в событие с помощью цифровых графических технологий. Основные тенденции в этом направлении таковы:

- Модернизируется телевизионный дизайн,
- Часто используются графика и анимация,
- Съёмочные павильоны немыслимы без графики виртуальных студий.

Повышается роль элементов графического дизайна в структуре телевизионной информации, новостной контент становится мультимедийным. Ведущие программ появляются перед телезрителями на фоне огромного видеомонитора, на котором отражаются фотопостеры (визуальные символы главных событий).

Ведущие эфира словно встраиваются в события, это можно считать вариацией или новой формой достижения «эффекта присутствия» (возникает параллель со стендапом журналиста на фоне повествуемого события). [3]

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Из приведенных в статье примеров видно, что ведущий новостной программы по мере творческого роста и приобретения профессиональной

зрелости переходит от мышления в масштабах своего видеосюжета или репортажа к другим категориям, охватывающим вещательный день и неделю, совокупность программ и каналов, городов и континентов.

На сегодняшний день в телевидении с энтузиазмом стремятся ко всем новшествам технологий. Применяются различные новые методы и стили в подаче новостной информации к телезрителям. В конечном итоге это служит развитию данной сферы и более расширенному усовершенствованию его.

В конце мы хотели бы привести в пример слова американского журналиста и писателя, медиафутуролога Джошуа Бентона, в котором обобщены все мысли касательно темы данной статьи. В своем взгляде на будущее теленовостей в эпоху интернета высказал мнение о новом измерении в освещении событий. Круглосуточные телеканалы передают информацию в прямом эфире, в тоже время в Твиттере люди выражают свои чувства и свое отношение к тому, что произошло: «Нас ожидает развитие этого явления, – говорит Бентон, – когда события в прямом эфире получают и освещение, и обсуждение одновременно. Пока трудно представить себе, как это будет выглядеть на практике, но первый подобный опыт уже есть. Так, в CNN делали интересные вещи во время трансляции инаугурации президента Обамы, когда выбирали некоторые комментарии из Фейсбука. Но нам еще предстоит увидеть, как кто-то сумеет объединить социальные медиа и репортаж в реальном времени со всеми другими элементами с тем, чтобы получить нечто, несущее полноценную энергию вещания вживую» [4].

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Байдина В.С. «Социальное время» в теории журналистики. Томск 2012. - № 4 (20). - С. 129-135.
2. https://ru.wikipedia.org/wiki/Журналистика_мнения
3. В.С. Байдина «тенденции развития и стилистические трансформации телевизионных новостей». Томск 2012.
4. Бентон Дж. «Восемь трендов журналистики в 2011 году» Media Sapiens [Электронный ресурс] - URL: <http://osvita.mediasapiens.ua/material/1797>

BOLALARDA GIPERAKTIVLIKNING O‘ZLASHTIRISHGA TA’SIRI

Ibroximova Ma’muraxon Alijon qizi

O‘zbekiston Milliy universiteti

Psixologiya (f.t.b.) 2-kurs magistranti

alijons167@gmail.com

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada, kichik maktab yoshi davri misolida, bolalarda giperaktivlikning o‘zlashtirishga ta’siri masalasi hamda bu borada amalga oshirilgan ilmiy tadqiqot ishi natijalari tahlil etilgan.

Tayanch so‘zlar va tushunchalar: diqqat yetishmasligi giperaktivligi sindromi (DEGS), giperaktivlik, impulsivlik, xulq-atvor buzilishi, o‘zlashtirish ko‘rsatkichi.

ВЛИЯНИЕ ГИПЕРАКТИВНОСТИ НА ОБУЧЕНИЕ РЕБЕНКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется влияние гиперактивности на обучаемость детей на примере младшего школьного возраста, а также результаты исследований в этой области.

Ключевые слова: синдром дефицита внимания с гиперактивностью (СДВГ), гиперактивность, импульсивность, поведенческие расстройства, мастерство.

EFFECTS OF HYPERACTIVITY ON CHILD LEARNING

ABSTRACT

This article analyzes the impact of hyperactivity on children's learning on the example of the early school age, as well as the results of research in this area.

Keywords: Attention Deficit Hyperactivity Disorder (ADHD), hyperactivity, impulsivity, behavioral disorders, mastery.

KIRISH

Har bir bola individualdir. Uni ijodiy va intellektual salohiyatini, qiziqish va qobiliyatlarini rivojlantira bilish kerak. Bugungi kun zamonaviy ilm-fani yangidan-yangi, g‘ayrioddiy ta‘lim-tarbiya usullarini ilgari surmayapti balki, bolalarni tushunishni, ularning ichki dunyosini kashf qilishni, ilgari nomalum bo‘lgan ajoyib fazilatlarini qadrlashni va ularning yangi qirralarini rag‘batlantirishni maslaxat bermoqda. Ushbu jarayonni qay darajada muvaffaqiyatli amalga oshirishimiz,

bolalarning kelajakdagi faoliyatlarida, ijtimoiylashuvida, ta'lim jarayonini va o'zining emotsional holati hamda xulq-atvorini o'z iroda kuchi bilan boshqara oladigan mustaqil shaxs bo'lib shakllanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Mazkur maqolada "Kichik maktab yoshidagi bolalarda giperaktivlikning o'zlashtirishga ta'siri" nomli ilmiy tadqiqot ishi natijalari keltirilgan.

Tadqiqotning maqsadi: kichik maktab yoshidagi bolalarda giperaktivlikning maktab ta'limini o'zlashtirishga ta'siri masalasini tadqiq etish va uni salbiy oqibatlarini yengillashtirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish.

Obyekti: diqqat yetishmasligi va giperaktiv sindromli bolalar; Toshkent shahar Yunusobod tumanidagi 150-umumta'lim maktabi.

ASOSIY QISM

Jahon va mahalliy tajribalar shuni ko'rsatadiki, rivojlanishida nuqsonli bolalar soni ko'p va doimiy ravishda o'sib bormoqda. Bolalik davridagi surunkali xulq-atvor buzilishining eng keng tarqalgan shakli bu giperaktivlik sindromidir. Giperaktiv tashxisi qo'yilgan bolalarda emotsional-irodaviy boshqaruv ko'nikmalarining yaxshi shakllanmaganligi ta'lim-tarbiya tizimida, guruxdagi va oiladagi shaxslararo munosabatlarda, o'quv faoliyatini tashkil qilish va boshqarishda jiddiy muammolarni keltirib chiqarmoqda. Ushbu guruxga doir o'quvchilardagi urushqoqlik, agressivlik, qaysarlik, qaxri qattqlik, sabrsizlik, qo'polliklarning yuqori darajasi va xulq-atvorini ongli boshqara olmaslik oqibatida tengdoshlari va oila a'zolari o'rtasida tez-tez nizolar kelib chiqadi. Shuning uchun ular boshqalarga nisbatan ko'proq tanbeh eshitadilar va jazolanadilar. Buning natijasida esa ularda o'zlariga bo'lgan ishonch, o'zlariga beradigan baho pasayib boradi, ular muvaffaqiyat hissini kamdan-kam his etadilar. Bunday bolalarni o'qituvchi va ota-onalar tomonidan tushunmaslik, jazolash maktab dezadaptatsiyasiga, delikvent xulq-atvorning shakllanishiga olib keladi[1].

Bolaga diqqat yetishmasligi sindromi tashxisini qo'yishda bir qator qiyinchiliklar kelib chiqishi mumkin. DEGS bor deb taxmin etilgan bolalarni psixologik tadqiq etish bir nechta yo'nalishlarni qamrab olishi zarur:

- diqqat va xotiraning rivojlanganlik darajasi;
- bola emotsional sohasining o'ziga xosligi;
- oilaviy muhitning bola tomonidan idrok etilishini o'rganish;
- bolaning uyda va maktabdagi (bog'chada) xulq-atvorini o'ziga xosligi[1].

Giperaktivlik muammosiga taaluqli turli nazariy ma'lumotlarning taxliliga asoslanib, kichik maktab yoshidagi bolalarda giperaktivlikning o'zlashtirishga ta'siri masalasini o'rganishda metodologik vositalar sifatida,

- kuzatuv; test-sinov metodi; qiyosiy taxlil;
- DSM-IV tasnifi bo'yicha DEGS diagnostikasi mezonlari (Amerika Psixiatriya Assotsiatsiyasi tomonidan ishlab chiqilgan 1994);


- diqqat diagnostikasida Burdon korrektur sinovi

- maktab o'quvchilarining umumiy: yarim va bir yillik o'zlashtirish ko'rsatkichlari singari metodikalar tanlab olindi. Tadqiqot ishini bajarishda tarixiylik, mantiqiylik, muvofiqlik tamoyillaridan hamda manbaalar tahlili, analiz, sintez, tizimli yondashuv, umumlashtirish kabi metodlardan foydalanilgan.

Ilmiy tadqiqot ishining obyekti sifatida umumiy 92 nafar sinaluvchilar ishtirok etib jumladan, umumta'lim maktabining 1-2-3-sinf o'quvchilari olindi. O'quvchilarning jinsi va yosh ko'rsatkichlarini xisobga olgan holda, tadqiqotimizni amalga oshirishda – *jinsi* (o'gil – 48 nafar, qiz – 44 nafar), *Yosh guruhi* (7, 8, 9 yosh), hamda giperaktivlik tashxisi qo'yilishi kutilayotgan – *nazorat guruhi* va *asosiy guruh* larga ajratdik.

Quyida sinaluvchilarning yosh guruhlariga ko'ra tahlili keltirilgan:

Tadqiqotimiz davomida 1- yosh guruxida 28 nafar (30,4%) 1-sinf o'quvchilari ya'ni 7 yoshlilar, 2- yosh guruxida 36 nafar (39,1%) 2-sinf o'quvchilaridan iborat 8 yoshlilar va 3-yosh guruxida 28 nafar (30,4%) 9 yoshlilardan iborat 3-sinf o'quvchilari, jami 92 nafar sinaluvchilar ishtirok etdi (1-diagramma).



1-diagramma


1-diag. Yosh guruhlari taqsimotining foizli ko'rsatkichlari. 1 – 7 yoshlilar, 2 – 8 yoshlilar, 3 – 9 yoshlilar.

DEGSli bolalarni aniqlab olish uchun bir qancha xorij va mahalliy tadqiqotlarda [1,2,3,4] keng qo'llanilgan samarali metodlardan biri bo'lgan **Standartlashgan kuzatuv metodidan** foydalandik. Ushbu metod Amerika psixiatrlari tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, DEGS dagi yaqqol namoyon bo'luvchi belgilarni o'zida aks ettirib, samarali hisoblanadi. Metodika o'zida 14 ta mezonni aks ettiradi (1-ilova). Ushbu belgilarni 3 ta guruhga ajratish mumkin:

- Giperaktivlik belgilari (1,2,3,9,10);
- Diqqatning yetishmasligi va chalg'uvchanlik belgilari (3,6,7,8,12,13);
- Impulsivlik belgilari (4,5,11,14).


Agar bolada ushbu belgilarning yettita-sakkiztasi 6 oy davomida kuzatilsa, unga DEGS tashxisini qo'yish mumkin [1].

Tadqiqot ishimizda o'tkazilgan ushbu metodikaning birlamchi statistik natijalariga tayanib, sinaluvchilarning guruhlarini shakllantirildi. Standartlashgan kuzatuv bosqichi hamda sinaluvchilarning tibbiy anketalariga asoslangan holda, giperaktivlik tashxisi qo'yilgan sinaluvchilar nazorat guruhiga olindi. Tadqiqot natijalarini qiyosiy tahlil qilish imkoniga erishish maqsadida sinaluvchilar ikki guruhga ajratilib, sog'lom bolalar asosiy guruhga olindi. psixodiagnostika jarayonida aniqlangan giperaktiv bolalar 16 nafarni tashkil qilib, umumiy sinaluvchilar soniga nisbatan 17,4 foizni, asosiy guruh sinaluvchilari esa 76 nafar bo'lib, 82,6 foizni tashkil qildi. Birlamchi statistik taxlilga ko'ra, asosiy va nazorat guruh sinaluvchilari soni jihatidan normal taqsimlanish qonuniga mos kelmasligi, tadqiqot obyekti sifatida umumta'lim maktabi o'quvchilari (amalda sog'lom bolalar) olinganligi bilan tavsiflanadi (2-diagramma). Bundan tashqari, gender xususiyatlari ham inobatga olindi. Bu esa o'z navbatida giperaktivlik sindromining o'g'il bolalar va qiz bolalarda uchrash farqlarini taxlil qilish imkoniyatiga erishishni ta'minlaydi. Shunday qilib nazorat guruhi sinaluvchilari gender xususiyatlariga ko'ra 1/15 nisbatda ekanligi ya'ni giperaktivlik - 15 nafar o'g'il bolalarda, 1 nafar qiz bola sinaluvchilarda aniqlanganligi ushbu sindromni qiz bolalarga nisbatan o'g'il bolalarda ko'p uchraydi degan xulosaga kelishimiz mumkinligini va adabiyotlarda keltirilgan ma'lumotlarga zid emasligini ko'rsatadi (3-diagramma):



2-diagramma

2-diag. Standartlashgan kuzatuv m.si natijalariga ko'ra guruhlar qatimoti: 1-asosiy guruh (sog'lom bolalar), 2-nazorat guruhi (giperaktiv bolalar)




3-diagramma

3-diag. Giperaktivlikning jins bo'yicha taqsimlanishi 1-o'g'il bolalar, 2-qiz bolalar, a) asosiy guruh, b) nazorat guruhi. Foiz ko'rsatkichlari.

Tadqiqot ishida P.A.Rudik tomonidan o'zgartirilgan Burdon Korrektur sinov testidan ham foydalanilib, metodika sinaluvchilardan guruh tarzida o'tkazildi va ishni olib borilish jarayonida o'quvchilarning faol diqqatining xususiyatlari, uning ko'chish xususiyatlarini o'rganish bilan bir qatorda, diqqatning o'zgaruvchanligi xarakterining


rivojlanishi kuzatildi (4-diagramma). Metodikada diqqatning to'planishi (K) ni va diqqatning ko'chishi (C) ni sifatli baholash uchun qabul qilingan mezon bo'yicha taxlil natijalariga ko'ra, umumiy foizda 18% "yomon", 68% "o'rtacha yaxshi" va 14% "juda yaxshi" natijalar qayd etilgan bo'lsa, bundan 12% "yomon", 5% "o'rtacha yaxshi" natijalari nazorat guruhiga tegishli. Umumiy 18 % foiz yomon natijalardan 12% i nazorat guruhidagi giperaktiv bolalar xisobiga qayd etilganligi va ushbu sinaluvchilarning - diqqati sust, tez chalg'uvchan (beqaror), diqqatning umumiy kuchsizligi va ish qobiliyatining sustligi fonida namoyon bo'ldi desak bo'ladi. Taxliliy natijalarga ko'ra umumiy 14% sinaluvchilarda, juda yaxshi natija qayd etilib, topshiriqni tez bajarish va xatolarning yo'qligi o'quvchida ixtiyoriy diqqat barqarorligidan dalolat beradi degan xulosaga kelishimiz mumkin. Sinaluvchilarning 68% ida diqqatning to'planganligi, diqqatning tebranishi, ko'rish analizatorlari uzoq vaqt ishlaganda bir xil ko'ruv qo'zg'aluvchilariga nisbatan sinaluvchilarning charchashi, topshiriqni bajarish tezligi singari bir qancha diqqat xususiyatlarida o'rtacha yaxshi natija bilan normal holatda, meyorlarga mos kelishini ko'rishimiz mumkin. Metodikadan olingan umumiy xulosalarga ko'ra, giperaktiv bolalar uchun diqqat tanqisligi xos deyishimiz mumkin.



4-diagramma.

4-diag. Giperaktiv bolalar diqqat xususiyatlarining ko'rsatkichlari. Asosiy (sog'lom) va nazorat (giperaktiv) guruhidagi natijalar tafovuti. 1-diqqat to'planganligi; 2-diqqatning ko'chishi shkalalari; a) yomon (0-20%), b) o'rtacha yaxshi (21-80%), d) yaxshi (81-100%) ko'rsatkichlari.

Tadqiqot ishida kichik maktab yoshidagi bolalarda giperaktivlikning o'zlashtirishga ta'siri masalasini asosiy (sog'lom bolalar) va nazorat (giperaktiv bolalar) guruhlari orasidagi tafovutlarni taxlil qilish bilan davom ettirar ekanmiz, Kolmogorov-Smirnov mezoniga asosan tanlangan metodikalarimiz shkalalari nomarametrik mezonlarga mos kelganligi tufayli, natijalar taxlilini Mann Uitni mezonida davom ettirdik.



5-diagramma

5-diag. Giperaktivlikning o'zlashtirishga ta'siri. Asosiy (sog'lom) va nazorat (giperaktiv) guruhidagi natijalar tafovuti. a) o'zlashtirish I chorak, b) o'zlashtirish II chorak baholari hamda Standartlashgan kuzatuv metodikasining natijalari: d) giperaktivlik belgilari, e) diqqat yetishmasligi va chalg'uvchanlik belgilari, g) impulsivlik belgilari.

Ilmiy tadqiqot ishimizda foydalanilgan standartlashgan kuzatuv metodikasidan olingan natijalarga ko'ra nazorat guruhida uchchala shkala bo'yicha yuqori ko'rsatkichlar olindi. Asosiy guruhda esa buning aksi kuzatildi. I shkala – giperaktivlik belgilari nazorat guruhida 81,81 ko'rsatkichga ega bo'lsa, asosiy guruhda ushbu ko'rsatkich 39,07 ni ko'rsatdi, II shkala – diqqat yetishmasligi va chalg'uvchanlik bo'yicha nazorat guruhida 81,13, asosiy guruhda esa 39,21 qayd etildi, III shkala – impulsivlik nazorat guruhi sinaluvchilarida o'rtacha ko'rsatkich 81,63 bo'lsa, asosiy guruhda esa 39,11 o'rtacha ko'rsatkich aniqlandi (5-diagramma).

Mann Uitni mezonini bo'yicha natijalarni qayta ishlashida **Giperaktivlik belgilari** shkalasi ($U=43,0$; $p<0,001$); **diqqat yetishmasligi va chalg'uvchanlik belgilari** ($U=54,0$; $p<0,001$) hamda **Impulsivlik belgilari** shkalalari ($U=46,0$; $p<0,001$) bo'yicha ham asosiy guruh va nazorat guruhi sinaluvchilari o'rtasida ishonchli tafovutlar kuzatildi. Giperaktivlik sindromi tashxisini qo'yishga asos bo'luvchi ushbu metodikaning har bir shkalalari bo'yicha guruhlar o'rtasida ishonchli farqlarning kuzatilganligini, asosiy va nazorat guruhlariga to'g'ri ajratilganligi bilan izohlasak bo'ladi.

Tadqiqotimizning asosiy vazifasi bo'lgan giperaktivlikning o'zlashtirishga ta'sirini aniqlash bo'yicha olingan natijalar yuzasidan shuni ko'rishimiz mumkinki, sinaluvchilarning **o'zlashtirish I chorak** ($U=78,0$; $p<0,001$) hamda **o'zlashtirish II**

chorak ($U=109$; $p<0,001$) ko'rsatkichlarida ham asosiy va nazorat guruhlari o'rtasida ishonchli tafovutlar kuzatildi. Bu o'z navbatida giperaktiv bolalarning diqqat darajasi va sifati (chalg'uvchanlik)ning pastligi, xulq-atvorining o'ziga xosligi (xulqiy buzilishlar), impulsivlik, ijtimoiy ko'nikmalardagi qiyinchiliklar fonida namoyon bo'ladigan giperaktivlik sindromi bolalarning maktab ta'limini to'liq o'zlashtirishlariga bevosita salbiy ta'siri borligidan dalolat beradi deyishimiz mumkin (5-diagramma).

Tadqiqot ishining so'nggi bosqichi sifatida psixologik diagnostika vositalari hisoblangan metod va metodikalarning o'zaro bog'liqligi, mosligi va qay darajada tadqiqot ishi uchun to'g'ri tanlanganligini tadqiq etish maqsadida, korrelyatsion taxlil amalga oshirildi.

Spirman mezon bo'yicha korrelyatsiya koeffitsenti

	Diqqatning ko'chishi Burdon Korrektur sinov	o'zlashtirish I chorak bo'yicha	o'zlashtirish II chorak bo'yicha	Giperaktivlik belgilari Standartlashtirilgan kuzatuv	Diqqat yetishmasligi va chalg'uvchanlik belgilari Standartlashtirilgan kuzatuv	Impulsivlik belgilari Standartlashtirilgan kuzatuv
Diqqatning ko'chishi Burdon Korrektur sinov	1,000	,597(**)	,563(**)	,028	-,854(**)	-,393(**)
o'zlashtirish I chorak bo'yicha		1,000	,949(**)	-,293(**)	-,626(**)	-,787(**)
o'zlashtirish II chorak bo'yicha			1,000	-,258(*)	-,595(**)	-,805(**)
Giperaktivlik belgilari Standartlashtirilgan kuzatuv				1,000	,069	,361(**)
Diqqat yetishmasligi va chalg'uvchanlik belgilari Standartlashtirilgan kuzatuv					1,000	,424(**)
Impulsivlik belgilari Standartlashtirilgan kuzatuv						1,000

** Correlation is significant at the 0.01 level (2-tailed).

* Correlation is significant at the 0.05 level (2-tailed).

1-jadval. Giperaktivlikning o'zlashtirishga ta'siri yuzasidan o'tkazilgan metodikalarning korelyatsiya koeffitsenti. (giperaktiv bolalar va asosiy guruh sinaluvchilarining o'zlashtirish ko'rsatkichlaridagi tafovut 99,9% ishonchlilik bilan aniqlandi: * - $p<0,05$; ** - $p<0,01$; *** - $p<0,001$).

Tadqiqot ishining korrelyatsion taxlil ma'lumotlariga asoslanib shuni aytishimiz mumkinki, nazorat guruhida giperaktivlik belgilarini o'zida namoyon qilgan sinaluvchilarimizning natijalari impulsivlik shkalasida ham 99% ishonch darajasi bilan moslikni ko'rsatdi $r_s=0,361$ $9p<0,01$. Bu o'z navbatida giperaktiv tashxisi qo'yilgan nazorat guruhi sinaluvchilarida impulsivlik belgilari ham namoyon bo'lganligidan dalolat beradi deyishimiz mumkin. Biroq giperaktivlik belgilari shkalasi bilan diqqat yetishmasligi va chalg'uvchanlik shkalalari orasidagi moslikning ishonch darajasida chiqmaganligini, bizning nazorat guruhi sinaluvchilarimiz, diqqat yetishmasligi-giperaktivlik-impulsivlik singari ushbu kasalliklarning kombinatsiyasi kesimida emas, giperaktivlik (impulsivlik, guruhiy buzilishlar) ustunligidagi og'ishlarni o'zida namoyon qilgan sinaluvchilardan iboratligi bilan izohlashimiz mumkin. Ushbu shkala bo'yicha o'zlashtirish ko'rsatkichlariga nazar tashlasak, natija taxmin qilinganimizdek, giperaktivlik belgilari yuqori bo'lgan sinaluvchilarning o'zlashtirish ko'rsatkichlari pastligi I chorakda 99% ishonch darajasi bilan, II chorakda esa 95% ishonch darajasi bilan moslikni ko'rsatdi.

Yuqoridagi natijalar taxliliga ko'ra Spirmen korrelyatsiya koeffitsenti, sinaluvchilarning natijalari o'zaro bog'liqlikda rivojlanib borishi mumkinligini ko'rsatdi. Ya'ni, shkalalar orasidagi ijobiy korrelyatsion munosabatlar bir xususiyatning boshqalari bilan uyg'un rivojlanishi mumkinligini ko'rsatmoqda. Tadqiqot natijasida olingan ma'lumotlar tavsifiga ko'ra, barcha ma'lumotlar o'zaro bir-birini to'ldirishi va o'zaro bog'liqlikda aks etganligini kuzatish mumkin.

XULOSA

Giperaktivlik muammosiga taaluqli turli nazariy ma'lumotlarning taxlili hamda tadqiqotimizning psixodiagnostik taxlil natijalari ma'lumotlariga asoslanib, xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, giperaktiv bolalarda ijtimoiy xulq-atvor meyorlarini bajarish; o'qish, o'quv materiallarini o'zlashtirishda muammolar borligi; diqqat xususiyatlarining sust rivojlanganligi parishonlikka, oson ixtiyorsiz chalg'ishga ya'ni materialni yuzaki o'zlashtirishga olib kelishi; o'yin motivlarining o'qish motivlaridan ustunligi; muammoli bolalarni o'qitishning noadekvat sharoitlari ushbu sindromli bolalarda xulq-atvor buzilishlari, havotirlanish, maktab dezadaptatsiyasini keltirib chiqarishi ehtimoli yuqoriligi sabablaridan, psixologik-pedagogik tuzatish ishlarining individual sxemasini tuzish va o'z navbatida uslubiy tavsiyalar ishlab chiqish zarurati tug'iladi. Bunda asosan psixologik-pedagogik tuzatish ishlarining maqsadi: giperaktiv bolalarda xatti-harakatlarning buzilishi va o'rganishdagi qiyinchiliklarni kamaytirishdir. Giperaktivlik sindromi psixokorreksiyasini shifokor, psixolog, o'qituvchi va ota-onalar hamkorligida jamoaviy tarkibda kompleks yondashuv asosida olib borish samarali natijaga erishishning muhim omili hisoblanadi. Buning uchun avvalo, bolaning ijtimoiylashuv jarayonlaridagi qiyinchiliklarini yengillatish uchun oiladagi, maktabdagi muhitini o'zgartirish hamda xulq-atvordagi buzilish belgilarini

tuzatish; o'qish va o'quv dasturini o'zlashtirishda hamda yuqori aqliy funksiyalarni rivojlanishidan oraqada qolishni bartaraf etish uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish kerak. Zero bolalar kelajagining fundamental bosqichiga to'sqinlik qiluvchi xulq-atvordagi muammolarni bartaraf etish dolzarbdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Asqarova N.A., Rasulova Z.A., Yaqubova G.A. “Bolalarda diqqat yetishmasligi va gipperaktivlik sindromi psixodiagnostikasi” Ta’lim psixologiyasi – 2016.
2. Белоусова Е.Д., Пиканорова М.Ю. Синдром дефицита внимания/гиперактивности // Российский вестник перинатологии и педиатрии. - 2000.
3. Брызгунов И.П., Кучма В.Р. Синдром дефицита внимания с гиперактивностью у детейю – М.: Институт психотерапии, 1994
4. Заваденко П.П. Как понять ребенка: дети с гиперактивностью и дефицитом внимания. Пздание 2. -М.: «Школа-Пресс 1», 2001.

BANK TIZIMI DAROMADLARI, XARAJATLARI VA DAROMADLILIK KO'RSATKICHLARI TAHLILI

Rahimov Muhammadnosir Rustam o'g'li

Toshkent moliya instituti magistranti

R.Muhammadnosir_moliya@mail.ru

ANNOTATSIYA

Maqola O'zbekiston Respublikasi bank tizimi daromadlari, xarajatlari va daromadlilik ko'rsatkichlari bilan bog'liq ba'zi jihatlarni yoritishga qaratilgan. Shuningdek daromadlar dinamikasi va strukturasi, xarajatlar dinamikasi va tuzilishi, bank faoliyatini asosini aks ettiruvchi bir qator indikatorlar keltirilgan. Muhokama oxirgi uch yillik, ya'ni 2019-2021-yillardagi mamlakatimiz bank tizimi ko'rsatkichlarining qiyosiy tahliliga qaratilgan. Rentabellik ko'rsatkichlari bank boshqaruvida muhim axborot qiymatiga ega foydali manba hisoblanadi va maqolaning asosiy nuqtasi aktivlar rentabelligi (ROA), kapital rentabelligi (ROE), sof foizli marja koeffitsienti, kapital multiplikatori, xarajatlarning daromadga nisbati kabi ko'rsatkichlarga qaratilgan.

Kalit so'zlar: daromad, xarajat, daromadlilik, aktiv, kapital, marja, aktivlar rentabelligi, kapital rentabelligi.

ANALYSIS OF INCOMES, EXPENSES, AND PROFITABILITY INDICATORS OF THE BANKING SYSTEM

ABSTRACT

The paper is centered on presenting some aspects regarding incomes, expenses and profitability of the banking system of the Republic of Uzbekistan, such as: income dynamics and structure, expenses dynamics and structure, a set of indicators which reflects the main banks performances. Discussion is focused on a comparative analysis of the country's banking system over the past three years. Profitability indicators are very usefully from banks management having an important informational value, the main discussion being focused on: return on assets (ROA), return on equity (ROE), net assets margin, equity multiplier, expenses to income ratio.

Keywords: income, expenses, profitability, asset, equity, margin, return on assets, return on equity.

KIRISH

Milliy iqtisodiyotning muvaffaqiyatli rivojlanishi ko'p jihatdan bank sektori faoliyati samaradorligiga bog'liq. Raqobat, jahon moliyaviy integratsiyasi va bank faoliyatining universallashtirish sharoitida raqobatchilar faoliyatiga javob bera olish va o'zgaruvchan bozor sharoitlariga tezkorlik bilan javob berish bank faoliyati samaradorligining asosiy omiliga aylanadi. Jahonda kuzatilgan iqtisodiy inqirozlar bank boshqaruvida iqtisodiy tahlilning rolini oshirish zarurligini ko'rsatdi.

Hozirgi davrda bank tizimining milliy iqtisodiyotdagi o'rni va maqsadlari iqtisodiy munosabatlar, ya'ni iqtisodiy o'sishga erishish uchun muhim o'ringa ega bo'lgan investitsiyalarda kreditor va debitor o'rtasidagi asosiy vositachining xususiyatiga bog'liq. Tijorat banklari har bir mamlakatda muhim iqtisodiy institut bo'lib, zamonaviy iqtisodiyotda eng asosiy kreditor sifatida xizmatlar va mahsulotlar taklif qilish orqali biznes muhitini rivojlantirishni qo'llab quvvatlaydi.

Tijorat banklarining asosiy maqsadi yuqori rentabellik yoki tavakkalchilikni minimallashtirib yuqori daromad olish. Daromadlilik banklar boshqaruv sifatini aks ettirib, bank tizimidagi pozitsiyasini ifodalaydi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bank tizimi daromadlari, xarajatlari va daromadlilik ko'rsatkichlari bank faoliyatini ifodalovchi ko'rsatkichlar bo'lgani sababli bu ko'rsatkichlar tahlili bo'yicha O'zbekiston, MDH va xorijiy davlatlar mutaxassislari va olimlari tomonidan bir qator tadqiqotlar olib borilgan va keng miqyosda o'rganilgan.

Tahlil jarayonida statistik, iqtisodiy-matematik, prognozlashtirish, iqtisodiy tahlil kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

Tijorat banklari daromadlari foizli va foizsiz daromadlarni o'z ichiga oladi. Foizli daromadlar: O'zbekiston Respublikasi Markaziy Bankidagi hisobvaraqlar bo'yicha foizli daromadlar, boshqa banklardagi hisobvaraqlar bo'yicha foizli daromadlar, oldi-sotdi qimmatli qog'ozlar bo'yicha foizli daromadlar, investitsiyalar bo'yicha foizli daromadlar, sotib olingan veksellar bo'yicha foizli daromadlar, mijozlarning majburiyatlari bo'yicha hisoblangan foizlar, bankning to'lanmagan akseptlari yuzasidan mijozlar majburiyatlari bo'yicha foizli daromadlar, kredit va lizing operatsiyalari bo'yicha foiz, diskont (chegirmalar) va badallar, qimmatli qog'ozlar bilan amalga oshirilgan REPO bitimlari bo'yicha foizli daromadlar va boshqa foizli daromadlar,

Foizsiz daromadlar: ko'rsatilgan xizmatlar va vositachilik uchun olingan daromadlar, xorijiy valyutadagi foyda, tijorat operatsiyalaridan olingan foyda, investitsiyadan olingan foyda va dividendlar va boshqa foizsiz daromadlar.


Tijorat banklari xarajatlari esa foizli, foizsiz va operatsion xarajatlarga bo‘linadi. Foizli xarajatlar: talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlar bo‘yicha foizli xarajatlar, jamg‘arma depozitlar bo‘yicha foizli xarajatlar, muddatli depozitlar bo‘yicha foizli xarajatlar, MBning hisobvaraqlari bo‘yicha foizli xarajatlar, boshqa banklarning hisobvaraqlari bo‘yicha foizli xarajatlar, kreditlar bo‘yicha foizli xarajatlar, qimmatli qog‘ozlar bilan amalga oshirilgan REPO bitimlari bo‘yicha foizli xarajatlar va boshqa foizli xarajatlar.

Foizsiz xarajatlar: xizmat va vositachilik xarajatlari, xorijiy valyutada ko‘rilgan zararlar, tijorat operatsiyalaridan ko‘rilgan zararlar, investitsiyadan ko‘rilgan zararlar va boshqa foizsiz xarajatlar.

Operatsion xarajatlar: bank xizmatchilarining ish haqi va ular uchun qilingan boshqa xarajatlar, ijara va ta‘minot xarajatlari, xizmat safari va transport xarajatlari, ma‘muriy xarajatlar, reprezentatsiya va xayriya, eskirish xarajatlari, sug‘urta, soliq, jarimalar va boshqa operatsion xarajatlar.

NATIJALAR

Banklarning moliyaviy ko‘rsatkichlari daromadlar va xarajatlarni o‘zida ifoda etgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobot orqali aniqlanadi va shuningdek natijalar tushuntiriladi. Bank moliyaviy holatini aks ettiruvchi hisobot ham aynan mos davrlar uchun taqdim etib boriladigan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobot hisoblanadi.



1-diagramma. Bank tizimi sof foydasi¹³ (mlrd.so‘m)

¹³ www.cbu.uz – O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki rasmiy sayti ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

Diagrammadan ko‘rish mumkinki bank tizimi sof foydasi 2019-yilda 3 200 mlrd.so‘mni, 2020-yilda 5 642 mlrd.so‘mni va 2021-yilda 3 885 mlrd.so‘mni tashkil etgan. 2019-yilda 70% va 2020-yilda 76% ga o‘sgan bo‘lsa, 2021-yilda esa 31% ga kamaygan. 2021-yil sof foydaning kamayishiga sabab kredit va lizing bo'yicha ko'rilishi mumkin bo'lgan zararlarni baholash ko'rsatkichi, ya'ni soddaroq qilib aytganda muammoli (NPL) kreditlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun shakllantirilgan maxsus zaxiralar hisoblanadi. Ma'lumki 2020-yil mart oyidan boshlangan pandemiya bank tizimiga ta'sir ko'rsatmay qolmadi. Buni esa quyidagidagi jadvaldagi ma'lumotlardan yaqqol ko'rish mumkin.

1-jadval

Bank tizimi daromad va xarajatlari¹⁴

mlrd.so‘m

№	Ko'rsatkichlar	2019 yil	O'tgan yilga nisbatan o'sish	2020 yil	O'tgan yilga nisbatan o'sish	2021 yil	O'tgan yilga nisbatan o'sish
1	Foizli daromadlar	14517	182%	37067	255%	47392	128%
2	Foizli xarajatlar	8355	181%	23019	276%	30796	134%
3	Foizli marja	6162	185%	14048	228%	16596	118%
4	Foizsiz daromadlar	6564	95%	11801	180%	17251	146%
5	Foizsiz xarajatlar	1343	69%	3516	262%	4944	141%
6	Operatsion xarajatlar	5583	135%	8145	146%	10998	135%
7	Foizsiz sof daromad (zarar)	-362	-43%	140	-39%	1309	935%
8	Kredit va lizing bo'yicha ko'rilishi mumkin bo'lgan zararlarni baholash	1746	107%	6354	364%	12221	192%
9	Boshqa aktivlar bo'yicha ko'rilishi mumkin bo'lgan zararlarni baholash	196	70%	873	445%	333	38%
10	Soliq to'lagunga qadar sof foyda (zarar)	3858	170%	6961	180%	5351	77%
11	Foyda solig'ini to'lash xarajatlari	659	173%	1318	200%	1465	111%
12	Sof foyda (zarar)	3200	170%	5642	176%	3885	69%

Yuqoridagi 1-jadvalda Respublikamiz bank tizimining 2019 – 2021-yillardagi bankning sof foydasiga to‘g‘ridan to‘g‘ri ta‘sir ko‘rsatuvchi ko‘rsatkichlar, ya‘ni

¹⁴ www.cbu.uz – O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki rasmiy sayti ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

daromad va xarajatlari aks ettirilgan. Foizli marja 2019-yilda 85% ga, 2020-yilda 128% ga, 2021-yilda 18% ga o'sgan. Foizsiz sof daromadlar esa 2019-yilda -362 mlrd.so'm zarar, 2020-yilda 140 mlrd.so'm daromad va 2021-yilda esa 835% ga o'sib 1309 mlrd.so'm daromad bilan yakunlangan. Keskin o'sish 2019-yilda 85% bilan foizli marja ko'rsatkichida, 2020-yilda 345% bilan boshqa aktivlar bo'yicha ko'rilishi mumkin bo'lgan zararlarni baholash ko'rsatkichida va 2021-yilda 835% bilan foizsiz sof daromadlarda kuzatilgan. Keskin kamayish esa 2019-yilda 143% bilan foizsiz sof daromadlarda, 2021-yilda 62% bilan boshqa aktivlar bo'yicha ko'rilishi mumkin bo'lgan zararlarni baholash ko'rsatkichlarida kuzatilgan. 2020-yilda esa barcha ko'rsatkichlarda o'sish kuzatilgan.

MUHOKAMA

Foyda har bir tijorat tashkilotining davom etishi uchun omildir. Rentabellik darajasi va foyda hajmi banklar resurslarini joylashtirishda samaradorlik ko'rsatkichlari sifatida qaraladi. Rentabellik, shuningdek, banklarning daromad olish qobiliyatini ko'rsatadi. Bu banklarning boshqaruv malakasini ifodalaydi. Rentabellik eng muhim va ishonchli ko'rsatkichdir, chunki u bankning daromad darajasini oshirish qobiliyatini aks ettiradi.

Daromadlilik ko'rsatkichlari tijorat bankining global risk pozitsiyasini aniqlash uchun ham qo'llaniladi. Banklarda rentabellikni tahlil qilish koeffitsientlar to'plamiga asoslanadi: aktivlar rentabelligi, kapital rentabelligi, sof foizli marjasi koeffitsienti, xarajatlarning daromadga nisbati, o'z kapitali multiplikatori. Rentabellik bankka aktivlarning o'sishini qo'llab-quvvatlash, kredit yo'qotishlarini o'zlashtirish va investorlarga daromadni ta'minlash uchun kapitalni ko'paytirishga imkon beradi.

Aktivlar rentabelligi (ROA) - sof foyda va jami aktivlar o'rtasidagi nisbat. Amerika adabiyotida bu nisbat jami aktivlar rentabelligi yoki investitsiyalar rentabelligi deb nomlanadi va bankka qo'yilgan kapitalning rentabelligini yoki aktivlarni boshqarish samaradorligini o'lchaydi.

$$ROA = \frac{\text{Soliq to'langunga qadar sof foyda}}{\text{Aktivlarning o'rtacha summasi}} * 100\% \quad (1)$$

ROA aktivlarning pul birligidan qancha sof daromad olinganligini ko'rsatadi. Koeffitsient qanchalik yuqori bo'lsa, bank shunchalik foydali bo'ladi. Koeffitsientning pasayish tendentsiyasi bo'lsa, shuni aytishimiz mumkinki, bank daromad olishda ba'zi qiyinchiliklarga duch keladi va o'sish tendentsiyasi yaxshi natijalarni bildiradi, lekin risklilik darajasi ham daromadlilik darajasiga to'g'ri proporsional hisoblanadi. Ya'ni

daromadlilik darajasi qancha yuqori bo'lsa, risklilik darajasi ham shuncha yuqori bo'ladi. Mutaxassislarning fikriga ko'ra normativ darajasi 1% ni tashkil etadi.

Kapital rentabelligi (ROE) - bu aksiyadorlarning investitsiyalarining rentabelligini o'lchaydigan sof foyda va umumiy kapital o'rtasidagi nisbat. Bu ko'rsatkichning normativ darajasi 10% qilib belgilangan. Bu degani, investor har 1 so'mlik aksiyasi uchun 10 tiyin foyda oladi.

$$ROE = \frac{\text{Sof foyda}}{\text{Kapitalning o'rtacha summasi}} * 100\% \quad (2)$$

Bank faoliyatidagi sof foizli marja koeffitsienti foizli marjaning jami aktivlarga nisbatidir. Foizli marja foizli daromadlardan foizli xarajatlarni ayirish yo'li bilan hisoblanadi. Bu koeffitsient tijorat banking jami aktivlarining o'rtacha summasiga nisbatan, sof foizli daromad olish qobiliyatini tavsiflaydi. Bu ko'rsatkichning tijorat banklari uchun amaliy ahamiyati shundaki, u sof foizli daromadning normativ darajasini ifodalaydi, sof foizli daromad esa tijorat banklarining moliyaviy holatini tavsiflovchi asosiy ko'rsatkichlardan biri hisoblanadi. Normativ darajasi 4,5% ni tashkil etadi.

$$SFMK = \frac{\text{Foizli marja}}{\text{Aktivlarning o'rtacha summasi}} * 100\% \quad (3)$$

Xarajatlarning daromadga nisbati har bir pul birligi uchun ishlab chiqarilgan daromadni o'lchaydi. Mahsulot birligini ishlab chiqarish bank uchun shunchalik qimmatga tushadi. X/D nisbati qanchalik past bo'lsa, bank faoliyati shunchalik yaxshi bo'ladi. Ushbu ko'rsatkichning darajasi 45% dan oshmasa ijobiy holat hisoblanadi.

$$X/D = \frac{\text{Xarajatlar}}{\text{Daromadlar}} * 100\% \quad (4)$$

Xususiy kapital multiplikatori - jami aktivlar va o'z kapitali o'rtasidagi nisbat bo'lib, ma'lum miqdordagi o'z mablag'laridan boshlab bank biznesining rivojlanish darajasini va qo'shimcha resurslardan foydalanish o'z kapitalining rentabelligini oshirishni ko'rsatadi.

$$KM = \frac{\text{Jami aktivlar}}{\text{Kapital}} * 100\% \quad (5)$$

Operatsion daromadlar koeffitsienti (ODK) tijorat banki moliyaviy holatining operatsion faoliyatiga bog'liqlik darajasini ko'rsatadi. Bu ko'rsatkichning normativ darajasi 1,0 foizni tashkil etadi.

$$ODK = \frac{\text{Operatsion daromadlar summasi}}{\text{Aktivlarning o'rtacha summasi}} * 100\% \quad (6)$$

Respublikamiz bank amaliyotida daromadlilik ko'rsatkichlari tahlilida asosan soliq to'langunga qadar sof foydaning jami aktivlarga nisbati (ROA), soliq to'langunga qadar sof foydaning jami kapitalga nisbati (ROE), sof foizli daromadlarning jami aktivlarga nisbati, kreditlar bo'yicha olingan sof foizli daromadlarning jami kredit qo'yilmalariga nisbati, sof foizli daromadlarning jami majburiyatlarga nisbati va sof foizli marjaning jami aktivlarga nisbati ko'rsatkichlaridan foydalaniladi.


2-jadval

Bank tizimi daromadlilik ko'rsatkichlari¹⁵ (%da)

№	Ko'rsatkichlar	2019 yil	O'sish	2020 yil	O'sish	2021 yil	O'sish
1	Soliq to'langunga qadar sof foydaning jami aktivlarga nisbati (ROA)	2,2	110%	2,2	100%	1,3	59%
2	Soliq to'langunga qadar sof foydaning jami kapitalga nisbati (ROE)	16,7	103%	10,3	62%	6,1	59%
3	Sof foizli daromadlarning jami aktivlarga nisbati	3,6	124%	3,8	106%	3,7	97%
4	Kreditlar bo'yicha olingan sof foizli daromadlarning jami kredit qo'yilmalariga nisbati	4,7	127%	5,1	109%	5,1	100%
5	Sof foizli daromadlarning jami majburiyatlarga nisbati	4,5	136%	4,6	102%	4,4	96%
6	Sof foizli marjaning jami aktivlarga nisbati	3,9	118%	4,5	115%	4,2	93%

Yuqoridagi jadvaldan ko'rish mumkinki 2019-yilda 2018-yilga nisbatan barcha ko'rsatkichlarda o'sish kuzatilgan. 2020-yilda ROE ko'rsatkichi 38% ga kamayib 10,3% ni tashkil etgan bo'lsada, qolgan ko'rsatkichlarda o'sishga erishilgan. 2021-yilda esa kreditlar bo'yicha olingan sof foizli daromadlarning jami kredit qo'yilmalariga nisbati o'zgarishsiz qolganligi hisobga olmaganda, barcha ko'rsatkichlarda 2020-yilga nisbatan kamayish kuzatilgan.

¹⁵ www.cbu.uz – O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki rasmiy sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.



1-grafik. Bank tizimi aktivlar rentabelligi (ROA) va kapital rentabelligi (ROE) ko'rsatkichlari¹⁶

Yuqoridagi grafikdan ko'rish mumkinki ROA ko'rsatkichi 2019-yilda 2,2%, 2020-yilda 2,2% va 2021-yilda 1,3% ni tashkil etgan. ROA ko'rsatkichining 2021-yilda kamayishiga sabab o'tgan yilga nisbatan sof foydaning 31% ga kamayishi va aktivlarning 22% ga o'sishidir. ROE ko'rsatkichida esa keskin pasayish tendensiyasi kuzatilib, 2019-yilda 16,7% ni, 2020-yilda 10,3% ni va 2021-yilda 6,1% ni tashkil etgan. Bunga sabab kapitalning o'zgarishi bilan sof foydaning o'zgarishi o'rtasida tenglik buzilgan. Ya'ni 2020-yilda jami kapital 119% ga o'sgan, lekin sof foyda 76% ga o'sgan xolos. 2021-yilda esa jami kapital 22% ga o'sgan, lekin sof foyda 31% ga kamaygan. Shuning uchun bu ko'rsatkichda oxirgi yilda pasayish kuzatilgan.

XULOSA

Bank faoliyati sifatini va ularning samaradorligini baholash uchun daromadlilik ko'rsatkichlarini tahlil qilish muhimdir va ularning xususiyati daromad va xarajatlarga bog'liq. Bank faoliyatini tahlil qilish aksiyadorlar, kreditorlar, mijozlar, shuningdek, bank ma'murlari, rahbarlari va xodimlari uchun foydalidir.

2019 – 2021-yillar bank tizimi daromadlilik ko'rsatkichlarini tahlil qilib shuni aytish mumkinki, 2019 – 2020-yillarda bu ko'rsatkichlar normativ darajasida bo'lgan, lekin 2021-yilga kelib kamayish kuzatilgan. 2020-yil mart oyida boshlangan pandemiya bank tizimining 2021-yildagi ko'rsatkichlariga salbiy ta'sir ko'rsatdi. Shu

¹⁶ www.cbu.uz – O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki rasmiy sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

bilan bir qatorda, banklarning kredit portfelidagi muammoli kreditlarning ulushi ortib ketganlidir. Markaziy bankning ma'lumotiga ko'ra 2022-yil 01-yanvar holatiga tijorat banklarining muammoli kreditlarning (NPL) jami kreditlardagi ulushi 5,2% ni tashkil etgan. Bu ko'rsatkich 2020-yilning mos davriga nisbatan 148% ga o'sib, deyarli 2,5 barobarga ortgan. Bu esa o'z navbatida sof foydaning kamayishiga, daromadlilik ko'rsatkichlarining pasayishiga va investitsiya oqimini kamayishiga olib keladi. Shuning uchun kreditlar banklarning asosiy daromad manbai bo'lib qolmasligi kerak. Xulosa qilib aytganda tijorat banklarining daromad va xarajatlarini samarali boshqarish va muntazam ravishda tahlil qilib borish bankning daromadlilik ko'rsatkichlarini normativ darajasida ushlab turish va rentabellik darajasini oshirib borish imkonini beradi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. "O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi" O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori, 773-17, 13.08.2004 y.
2. Abdullayeva Sh. Bank ishi –Toshkent: Iqtisod-moliya, 2017, 555-570.
3. Saidov D. Tijorat banklari aktiv va boshqarish –Toshkent: TFI, 2020, 145-150.
4. Лаврушина О.И. Банковское дело –М. Финансы и статистика, 2011, 412.
5. Steven M. Bragg, Business Ratios and Formulas: A Comprehensive Guide 3rd edition – USA: John Wiley & Sons Inc, april 2012, 384.
6. www.lex.uz
7. www.cbu.uz
8. www.stat.uz

BOSHLANG‘ICH SINIF AQLI ZAIF O‘QUVCHILAR NUTQINI O‘STIRISH

Nabiyev Ravshanjon Shavkatjon o‘g‘li

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti
“Oligofrenopedagogika” mutaxassisligi 2-bosqich magistranti
ravshanbeknabiyev17@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada boshlang‘ich sinf aqli zaif o‘quvchilar nutqini o‘stirish borasida innovatsion texnologiyalarning qo‘llanilishi haqida so‘z yuritilgan. Bu borada nutq o‘stiruvchi bir nechta ta‘limiy o‘yin texnologiyalari keltirib o‘tilgan. O‘ylaymanki, bu maqolamiz defektolog-pedagoglarimiz foydalanishlari uchun ish faoliyatlarida kerak bo‘ladi.

Kalit so‘zlar. Innovatsiya, aqli zaiflik, boshlang‘ich sinf, nutq, nutqiy faoliyat, intellekt.

РАЗВИТИЕ РЕЧИ УМСТВЕННО ОТСТАЛЫХ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет о применении инновационных технологий для развития речи умственно отсталых учащихся начальных классов. В связи с этим было упомянуто несколько образовательных игровых технологий, которые развивают речь. Я думаю, что эта статья будет необходима для использования нашими педагогами-дефектологами в их работе.

Ключевые слова. Инновационность, умственная отсталость, начальный класс, речь, речевая деятельность, интеллект.

IMPROVING THE SPEECH OF MENTALLY RETARDED STUDENTS IN PRIMARY SCHOOL

ANNOTATION

This article discusses the application of innovative technologies in the development of speech in primary school mentally retarded students. Several educational game technologies that enhance speech have been cited in this regard. I think that this article will be useful in the work of our defectologists-educators.

Keywords. Innovation, mental retardation, elementary school, speech, speech activity, intellect.

Insonlardagi nutq atrofdagilar bilan aloqa vositasi sifatida katta ahamiyatga ega. Nutq orqali har bir inson o'z fikrini bayon etadi, ehtiyojini qondira oladi. Asosan, nutq yoshlik chog'idan asta-sekinlik bilan rivojlanadigan psixofiziologik jarayon sifatida ahamiyatli hisoblanadi. Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev 2020-yil 23-sentabr, O'RQ-637-sonli "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunning yangi taxriri imzolandi. Unga ko'ra barcha ta'lim yo'nalishlari singari "Inkyuziv ta'limga" ham alohida to'xtalib, uning 20-moddasi "Inklyuziv ta'lim" deb nomlandi. Unga ko'ra inklyuziv ta'lim alohida ta'lim ehtiyojlari va individual imkoniyatlarning xilma-xilligini hisobga olgan holda barcha ta'lim oluvchilar uchun ta'lim tashkilotlarida ta'lim olishga bo'lgan teng imkoniyatlarni ta'minlashga qaratilgan. Jismoniy, aqliy, sensor (sezgi) yoki ruhiy nuqsonlari bo'lgan bolalar (shaxslar) uchun ta'lim tashkilotlarida inklyuziv ta'lim tashkil etiladi. Inklyuziv ta'limni tashkil etish tartibi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadi. Yuqoridagi qarorda ma'lum turdagi aloxida ta'lim ehtiyojlari bo'lgan bolalarni normal rivojlangan tengdoshlari bilan birgalikda ta'lim olishlarini belgilab berdi.

Nutq buzilishlari deganda gapiruvchi shaxsning ma'lum til muhitida qabul qilingan, nutq faoliyati normal holda ishlayotgan psixofiziologik mexanizmlarining zaiflashuviga bog'liq holda til normalaridan chetlashuvi tushuniladi. Kommunikativ nazariya nuqtai nazaridan qaraganda esa, nutq buzilishlari bu bilish jarayoni, aloqa vositalarining buzilishidir. Shuning uchun har qanday madaniy jamiyatning burchi va vazifasi nutq kamchiliklariga ega bo'lgan jamiyat a'zolariga o'z vaqtida malakali yordam ko'rsatishdan iborat. Me'yorida rivojlanayotgan bolalar nutqining rivojlanishi yuzasidan bir qancha olimlar samarali ilmiy izlanishlar olib borgan (L.S.Vigotskiy, A.N.Gvozdev, D.B.Elkonin, A.P.Sokolov, N.X.Shvachkin, A.Vallon va boshqalar). Taniqli olimlar S.Ya. Rubinshteyn, G.A.Kashe, V.G.Petrova, J.I.Shif, V.I.Lubovskiylar aqli zaif bolalar nutqining me'yorida rivojlanayotgan bolalar nutqidan muayyan darajada orqada qolishini ta'kidladilar. Respublikamizda intellekti me'yorida yoshdagi bolalarda uchraydigan nutqiy kamchiliklar bo'yicha L.R.Mo'minova, X.M.Po'latova, N.R.Raxmonqulova, M.Yu.Ayupova, I.G.Veretennikova va E.A.Babaevalar o'rganganlar. D.Nurkeldiyeva, V.Raxmanova, S.Aytmetova, Sh.Amirsaidova, M.Xamidova, N.Musayevalarning ishlarida aqli zaif bolalarga ta'lim-tarbiya berish mazmuni yoritilgan.

Aqli zaif bolalar nutqini rivojlanishi dastlabki oylardanoq ortda qoladi. Natijada maktabgacha yoshdagi aqli zaif bolalar predmetlar bilan faoliyatga kirishish,

fonematik eshituv, artikulyatsion apparat harakatchanligi va atrof olamdagi voqea-hodisalarga qiziqishi yetarli darajada shakllanmaydi, hissiyotlar to'liq namoyon bo'lmaydi, bularning barchasi nutq rivojiga salbiy ta'sirini o'tkazadi. Nutq odamlarning eng muhim va yagona muomala vositasidir. Faqat insongina o'z hissiyotlari haqida so'zlash, fikrlarini bayon etish, qiziqarli axborotni yetkazish, she'r o'qish va h.k. kabi imkoniyatlarga ega. Bunday o'zaro ta'sir natijasida, muloqotdan rohatlanish hissi yuzaga kelganda biz hamfikrlik, hamdardlik, o'zaro tushunish hissini boshdan kechiramiz. Maktab yoshidagi bolaning nutqini o'stirish uning keyingi rivojlanishida va muvafaqqiyatli o'qishida juda muhim. Nutqni yaxshi egallagan bola o'z fikrlarini yaxshi bayon qila oladi, darsliklardagi materialni to'liq tushuntirib, bayon qilib bera oladi. Nutqi maqsadga muvofiq tarzda rivojlangan bola o'z fikrini "mantiqiylik ketma-ketlikda, asoslangan va o'ziga nisbatan ishonch bilan" xarakterlanadi.

Bolalar nutqini rivojlantirishda xalq og'zaki ijodining ahamiyati katta. Undagi ertak va hikoyalar yosh avlodni tafakkurini o'stirib, yuqori tasavvurga boyitadi. Unga kiritilgan ertaklar bolalarni obod - axloqqa o'rgatishi, ma'naviy juhatdan rivojlanishi bilan muhim ahamiyatga egadir. Masalan, "Ur to'qmoq" ertagidagi dehqon va boy obrazlari o'quvchilar ongida yaxshi va yomondan nafratlanish, undan yiroqlashish kerakligi haqida tasavvur hosil qiladi. Maqtanchoqlik, adolatchilik, ochko'zlik juda yomon odat ekanligi, saxiylik, do'stga mehribon bo'lish, rostgo'ylik insonning ma'naviy yuksalishga yordam berishi uqtiriladi. Bolalarda ikkita jadval tuzishga tayyorlanishlari aytiladi. Birga yaxshilikka doir so'zlar, ikkinchisiga esa uning aksi bo'lgan so'zlar yozish ta'kidlanadi. O'quvchilar ikki guruhga ajratilib, birinchi guruhdagi bolalar mehribon, saxiy, shirinso'z, yoqimli, go'zal, chiroyli, mehnatkash, e'tiborli, kamtar, aqlli, bilag'on kabi so'zlar topsalar, ikkinchi guruh bolalar yomon, xunuk, qo'pol, yolg'onchi, ayyor, to'polonchi, tartibsiz, xasis, qizg'anchiq kabi so'zlarni aytadilar. Nutq o'stirish ishlarini iqtisodiy tarbiya bilan bog'lab olib borish foydalidir. Bunda oila, uyro'zg'or, inoqlik, hamjihatlik, hamkorlik, tejamkorlik, foyda, zarar, dastyorlik, hurmat kabi so'zlardan foydalaniladi. O'quvchilar nutqini o'stirish ishlari ularning lug'atini boyitish bilan bog'liqdir. Bolalarning so'z boyligi qanchalik ko'p bo'lsa, u shunchalik ravon gapiradgan bo'ladi. Barchamizga ma'lumki, nutq fikrni ifodalovchi vositasi bo'lib, u orqali inson o'z fikrini, qarashlarini bayon etadi. Qolaversa, biz insonning ichki dunyosiga, bilim darajasiga ham uning nutqidan kelib chiqib baho beramiz. Shunday ekan, bilimni o'zlashtirish, tabiat va borliq haqida ma'lumot to'plashda samarali hisoblangan nutq o'stirishga maktab yoshidayoq alohida ahamiyat bermoq lozimdir. Boshlang'ich sinf o'quvchilari nutqida o'stirishda yod oldirish, so'zlarning ma'nosini tushuntirish yoki qayta hikoya qildirish kabi usullardan

foydalanibgina qolmay, balki ular uchun qiziqarli faoliyat bo'lgan o'yinlardan foydalanish, ayniqsa, ko'zlangan maqsad, yuqori natijalarni qo'lga kiritishda katta yordam beradi. Chunki o'yin kichik maktab yoshidagi o'quvchilar faoliyatida asosiy o'rinni egallaydi. Bolalarning yosh va psixologik xususiyatidan kelib chiqib aytadigan bo'lsak, o'yin dunyoni va o'zlikni anglashda, bog'lanishli nutqni o'stirishda asosiy vosita hisoblanadi. Darslarda o'quvchilar zo'r qiziqish bilan ishtirok etadigan bir nechta o'yinlardan namunalar keltiramiz. .

“Hikoya” o'yini. O'qituvchi xattaxtaga bir nechta so'z yozib qo'yadi. Masalan: Nafisa, soat, yomg'ir, kitob kabi. O'quvchilar mustaqil ravishda shu so'zlar ishtirokida hikoya tuzadilar. Bunda ularning lug'at boyligi oshishi bilan birga, gaplarni to'g'ri tuzish, tovushlarni to'g'ri tallaffuz qilish, ijodiy va mustaqil fiklash qobiliyati shakllanadi. O'qituvchi faol ishtirokchilarni vaqti-vaqti bilan rag'batlantirib borishi o'quvchilarning o'ziga bo'lgan ishonchini orttiradi va bundan-da faol bolishiga undaydi. Mazkur o'yinlar darsdan tashqari mashg'ulotlarda va to'garaklarda ham bemalol foydalanish mumkin.

“Qarama-qarshi so'zlar” o'yini. Bu o'yin mantiqiy tafakkurning hamda nutqning rivojlanishiga yordam beradi. O'yinni individual tarzda ham, guruh bilan ham o'tkazish mumkin. O'yin sharti quydagicha: o'qituvchi bola yoki o'quvchiga bir so'zni aytadi, o'quvchi shu so'zning ma'nosiga qarama - qarshi bo'lgan so'zni topib aytishi kerak. Masalan: katta - kichik, issiq - sovuq, achiq - shirin, qorong'u - yoruq, keng-tor, uzoq-yaqin va hokazo. Odatda bolalar o'yin boshida biroq qiynalshadilar, aytilgan so'zga javoban antonim so'zni emas, sinonim so'z bilan javob beradi, masalan: katta - baland, uzun - uzoq kabi. Ammo o'yinning mohiyatini tushunib olganlaridan so'ng o'quvchilar yaxshi o'ynaydilar. O'yin bir necha marta o'tkazilganidan so'ng o'quvchilar abstrakt tushunchalarni ham osonlik bilan tushunadilar va javob beradi, shunda o'quvchilarning nutqi ham rivojlana boradi, masalan: chaqqon - yalqov, ishchan - dangasa kabi so'zlarga ham tez javob topa oladi.

”To'rtinchi ortiqcha” o'yini. Bu o'yin rasmlarsiz o'ynaladi. O'quvchiga yoki bolaga bir guruhga kiruvchi uchta predmet va boshqa guruhga mansub bitta predmet nomi aytiladi. Masalan: atirgul, boychechak, binafsha, qo'ziqorin. O'quvchi ular orasidan ortiqchasini aytganidan so'ng undan fikrini asoslab berishi so'ralishi kerak. Bu o'yinlar o'quvchilarning tafakkuri rivojlanishiga yordam berishi bilan birga nutqning o'sishiga ham yordam beradi. O'yin individual tarzda o'tkazilsa ham yaxshi samara beradi, guruhda musobaqa ko'rinishida o'tkazilsa o'quvchilarning qiziqishi yanada ortadi.

Xulosa qilib aytganda boshlangich sinf aqli zaif o'quvchilar nutqini o'stirishda o'ylaymanki, yanada ko'proq ko'rgazmali vositalardan foydalanish ulardagi kechikib

rivojlanayotgan nutq komponentlarini ertaroq rivojlanishiga yordam beradi. Bundan tashqari, mazkur o'yinlardan foydalanganda o'quvchilarning nutqi rivojlanadi, lug'at boyligi yanada ortadi, mustaqil fikrlash malakasi shakllanadi. Yuqorida keltirilgan ta'limiy o'yinlar o'quvchilarning darsda faolligini oshirish bilan birga bilimlarni o'zlashtirish jarayonini yengillashtirish va mustahkamlash, nutq o'stirishga yo'naltirilgan har bir mashg'ulotni qiziqarli tashkil etishga xizmat qiladi.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т.: 2020.
2. Абраменкова В.В., Асмолов А.Г. Три измерения феномена персонализации личности в социогенезе // Личность и межличностные отношения в коллективе. - Ульяновск, 1988 г.
3. Белопольская Н.Л. К вопросу об особенностях личности и деятельности детей с задержкой психического развития и их коррекции. - В кн.: Психологические исследования, вып 6. М.:1994 г.
4. L.Мо'minova, Sh.Amirsaidova va boshqalar. Maxsus psixologiya -Т.: Fan va texnologiyalar . 2013.
5. Мўминова Л.Р., Шамахмудова Р. Имконияти чекланган болаларни индивидуал коррекцион-ривожлантириш дастурининг методик асослари. // Услубий тавсиянома. – Т.: 2007. – 28 б.
6. Мусаева Н.С. Бошланғич синф ақли заиф ўқувчиларнинг вербал ва новербал мулоқотга киришиш кўникмаларини ривожлантириш. Л.Р.Мўминова таҳрири остида. Методик қўлланма. Т.: Фан ва технология, 2017. -110 б.

ПЕРЕНОС ТЕПЛА ЗА СЧЕТ ТЕПЛОПРОВОДНОСТИ И КОНВЕКЦИЙ

Гуллола Мухидова Эркиновна

Самаркандский государственный университет имени Шарофа Рашидова,
Факультет цифровых технологий,
2 курс Магистр прикладной математики (по направлениям)

lola_8803@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В этой статье я описал тепловую силу конвекции на примере распределения тепла в грудине. Я использовал метод конечных элементов для определения распределения тепла в стержне.

Ключевые слова: конвекция, теплопроводность, перенос тепло, метода конечных элементов

HEAT TRANSFER DUE TO THERMAL CONDUCTIVITY AND CONVECTION

ABSTRACT

In this paper, I have described the heat force due to convection in the example of heat distribution in a sternum. I used the finite element method to determine the heat distribution in the rod.

Keywords: convection, thermal conductivity, heat transfer, finite element method

В этой работе будет рассмотрено применение метода конечных элементов для определения распределения температуры в стержне

Уравнение для одномерной задачи записывается в виде

$$K_{xx} \frac{\partial T^2}{\partial x^2} + Q = 0 \quad (1)$$

с граничным условием

$$K_{xx} \frac{\partial T}{\partial x} l_x + h(T - T_\infty) + q = 0 \quad (2)$$

где h —коэффициент теплообмена, $\text{кВт/м}^2 \cdot \text{К}$; T — температура на границе (неизвестная), K ; T_m — температура окружающей среды (известная), K ; l_x ; q — поток тепла, кВт/м^2 , который считается положительным, если тепло теряется телом. Поток тепла q и конвективная потеря тепла $h(T - T_\infty)$ не имеют места на одном и том же участке поверхности границы. Если существуют потери тепла за счет конвекции, то отсутствует отвод или приток тепла за счет теплового потока

и обратно.

Минимизация функционала, связанного с (1), была рассмотрена в [1].
Запишем матрицу теплопроводности элемента:

$$[k^{(e)}] = \int_{V^{(e)}} [B^{(e)}]^T [D^{(e)}] [B^{(e)}] dV + \int_{S_2^{(e)}} h [N^{(e)}] [N^{(e)}] dS \quad (3)$$

Матрица $[N^{(e)}]$ содержит функции формы, причем

$$T^{(e)} = [N^{(e)}] \{T\}. \quad (4)$$

$$[D^{(e)}] = [K_{xx}^{(e)}] \quad (5)$$

а матрица $[B^{(e)}]$ получается дифференцированием $[N^{(e)}]$ по x . Соотношение для определения $[B^{(e)}]$ имеет вид

$$\{g\} = \left\{ \frac{\partial T}{\partial x} \right\} = [B^{(e)}] \{T\} \quad (6)$$

Вектор-столбец правых частей уравнений для элемента определяется формулой:

$$\{f^{(e)}\} = - \int_{V^{(e)}} [N^{(e)}]^T Q dV + \int_{S_1^{(e)}} [N^{(e)}] q dS - \int_{S_2^{(e)}} [N^{(e)}]^T T_{\infty} h dS \quad (7)$$

где величины Q , q и h имеют заданные числовые значения.

Вышеприведенные формулы содержат все данные, необходимые для составления матриц элементов в задаче о переносе тепла за счет теплопроводности. В дальнейшем мы будем опускать верхний индекс (e) во всех обозначениях матриц элементов, исключая случай, когда необходимо будет различать два разных элемента.

Примером одномерной задачи переноса тепла является задача об охлаждении стержня. Рассмотрим стержень, один конец которого соединен с **источником** тепла; через боковую поверхность стержня и другой его конец тепло отводится в окружающую среду.

Использование формул (3) и (7) иллюстрируется на следующем примере: требуется вычислить распределение температуры в одномерном стержне с приведенными ниже физическими характеристиками.

Разделим конструкцию на 5 элементов длиной 1,5 см каждый.




Рис. 1

Запишем величины различных параметров, входящих в эти соотношения

$$\frac{AK_{xx}}{L} = 48\pi, \quad \frac{hPl}{6} = 5\pi, \quad hT_{\infty}PL = 1200\pi, \quad hA = 10\pi, \quad hT_{\infty}A = 400\pi$$

После применения метода прямой жесткости совокупность рассмотренных матриц элементов приводит к следующей системе уравнений:

$$\begin{bmatrix} 50 & -43 & & & & & \\ -43 & 116 & -43 & & & & \\ & -43 & 116 & -43 & & & \\ & & -43 & 116 & -43 & & \\ & & & -43 & 116 & -43 & \\ & & & & -43 & 116 & -43 \\ & & & & & -43 & 68 \end{bmatrix} \begin{bmatrix} T_1 \\ T_2 \\ T_3 \\ T_4 \\ T_5 \\ T_6 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} 600 \\ 1200 \\ 1200 \\ 1200 \\ 1200 \\ 1000 \end{bmatrix}$$

Здесь проведено сокращение на множитель π , так как он входит в обе части системы уравнений. Пустые места в $[K]$ означают нулевые коэффициенты.

Значение T_1 известно (150°C), так что система уравнений должна быть модифицирована перед решением. Эта модификация преобразует столбец правых частей к виду

$$\{F\}^T = [8700 \quad 7650 \quad 1200 \quad 1200 \quad 1000]$$

После решения системы имеем

$$\{T\}^T = [150 \quad 82.6 \quad 59 \quad 48.6 \quad 44.2 \quad 42.6]$$

Теоретические значения температуры следующие:

$$\{T_{\text{теорет}}\}^T = [150 \quad 89.9 \quad 62.8 \quad 50.6 \quad 45.2 \quad 43.3]$$

Результаты, полученные по методу конечных элементов, достаточно хорошо согласуются с истинными значениями, если учесть, что было проведено разбиение области на одинаковые элементы.

Решение по методу конечных элементов можно было бы улучшить, если использовать более короткие элементы вблизи стены, в которую заделан стержень.

ЛИТЕРАТУРА

Л.Сегерлинд. Применение метода конечных элементов. Мир. Москва 1979г.

АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хақимов Зафар Ибрагимович

ТМИ –мустақил тадқиқотчи

Zafarxakimov39@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада аҳоли томорқаларидан фойдаланиш харажатларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини кредитлаш механизмини соддалаштириш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Дехқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари, “Томорқа хизмати” МЧЖ, кооперация, Ялпи ички маҳсулот, тижорат банки, кредитлаш механизми, солиқ имтиёзлари.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются направления финансового обеспечения использования государственных земель и упрощение механизма кредитования землевладельцев, а также повышение эффективности использования бюджетных средств.

Ключевые слова: Дехканские хозяйства, землевладельцы, ООО «Томорқа хизмати», кооперация, ВВП, коммерческий банк, механизм кредитования, налоговые льготы.

ABSTRACT

This article discusses the areas of financial support for the use of public lands and the simplification of the mechanism for lending to landowners, as well as improving the efficiency of the use of budgetary funds.

Keywords: Dekhkan farms, landowners, Tomorka Khizmati LLC, cooperation, GDP, commercial bank, credit mechanism, tax benefits.

КИРИШ

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти борган сари ортиб бормоқда. Чунки, унда республика ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95 фоизга яқини яратилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган¹⁷. Эндиликда қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташқи бозор талабининг ўзгариши экологик талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш жараёнлари янада ривожлантиришни объектив равишда тақазо этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 49,4 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилиши, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 28 фоизи қишлоқ хўжалигида бандлигини ҳисобга олсак, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи “драйвер” тармоғи эканлиги ва бу соҳада ечимини кутиб турган муаммолар етарли эканлиги долзарблик касб этади. Қишлоқ хўжалиги таркибида аҳоли томорқаларидан фойдаланиш ҳисобига деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ялпи қишлоқ хўжалигида деҳқончилик маҳсулотлари улуши 62 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 90,7 фоизни ташкил этади. Бозор механизми асосида ривожланувчи ҳар қандай давлатда талабнинг ошиши нархнинг кўтарилишига олиб келади. Бунинг бирдан-бир ечими маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ёки танқис маҳсулотларни четдан импорт қилиш ҳисобига қаноатлантириш мумкин. Лекин, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш катта харажатларни талаб қилади. Бу харажатни битта фермер ёки деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгалари қоплай олмайди. Шундай экан улар давлатнинг молиявий кўмаги ва қўллаб қувватлашига муҳтож.

Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва рақобатбардошлик ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари нисбатан пастлигича қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш мамлакатимизнинг асосий хом ашё манбаи

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.-html.Lex.uz

ҳисобланади. Унинг муҳим ва ҳал қилувчи бўғини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бўлиб, уларни кооперация асосида ташкил этиш ва ривожлантириш ҳукуматимиз томонидан молиявий томондан муносиб қўллаб – қувватлаш долзарблик касб этади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мақоланинг назарий ва ҳуқуқий асоси сифатида иқтисодий адабиётлар

ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг аҳоли томорқаларидан фойдаланиш харажатларини молиявий қўллаб –қувватлаш масалалари бўйича изланишлари, томорқ ер эгалари ўртасида сўровнома ўтказиш орқали олинган маълумотлар, олимлар ва томорқа ер эгалари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида умумиқтисодий (индукция ва дедукция, диалектика) усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти улкан. Чунки, унда Республика ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95 фоизга яқини яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг яримидан ортиғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда. Эндиликда қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташқи бозор талабининг ўзгариши экологик талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш жараёнлари янада ривожлантирилишини объектив равишда тақозо этмоқда.

Ҳозирги пайтда 4,5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари мавжуд бўлиб, улар 445 минг гектардан зиёд ер майдонида меҳнат қилмоқда. Лекин, етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжлари учун етарли эмаслигини бозорларимиздаги нархларнинг кескин ўсиб бориши кўрсатиб турибди. Ҳозирги вақтда давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигига сарфланадиган харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1,7 фоизни ташкил этади. Соҳани давлат томонидан

молиялаштиришнинг асосий қисми бевосита ирригация учун сарфланади (63 фоиз) ҳамда асосан пахта ва бошоқли дон етиштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Республикамизнинг жами ер майдони 44 896,0 минг гектардан иборат. Шундан, 21,1 млн гектар ёки 46,5 фоизи яйлов ерларни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар¹⁸ 20,2 млн гектарнинг атиги 20,7 фоизи ёки 3,2 млн гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади. 2021- йилда ғалла эккан фермерларимиз даласида такрорий экинлардан қўшимча маҳсулот олинди. Бу билан ҳосилдорликни қўшимча 15 -20 центнерга оширишга эришилди. Ғалладан бўшаган 860 минг гектар майдонга такрорий экинлар экилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда аграр соҳага давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурслар ривожланган мамлакатларга нисбатан 2-3 баробар кўп бўлсада, бироқ ушбу маблағларни тўғри ва мақсадли йўналтриляпти деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам 2025- йилга бориб, давлат томонидан қишлоқ хўжалиги фақат бозор механизмлари асосида тартибга солинади.

Тан олиш керак мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшилағн қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш борасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Статистик маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалигида 2005 йилга нисбатан сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 га дан 0,16 гача) камайган. Мазкур ҳолат аҳоли сонининг ўсиши, сув таъминоти ҳажмининг қисқариши ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бошқа ер фонди тоифаларига ўтиши натижасида юзага келган. Прогнозларга кўра, келгуси 30 йил мобайнида суғориладиган ер майдонлари яна 20 — 25 фоизга қисқариши мумкин¹⁹.

Мамлакатимизда фермер, деҳқон хўжаликларини ва томорқа ер эгаларини янада ривожлантириш, уларнинг фаолият кўламини кенгайтиришга устувор аҳамият берилляпти. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 9 октябрда имзоланган “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹⁸ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — ерларнинг тоифасидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ушбу мақсадларга мўлжалланган ер турлари (суғориладиган ва лалми экин майдонлари, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар эгаллаган ерлар);

¹⁹ Ўзбекистон республикаси президентининг “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон фармони: [html.Lex.uz](http://html.lex.uz)

тўғрисида” ги 5199-сонли Фармони муҳим омил бўлмоқда. Унга асосан, аввало, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳаракатини ривожлантириш ҳамда аҳоли томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди ва бошқариш тизимида янги тузилма — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ва унинг қуйи бўғинлари тузилдики, бу фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кучайтириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш, томорқадан 2-3 мартадан ҳосил олиш, энг асосийси, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда энг замонавий агротехнологияларни татбиқ қилиш имконини берди.

Қуйида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб, мамлакатимизда йилдан-йилга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораётганлигини кўриш мумкин:(1-жадвал)

Республика миқёсида қарайдиган бўлсак, 2015 йилда 3 694,2 минг гектар ердан 99 604,6 млрд. Сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилда 3 260,7 минг гектар ердан 302 524,9 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари

1-жадвал

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони, минг гектар	3 694,2	3 706,7	3 474,5	3 396,0	3 309,4	3 396,1	3 260,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	99 604,6	115 599,2	148 199,3	187 425,6	216 283,1	250 250,6	302 524,9
шу жумладан:							
Деҳқончилик, млрд. сўм	55 429,2	61 755,1	83 303,4	98 406,4	111 904,8	123 858,8	151 083,4
Чорвачилик, млрд. сўм	44 175,4	53 844,1	64 895,9	89 019,2	104 378,3	126 391,8	151 441,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда	106,1	106,3	101,0	100,2	103,3	102,7	103,6
шу жумладан:							
Деҳқончилик,%	105,5	105,7	98,2	95,8	104,8	103,2	103,1
Чорвачилик,%	106,9	107,0	104,1	105,7	101,6	102,1	104,1

*) Ўзбекистон республикаси давлат Статистик қўмитаси маълумотлари

2015 йилга нисбатан экин майдони 432,5 минг гектарга камайган. 2015 йилда 1 гектар ерда яратилган маҳсулот миқдори 30 миллион сўмга тенг бўлган бўлса, 2021 йилда 82 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Мос равишда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларида ҳам худди шундай ўсишга эришилганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда дунё бўйича озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сабзавот ва картошка маҳсулотларига бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Сўнгги йиллардаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, дунё бўйича сабзавот экинлари ҳисобланган помидор экинидан йилига 182,3 млн. тонна, оқбош карамдан 71,45 млн. тонна, ширин ва аччиқ қалампирлардан жами 36,1 млн. тонна, сабзи экинидан 42,83 млн. тонна ва картошкadan 388,19 млн. тонна ялпи ҳосил етиштирилмоқда²⁰.



Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибига эътибор берсак, кейинги йилларда Фермер хўжаликларида 2000 йилда 5,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, уларнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши 28,2 фоизни ташкил этди. Деҳқон хўжаликларининг улуши 2000 йил билан таққосланганда деярли ўзгармаган (66,7 ва 65,9 фоиз). Чорвачилик тармоғида эса, фермер хўжаликлари улуши 2000 йилдаги 1,3 фоиздан 2020 йилда 4,9 фоизга ўсган, Жумладан, Қишлоқ хўжалиги фаолияти

²⁰ 1 <https://www.statista.com/statistics/264065/global-production-of-vegetables-by-type/>

билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларда эса ялпи қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 2000 йилда 27,8 фоиздан 2020 йилда 4,4 фоизга камайганлигини кўриш мумкин (2-жадвал).

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жаҳон банки эксперти Сергей Зарянинг маълумотларига кўра 1 гектар экин майдони ҳисобига 300-330 АҚШ доллари миқдорида даромад олинмоқда, таққослаш учун, Вьетнам давлати худди шундай шароитда 6000-6500 АҚШ доллари миқдорида даромад олишга эришган. Демак, шундан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда майдон бирлиги ҳисобига олинаётган ҳосилдорликни 15-20 баробар ошириш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора - тадбирлари тўғрисида” ги 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4767-сон Қарори Ушбу соҳада туб бурилиш ясади десак муболоға бўлмайди.

Қарорга кўра, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, “Томорқа хизмати” МЧЖ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва аҳоли томорқаларини хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш учун “Томорқа хизмати” МЧЖларга иссиқхона, совутгичли омборхоналар, чорвачилик мажмуалари қуриш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ер майдони ажратиш белгилаб кўйилди. Қишлоқ жойларда кластерлар ташкил этилганлиги ва уларнинг аҳоли даромадларини оширишдаги ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

2017 йилда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил этилди, ўрмонлар майдонини 2,3 млн гектарга кенгайтириш, 12 та янги ўрмон хўжаликларини ташкил этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, Орол денгизининг қуриган сатҳида ўрмонлар барпо қилиш, химоя ўрмонзорлар майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ерларида шамолдан химояловчи яшил йўлакларни кўпайтириш, мукамал мониторинг тизимини яратиш ва экологик таълим дастурларини такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Ҳисоб китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан

узумдан 7 бараваар, гилосдан 6 бараваар, ёнғоқдан 5 бараваар кўп даромад олиш имконияти мавжуд²¹.

Орол денгизининг қуриган сатҳида ўрмонлар барпо қилиш 2020 йилда 1 млн 200 минг гектарни ташкил этди. Ўрмон фондига тегишли оборотдан чиқиб қолган ерларини аҳолига тақсимлаб бериш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш энг самарали усул ҳисобланади.

Тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида 2 миллион сўмгача Оилавий тадбиркорлик маркази хулосасиз “On-line” тарзда томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш механизмини жорий этилди.

Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

- 2023 йил 1 январга қадар “Томорқа хизмати” МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 3 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик берилиши;
- фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда, ажратиладиган кредитлар фоиз ставкасининг 7,5 фоизли пунктгача қоплаб бериш тизими жорий этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан, 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида камида 30 та аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш харажатларининг 70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайдиган қисмини қоплашга субсидия ажратиш бўйича имтиёзлар яратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017-йил 10-11 март кунлари халқ билан мулоқот қилиш ҳамда жойларда амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф чоғида “Пахта ва тўқимачилик кластери” лойиҳасини ташкил этиш фикрини илгари сурди. Унда Ўзбекистонда кластер тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий асослари кўрсатиб ўтилди. Кластер шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоят

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 23.10.2019. ПФ-5853-сон. <http://lex.uz>.

ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга йўналтиришдан иборат²². Ўн йиллар давомида илмий тадқиқотлар ва хизматлар тақдим этилишининг етарлича молиялаштирилмаслиги ҳамда секторни ривожлантириш учун зарур бўлган хизматларни етарлича кўрсатилмаганлиги каби масалалар ҳал қилиниши лозим. Таққослаш учун, муваффақиятли қишлоқ хўжалигига эга бўлган ўрта даромадли мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 1 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотлар учун сарфлайди, кўп даромадли мамлакатларда эса ўртача 2,5 фоиз сарфланади²³. Бу борада мамлакатимизда 2018 йилда Ўзбекистон ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти даромадининг фақатгина 0,02 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги изланишларга сарфлаган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 0,8 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ахборот-консултатив хизматлар аста секин ривожланиб бормоқда. Сабаби, қишлоқ хўжалигига инновацион янги технологияларни олиб кириш, интенсив боғ ва тежамкор суғориш технологиялардан фойдаланишни молиялаш бўйича бир қатор имтиёзлар жорий қилинди. Олиб борилган сай –ҳаракатлар мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпайиши баробарида экспорт ҳажмининг ошишига олиб келди.

**Ўзбекистон республикасида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган
деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тўғрисида МАЪЛУМОТ**

2-жадвал

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.
1	Дон ва дуккакли дон экинлари - жами	Минг дона	6 535,5	7 437,8	7 636,0
2	Картошка	Минг дона	2 911,9	3 089,7	3 143,8
3	Сабзавотлар – жами	Минг дона	9 760,3	10 215,1	10 431,4
4	Озиқбоп полиз	Минг дона	1 837,0	2 068,7	2 134,4

²² Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017-йил 10-11 март кунлари халқ билан мулоқот қилиш ҳамда жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташрифи чоғида сўзлагн маърузаси.

²³ Жаҳон банки маълумотлар

5	Мевалар ва резаворлар - жами	Минг дона	2 706,2	2 752,7	2 812,6
6	Узум	Минг дона	1 589,8	1 603,3	1 606,9
7	Сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар – жами (тирик вазнда)	Минг дона	2 430,5	2 473,6	2 519,6
8	Сут – жами	Минг дона	10 466,4	10 714,3	10 976,9
9	Олинган тухум – жами	Млн дона	7 459,3	7 771,2	7 781,2
10	Асал	тонна	12 578,4	13 001,7	13 357,8
11	Қирқиб олинган жун	тонна	34 615,0	35 115,0	35 422,0
12	Олинган қорақўл тери	Минг дона	1 085,2	1 150,7	1 152,1
13	Пилла	тонна	17 912,3	21 374,1	20 941,9

**) Ўзбекистон республикаси Статистик қўмитаси маълумотлари*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги 3 йил давомида етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари бир мунча ўсишга эришган бўлсада, лекин бу кўрсаткич билан фахрлана олмаймиз. Жумладан, картошка етиштириш 3 143,8 минг тонна етиштирилган бўлсада, қўшимча 516 минг тонна картошка²⁴ четдан экспорт қилинди. Бу аҳолини картошкага нисбатан эҳтиёжини ортиб бораётганлигини кўрсатади.

2021 йил 23 ноябрь куни Ўзбекистон президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор моҳиятида келгуси йили пахта ва ғалладан қисқартириладиган 80 минг гектар ер аҳолига деҳқон(шахсий уй) хўжалиги ташкил этиш учун берилиши,бу майдонлар очик электрон танлов ўтказиш орқали, 10 сотихдан 1 гектаргача ўлчамда, 10 йил муддатга ижарага берилиши белгилаб қўйилди. Давлатимиз раҳбари бунда яратиладиган иш ўрни ва деҳқончилик тажрибаси асосий мезон бўлишини, эҳтиёжманд аҳолига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Бундай хўжаликлар учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 6 ойлик имтиёзли давр билан 2 йилгача кредит ҳам берилди. Лекин ердан оқилона фойдаланилмаса, ижара шартномаси суд орқали муддатидан олдин бекор қилиниши таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари томорқа ер эгаларини қўллаб қувватлаш мақсадида бир қатор имтиёзлар жорий этилди:

²⁴ Ўзбекистон республикаси Давлат Статистик қўмитаси маълумотлари

- деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада 10 бош қорамол ёки 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаган жисмоний шахслар томонидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилига ЭКИХнинг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўланган тақдирда, суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилади;
- Кенгаш тизимида ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ тўланади;
- фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов 5 фоиз миқдорида тўланади.

ХУЛОСА

Ушбу яратилатган шароитлардан самарали фойдаланиш мақсадида куйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Қишлоқ хўжалигида балиқ етиштирувчи тадбиркорлик субъектларини солиқ имтиёзларини (қисман ёки тўла) жорий қилиш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини жорий қилиш ;
2. Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларини молиялаштиришда “аралаш кредитлаш механизми”дан фойдаланиш;
3. Жамғармалар томонидан бериладиган субсидиялар қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар учун, жумладан кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликда сув тежайдиган технологияларни жорий қилишга, сифатли кўчатлар, уруғликлар , минерал ўғитлар, кимёвий ва биологик препаратлар, қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилиш учун ажратиш;
4. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва экин майдонларини қайта фойдаланишга киритишга қаратилган харажатларни молиялаш кўламини ошириб бориш;
5. Қишлоқ хўжалигида илмий ва илмий-техник фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш;
6. Экин экиш имконияти йўқ ер майдонларида экотуризмни ривожлантириш харажатларини молиялаш механизмини жорий қилиш;

Бу билан қишлоқ хўжалигида аҳоли янги иш ўринлари билан таъминлашга, майдон бирлиги эвазига олинадиган даромаднинг кўпайишига, аҳолининг ерга, мулкка қизиқиш ҳиссининг ортишига, экспортга чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳажмининг ошишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нурматов Н.Ж., Авлиякулов А.А. “ Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” дарслик. “Фан зиёси”, Тошкент. 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <http://lex.uz>.

Интернет ресурслари

1. www.infocom.uz: Infocom.uz электрон журнали.
2. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
3. www.uznature.uz

UDK:631.1:332.2

ЕКОЛОГИК ХАРИТАЛАРНИ ЯРАТИШДА ГАТ НИГ АНАМИЯТИ (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA)

Xujakeldiyev Komil Nosirovich

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti “Geodeziya, kadastr va yerdan foydalanish”

kafedrasida T.f.f.d. (PhD), dotsent v.b.

xujakeldiyevkomil@gmail.com

Shog'darov Doniyor Dilshod o'g'li

“TIQXMMI” Milliy tadqiqot universitetining Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar

instituti “Umumtexnik fanlar” kafedrasida o'qituvchisi

Doniyorshogdarov@gmail.com

ANNOTATSIYA

Respublikamiz hududlarida so'nggi yillarda ro'y berayotgan ekologik muammolar, qishloq xo'jaligi ekin maydonlari mexanik tarkibining qisman buzilishi, atrof-muhitda ekologik holatning o'zgarishi, sanoat tarmoqlarining rivojlanayotganligi natijasida ularning qishloq xo'jaligiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Ekologiya muammosi davrimizning dolzarb muammolaridan biri bo'lib qoldi. Ekologik muvozanatning harakteri hududda ekologik vaziyatning xususiyatini aniqlovchi eng maqbul va samarali mezon hisoblanadi.

Kalit so'zlar: Ekologiya, tabiiy resurslar, GAT texnologiyalari, vizuallashtirish, modellashtirish, atlas, maket komponovka, geoeologiya, QGIS, ArcGIS.

ЗНАЧЕНИЕ ГАТ В СОЗДАНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ КАРТ (НА ПРИМЕРЕ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ).

АННОТАЦИЯ

Экологические проблемы последних лет в регионах страны, частичное ухудшение механического состава сельскохозяйственных угодий, изменение экологической обстановки, развитие промышленных отраслей негативно сказываются на их сельском хозяйстве. Проблема экологии стала одной из самых актуальных проблем современности. Характер экологического равновесия

является наиболее оптимальным и действенным критерием, определяющим характер экологической ситуации в регионе.

Ключевые слова: Экология, природные ресурсы, ГАТ-технологии, визуализация, моделирование, атлас, макет модели, геоэкология, QGIS, ArcGIS.

THE IMPORTANCE OF GHATS IN THE CREATION OF ECOLOGICAL MAPS (ON THE EXAMPLE OF THE KASHKADARYA REGION)

ABSTRACT

Environmental problems of recent years in the regions of the country, partial deterioration of the mechanical composition of agricultural land, changes in the environmental situation, and the development of industrial sectors have a negative impact on their agriculture. The problem of ecology has become one of the most urgent problems of our time. The nature of the ecological balance is the most optimal and effective criterion that determines the nature of the ecological situation in the region.

Key words: Ecology, natural resources, GAT technologies, visualization, modeling, atlas, model layout, geoecology, QGIS, ArcGIS.

KIRISH

Inson va muhit o'rtasidagi munosabat eng og'ir yechim mushkuli ekologiya, hususan inson faoliyati ta'sirida qurg'oqchilikning kuchayib borayotgani cho'llanish maydonlarining kengayib, ichimlik suvi zaxiralarining kamayib borayotganini tabiiy muhitni ifloslanishi va uning ifloslanish oqibatida aholi kasallanishiga olib borishi suv, havo va tuproqning ifloslanishi va boshqa muammolari hammaga ma'lum. Bunday muammolar dunyoning barcha mamlakatlarida bo'lganidek bizning respublikamizda ham mavjud.

Mamlakatimizda ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va ularni qayta tiklash sohasida davlat boshqaruvini tashkil etish bo'yicha ko'plab ishlar bajarilmoqda. Davlat boshqaruvini tashkil etish orqali atrof-muhitning qulay ekologik holatini, ekologik tizimlar, tabiiy komplekslar, alohida obyektlar muhofaza qilishni va ekologik sharoitning sog'lomlashtirilishini ta'minlash mumkin²⁵.

²⁵O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida» 2017 yil 21 apreldagi PF-5024-son Farmoni

Dunyo hamjamiyatida ekologik holatni kartalashtirish borasida ekologik ko'rsatkichlarni o'zaro bog'liq holda tizimli tasvirlaydigan maxsus atlas kartalarini sinxronlashtirish metodlariga, ya'ni kompyuter ekranida bir vaqtning o'zida kartalarning bir nechtasini tasvirlash va ularning didaktik matnlari bilan interaktiv birgalikda ishlash GAT texnologiyalariga ustuvor ahamiyat qaratilmoqda. Bu borada ArcGIS, QGIS dasturlari model dasturiy ta'minotida ma'lumotlar bazasini yaratish, elektron kartalarni vizuallashtirish, modellashtirish, analitik kartalashtirishga yo'naltirilgan tadqiqotlarga alohida e'tibor berilmoqda.

Geografik axborot tizimlari yordamida, raqamli kartografik va ekologik ma'lumotlarning kompyuter xotirasiga kiritish, to'plash, saqlash va qayta ishlash, ma'lumotlar asosida ekotizimlarning holatini aks ettiruvchi mavzuli kartalarni tuzish, turli muhitlarda ekologik vaziyatning rivojlanishini modellashtirish va ekotizimlarning iqlim sharoitlariga bog'liqligini o'rganish, ifloslanish manbalarini tavsiflash, ifloslantiruvchi moddalarning konsentratsiya qiymatlarini aniqlash mumkin. Geografik axborot tizimlari turli ma'lumotlar bilan tabiiy atrof - muhitning obyektlari holatini majmuali baxolash kabi ishlarni amalga oshirish mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ekologik karta va atlaslar yaratish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasining Geografiya bo'limida respublikamizda va MDH davlatlarida birinchilardan bo'lib chop etilgan 1:1000000 masshtabli "O'zbekiston Respublikasi ekologik kartasi" (1992), "Ekosan" tashkiloti bilan hamkorlikda A.Rafiqov va T.Mirzalievlar muharrirligida "O'zbekiston Respublikasini tabiatni muhofaza qilish" kartasi (2002), "O'zbekistonning ekologik atlas", X.A.Toychiev, E.Yu.Safarov, N.I.Sabitova (2007), Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi tomonidan chop etilgan "O'zbekistonda atrof muhit holatini ekologik ko'rsatkichlar asosida baholash atlas", F.H.Hikmatov va boshqalar (2008), shuningdek A.Egamberdiev, V.A.Rafiqov, J.Qoraboev, P.Reymov, Sh.M.Sharipov, olib borgan ilmiy tadqiqotlarida hududlarning ekologik holatini yuzaga keltiruvchi ekologik omillar va indikatorlarning tarqalishini, ekologik vaziyatning keskinlik darajalarini kartografik tasvirlash metodikasi yoritilgan. Bu tadqiqotlar ekologik kartografiyani geografik jihatlarining ilmiy asoslarini takomillashtirish uchun muayyan imkoniyatlarni beradi.

NATIJALAR

2007 - yil O'zbekiston Milliy universiteti tomonidan ilk bor «O'zbekiston Respublikasi ekologik atlas» yaratildi. Atlasning tarkibi respublikamiz hududlari

tabiiy muhitidagi o'zgarishlar va ekologik vaziyatning alohida jihatlarini aks ettiruvchi 30 dan ortiq mavzuli kartalarni o'z ichiga olgan.

Atlas – bu muayyan hudud va jamiya hayoti haqidagi bilim va tasavvurlar to'plangan muhim kartografik asardir. Unda jamlangan barcha ma'lumot o'qish va o'rganish uchun ancha qulay bo'lgan, kartografik belgilar va kartografik tasvirlash usullarida ifodalanadi. Barcha tarixiy davrlarda atlas borliq haqidagi bilimlarni tasdiqlovchi aniq tasviriy hujjat bo'lib xizmat qilgan. Ularning ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishdagi va amaliyotdagi ahamiyatini baholash qiyin. Qadimgi atlaslar barcha davrlarda ham xalq madaniy merosining ajralmas qismi bo'lib qoladi.

Atlaslar orqali muayyan hududni va unda kechayotgan tabiiy hamda ijtimoiy-iqtisodiy hodisalarni har tomonlama o'rganish mumkinligi e'tiborni tortadi. Kartalar guruhi xilma-xil turdagi hodisalarning o'zaro bog'liqligi, aloqadorligi va bir-birini taqozo qilishini ta'minlashga imkon beradi. Ayniqsa, bu hududning ekologik holatini o'rganish va uning xo'jalik nuqtainazaridan o'zlashtirishdagi ijobiy tomonini aniqlashda qimmatlidir.

Atlas – bir butun, yaxlit – bo'linmas kartografik asardir. Atlaskartalar to'plami sifatida ancha odatiydir. Bu atlasni tarixiy tipi, unda matn uncha katta bo'lmagan ko'rinishidagi kirish (muqaddima, so'z boshi atlas haqida ma'lumotlar) bo'lishi mumkin. Bunga ko'pchilik umumgeografik atlaslar, ko'pgina mavzuli va kompleks atlaslar (masalan, Dunyoni katta sovet atlas), keng ommaga mo'ljallangan atlaslar (masalan, sobiq ittifoq atlas, 1985), o'lkashunoslik va o'quv atlaslari seriyasi kiradi.

MUHOKAMA

Hozirgi kunda geografiya va u bilan turdosh fanlardagi tadqiqotlarda ekologik mazmundagi kartografik asarlar tor doiradagi mutaxassislar, ya'ni ekologlar, shu sohadagi ilmiy mutaxassislar yoki soha bo'yicha turli boshqaruv apparatiga mo'ljallangan holda yaratilmoqda. Bunday tadqiqotlar asosan ilmiy qo'llanmalar vazifasini o'taydi va aniq maqsadlarga ega bo'ladi: boshqaruv xarakteridagi maxsus qarorlar qabul qilishni ta'minlash yoki aholining ma'lum kategoriyasini ekologik jihatdan savodini oshirish, ya'ni bunday tadqiqotlar asosan tadbiiy ahamiyatga ega bo'lib, ommaviy keng ravishda nashr qilishga ehtiyoj yo'q deb hisoblanadi. Lekin atlas va xarita tuzish bozori konyukturasi tez o'zgarib turadi va har qanday tadbiiy mavzu dolzarb mavzuga aylanib qolishi mumkin, shuning uchun tadbiiy xaritalarni grafik rasmiylashtirishda an'anaviy ofset usulida yoki ko'paytiruvchi texnikada nashr qilishga mo'ljallash kerak bo'ladi.



1-Rasm. Qashqadaryo viloyatining ekologik xaritasi. 2- Rasm. Qashqadaryo viloyati tabiatni muhofaza qilish xaritasi.

Ishlab chiqaruvchi va xizmatlar ko'rsatuvchi sohalarda xaritalari mavzuni aniqlashda xaritaga olinayotgan hududning geografik xususiyatlari nihoyatda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda, aholi va aholi punktlarining joylashganligi tavsifi bilan xizmat ko'rsatuvchi sohaning asosiy ko'rsatkichlari, katta - kichikligi va tarmoqning tashkil etilganligi, xizmat ko'rsatish darajasi va aholining u bilan ta'minlanganligi, xizmat ko'rsatish sohasi shakllarining qamrovi bilan chambarchas bog'langan. Aholi punktlarida xizmat ko'rsatish sohasini hududiy tashkil etilganligi va rivojlanganlik darajasi va holatini haqqoniy baxolash uchun zarur bo'lgan xilma-xil miqdor va sifat ko'rsatkichlarini tasvirlashda keng imkoniyatlarga egadir. Mazkur xaritalar respublika doirasida aholiga xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanganlik darajasini aks ettirishi lozim. Natijada, xizmat ko'rsatishni hududlar doirasida notekis taqsimlanganligi, qishloqlarni shaharlarni orqada qolayotganligi va boshqa shunga o'xshash holatlar aniqlandi.

XULOSA

Ekologik-kartografik tadqiqotlarda odamlarning yashash sharoitiga salbiy yoki ijobiy ta'sir etadigan tabiiy va antropogen ekologik omillarni aks ettiradigan mavzuli kartalar alohida ahamiyat kasb etmoqda. Ekologik atlaslar ilmiy-ma'lumotnomali qo'llanma bo'lib, ulardan birinchi navbatda Oliy o'quv yurtlarida o'z hududini o'rganishda, uning ekologik holati bilan tanishishda zaruriy qo'llanma hisoblanadi. Shuningdek, atlasdan ekologiya, geografiya biologiya fanlari bo'yicha fakultativ

kurslarda, hamda iqtisodiyotda, xalq xo'jaligining muhim tarmoqlarini o'rganish va tadqiqot ishlarini olib borishda foydalanish mumkin. Ekologik holatni kartalashtirish borasida ekologik ko'rsatkichlarni o'zaro bog'liq holda tizimli tasvirlaydigan maxsus atlas kartalarini yaratish talab etilmoqda.

Ekologik xaritalashtirishda tibbiy geografik xaritalar alohida guruhni tashkil etadi. Ushbu xaritalarning ahamiyati shundan iboratki, ular sog'liqni saqlash, tabiatni muhofaza qilish tashkilotlariga, inson organizmiga tabiiy muhit omillarining salbiy ta'sirini oldini olish bo'yicha aniq tadbirlar tuzishni ilmiy asoslangan holda rejalashtirishga imkon beradi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida» 2017 yil 21 apreldagi PF-5024-son .
2. Xakimova Kamolatxon Raximjonovna “Farg‘ona vodiysi ekologik atlasining tarkibi va mazmunini ishlab chiqishning geografik jihatlari” (Phd) O‘zMU 2019.
3. Gulyamova L.H., Safarov E.Yu., Abdullaev I.O'.Geoaxborot tizimlari va texnologiyalari.O'quv qo'llanma. 2 qism. Toshkent., 2013.
4. Mirzaliev T., Safarov E.Yu., Egamberdiev A., Qoraboev J.S. “Atlas kartografiyasi”.O'quv qo'llanma. Toshkent., “Universitet”. 2015.
5. “O'zbekiston Respublikasi ekologik atlasini” Tashkent. 2007.20-b.
6. Internet sayti: www.lex.uz

УДК 677.051

ТЕХНОЛОГИЯ ТЕРМИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКИ С ДВОЙНОЙ ФАЗОВОЙ ПЕРЕКРИСТАЛЛИЗАЦИЕЙ

З. Абдукаххоров

Наманганский инженерно-технологический институт

Т. Абдукохоров

Наманганский инженерно-технологический институт

abduqahharovt@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Проблемам повышения износостойкости и долговечности стальных изделий в машиностроении является весьма актуальной. С этой целью статье изучено структурные превращения стали при различных видов термической обработки, которые значительно влияют указанных свойств.

Ключевых слов и выражений: прочность, износостойкость, прочность, предел текучести, ударная вязкость, долговечности, дефекты кристаллических решетки, плотность дислокации, аустенитного зерна.

TECHNOLOGY OF THE TERMAL PROCESSING WITH DOUBLE PHASE FART CRYSTALLIZATION

ABSTRACT

The Problem of increasing to wear capability and longevity steel product in machine building is more actual. For this purpose article is studied structured conversions become under different type of the termal processing, which vastly affect the specified characteristic.

The Keywords and expressions: toughness, wear capability, toughness, limit to fluidity, striking viscosity, longevity, defects crystalline lattices, density, grain.

Для современного машиностроительного производства характерно использование не только принципиально новых материалов, но и совершенствование существующих. Это совершенствование предполагает высокое качество изделий, использование обычных исходных материалов, стандартного технологического оборудования, сбережение ресурсов. В конечном итоге это означает достижение наибольшего экономического эффекта.

Один из возможных вариантов совершенствования технологии и улучшения служебных свойств термически обрабатываемых изделий – это использование термической обработки с многократным нагревом, в том числе с фазовой перекристаллизацией [1].

Сущность ее заключается в резком ускорении диффузионных процессов за счет чередующихся теплосмен. Если циклическая обработка проводится с многократной фазовой перекристаллизацией, то наблюдается быстрое измельчение зерна и на этой базе повышение предела текучести, ударной вязкости. Соответственно значительно уменьшается общее время термообработки. При циклической термообработке с нагревом до субкритических температур ускорение диффузионных процессов приводит к быстрой коагуляции цементитных пластин с образованием зернистых структур. Однако введение в сталь легирующих элементов, замедляющих диффузию углерода в феррит, значительно снижают этот эффект [2].

При циклической термообработке наблюдается также рост плотности дислокаций, что следует связывать с развитием микропластической деформации во время резких теплосмен. Рост плотности дислокаций зависит от температурно-временных условий циклирования, возможности наследования элементов субструктуры при новом цикле нагрев-охлаждение.

Температуры предварительной закалки °С





Рис 1. Изменение предела текучести, ударной вязкости в зависимости от температуры предварительной закалки

Однако после проведения окончательной закалки и отпуска плотность дислокаций не сильно отличается от той, что получена после закалки и отпуска

по обычным режимам. В настоящее время разработано большое количество способов термоциклической обработки применительно к тем или иным сплавам [3].

Другим способом резкого ускорения диффузионных процессов является повышение температуры процесса. Однако эти процессы имели явно отрицательные стороны - это рост зерна, увеличение температуры охрупчивания и т.д.



Температуры предварительной закалки °C

Рис 2. Рост среднего диаметра аустенитного зерна в зависимости от температуры предварительной закалки

Поэтому более приемлемым процессом выглядит термическая обработка с двойной фазовой перекристаллизацией. В частности в эти же годы были опубликованы японские патенты, где описывалась двойная закалка шарикоподшипниковой стали, которая несколько раз увеличивала долговечность шарикоподшипников. Это объяснялось измельчением зерна и вторичных карбидов стали. Более полные исследования по вопросам

формирования структуры стали при термической обработке с двойной фазовой перекристаллизацией показали, что существуют оптимальные режимы, обеспечивающие измельчение аустенитного зерна, дисперсность избыточных фаз и максимальную плотность дислокаций.




Рис 3. Рост среднего диаметра аустенитного зерна в зависимости от температуры предварительной закалки и промежуточного отпуска

Эти режимы включают первую фазовую перекристаллизацию с нагревом до экстремальных температур. Как показал Л. И. Миркин, для углеродистых и малолегированных сталей экстремальная температура приходится на 1100°C. После нагрева стали до этой температуры и охлаждения формируется повышенная плотность дислокаций. Проведенные нами работы показали, что экстремальные температуры охватывают более широкий интервал 1100 - 1150°C, а формирование максимума дефектности кристаллического строения связано с началом растворения тугоплавких примесных фаз в стали, образованием зон с

химической микронеоднородностью, что при охлаждении ведет к повышению плотности дислокаций в α – фазе [4].

Повторная фазовая перекристаллизация, проведенная с нагревом обычно принятых температур, проходит в условиях наследования элементов исходного субмикростроения. Таким образом, после нового $\alpha - \gamma - \alpha$ превращения формируется структура с высокой плотностью дислокаций, мелким зерном, дисперсионными фазами. Это способствует заметному увеличению предела упругости и предела текучести стали, повышение релаксационной стойкости и значительному увеличению износостойкости.

Технология термической обработки с двойной фазовой перекристаллизацией была использована для увеличения износостойкости лопастей дробометных аппаратов, штампового инструмента холодного деформирования, повышения работоспособности упругих бандажных колец камер высокого давления, тяговых барабанов волочильных машин. Во всех случаях достигалось значительное повышение стойкости от 1,5 до 3 раз без существенного усложнения технологии, на стандартном оборудовании.

ЛИТЕРАТУРА

- [1]. D. Turnbull. In “Atom Movements”, ASM, Seminar, 1950, с. 129.
- [2]. А.А. Мухамедов. Исследование свойств после перекристаллизации стали. МиТОМ. 1972. № 12. с. 14-20.
- [3]. Я. Рахимов, З. Абдукаххоров, Поверхностная диффузия и её влияние на свойства рабочих поверхностей деталей машин. Материалов международный научно-практической интернет-конференции Астрахан 29 февраля 2016 г.
- [4]. Я. Рахимов, Х. Исаханов, З. Абдукаххоров. Влияние температуры предварительной нормализации на прочность и абразивную износостойкость стали. Проблемы механика. 2016г. №2.с. 47-52.

ИЗУЧЕНИЕ ВЕЩЕСТВЕННОГО СОСТАВА ПРОБЫ ГРАФИТОВОЙ РУДЫ МЕСТОРОЖДЕНИЯ ТАСКАЗГАН

Хатамов Гайрат Алимансурович

Магистрант, Ташкентский государственный технический университет

xatamovgayrat70@gmail.com

Абдурахманова Наргиза Абдурасул кизи

Магистрант, Ташкентский государственный технический университет

abdurasulovna.n.a@gmail.com

Абдурасулова Зарина Хусниддиновна

Магистрант, Ташкентский государственный технический университет

zarinaabdurasulovna1@gmail.com

Научный руководитель – PhD Бекпулатов Ж.М.

АННОТАЦИЯ

В работе приведены результаты изучения вещественного состава пробы графитовой руды месторождения Тасказган. Промышленно-ценным компонентом пробы является графит. На основании изучения вещественного состава для переработки руды рекомендуется флотационный метод.

Ключевые слова: Графит, компонент, руда, кварц,, флотация, Тасказган.

ТОШҚАЗГАН КОНИДАН ОЛИНГАН ГРАФИТЛИ МАЪДАННИ ТАРКИБИЙ ҚИСМИНИ ЎРГАНИШ

АННОТАТСИЯ

Мақолада таркибида графит сақловчи Тошқазган конидан келтирилган намунани таркибий қисми ўрганилган ва олинган натижалар келтирилган. Намунадаги асосий саноатбоп компонент – графит. Олинган натижалар асосида бундай маъданни қайта ишлаш учун флотация усули тавсия қилинади.

Калит сўзлар: графит, компонент, руда, кварц, флотация, Тасказган.

STUDY OF MATERIAL STRUCTURE OF TESTS OF GRAPHITE ORE OF DEPOSIT TASKAZGAN

ABSTRACT

In job the results of study of material structure tests of graphite ore of a deposit Taskazgan are given. Industrial - valuable component of ore is graphite. On the basis of study of material structure for processing ore it is possible to recommend flotation.

Keywords: Graphite, component, ore, quartz, flotation, Taskazgan

В Узбекистане известно более 30 месторождений графита. Промышленный интерес представляет в республике разведанное а Навоисйской области Тасказганское месторождение с промышленными запасами 2,3 млн. тонн руды и содержанием графита в среднем 11%. Перспективы месторождения оцениваются 40 млн. тонн. Кроме того, в Гиссарских хребтах изучено проявление Захчахона. Графит в виде мелких агрегатов образует скопления мелко- и тонкочешуйчатых выделений в толще белых мраморов. Нами изучен вещественный состав пробы руды, отобранные на месторождении Тасказган.

Проба руды подготовлена к исследованиям по стандартной методике (рис.1). В процессе подготовки пробы от нее отбирались образцы для минералогического анализа, а также средняя проба для проведения спектрального и химического анализов.

Результаты полуколичественного спектрального анализа средней пробы руды приведены в табл.1.

Таблица 1

Результаты спектрального анализа средней пробы руды

Элементы	Содержание, %	Элементы	Содержание, %
Кремний	>1	Цирконий	0,008
Алюминий	>1	Медь	0,004
Магний	>1	Ванадий	0,001
Кальций	>1	Хром	0,003
Железо	>1	Стронций	0,01
Марганец	0,03	Галлий	0,001
Никель	0,01	Натрий	>1
Кобальт	0,001	Калий	>1
Титан	0,6		

Результаты химического анализа средней пробы руды показаны в табл.2.

Таблица 2

Результаты химического анализа средней пробы руды

Название компонента	Содержание в пробе, %	Название компонента	Содержание в пробе, %
SiO ₂	41,54	Na ₂ O	3,26
Fe ₂ O ₃	1,4	P ₂ O ₅	0,03
FeO	0,57	-H ₂ O	1,8
TiO ₂	0,75	SO ₃	0,01
MnO	0,06	S _{сульфид.}	0,01
Al ₂ O ₃	15,53	CO ₂	1,43
CaO	3,09	Графит	17,11
MgO	2,22	п.п.п.	25,02
K ₂ O	6,9	Ni	

Как видно из табл.2 основным ценным компонентом руды является графит.




Рис.1. Схема подготовки пробы руды к испытаниям

Главным полезным компонентом руды является графит, содержание которого составляет 17%. Главную массу нерудных минералов составляет серицит, магнийсодержащие – хлорит, серпентинит, парасениолит, глинистые минералы – галлуазит и группа цеолитов. Список минералов, составляющих пробу, и их примерные количественные соотношения приведены в табл.3. размеры вкрапленности чешуек графита составляют 0,001-0,5 мм, преобладают 0,02-0,09 мм.

Таблица 3

Примерные количественные соотношения основных слагающих руды минералов

Минерал	Содержание, %	Минерал	Содержание, %
Графит	17,0	Карбонаты	3,5
Кварц	6,0	Гетит, гидрогетит, ярозит	1,5
Полевые шпаты	5,0	Пирит	Един. знаки
Серицит, мусковит	18,0	Халькопирит	Един. знаки
Биотит	3,0	Минералы титана	Знаки
Хлорит, серпентин, парасениолит, талък	12,0	Апатит	Знаки
Каолинит, галлуазит, гарниерит	8,0	Циркон	Един. знаки
Цеолиты	25,0		

В результате изучения вещественного состава графитовой пробы руды установлено:

Ценным компонентом руды является графит.

Руда представлена штуфами слабоцементированного, легко разрушающегося при механическом воздействии материала в обильным графитом.

Содержание графита в пробе составляет 17%. Попутных полезных компонентов не отмечено кроме низкого содержания никеля, железа и др.

Главными нерудными минералами пробы являются серицит, мусковит, хлорит, серпентинит и цеолиты.

На основании изучения вещественного состава для переработки руды можно рекомендовать метод флотации.

ЛИТЕРАТУРА

1. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан. Под редакцией Т.Ш. Шоёкубова, Т.Н. Долимова. Ташкент, Университет, 1998.
2. Абрамов А.А. Переработка обогащение и комплексное использование твердых полезных ископаемых М.«МГГУ», 2004,156с.
3. http://www.minproc.ru/thes/2003/section3/thes_2003s/ Обогащение полезных ископаемых.

ОТКРЫТИЕ И УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС УЗБЕКСКОГО ВЫСШЕГО ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА В САМАРКАНДЕ (В ДАННОЕ ВРЕМЯ САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМ. Ш. РАШИДОВА) ПО МАТЕРИАЛАМ ФОНДА Р-94 НАЦИОНАЛЬНОГО АРХИВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Асатуллаев Миржалолхон Исахонович

Докторант(PhD) Самаркандского государственного университета

им. Ш. Рашидова

mirjalolxon@bk.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Samarqand shahridagi O'zbek Oliy pedagogika institutining (hozirgi Sh.Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti) ochilishi va o'quv jarayoni haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Oliy pedagogika instituti, muhandis Mankovskiy, N.A. Merkulovich, V.L. Vyatkin, shoir Fitrat, V.I. Popov, A.M. Zavadskiy, Gubaydullin, I.I. Kuznetsov, Golbadon, Arbuzov, bulvar.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация об открытии и учебного процесса Узбекского высшего педагогического института в Самарканде (в данное время Самаркандский государственный университет им. Ш. Рашидова).

Ключевые слова: высший педагогический институт, инженер Маньковский, Н.А. Меркулович, В.Л. Вяткин, поэт Фитрат, В.И. Попов, А.М. Завадский, Губайдуллин, И.И. Кузнецов, Голбадон, Арбузов, бульвар.

ANNOTATION

This article provides information about the opening and educational process of the Uzbek Higher Pedagogical Institute in Samarkand (now Samarkand State University named after Sh. Rashidov).

Key words: Higher Pedagogical Institute, engineer Mankovsky, N.A. Merkulovich, V.L. Vyatkin, poet Fitrat, V.I. Popov, A.M. Zavadsky, Gubaidullin, I.I. Kuznetsov, Golbadon, Arbuzov, boulevard.

Несмотря на краткость времени с момента его открытия (институт был открыт 22-го января 1927 года в Ленинский день), Институтом проделана огромная работа, которая выявляется даже при беглом обзоре пройденного пути.

Учебная работа института протекает при очень трудных условиях, и нужно изумляться той энергии. Которую проявили все работники института в деле его организации. В момент открытия института у него не было своего здания, почему занятия пришлось вести после обеда в здании Узбекского Инпроса. Помещение для общежития к началу открытия занятий ещё не было готово, и студенты института ютились в спальнях того же Узбекского Инпроса. Не была закончена также постройка профессорского корпуса, хотя по условию с Текстстроем она должна была быть окончена к 1-му января. Учебных пособий не было совершенно не было книг, не было самых простых приборов одним словом приходилось строить все с самого основания. При таких условиях многим казалось со стороны полной нелепостью открывать в Самарканде Высшее Педагогическое Учебное Заведение. Однако твердая уверенность в том, что в столице Узбекистана, где находится главный пульс ее жизни должно непременно возникнуть высшее учебное заведение, давала работникам Института надежду и силы мириться со всеми невзгодами в ожидании лучшего будущего.

Возникший почти стихийно, в процессе революционного творчества, Педагогический Узбекский Институт с момента своего появления на свет, был предметом особого внимания Узбекского Правительства и партии, которые всемерно оказывали ему и материальную и моральную поддержку. Все вопросы, касающиеся организации института, находили самый живой отклик в Наркомпросе и его учреждениях, которым был подчинен Институт Главпрофобре и ГУСе. Столь внимательное и доброжелательное отношение Наркомпроса к Институту более всего способствовало благополучному окончанию первого учебного года.

Насколько само Правительство Узбекистана было заинтересовано в открытии Института в Самарканде и всего развития, видно из того, что здание Института (по бульвару Всеобуча) строилось не на сметные ассигнования, а на суммы, которые удалось получить Наркомпросу путем различных изменений своей сметы. Лучше отказать во многом, но начать постройку здания института был таков девиз Наркомпроса. Таким путем на первый год удалось заполучить 250.000 руб., на постройку части главного здания, общежития на 80 чел студентов и профессорского корпуса, вместе с тем удалось получить и участок

земли под постройки бывший городской питомник по бульвару Всеобуча (бывший Абрамовский бульвар) площадью 3-х десятин.

Работы по постройке велись необычайно быстрым темпом начаты они были в прошлом году уже почти осенью с тем расчетом, чтобы до наступления холодов и дождей закончить все наружные работы, а в Январе закончить необходимую внутреннюю отделку комнат.

Работы по постройке части главного здания (по проекту инженера Маньковского), приостановились в середине декабря, когда наступившие дожди и холода, естественно, сделали невозможным строительство.

Поэтому все внимание строителей было направлено на достройку здания общежития для студентов и профессорского корпуса. В феврале месяце было открыто собственное общежитие Института, для организации которого Наркомпросом были отпущены необходимые средства были приобретены железные с сетками кровати, одеяла, мебель и т.д. По обилию света и по своему оборудованию общежитие Института является наилучшим студенческим общежитием во всей Средней Азии. Вслед за этим был разрешен вопрос об организации при общежитии кухни, так что с марта месяца студенты имели возможность столоваться у себя в общежитии.

С марта месяца начали переселяться в новые квартиры профессора и преподаватели института. Здесь же уместно отметить что квартиры для профессоров и преподавателей института построены настолько удобно, что лучшего помещения трудно себе представить. Каждый кто посещал эти квартиры, приходил в восторг и от расположения комнат и обилия света. В каждой квартире имеется три комнаты, кухня, терраса и т. д.

Учебная работа Института в первый год его жизни проходила с большим трудом по причине недостатка, а иногда даже полного отсутствия необходимых пособий. Занятия по всем предметам велись по двум направлениям: во первых читались лекции и во вторых по всем предметам были организованы семинарские занятия, которые состояли в проработке тех или других тем по курсу самим студентами и в прочтении этих докладов в аудитории. Необходимо признать, что семинарская работа в течении первого года жизни Института сыграли большую роль и вызвали интерес со стороны студентов. Особенное значение эти работы имели в смысле развития навыков в русской речи, т. к. все доклады читались студентами узбеками на русском языке.

Всего в течение 1-го года в институте было около 50 студентов, из которых 42 состояли на гос. стипендии, получая в месяц по 35 руб. Кроме того были допущены вольнослушатели, число которых в итоге превысило 30 человек, но

впоследствии количество которых значительно сократилось. Вообще интерес к новому учебному заведению среди широких слоев публики Самарканда был очень большой, в особенности в первое время после открытия Института, когда в аудитории, наряду со студентами можно было встречать постороннюю публику.

Что касается профессорского и преподавательского персонала, то и в этом отношении Института довольно посчастливилось: благодаря высоким ставкам (профессору за 6 часов-200 руб. и преподавателю-150 руб.), удалось сразу же привлечь в институт крупные силы по разным предметам и таким образом обеспечить нормальный ход занятий.

Ректором института был приглашен преподаватель педагогических учебных заведений Ташкента Н.А. Меркулович, которому было поручено чтение курса биологии. Педагогику вел профессор А.Б. Селиханович из Бокинского университета (он же был проректор по учебной части). Физику вел профессор А.М. Титов из Свердловского Политехнического Института, химию Ю.Г. Титова, математику М.П. Репников, политическую экономию А.Х.Хашимов (председатель ГУСа), историю развития общественных форм С.Н. Порошин (Зам. Наркомпроса), Историю Средней Азии профессор В.Л. Вяткин, узбекский язык -поэт Фитрат и русский язык преподаватель города Самарканда В.И. Попов.

Первый курс Института является общим для всех студентов, как бы, вводным, за которым начинается разделение по специальностям. С осени текущего года открывается уже второй курс с 3-мя отделениями факультетами физико-математическим, естественно-историческим и общественно-экономическим, соответственно трем основным группам предметов школ 2-й ступени. Таким образом через три года Институт сможет дать Республике высококвалифицированных работников по всем общеобразовательным предметам для школ 2-й ступени, педагогических техникумов и Инпросов.

Так закончился первый год в жизни института. Переходя ко второму году жизни, необходимо отметить что с нового года, в перспективе намечается еще более сложная и более трудная работа по организации специальных отделений, которая потребует от работников Института напряжения всех сил, дабы достичь результатов.

Для преподавания новых предметов дополнительно уже приглашены новые преподаватели и профессора, так в это время изъявили согласие работать в институте профессор Зоологии Казанского Университета А.М. Завадский, доц. Бакинского университета Губайдуллин, доц САГУ И.И. Кузнецов, ученый агроном Голбадон и доцент Самарского Университета Арбузов. Для вновь

приглашенных профессоров и преподавателей Наркомпрос приобрел 2 дома с 4-мя квартирами, благодаря чему квартирный вопрос решается довольно легко.

Особенностью учебного плана Института с будущего учебного года, является введение лабораторной системы занятий, наряду с лекциями и семинарской проработкой тем. Осуществление этой системы, даст крупные результаты в смысле приучения студентов к самостоятельной исследовательской работе. Согласно учебного плана, студенты института ежедневно с 10 часов утра и до 2-х часов дня обязаны находиться в лабораториях и кабинетах, где они под непосредственным наблюдением ассистентов, занимаются проработкой заданных тем или приготавливают различные работы, положенные по курсу. В часы послеобеденные (с 4-х до 8) идут лекции и семинарские занятия. Соответственно такому плану учебных занятий, со стороны института Наркомпроса приняты все меры к обеспечению лабораторией и кабинетов необходимыми учебными пособиями и мебелью; при этом институту удалось выписать из-за границы значительную партию приборов по физике и естествознанию. Для закупки книг и приборов на внутреннем рынке командированы в Москву профессор Селиханович и профессор Титов.

Лабораторная система занятий требует значительного количества комнат. Всего при самом скромном подсчете требуется не менее 15 комнат. Так как в главном здании, в той части его, которая строится, имеется всего лишь 6 комнат и две аудитории, то очевидно, занимать чужое здание. После совещания с главпрофобром решено на предстоящий учебный год передать институту половину здания Узбекского Инпроса (его верхний этаж), а вместе с тем приступить к переделке студенческого общежития под лаборатории и кабинеты с тем, чтобы для студентов построить новое здание общежития, рассчитанное на большее число лиц.

Такое решение является наиболее правильным, весь участок, которым в настоящее время располагает институт, придется заполнить зданиями научного характера, не предусмотренным планом главного здания. Главное здание даст до 20 комнат, что, конечно далеко не покроет всей потребности института в комнатах, ибо нельзя же 3 факультета разместить в 20 комнатах. Уже в настоящее время составлен план постройки отдельного корпуса физической и химической лабораторий намечена постройка зоологической и ботанической лаборатории и т.д одним словом, весь участок будет сплошь занят научными учреждениями, а все квартиры придется по необходимости перенести в другие места, и в первую очередь общежитие студентов.

Таким образом для института возникает новый вопрос о прирезке нового участка земли, вблизи самого института, где можно было прежде всего построить общежитие для студентов. Комхоз и президиум Самаркандского Горсовета согласилась предоставить в распоряжение института, с целью постройки здания общежития, участок земли рядом, с нынешним участком, что увеличит общую площадь участка почти десятину.

В виду того, что по смете 1926/27 года не было никаких ассигнований на постройки института, а развитие его незамедлительно требовало и требует таких построек. Совнарком Республики, по ходатайству Наркомпроса, отпустил 240.000 руб. на постройку нового здания общежития на 125 чел., переделку старого здания общежития под лаборатории и кабинеты и окончание достройки строящейся части главного здания. Здесь еще раз приходится убедиться в том, каким значением пользуются институт в глазах правительства, которое неизменно поддерживает его на всем пути его роста и развития.

Ввиду отпуска средств на постройки и согласия Горсовета на предоставление Института дополнительного участка земли, в конце июля возобновляется достройка главного здания и начинаются новые постройки.

Такова действительность и таковы вместе с тем перспективы на будущее. Теперь уже смело можно сказать, что право на существование Института обеспечено, и что через 3-4 года он станет центром научной работы в Самарканде: Будущность его обеспечена.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING O‘ZBEK TILSHUNOSLIGIGA QO‘SHGAN HISSASI VA UNING XALQ OLDIDAGI XIZMATLARI

Umirova Dilshoda Husniddin qizi

O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti ingliz tili 2-fakulteti 3-bosqich talabasi

hightimeuz@gmail.com

Alijonova Nurxon Sharifjon qizi

O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti ingliz tili 2-fakulteti 1-bosqich talabasi

nurxonalijonova7@gmail.com

Ismatova Feruza Abduvahobovna

O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti ingliz tili 2-fakulteti 2-bosqich talabasi

abduvahobovnaferuza@gmail.com

ANNOTATSIYA

Har bir o‘lkani o‘z qariga olgan, sabolardan madhini qizg‘angan, dengizlardan uning diydorini so‘raydigan, ilk bodom gullariga shivirlab uning sog‘ligi uchun duo o‘qishini so‘raydigan asl insonlari bo‘ladi. Darhaqiqat, bunday kimsalar nomini xalq yuragiga o‘yib eslaydi, qirga chiqqan lolalar yurak bag‘rini chok-chok qilib eslaydi. Bu kabi inson nomini men xuddikim polapon chug‘urchuqqa o‘rmondagi eng kuchli, eng hayotbaxsh qush haqida so‘zlagandek, men ham bu muazzam kunda siz bilan ikki lolaqizg‘aldoq uyalganidan rang olgan dudog‘ orasida faqat g‘urur va iftixor bilan yangraydigan nom, ya’ni Zahiriddin Muhammad Bobur - shoh, shoir, davlat arbobi, tabiatshunos, adabiyotshunos haqida fikrlarni aytib o‘taman.

Kalit so‘zlar: o‘zbek tilshunosligi, “Boburnoma”, g‘azal, ruboiy, bayt, qo‘lyozma, boburiylar, hind madaniyati.

ANNOTATION

There will be original people who take every land to their grand age, who sing the praises of the wind, who ask the seas for its home, who whisper the first almond blossoms and pray for its health. Indeed, the names of such people are engraved in the hearts of the people, and the tulips on the edge reminding the heartbeat. Just as I have mentioned of such a person as the strongest, most life-giving bird in the forest, I am just a name that resounds with pride between you and the lips that are colored by the shame of two tulips from this great day. That is, I will tell you about Zahiriddin Muhammad Babur, the Uzbek king, poet, statesman, naturalist, and literary critic, who whispered quietly into my ear during the day and the night.

Keywords: uzbek linguistics, Boburnoma, gazelle, quatrain, distich, manuscript, Baburi, Indian culture

АННОТАЦИЯ

В каждой стране есть люди, которые воплощают в себе всю страну, воспевают гимн своей Родине, просят моря его облика, молятся о его здоровье шепча первым цветам миндаля. Действительно, таких людей народ будет хранить в сердце. Об имени такого человека, звучащего гордо, я буду говорить, как скворец рассказывает птенцу о самой сильной птице в лесу. Точнее о Захириддине Мухаммаде Бабуре, узбекском царе, поэте, государственном деятеле, естествоиспытателе и литературном критике, о котором шептал день мне на ухо и тихо нашептывала ночь.

Ключевые слова: узбекское языкознание, Бабурнома, газель, рубайи, байт, рукопись, бабуриды, индийская культура.

Kerakli o'rinda shuni ta'kidlash zarurki, Hindistonning eng mashhur arboblardan biri Mahatma Gandi Zahiriddin Muhammad Bobur haqida shu so'zlarni aytadi: "Hurmatli, Hind xalqining hali hech kim egallashga ulgurmagani makon - qalbining eng to'ridan joy egalladi, u go'zal inson edi. Nega bilasizmi? Buning sababi uning 3,5 asrlik sulolani bunyod qilganidan ham emas, shoh bo'lganligi uchun oddiy bir takalluf ham emas, balki bu o'zga yurtga uning dardiga yelkadosh, qalbidagi yaralarga malham bo'la olgan, hind, musulmonni ko'nglini birday yoritib qizlarimizning nomusini o'z nomusiday asragan xalq homiysi sifatida keldi. E'tibor bering, men uni shoh sifatida emas aynan xalq homiysi sifatida kelganini ta'kidlayapman. Haqiqatdan ham bu kurrayi zamin bunday odil shoh va sho'irni ko'rolmadi, oxiri hasadning qora qo'llari uni zaharladi, garchi shunday bo'lsa-da, Zahiriddin Muhammad Bobur Kobulda emas, balki har bir hind o'g'loni qalbidan". Shunisi haqiqatki, Bobur 1483-yil nafaqat hind balki o'zbeklar hayotida ham nur bo'lib porladi, onasi Qutlug' Nigorxonim u niholligida shunday ishlov berdiki, otasi Umarshayx Mirzo bu niholni adolat suvi bilan sug'ordi va halollikdan toj kiydirdi. Mehr daryosiga Zahiriddin Muhammad Bobur g'arq bo'lgani uchunmi u Hindiston tuprog'iga yetganda eri o'lgach, xotinini ham yoqib yuboradigan qandaydir qoidalarni ildiziga bolta urdi. O'sha paytlar avj olgan jizya solig'ini ham hech qanday ikkilanishlarsiz bekor qildi. ^[26] Bu ishi bilan Hindiston dehqonlarini och-nahor qolishdan, soliq balosidan qutqardi. Indra Gandi buning isboti sifatida shunday

²⁶ Shahobiddin Yassaviy Ismoilshayx o'g'li. Lingvistik jarayonlar.-Istanbul.-T.: "O'zbekiston", 1984. 34-b

fikrlarni aytadi: "Zahiriddin Muhammad Bobur - Hindistonning yuzidagi zulmat pardasini hech qanday manfaat ko'zlamasdan ochgan, cho'l-u dashtga, bog'-u rog'ga nurning baravar kelishida hatto o'z jonini ayamagan bizning qahramon shohimizdir. Buni isbotlashni joizi bo'lsa, bunga isbot sifatida "Bobur osma bog'lari" yetti mo'jizaning biri ekanligini, Zahiriddin Muhammad Bobur hind boshqaruvini uning o'z xalqiga topshirganligida ko'rishimiz mumkin. E'tibor bering, deyarli hech qanday shoh davlat boshqaruvida Bobur yo'lini tutmagan, o'zlarini daho sanab bundan natija ham kutmaganlar. Biz Bobur hayotiga sekin razm tashlaydigan bo'lsak, bunaqangi hayot tarzini yuz yilda bir marotaba uchratish mumkin. Zahiriddin qahraton qish 14-fevralda tug'ilganiga sabab Alloh unga qahri qishday qattiq bo'lgan kimsalarni bahorga aylantir degan bo'lsa kerak. Boburning komil shaxs bo'lib yetishishida ham otasi - Farg'ona viloyati hokimi Umarshax Mirzo va Mo'g'uliston xoni hamda Toshkent hokimi Yunusxonning qizi edi. Onasi oqila, fozila, tadbirli ayol bo'lgan, shu sababli 12 yoshli Zahiriddin Muhammad Boburga yo'ldosh bo'lish uchun u bilan hatto janglarda ham u bilan birga bo'ldi, bundan tashqari davlat ishlarida anchagina tajriba sohibi Hojiqozi ham unga madadkor bo'ldi. Otasi Umarshayx tabiatga oshuftaligi sabab har yoz ular Sirdaryo bo'yiga va Axsiga borishgan. Bu esa Boburning she'riyatiga ta'sir etgan bo'lsa, fiqh, ilmi arab, fors, harbiy ilmlarni o'rgangani uni ma'naviyatini mustahkamlab shohlikka tayyorlagan, uni sher "Bobur" deb laqab olishiga otasi bilan safarga chiqqanda beixtiyor sher bolalarini ko'rib qolib ular bilan bemalol, hech qanday qo'rquvlarsiz o'ynagani sabab bo'lgan ayrim manbalarda aytiladiki, Bobur shunchalik dovyurak bo'lgan, hattoki oddiy insonga tashlangan sherni ko'rib juda yosh bo'lishiga qaramay, u sherni yengani sabab shu nomni olgan.^[27] Nima bo'lganda ham Boburga 1494-yil og'ir keladi, negaki u o'z suyangan tog'i, tayanchi Umarshayx Mirzodan Aysi qo'rg'onida baxtsiz hodisa sababli 39 yoshida hayotdan ko'z yumadi. ^[28] Bobur yuqorida aytib o'tilganidek, o'zining eng ishonchli odamlari bilan davlatni boshqaradi, lekin baxtga qarshi Boburning jonday jigarlari unga qarshi chiqadi, hattoki ayrim saroy a'yonlari unga bo'ysunishdan bosh tortadi. Ularning ba'zilar Boburdan ko'ra ko'proq uning ukalarini ma'qullasa, ba'zilar mustaqillik talab qilganlar. Zamin shunchalar teskari bo'ladiki, hatto o'sha vaqtda o'z jigarpora tog'a-yu amakilari unga qarshi isyonning mash'ali bo'ladi, ayniqsa, Ahmad Tanbal va Sulton Mahmudlar, lekin ularga mehribon Allohning atagan o'z jazosi bo'ldi, men o'sha vaqtda o'lat tarqab, ularning Qorasuv ko'prigidan o'ta

²⁷ <https://saviya.uz>

²⁸ <https://www.trt.net>.

olmay qolganini nazarda tutyapman. Aynan shu sabab Zahiriddin Muhammad Bobur "Boburnoma" asarini "...tengri taoloni inoyati bilan" deb boshlaydi. Ayrim joylarda aytiladiki, Xo'ja Ahror Valiyga juda ixlos qo'ygani sabab, uning ruhi uni ko'p falokatlardan, ko'rguliklardan asragan. Bobur temuriylar sulolasi asoschisi Amir Temur poytaxt qilgan Samarqandni markaz qilish niyatida ko'p qiyinchiliklarga ham uchradi, hatto oziq-ovqat ta'minoti to'sib qo'yilib, 7 oy qamalda qolib ham ketadi, o'z jigari o'zini Shayboniyxonga baxshida etish evaziga qamaldan qutuladi. Boburning Samarqandni olishida o'z ukasi Jahongir Mirzo Andijonni egallab, Boburning 100 kunlik hukmronligidan so'ng uni yana 1500-yilda sulh uchun borishiga sabab bo'ladi. [29] Sulh natijasida Andijonni olib, Axsini beradi. U o'zining kam sonli askari bilan 1504-yilda Kobulni zabt etib, u yerda ham yuragi taskin topolmay, ya'ni o'z yurtini qumsab, o'rniga Kamron Mirzoni qo'yib Hindistonga yo'l oladi. Kobuldagi bir necha yil hukmronligi davrida Zahiriddin Muhammad Bobur Hindiston hayotini, uning ichidagi rojalar orasidagi keskin ziddiyatlarni sinchiklab o'rganadi va uzoq vaqt o'rganish va tayyorgarliklardan so'ng, 1526-yil o'sha mashhur Panipat jangida 100 ta askari bilan 12000 qo'shinga ega Ibrohim Lo'diy bilan to'qnashadi va uni yengib o'sha yili o'ziga xutba o'qitadi. [30] Zahiriddin Muhammad Bobur adolatli, shu sabab Lo'diy oilasi a'zolarini qilichdan o'tkazmadi, Ibrohim Lo'diyning qanchadan qancha rafiqalari-yu kanizaklarini nomusini toptamadi, ularni askarlariga berib ko'ngilxushlik qilinglar demadi, negaki uning dini islom, o'zi musulmon edi-da. Nega har doim ezgulikni yo'lini to'saveradi qora kuchlar bilmadim, ammo aynan Ibrohim Lo'diyning volidayi muhtaramasi Boburni oshpazga ma'lum miqdorda pul berib uni zaharlaydi. Ayrim manbalarda ta'kidlanishicha, Zahiriddin Muhammadga zahar berilishidan oldin zaharga qarshi immunitet hosil qilgani haqida aytiladi. [31] Lekin zahar baribir o'z ishini minglab tabiblar chora-tadbirlariga qaramasdan asta-sekin qiladi. Bu orada shoir Zahiriddin Muhammad Bobur o'z vatani sog'inchida o'rtanib, yonib yashadi shu sabab hammamizga tanish Andijon qovuni haqida rivoyatlar tarqaladi. Haqiqatdan ham Vatan hissi, Vatan tuyg'usi biz beshikdaligimizdanoq kurtak yozadi, u biz bilan tug'iladi, biz bilan qabrga ketadi. Zahiriddin Muhammad Bobur ham xuddi ovulda yashaydiganlar, hech qanday dunyo hashamlarisiz, oddiy xasdan iborat uyini, tog'ning eng chekka joyidagi, chekka makonda joylashgan qishloqlarda istiqomat qiladigan uylari zax, ko'rimsiz toshdan iborat bo'lgan kimsalar ham o'z uyini qo'msaganidek

²⁹ <https://kh-davron.uz>

³⁰ Shamsutdinov R. Boburiylar satanati .-T.: "Sharq", 2001. 89-b.

³¹ Shamsutdinov R. O'zbek tili.- T.: "Sharq", 2001. 79-b.

Bobur ham ertaklardagi Susambilga monand, kelsa har yog‘idan jannat isi keladigan go‘zal ona diyorini qumsab, men yurtimga tog‘day qalqon bo‘loldimmi, sel kelganda to‘g‘oni, jaziramada soyaboni bo‘loldimmi, degan fikrlar og‘ushida umrguzaronlik qildi. Shunchalar sog‘inch yomg‘irida u shu satrlarni bitdi:

Tole yo‘qki jonimg‘a balolig‘ bo‘ldi
Har ishniki ayladi xatolig‘ bo‘ldi.
O‘z yerni qo‘yib Hind sori yuzlandim
Yo rab netay, ne yuz qarolig‘ bo‘ldi. [³²]

Misralar haqida Erkin Vohidov o‘z fikrini bildiradi: "Zahiriddin Muhammad Bobur - ijod gulshanining bog‘boni Alisher Navoiyning asl shogirdidir". Haqiqatdan ham she‘riyat, g‘azalxonlik deganda ko‘zimiz oldiga ilk bor Alisher Navoiy kelsa, uning yonida albatta Boburni ko‘ramiz. Bobur she‘riyat osmonida eng yorug‘ o‘chmas yulduz bo‘ldi. Buni o‘z baytim orqali tasvirlasam:

Qalblarni titratar Bobur she‘rlari,
Hech boshin egmagay o‘zbek erlari
Hind osmonida yulduzday bo‘lgan
Bu asl o‘zbekning mard Boburlari.

Shuni ham aytish o‘rinliki, Zahiriddin Muhammad Bobur Kamron taxallusi bilan ham marjonday ipga terilgan o‘zining g‘azal-u ruboiylarini yozgan. Bunday shaxsga nisbatan o‘zbek qalbida yuksak hurmat - e‘tibor mujassam. Shuning natijasida 1993-yilda Bobur tavalludining 510 yilligi keng nishonlandi, bunga qo‘shimcha ravishda shuni aytish mumkinki, Andijondagi kutubxonada, teatr, milliy bog‘ga ("Bobur milliy bog‘i") deb nom berildi. Andijondagi ko‘cha va mavzelarga, Xonobod tumanidagi istirohat bog‘iga, Toshkentdagi istirohat bog‘iga va ko‘chalarga qararak, Zahiriddin Muhammad Bobur nomiga ko‘zimiz tushadi. Bundan tashqari O‘zbekiston Fanlar Akademiyasi tomonidan Bobur medali ta‘sis etildi. Bu medalga birinchi bor Ubaydulla Karimov sazovor bo‘lgan. Aynan mustaqillik yillarida Zahiriddin Muhammad Bobur ijodiga e‘tibor qaralib, 1993-yilda Bobur jamg‘armasi andijonlik atoqli tabiatshunos Zokirjon Mashrabov boshchiligida tashkil etildi. Bu jamg‘arma Hindiston tuprog‘ida buyuk ajdodimiz Bobur qadami yetgan joylarni 200,000 km masofa bosib ziyorat qilib o‘rganib chiqdi. Bundan tashqari Zahiriddin Muhammad Bobur atab Bobur jamg‘armasi tomonidan 10 ta ilmiy ekspeditsiya, 10 ta ilmiy, hujjatli badiiy asar, 10 ga yaqin hujjatli, badiiy filmlar yaratildi.[³³] Bularning kabi ishlarning barchasi buyuk

³² <https://oyina.uz>

³³ Sharafiddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. -T.: "Sharq", 1997. 57-bet.

ajdodimiz ijodi, adolatli siyosati , matonatiga o‘zbek xalqi nomidan minnatdorchilik namunasidir. Shunisi haqiqatki, Bobur o‘zbek xalqi xazinasiga o‘zining asl durdonalarini joylagan o‘zbek va hind dilbandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Shahobiddin Yassaviy Ismoilshayx o‘g‘li. Lingvistik jarayonlar.-Istanbul.-T.: “O‘zbekiston”, 1984. 34-b
2. <https://saviya.uz>
3. <https://kh-davron.uz>
4. Shamsutdinov R. Boburiylar satanati .-T.: "Sharq", 2001. 89-b.
5. <https://oyina.uz>
6. Shamsutdinov R. O‘zbek tili.- T.: "Sharq", 2001. 79-b.
7. <https://www.trt.net>.
8. Sharafiddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. -T.: "Sharq", 1997. 57-bet.

FAXRIYOR IJODIDA METAFORA

Eshmurodova Mo‘tabar

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

Filologiya fakulteti IV bosqich talabasi

motabareshmurodova@gmail.com

ANNOTATSIYA

Modern adabiyot, unga berilgan ta’riflar va o‘zbek adabiyotiga kirib kelishi, shuningdek, Faxriyor she’riyati va o‘ziga xosliklari, she’rlarining til xususiyatlari, jumladan, metaforik birliklar tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar. Modernizm, ijodkor tasavvuri, metafora, milliy she’riyat, o‘ziga xos, falsafiy.

ABSTRACT

The definitions given to modern literature and its penetration into Uzbek literature, as well as Fakhriyor’s poetry and peculiarities, linguistic features of his poems, including metaphorical units are analyzed.

Keywords. Modernism, creator imagination, metaphor, national poetry, original, philosophical.

KIRISH

Har bir yaratilgan ijod namunasi o‘ziga xos olam. “San’atkor uchun ijod his etishdan boshlanadi. Ijod qilish – o‘zingda borini ifodalashni anglatadi. Har qanday muhaqqaq ijodiy intilish inson ruhining qa’ridan yuz beradi. Biroq o‘z navbatida, tuyg‘u ham ozuqani, tashqi olam obyektlarini mahliyo bo‘lib kuzatishdan olinadigan lazzatni talab qiladi”. Ijodkor tashqi olamni kuzatar ekan undan ma’lum xulosalar chiqarishga harakat qiladi. Yoki biror badiiy asarni o‘rganar ekan, undan ta’sirlanadi, unga ergashadi. Shu bilan bir qatorda o‘zi his qilayotgan jarayonni boshqalar bilan ham baham ko‘rishni istab qoladi. Natijada yangi bir asar yaratiladi. Shunday asarlar yaratiladiki, u eskini qisman inkor etib, o‘quvchini yangi bir olamga yetaklaydi. Yoki eski an’analarni yangi jihatlarida, yangi kayfiyatlarda, yangi ranglarda beradi. Bunday asarlarni modern asarlar deya ta’kidlaymiz. Modern adabiyoti to‘g‘risida Xose Ortega Gasset quyidagi fikrlarni bayon etadi: modern “eskini butunlay inkor eshishdan iboratdir”.

O'zbek adabiyotiga modernizmning kirib kelishi yoki ta'siri borasida olimlarimizning qarashlari turlicha. Xususan, professor U. Normatov o'tgan asrning 20-yillarida Cho'lpon, Qodiriy, Fitrat, Botu, Oybek kabi ijodkorlar G'arb ta'kidlaganimizdek, modernizmdan kuchli ta'sirlanganini ta'kidlab o'tadi.³⁴

O'zbek adabiyotida o'ziga xos yangilik edi. Bu haqda adabiyotshunos D.Quronov ham quyidagi fikrlarni bayon etadi: "Modernizmga xos umumiy xususiyatlardan biri shuki, u obyektiv voqelikning tasviri o'rniga uning ijodkor tasavvuridagi badiiy modelni yaratishni maqsad qiladi". Demak modern adabiyotda yaratilgan asarlarda ijodkor tasavvuri asosiy o'rinni egallaydi. Obyektiv voqelik esa to'lig'icha tasvir etilmaydi.

Hozirgi o'zbek she'riyatida taniqli adib Faxriyorning o'z o'ri bor. U XX asrning 80-90- yillarida o'zbek adabiyotida o'ziga xos uslub bilan paydo bo'ldi. Dastlab, uning moderncha she'rlari adabiy jamoatchilikda turli munosabatlar uyg'otdi. "Faxriyorning she'rlarini o'qish ham, uqish ham, ta'sirlanish ham oson emas. Lekin uning bitganlari milliy she'riyatimiz taraqqiyotining shunday darajasidirki, uni tushunmaslik estetik va ma'naviy qiyofaning kemptikligiga olib kelishi mumkin. Shuning uchun ham bugungi o'zbek kitobxonlari Faxriyor asarlarini o'qishi, o'rganishi, tahlil qilishga ehtiyoj sezishi kerak".³⁵

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Ishda Faxriyor ijodi va til vositalaridan qay yo'sinda foydalanganligi, asosan metaforik birliklar tahlil qilingan. Unda lengvopoetik, tavsifiy metodlardan foydalanilgan.

NATIJALAR

Turli ijodkorlar, shoirlar o'z she'rlarida metaforani turli xil usullarda qo'llaydilar va turli yo'sinlarda ifodalaydilar. Chunki metafora poetik individuallikni ta'minlaydigan vositalardan bo'lib, ijodkorning o'ziga xos badiiy qarashlarini ifodalab beradi. Metafora – grekcha *metaphora* "ko'chirma" demakdir. Narsa- buyum, voqea va hodisalar o'rtasidagi o'zaro o'xshashlikka asoslangan ma'no ko'chishiga metafora deyiladi. Metafora ko'chma ma'no hosil qilishning eng keng tarqalgan usullaridan biridir³⁶. Bunday birlik esa endi she'riyatda tamomila o'zgacha, shu bilan birga Faxriyor ijodida o'ziga xos tarzda ifodalanadi. Masalan:

Erimas uning ham boshidagi qor.

³⁴Normatov U. Umidbaxsh tamoyillar. Sharq yulduzi, 1993

³⁵Qozoqboy Yo'ldoshev. Noziklashuv jarayoni. "Yoshlik", 2014-yil 10-son. 34b.

³⁶Ma'rufjon Yo'ldoshev. Badiiy matn va uning lingvopetikahlili asoslari. Toshkent – 2007. 95b.

*Yelkasiga tirmashar
nevarasi alpinist kabi.
Butun boshli xonadon
turar unga suyanib...*

She'r boshdan oyoq metafora usulida bitilgan, deb ayta olishimiz mumkin, metafora bo'lganda ham oddiy emas, shtrexli metofora usulida yozilgan. Negaki, she'r jumllarini tahlil qila boshlasak, birinchi misraning o'zidayoq metafora yordamida o'quvchi ko'z o'ngiga boboni keltiradi, fikr ikkinchi jumlada davom ettiriladi boboning yelkasida o'tirgan nabira alpinistga, bobo esa tog'ga qiyos qilinmoqda.

Bolish patlariday orzular to'zar,

Sag'ir umidlaring jon so'rar mendan.

Boshing uzra bobo Turkiston bo'zlar:

Nega biz ayrildik, negalar sendan?!

Ko'rib turganimizdek, ijodkor o'ziga xos o'xshatishda yostiqlarning yumshoq, yengil, tezda to'zib ketadigan patlarini orzularning tarqoqligiga qiyos etmoqda. Nega endi shoir aynan falsafiylikka yo'g'rilgan o'ziga xos metafora uslubidan foydalanganini o'quvchi she'rning keyingi misralarini o'qishi bilanoq anglab yetadi. Faxriyor *battaol zamon, qattol zamon* deya metaforani kengaytirgan holda zamoni, davrni ayblayotganligini o'sha davrning orzular qilishga ham yo'l qo'ymas yovuzligini uqtirmoqchi bo'ladi.

Yoki shoirning yana bir kashfiyoti va o'ziga xosligini quyidagi she'rda qo'llanilgan metaforada ko'ramiz:

Umr kalavasi kichrayib borar,

Kajraftor charxiday yemirar uni

Sening muhabbating keskin, tobora,

Uzliksiz, uzliksiz, tunin va kunin...

Faxriyor umrning shoshqin daryoligini hech ikkilanmasdan kalavaga qiyos qilmoqda. Keyingi birliklarga nazar tashlaydigan bo'lsak, shoir bahorni tiriltiruvchi, halok bo'lgan insonning ya'ni tabiatning tiriltiruvchisi sifatida talqin qilinmoqda:

Maysalarning qiyoyq tilida

Toshlar erir novvot misoli

Mixlarni sug'irar qo'lidan

Masih bahor shahid Insonning.

Bahor ta'rifi ketgan yana boshqa misralarda;

Dalalar gumburlar – qahqah urar gul –

bog'larni uyg'otar momoguldirak

Dalalar ko'k kiyar - ayoq qolar tul

quyoshni qitiqlab maysa kuldirar.

Bu to'rtlikda metafora bilan birgalikda jonlantirish san'atidan ham mohirona foydalangan shoir, dalalar ko'k kiyishi bilan, bahor kelishi bilan ayozning, sovuq kunlarning ortda qolishini tullikka, ya'ni bevalikka o'xshatmoqda ya'niki, dalasiz yolg'iz qolgan beva sifat ko'rmoqda yoki,

*Ko'zlari to'rt bo'lgan onam yonidan
Tomlarga yugurib chiqar qizg'aldoq
Menga yo'l qaraydi uning tomidan
To'rt qibla tutash yo'l. Bari – aldoq.*

“Ona sog'inchi” nomli ushbu she'rida birgina “Tomlarga yugurib chiqar qizg'aldoq” jumlasidan ijodkor o'z go'shasiga ishorat etmoqda, deyishimiz mumkin. Qizg'aldoqning ko'ylaklarini shamol yulqisa-da, u beparvo yo'l qarab turaveradi, qizg'aldoqning nozik barglari to'kilib ketsa-da, u borolmayotganini, onasining sochlari oqarib qolganini sog'inchga yo'yayotganining guvohi bo'lamiz.

*Shamollar yulqiydi ko'ylaklarini,
U tomdan tusholmas menga yo'l qarab.
Onamning sochida sog'inch qariydi,
Huvullab yotadi mensiz to'rt taraf.*

She'r oxiri u bir kuni, albatta, qishloqqa qaytishini ungacha onasiga qarashib turishini “singlisi qizg'aldoq”dan iltimos qiladi.

*Bahor hech narsani esdan chiqarmas
har safar gul qo'yar/ har bir qabr poyiga.*

Mana shu uch misradan tashkil topgan ajib she'rning o'zidayoq xayolimizga birdan onalar haqidagi “Dunyoning ishlari” asari keladi, unda ham shunday “bahor qabristondan boshlanadi” degan jumlar bor edi. Chindan-da bahor har safar qabrlar poyiga gul qo'yishni hech qachon yoddan ko'tarmaydi. Shoir ham o'ziga xos metaforik birlik orqali butun misra davomida o'quvchi ongu-shu'rini o'zi ifodalamoqchi bo'lgan fikrga qarata bilgan.

Yuqorida ko'rgan “Bahor” ta'rifi ketgan uch xil she'rda bir xil til vositalaridan (metaforadan) foydalanilgan bo'lsada ammo ma'no-mazmun, umumman boshqa. Uch xil ma'no, uch xil mazmun va uch xil falsafiylikni ko'ramiz. Ijodkorning mahorati ham shu yerda namoyon bo'lganini ko'rishimiz mumkin.

XULOSA

Bugungi kun jamiyati, insoniyati murakkablashib bormoqda shunday bir vaqtda oddiygina she'r bilan o'quvchi diqqatini tortish yoyinki, shoir oddiy o'xshatishlar orqali o'z ijodining ixlosmandlariga ega bo'lishi juda mushkul hol bo'lib qolgan bir

zamonda, Faxriyor falsafiylikka yo'g'rilgan ijod yo'lini tanlaydi. U shunday bog' yaratdiki, u bog'dan bir gul olib tashlanadigan bo'lsa, mazmun o'zgarib ketmog'i tayin. Shoirning kuchi ham, mahorati ham mana shu bilan izohlansa kerak nazarimda. Faxriyorning butun ijodida bugungi kun zamonaviy o'zbek she'riyatining badiiyatidan tortib mushohadasigacha, shaklidan tortib mazmun-mohiyatigacha bo'lgan unsurlarning bari-barini ko'rishimiz mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Davronova Mahfuza. Hozirgi o'zbek she'riyatida individual uslub poetikasi. Samarqand – 2019.
2. Ma'rufjon Yo'ldoshev. Badiiy matn va uning lingvopetiktahlili asoslari. Toshkent – 2007. 95b.
3. Normatov U. Umidbaxsh tamoyillar. –Toshkent: Sharq yulduzi, 1993.
4. Qozoqboy Yo'ldoshev. Noziklashuv jarayoni. – Toshkent: "Yoshlik" jurnali, 2014, №10. 34 b.
5. Faxriyor. Ayolg'u. Toshkent "Sharq" nashriyoti-matbaa konserni bosh tahririyati 2000.

GLOBAL SPLAYN FUNKSIYANING YAQINLASHISHI

Mohigul Komiljon qizi Ibragimova

Termiz davlat universiteti

mohigul9618@gmail.com

Suxrob Abdusamad o'g'li Xuramov

Termiz davlat universiteti

ANNOTATSIYA

Agar har bir $[x_i, x_{i+1}]$ qisman kesmadagi splaynning noma'lum parametrlari boshqa qisman kesmalardagi splaynlarning noma'lum parametrlari bilan birgalikda aniqlansa, bunday splaynlar global splaynlar deyiladi. Global splaynlarda qisman kesmalardagi splaynlarning noma'lum parametrlari chiziqli algebraik tenglamalar sistemasini haydash usuli bilan yechish vositasida topiladi.

Kalit so'zlar: splayn funksiyalar, global splaynlar, lokal interpolatsiyalash, lokal splaynlar, interpolatsiyon ko'phadlar, klassik interpolatsiyalash.

APPROACH OF GLOBAL SPLINE FUNCTION

ABSTRACT

If the unknown parameters of the spline in each $[x_i, x_{i+1}]$ partial section are determined in conjunction with the unknown parameters of the splines in other partial sections, such splines are called global splines. In global splines, the unknown parameters of splines in partial sections are found by solving a system of linear algebraic equations by the driving method.

Keywords: spline functions, global splines, local interpolation, local splines, interpolation polynomials, classic interpolation.

KIRISH

Klassik interpolatsiya masalasida ko'phadlar $[a, b]$ oraliqni o'zida quriladi. Tugun nuqtalarni qancha ko'paytirsak yaqinlashish shuncha yaxshi bo'ladi. Lekin qurilayotgan ko'phadning darajasi tugun nuqtalar soniga bog'liq, tugun nuqtalar soni oshishi bilan ko'phadning darajasi oshib boradi va ko'phad koeffitsentlarini aniqlash uchun yuqori tartibli algebraik tenglamalar sistemasini yechishga to'g'ri keladi. Klassik interpolatsion ko'phadlarni imkoniyatlari qisman chegaralangan. Tuzilgan algebraik tenglamalar sistemasining soni tugun nuqtalarga bog'liq ekan,

tugun nuqtalar oshishi bilan algebraik tenglamalar sistemasining tartibi ham oshib ketadi. Natijada klassik polinomlar qurilishida quyidagi kamchiliklar yuzaga keladi: interpolatsion ko'phad yuqori darajali bo'lgani uchun formula qulay emas; yuqori darajali algebraik tenglamalar sistemasini yechish jarayonida ma'lum metodik xatoliklar paydo bo'ladi; hisoblash jarayoni murakkablashib, natijada hisoblash xatoligi qoladi.

Qurilayotgan ko'phad tiklanayotgan funksiyaga yaxshi yaqinlashmasligi mumkin. Shuning uchun, bu nuqsonlardan qutilish maqsadida interpolatsiyalash masalasida klassik polinomlar o'rniga splayn funksiyalar yordamida yaqinlashtirish juda katta imkoniyatlarga ega bo'lib, tezda fanda o'z o'rnini topdi. Lokal interpolatsion splaynlar interpolatsiyalanayotgan ob'ektga yaxshi yaqinlashadi va qurilishi sodda ko'rinishda bo'ladi. Qurilayotgan splayn darajasi tugun nuqtalarga bog'liq emas. Qurilayotgan splayn funksiya $[a, b]$ oraliqda emas, balki $[x_i, x_{i+1}]$ ($i=0, n-1$) oraliqlarda quriladi va bu splayn-funksiya har bir oraliqlarda bir xil strukturali ko'phadlardan iborat bo'ladi.

Klassik interpolatsiyalashda esa butun bir $[a, b]$ oraliqda bitta funksiya qurilar edi. Shuning uchun ham klassik interpolatsiyalashga nisbatan, splayn funksiyalar yordamida qaralgan interpolatsiyalash masalasining aniqlik darajasi yuqori va qurilishi jihatidan ham sodda bo'ladi. $[x_i, x_{i+1}]$ ($i=0, n-1$) oraliqlarda qurilgan silliq-bo'lakli ko'phadli funksiyalarga *splayn funksiyalar* deyiladi.

Agar har bir $[x_i, x_{i+1}]$ qisman kesmadagi splaynning noma'lum parametrlari

boshqa qisman kesmalardagi splaynlarning noma'lum parametrlariga bog'liq bo'lmagan holda alohida topilsa, bunday splaynlar *lokal splaynlar* deyiladi.

Agar har bir $[x_i, x_{i+1}]$ qisman kesmadagi splaynning noma'lum parametrlari boshqa qisman kesmalardagi splaynlarning noma'lum parametrlari bilan birgalikda aniqlansa, bunday splaynlar *global splaynlar* deyiladi.

Global splaynlarda qisman kesmalardagi splaynlarning noma'lum parametrlari chiziqli algebraik tenglamalar sistemasini haydash usuli bilan yechish vositasida topiladi.

Splayn yagona ravishda aniqlanishi uchun $[a, b]$ oraliqning chetki a va b nuqtalarida chegaraviy shartlar deb ataluvchi qo'shimcha shartlar qo'yiladi. Amalda uchinchi darajali, ya'ni kubik splaynlar keng qo'llaniladi.

Splayn interpolatsiyalash va splayn yaqinlashtirish

$[a, b]$ kesmada uzluksiz bo'lgan $f(x)$ funksiya berilgan bo'lsin. $[a, b]$ kesmaga to'r kiritamiz.

$$a = x_0 < x_1 < \dots < x_{n-1} < x_n = b$$

va bu nuqtalarda $f(x)$ funksiyaning qatorlari ma'lum bo'lsin. Ya'ni

$$\begin{array}{cccccc} x & x_0 & x_1 & \dots & x_{n-1} & x_n \\ f(x) & f(x_0) & f(x_1) & f(x) & f(x_{n-1}) & f(x_n) \end{array}$$

Bu holda qisman kubik interpolatsiyalash masalasi quyidagicha qo'yiladi. $[a, b]$ kesmada $\exists g(x)$ funksiyani topish lozimki, u quyidagi talablarni qanoatlantirsin.

1) $g(x) \in C^{(2)}(a, b)$, ya'ni $g(x)$ funksiya o'zining 2 – tartibli hosilalari bilan uzluksiz.

2) har bir $[x_k - x]$ kesmada $g(x)$ kubik ko'phaddan iborat.

$$g(x) \equiv g_k(x) = \sum_{\ell=0}^3 a_i^{(k)} (x_k - x)^\ell, \quad k = 1, \dots, n \quad (1)$$

3) $\{x_k\}_{k=0}^n$ to'ring tugunlarida quyidagi tengliklar bajariladi

$$g(x_k) = f_k \quad (k = 0, 1, \dots, n); \quad (2)$$

4) $g''(x)$ ushbu chegaraviy shartlarni qanoatlantiradi

$$g''(a) = g''(b) = 0 \quad (3)$$

1)–4) shartlarni qanoatlantiruvchi qisman kubik $g(x)$ funksiya splayn deb ataladi. Yuqorida qo'yilgan masala yagona yechimga ega ekanligini ko'rsatamiz. Buning uchun 1)–4) shartlardan foydalanamiz.

$g(x)$ funksiyaning 2 – tartibli hosilasi $[x_k - x]$ ($i = 1, \dots, n$) kesmada uzluksiz va chiziqli bo'lganligi uchun, uni $x_{i-1} \leq x \leq x_i$ kesmada quyidagicha yozish mumkin:

$$g''(x) = m_{i-1} \frac{x_i - x}{h_i} + m_i \frac{x - x_{i-1}}{h_i} \quad (4)$$

bu yerda $h_i = x_i - x_{i-1}$, $m_k = g''(x_k)$ tenglama (4) ning har ikkala tarafini ikki martadan integrallaymiz:

$$\begin{aligned} g'(x) &= m_{i-1} \frac{(x_i - x)^2}{2h_i} + m_i \frac{(x - x_{i-1})^2}{2h_i} + A_i + B_i \\ g(x) &= m_{i-1} \frac{(x_i - x)^3}{6h_i} + m_i \frac{(x - x_{i-1})^3}{6h_i} + A_i \frac{x_i - x}{h_i} + B_i \frac{x - x_{i-1}}{h_i} \end{aligned} \quad (5)$$

Bu yerda A_i va B_i ayrim integrallash o'zgarmas. Quyidagi shartlardan aniqlanadi.

$$g(x_{i-1}) = f_{i-1}, \quad g(x_i) = f_i$$

Tenglama (5) ga $x = x_i$ va $x = x_{i-1}$ larni qo'yib, quyidagi tenglamalarga ega bo'lamiz.

$$x = x_i \text{ da, } m_i \frac{h_i^2}{6} + B_i = f_i$$

$$x = x_{i-1} \text{ da, } m_{i-1} \frac{h_i^2}{6} + A_i = f_{i-1}$$

Bundan integrallash o'zgarmaslarni A_i va B_i ning qiymatlarini aniqlaymiz.

$$B_i = f_i - m_i \frac{h_i^2}{6}$$

$$A_i = f_{i-1} - m_{i-1} \frac{h_i^2}{6}$$

hamda ularni tenglama (5) ga qo'yib, $g(x)$ funksiyaning oxirgi ko'rinishini hosil qilamiz.

$$g(x) = m_{i-1} \frac{(x_i - x)^2}{6h_i} + m_i \frac{(x - x_{i-1})^2}{6h_i} + \left(f_{i-1} - m_{i-1} \frac{h_i^2}{6} \right) \frac{x_i - x}{h_i} + (f_i - m_i \frac{h_i^2}{6}) \frac{x - x_{i-1}}{h_i} \quad (6)$$

va bundan

$$g'(x) = -m_{i-1} \frac{(x_i - x)^2}{2h_i} + m_i \frac{(x - x_{i-1})^2}{2h_i} + \frac{f_i - f_{i-1}}{h_i} - \frac{m_i - m_{i-1}}{6} h_i \quad (7)$$

(7) tenglamadan $g'(x)$ hosilaning x_1, x_2, \dots, x_{n-1} nuqtalarida bir tomonli limitlarini aniqlaymiz.

$$g'(x_i - 0) = \frac{h_i}{6} m_{i-1} + \frac{h_i}{3} m_i + \frac{f_i - f_{i-1}}{h_i},$$

$$g'(x_i + 0) = -\frac{h_{i+1}}{3} m_i - \frac{h_{i+1}}{6} m_{i+1} + \frac{f_{i+1} - f_i}{h_{i+1}}$$

Shart 1) ga asosan $g''(x)$ va $g'(x)$ funksiyalar $[a, b]$ kesmada uzluksiz $g'(x)$ hosilaning x_1, x_2, \dots, x_{n-1} nuqtalarida uzluksiz ekanligidan $(n - 1)$ ta tenglamaga ega bo'lamiz.

$$\frac{h_i}{6} m_{i-1} + \frac{h_i + h_{i+1}}{3} m_i + \frac{h_{i+1}}{6} m_{i+1} = \frac{f_{i+1} - f_i}{h_{i+1}} - \frac{f_i - f_{i-1}}{h_i} \quad (8)$$

$$i = 1, \dots, n-1$$

Bu tenglamalarni $m_0 = m_n = 0$ tengliklar bilan munosabat (8) ga asosan to'ldiramiz. Natijada $(n+1)$ ta noma'lum

$$0 = m_0, m_1, \dots, m_n = 0$$

ni topish uchun $(n+1)$ ta tenglamalarga ega bo'lamiz. Bu yerdan m_1, \dots, m_n noma'lumlarni topish uchun

$$Am = Hf \quad (8')$$

Algebraik tenglamalar sistemasiga ega bo'lamiz. Bu yerda A kvadrat matritsa

$$A = \begin{bmatrix} \frac{h_1+h_2}{3} & \frac{h_2}{6} & 0 & \dots & 0 & 0 \\ \frac{h_2}{6} & \frac{h_2+h_3}{3} & \frac{h^2}{6} & \dots & 0 & 0 \\ 0 & \frac{h_3}{6} & \frac{h_3+h_4}{3} & \dots & 0 & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & 0 & \dots & \frac{h_{n-1}}{6} & \frac{h_n+h_{n-1}}{3} \end{bmatrix}$$

m va f vektorlar, H esa to'g'ri to'rtburchak matritsa

$$m = \begin{bmatrix} m_1 \\ m_2 \\ \dots \\ m_{n-1} \end{bmatrix}, \quad f = \begin{bmatrix} f_1 \\ f_2 \\ \dots \\ f_n \end{bmatrix}$$

$$H = \begin{bmatrix} \frac{1}{h_1} & (-\frac{1}{h_1} - \frac{1}{h_2}) & \frac{1}{h_2} & \dots & 0 & 0 \\ h_1 & \frac{1}{h_2} & (-\frac{1}{h_2} - \frac{1}{h_3}) & \dots & 0 & 0 \\ 0 & h_2 & \dots & \dots & \dots & \dots \\ \dots & \dots & \dots & \dots & (-\frac{1}{h_{n-1}} - \frac{1}{h_n}) & \frac{1}{h_n} \\ 0 & 0 & 0 & \dots & \dots & h \end{bmatrix}$$

A matritsa simmetrik bo'lib u qat'iy diogonal ustunlikka ega, Sistema (8) yoki (8') progonka metodi bilan yechiladi.

$$g'(x_i - 0) = m_{i-1} \frac{(x_i - (x_i - 0))^2}{2h_i} + m_i \frac{((x_i - 0) - x_{i-1})^2}{2h_i} +$$

$$+ \frac{f_i - f_{i-1}}{h_i} - \frac{m_i - m_{i-1}}{6} h_i = 0 + m_i \frac{h_i}{2} + \frac{f_i - f_{i-1}}{h_i} - \frac{m_{i-1}}{2} h_i =$$

$$= \frac{h_i}{6} m_{i-1} + \left(\frac{h_i}{2} - \frac{h_i}{6}\right) m_i + \frac{f_i - f_{i-1}}{h_i} = \frac{h_i}{6} m_{i-1} + \frac{h_i}{3} m_i + \frac{f_i - f_{i-1}}{h_i}$$

$$g'(x_i + 0) = m_i \frac{(x_i - (x_i + 0))^2}{2h_{i+1}} + m_{i+1} \frac{((x_i + 0) - x_i)^2}{2h_{i+1}} +$$

$$+ \frac{f_{i+1} - f_i}{h_{i+1}} - \frac{m_{i+1} - m_i}{6} h_{i+1} = -m_i \frac{h_{i+1}}{2} + m_{i+1} \frac{0^2}{h_{i+1}} + \frac{f_{i+1} - f_i}{h_{i+1}} - \frac{h_{i+1}}{6} m_{i+1} +$$

$$\frac{h_{i+1}}{6} m_i =$$

$$= -\frac{h_{i+1}}{2} m_i + \frac{h_{i+1}}{2} m_i - \frac{h_{i+1}}{6} m_{i+1} + \frac{f_{i+1} - f_i}{h_{i+1}} = -\frac{h_{i+1}}{3} m_i - \frac{h_{i+1}}{6} m_{i+1} + \frac{f_{i+1} - f_i}{h_{i+1}}$$

sistema (8') dan topilgan m_i larni (6) ga qo'yib izlanayotgan splaynga ega bo'lamiz.

Global splaynlar lokal splaynlarga alternativa sifatida xizmat qiladi. Global usulda approksimatsiya qilish lokal usulda approksimatsiya qilishga nisbatan splayn defektining minimalligini ta'minlaydi. Shu sababli global splaynlar hisoblash amaliyotida keng qo'llaniladi.

Splaynlarning hisoblash matematikasida keng qo'llanilayotganligi sabablaridan yana biri ularning qiymatlarini EHM larda hisoblashning qulayligi va ular yordamida interpolyatsiyalash kabi jarayonlarning keng sinfdagi to'rlar uchun yaxshi yaqinlashishligidir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Mirzayev A.E. o‘zining “Splayn funksiyalar asosida signallarni raqamli ishlash algoritmlarni samaradorligini oshirish” [3] mavzusidagi ilmiymishida splayn funksiyalarni qo‘llagan. Sayidova G.D. “Lokal interpolyatsion kubik splayn funksiya qurish va uni uzluksiz funksiyalar sinfida baholash” [5] mavzusidagi magistrlik dissertatsiya ishida lokal va global funksiyalarning ahamiyatini va global funksiyaning afzalliklarini ko‘rsatib o‘tgan.

Berilgan ishni bajarishda sonli usullar nazariyasining matematik apparati, splayn funksiyalardan hamda xatoligini baholashda $C[a,b]$ va $W[a,b]$ sinflardan foydalanildi.

NATIJALAR

Global kubik splaynlar yordamida funksiyalarni yaqinlashtirish

Hosil qilingan bir global interpolyatsion kubik splayn funksiyaning garafigi Ryabenkiy global kubik splayn funksiyaning grafigi hamda Grebennikov global kubik splayn funksiyaning grafigi bilan taqqoslandi. Ushbu uchta global kubik splaynlarning yaqinlashishi berilgan funksiya $f(x)$ bilan solishtiramiz.

Bir global interpolyatsion kubik splayn funksiya $y[x_i, x_{i+1}]$ kesmada ko‘rinishga ega:

$$S_3(f, x) = \sum_{j=0}^3 \varphi_{j+1}(t) f(x_{i+j-1}), \quad (2.3.20')$$

bu yerda

$$\begin{aligned} \varphi_1(t) &= -0,5(1-t)^2, & \varphi_2(t) &= 0,5(1-t)(2+2t-3t^2), \\ \varphi_3(t) &= 0,5(1+4t-3t^2), & \varphi_4(t) &= -0,5(1-t)t^2. \end{aligned}$$

$$\text{Bunda } t = \frac{x-x_i}{h}, \quad h = \frac{b-a}{N}, \quad N = 1, 2, \dots$$

Bundan keyin qulaylik uchun bu splayn funksiyaning $S_3(x)$ bilan belgilaymiz.

Ikkinchidan – bu Ryabenkiy global kubik splayn funksiya va u $[x_i, x_{i+1}]$ kesmada quyidagi ko‘rinishga ega:

$$S_3(f, x) = \sum_{j=0}^3 \psi_j(t) f(x_{i+j-1}),$$

bu yerda

$$\psi_1(t) = (1-t)^2(1+t), \quad \psi_2(t) = t(1+2t-2t^2), \quad \psi_3(t) = t^2(1-t),$$

$$\text{Bunda } t = \frac{x-x_i}{h}, \quad h = \frac{b-a}{N}, \quad N = 1, 2, \dots$$

Ryabenkiy global splayn funksiyaning $PS_3(x)$ orqali belgilaymiz.

Uchinchi splayn – bu $[x_i, x_{i+1}]$ kesmada keying ko‘rinishga ega bo‘lgan Grebennikov global kubik splayn funksiya:

$$S_3(f, x) = \sum_{j=0}^3 \phi_{j+1}(t) f(x_{i+j-1})$$

bu yerda

$$\begin{aligned} \phi_1(t) &= \frac{1}{6}(1-t)^3, & \phi_2(t) &= \frac{1}{6}(4-6t^2+3t^3), \\ \phi_3(t) &= \frac{1}{6}(1+3t+3t^2-3t^3), & \phi_4(t) &= \frac{1}{6}t^3. \end{aligned}$$

Bunda $t = \frac{x-x_i}{h}$, $h = \frac{b-a}{N}$, $N = 1, 2, \dots$

Grebennikov global kubik splayn funksiyasini $GS_3(x)$ deb belgilaymiz.

MUHOKAMA

Maqolada ko'p o'lchovli splayn - approksimatsiya masalalarini yechish uchun splaynlar nazariyasining bir nechta jabhalari ham nazariy ham amaliy jihatdan o'rganib chiqildi. Maqolada olingan natijalar yangi, nazariy va ayniqsa amaliy ahamiyatga ega. Mazkur dissertatsiya ishida qaralgan splayn funksiyalardan turli sinflardagi funksiyalarni yaqinlashtirishda foydalanish mumkin. Biror bir muammoli ob'ektni muammosini yechish uchun olingan berilgan ma'lumotlar asosida ob'ektning matematik modelini qurish, tahlil qilish va bashorat qilishda ushbu ishda qaralgan splayn funksiyadan foydalanish yaxshi natijalar beradi.

XULOSA

Hisoblash matematikasi fanining "Funksiyalarni interpolyatsiyalash" va "Funksiyalarni yaqinlashtirish" bo'limlari fan - texnika rivojida muhim ahamiyatga ega. Hozirgi kunda jadval ko'rinishida berilgan funksiyalarni analitik ko'rinishini tiklash borasida klassik interpolyatsion ko'phadlarga nisbatan o'zining nazariy va amaliy jihatdan afzalligi, ayniqsa funksiyalarni yaqinlashtirishda o'zining qurilishi jihatidan soddaligi, EHM mashinalarini vaqtini tejashni, ayniqsa berilgan (f, x) funksiyaga yaqinlashish tezligi yuqoroligi bilan ajralib turgan interpolyatsion splayn funksiyalarning qurilishi va uning xatoligini baholash masalalarini taqribiy jihatdan fan-texnikaning rivojlanishida dolzarb masalalardan hisoblanadi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Isroilov M.I. Hisoblash metodlari. 1-qism, Toshkent, O'zbekiston, 2003. 231-330.
2. Алберг Дж., Нильсон Э., Уолш Дж. Теория сплайнов и ее приложения. Москва: Мир, 1972.-316.
3. Mirzayev A.E. o'zining "Splayn funksiyalar asosida signallarni raqamli

ishlash algoritmlarni samaradorligini oshirish” Toshkent-2019

4. Завьялов Ю.С., Квасов Б.И., Мирошниченко В.Л. Методы сплайн функций. Москва: Наука, 1980. – 352 с.

5. Sayidova G.D. “Lokal interpolatsion kubik splayn funksiya qurish va uni uzluksiz funksiyalar sinfida baholash” Toshkent-2018

6. Hayotov A.R., Milovanovic G.V., Shadimetov Kh.M. Optimal quadrature formulas and interpolation splines minimizing the semi-norm in $K_2 (P_3)$ space// G.V.Milovanovic and M.Th. Rassias (eds.), Analytic Number Theory, Approximation Theory, and Special Functions, Spinger. – pp.573-611.

YOSH PEDAGOGLARNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK FAOLIYATIDAGI KOMPITENTLIK MASALALARIGA OID AYRIM MULOHAZALAR

Xabilova Sitora Tursunmurodovna

Termiz davlat universiteti ta'lim va tarbiya nazariyasi
va metodikasi (maktabgacha ta'lim) mutaxassisligi magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada soha mutaxassislarining tadqiqotlaridagi yosh pedagoglarning pedagogik – psixologik faoliyatlarida muhim o‘rin tutgan kompetentlik va uning masalalari haqida bir qator fiklar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Pedagog, kompetensiya, pedagogik – psixologik faoliyat, qobiliyat, faoliyat, jarayon.

АННОТАЦИЯ

В статье представлен ряд представлений о компетенции и проблемах, играющих важную роль в педагогической и психологической деятельности молодых педагогов в исследованиях специалистов в данной области.

Ключевые слова: Воспитатель, компетентность, педагогико-психологическая деятельность, способность, деятельность, процесс.

ABSTRACT

The article presents a number of ideas about competence and problems that play an important role in the pedagogical and psychological activities of young teachers in the research of specialists in this field.

Key words: Educator, competence, pedagogical and psychological activity, ability, activity, process.

KIRISH

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ulkan silohotlarning muvaffaqiyatiga, eng avvalo, kishilarning o‘z ishlariga mas’uliyat bilan qarashlariga, kundalik mehnat faoliyatida mamlakat taraqqiyotiga hissa bo‘lib qo‘shiladigan savobli ishlarni qila oihslariga bog‘liq.³⁷

³⁷ Fotima Qodirova, Shoista Toshpo‘latova, Nargiza Kayumova, Malohat A‘zamova. Maktabgacha pedagogika. Darslik. “Tafakkur”. Toshkent, 2019. 100-b.

Rivojlangan bozor munosabatlari sharoitida mehnat bozorida ustuvor o‘rin egallagan kuchli raqobatga bardoshli bo‘lish har bir mutaxassisdan kasbiy kompetentlikka ega bo‘lish, uni izchil ravishda oshirib borishni taqozo etmoqda. Xo‘sh, kompetentlik nima? Kasbiy kompetentlik negizida qanday sifatlar aks etadi? Pedagog o‘zida qanday kompetentlik sifatlarini yoritish zarur. Ayni o‘rinda shu va shunga yondosh g‘oyalar yuzasidan so‘z yuritiladi.

Inglizcha “competence” tushunchasi lug‘aviy jihatdan bevosita “qobiliyat” ma’nosini ifodalaydi. Mazmunan esa “faoliyatda nazariy bilimlardan samarali foydalanish, yuqori darajadagi kasbiy malaka, mahorat va iqtidorni namoyon etish”ni yoritishga xizmat qiladi.

“Kompetentlik” tushunchasi ta’lim sohasiga psixologlarning ilmiy izlanishlari natijasida kirib kelgan. Psixologik nuqtai nazardan kompetentlik “noan’anaviy vaziyatlar, kutilmagan hollarda mutaxassisning o‘zini qanday tutishi, muloqotga kirishishi, raqiblar bilan o‘zaro munosabatlarda yangi yo‘l tutishi, noaniq vazifalarni bajarishda, ziddiyatlarga to‘la ma’lumotlardan foydalanishda, izchil rivojlanib boruvchi va murakkab jarayonlarda harakatlanish rejasiga egalik”ni anglatadi.

Kasbiy kompetentlik mutaxassis tomonidan alohida bilim, malakalarning egallanishini emas, balki har bir mustaqil yo‘nalish bo‘yicha integrativ bilimlar va harakatlarning o‘zlashtirilishini nazarda tutadi. Shuningdek, kompetentsiya mutaxassislik bilimlarini doimo boyitib borishni, yangi axborotlarni o‘rganishni, muhim ijtimoiy talablarni anglay olishni, yangi ma’lumotlarni izlab topish, ularni qayta ishlash va o‘z faoliyatida qo‘lly bilishni taqozo etadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Pedagogikada kompetent yondashish mutlaqo yangi hodisa emas, balki uning irmoqlari uzluksiz rivojlanib boruvchi ta’lim jarayonlarida mavjud bo‘lib, ular bosqichma-bosqich shakllangan edi. «Mahorat», «malaka», «salohiyat» masalalari, faoliyat, shu bilan birgalikda, bir qator faoliyatlarning birikuvi M.N.Skatkin, I.Ya.Lerner, V.V.Kraevskiy, G.P.Shedrovidskiy, V.V.Davidov va boshqa pedagogika sohasining olimlari ilmiy asarlari asosini tashkil etgan³⁸.

N.V.Kuzmina, A.K.Markova, E.F.Zeer, V.A.Slastenin, T.F.Loshakova o‘qituvchining «kasbiy kompetentlik» haqida ko‘plab ishlarni amalga oshirganlar³⁹.

Kasbiy kompetentlik quyidagi holatlarda yaqqol namoyon bo‘ladi:


- A) murakkab jarayonlarda;
- B) noaniq vazifalarni bajarishda;

³⁸ Yusupov E. Inson kamolotining ma’naviy asoslari. T. Universitet, 1998.-184 b.

³⁹ G‘ulomov. X.R. Raimov. va boshqalar. “Ta’lim-tarbiya sifati va qirralari”. T; «Fan va texnologiyalar». 2004.

- C) bir-biriga zid ma'lumotlardan foydalanishda;
D) kutilmagan vaziyatda harakat rejasiga ega bo'la olishda.

Kasbiy kompetentlik negizida quyidagi sifatlar aks etadi:



Quyida kasbiy kompetentlik negizida aks etuvchi sifatlarning mohiyati qisqacha yoritiladi.

1. Ijtimoiy kompetentlik – ijtimoiy munosabatlarda faollik ko'rsatish ko'nikma, malakalariga egalik, kasbiy faoliyatda sub'ektlar bilan muloqotga kirisha olish.

2. Maxsus kompetentlik – kasbiy-pedagogik faoliyatni tashkil etishga tayyorlanish, kasbiy-pedagogik vazifalarni oqilona hal qilish, faoliyati natijalarini real baholash, BKMni izchil rivojlantirib borish bo'lib, ushbu kompetentlik negizida psixologik, metodik, informatsion, kreativ, innovatsion va kommunikativ kompetentlik ko'zga tashlanadi. Ular o'zida quyidagi mazmuni ifodalaydi:

1) psixologik kompetentlik – pedagogik jarayonda sog'lom psixologik muhitni yarata olish, talabalar va ta'lim jarayonining boshqa ishtirokchilari bilan ijobiy muloqotni tashkil etish, turli salbiy psixologik ziddiyatlarni o'z vaqtida anglay olish va bartaraf eta olish;

2) metodik kompetentlik – pedagogik jarayonni metodik jihatdan oqilona tashkil etish, ta'lim yoki tarbiyaviy faoliyat shakllarini to'g'ri belgilash, metod va vositalarni maqsadga muvofiq tanlay olish, metodlarni samarali qo'llay olish, vositalarni muvaffaqiyatli qo'llash;

3) informatsion kompetentlik – axborot muhitida zarur, muhim, kerakli, foydali ma'lumotlarni izlash, yig'ish, saralash, qayta ishlash va ulardan maqsadli, o'rinli, samarali foydalanish;

4) **kreativ kompetentlik** – pedagogik faoliyatga nisbatan tanqidiy va ijodiy yondashish, o‘zining ijodkorlik malakalariga egaligini namoyish eta olish;

5) **innovatsion kompetentlik** – pedagogik jarayonni takomillashtirish, ta’lim sifatini yaxshilash, tarbiya jarayonining samaradorligini oshirishga doir yangi g‘oyalarni ilgari surish, ularni amaliyotga muvaffaqiyatli tatbiq etish;

6) **kommunikativ kompetentlik** – ta’lim jarayonining barcha ishtirokchilari, jumladan, talabalar bilan samimiy muloqotda bo‘lish, ularni tinglay bilish, ularga ijobiy ta’sir ko‘rsata olish.

3. **Shaxsiy kompetentlik** – izchil ravishda kasbiy o‘shiga erishish, malaka darajasini oshirib borish, kasbiy faoliyatda o‘z ichki imkoniyatlarini namoyon qilish.

4. **Texnologik kompetentlik** – kasbiy-pedagogik BKMni boyitadigan ilg‘or texnologiyalarni o‘zlashtirish, zamonaviy vosita, texnika va texnologiyalardan foydalana olish.

5. **Ektremal kompetentlik** – favqulotda vaziyatlar (tabiiy ofatlar, texnologik jarayon ishdan chiqqan)da, pedagogik nizolar yuzaga kelganda oqilona qaror qabul qilish, to‘g‘ri harakatlanish malakasiga egalik.

NATIJAR VA MUHOKAMA

L.M. Dolgova⁴⁰, P.V. Simonov⁴¹ va boshqalarning fikricha, kompetentlik – olingan bilimlarga asoslangan holda harakat qila olishlik demakdir. Namunalarga o‘xshash harakatlarni ko‘zda tutadigan “bilim, ko‘nikma va malakalardan” farqli o‘laroq, kompetentlik universal bilimlarga asoslangan holda mustaqil faoliyat tajribasini nazarda tutadi. “Kompetentlik – ijtimoiy amaliyot ko‘rinishidagi bilim va ko‘nikmalarning mavjudligi bo‘lib, u ta’lim jarayoni natijalariga ijtimoiy-madaniy talablar va jamiyat tomonidan talablar qo‘yiladigan hollarda namoyon bo‘ladi”, – deb ta’kidlaydi L.M. Dolgova.

XULOSA

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, bozor munosabatlari sharoitida mehnat bozorida yuzaga keladigan kuchli raqobatga bardoshli bo‘lish ehtiyoji har bir mutaxassisni o‘zida kasbiy kompetentlik va unga xos sifatlarni tarkib toptirishga undaydi. Lug‘aviy

⁴⁰ Yarysheva L.M., Dolgova A.A., Arzhakova O.V., Volynskij A.L., Vakeev N.F. The effect of the nature of a liquid medium on the rates of craze tip advance and craze widening in poly(ethylene terephthalate) // ВМС. Серия А. 2002. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-effect-of-the-nature-of-a-liquid-medium-on-the-rates-of-craze-tip-advance-and-craze-widening-in-poly-ethylene-terephthalate> (дата обращения: 23.04.2022).

⁴¹ Simonov, P. (1999). [The functional asymmetry of the limbic structures of the brain]. Zhurnal vyssheĭ nervnoĭ deiatelnosti imeni I P Pavlova. 49. 22-7.

jihaddan “qobiliyat”, mazmunan esa “faoliyatda nazariy bilimlardan samarali foydalanish, yuqori darajadagi kasbiy malaka, mahorat va iqtidorni namoyon eta olish” ma’nosini anglatuvchi kompetentlik negizida muayyan sifatlar namoyon bo’ladi. Xususan, pedagogga xos kasbiy kompetentlik negizida ijtimoiy, maxsus (psixologik, metodik, informatsion, kreativ, innovatsion hamda kommunikativ), shaxsiy, texnologik va ekstremal kompetentlik kabi sifatlar aks etadi. Bir qator, xususan, A.K.Markova⁴² hamda B.Nazarovlarning⁴³ tadqiqotlarida pedagogik kompetentlikning tarkibiy asoslari qayd etib o’tilgan. Pedagogning kasbiy kompetentsiyasi pedagogik (o’quv va tarbiya) jarayonni samarali, muvaffaqiyatli tashkil etilishini ta’minlaydi. Kasbiy kompetentsiyaga ega bo’lish uchun pedagog o’z-o’zini izchil rivojlantirib borishga e’tiborni qaratishi zarur. O’z-o’zini rivojlantirishda pedagogga “Individual rivojlanish dasturi” qo’l keladi. Zero, ushbu dasturda pedagogda mavjud bo’lgan kompetentlik sifatleri va rivojlantirish zarur bo’lgan sifat, BKMni aniq, xolis ifodalash mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Fotima Qodirova, Shoista Toshpo’latova, Nargiza Kayumova, Malohat A’zamova. Maktabgacha pedagogika. Darslik. “Tafakkur”. Toshkent, 2019.
2. G’ulomov. X.R. Raimov. va boshqalar. “Ta’lim-tarbiya sifati va qirralari”. T; «Fan va texnologiyalar». 2004.
3. Simonov, P. (1999). The functional asymmetry of the limbic structures of the brain. Zhurnal vyssheĭ nervnoĭ deiatelnosti imeni I P Pavlova.
4. Slastenin V.A., Isaev I.F. Pedagogika. – M.: Akademiya, 2005.
5. Yarysheva L.M., Dolgova A.A., Arzhakova O.V., Volynskij A.L., Bakeev N.F. The effect of the nature of a liquid medium on the rates of craze tip advance and craze widening in poly (ethylene terephthalate) // BMC. Серия А. 2002. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-effect> of the nature of a liquid medium on the rates of craze tip advance and craze widening in poly ethylene terephthalate.
6. Yusupov E. Inson kamolotining ma’naviy asoslari. T. Universitet, 1998.
7. Meligaliyevich Q. A. NEW UZBEKISTAN IN A NEW NEIGHBORHOOD RELATIONS WITH THE COUNTRIES OF CENTRAL ASIA //Eurasian Journal of Academic Research. – 2021. – T. 1. – №. 6. – С. 12-19.

⁴² Markova A. K. 1990. Formirovanie motivatsii ucheniya: Kniga dlya uchitelya [Forming of Learning Motivation: Teacher’s Book]. Moscow: Prosveshcheniye. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.

MAKTABGACHA YOSHDAGI GIPERAKTIV BOLALARGA TA'LIM VA TARBIYA BERISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK AMALIY USULLARI

Istamova Dilnoza

Termiz davlat universiteti ta'lim va tarbiya nazariyasi
va metodikasi (maktabgacha ta'lim) mutaxassisligi magistranti

ANNOTATSIYA

Maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda giperaktiv holatning paydo bo'lishi va unga ta'lim va tarbiya berishning pedagogik – psixologik usullari haqida qator fikrlar keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Pedagog, giperaktiv pedagogik – psixologik faoliyat, ta'lim va tarbiya, P.F. Lestgaft, A.S. Makarenko, N.I. Krasnogorskiy, A.G. Ivanov-Smolenskiy, faoliyat.

АННОТАЦИЯ

В статье содержится ряд представлений о развитии гиперактивности у дошкольников и педагогико-психологических методах обучения и воспитания.

Ключевые слова: педагог, гиперактивная педагогико-психологическая деятельность, обучение и воспитание, П.Ф. Лесгафт, А.С. Макаренко, Н.И. Красногорский, А.Г. Иванов-Смоленский, деятельность.

ANNOTATION

The article contains a number of ideas about the development of hyperactivity in preschoolers and pedagogical and psychological methods of education and upbringing.

Key words: teacher, hyperactive pedagogical and psychological activity, training and education, P.F. Lesgaft, A.S. Makarenko, N.I. Krasnogorsky, A.G. Ivanov-Smolensky, activity.

KIRISH

Maktabgacha yoshdagi bolalardagi giperaktivlik - bu maktabgacha ta'lim tashkilotida va uyda jismoniy faollikning yuqori darajasidir. Bu bolaning harakatga bo'lgan fiziologik ehtiyojlarining tabiiy ko'rinishi bo'lishi mumkin, ziddiyatlarga bog'liq travmatik vaziyatlar va tarbiyadagi nuqsonlar ta'sirida bo'ladi va hayotining birinchi yillaridan yoki hatto oylaridan boshlab aniqlanishi mumkin. Bunday bolalar giperaktiv bolalar deyiladi.

Giperaktivlik soʻzi yunon tilidan olingan “giper” - juda koʻp, “aktivus” – faol degan maʼnoni anglatadi. Demak, giperaktivlik tom maʼnoda faollikni oshirishni anglatadi.

Taʼlim berish jarayonida giperaktiv bolalar bilan ishlash jarayonida bir qator muammolar yuzaga kelishi kuzatiladi. Lekin shuni alohida taʼkidlash lozimki, giperaktiv bolalar boshqa tengdoshlariga nisbatan aqliy qobiliyati yuqori boʻlishi kuzatilgan.

Bolalarda giperaktivlikning keng tarqalgan sabablaridan biri bu qarama-qarshi tarbiya turidir, chunki ularga hamma narsani qilishga ruxsat beriladi va bolalar hech qanday taʼqiqarni bilishmaydi.

Giperaktivlikning diagnostikasi quyidagicha aniqlanadi yaʼni quyidagi 14 ta belgidan kamida 8 tasi bola hayotining dastlabki 7 yilida uchragan va kamida olti oy davom etgan boʻlsa.

1. *Bardoshsiz bezovtalanadigan (stulda tebranish, oyoqlarini silkitib).*
2. *Bir joyda oʻtirolmaydi, har qanday sharoitda (transport, uy, bolalar bogʻchasi yoki maktab) turishga harakat qiladi.*
3. *Suhbat paytida yoki biror narsa qilish paytida (kapalak, shovqin, mushuk) eng kichik tirnash xususiyati bilan tezda chalgʻitiladi.*
4. *Oʻyinlarda zoʻrgʻa oʻz navbatini kutib, mobil oʻyinlarni afzal koʻradi, masalan, tutashuvlar kabi (lekin u yerda ham yetakchi boʻlish yoki aksincha, qochib ketish istagi paydo boʻlishi mumkin).*
5. *Tez javob beradi va savolni tinglamaydi.*
6. *Koʻrsatmalarni yoqtirmaydi, ularni bajarishda qiynaladi.*
7. *Topshiriq yoki oʻyindagi rolni bajarish qiyinligi.*
8. *Bir darsni tashlaydi va osonlik bilan boshqasiga oʻtadi.*
9. *Oʻynash paytida bezovtalanadi.*
10. *Koʻp gapiruvchi, koʻpincha giper-kommunikativ.*
11. *Interruptlar, oʻz fikrini himoya qilishga harakat qiladi.*
12. *Unga nima deyilganini yoki qanday chaqirilganini eshitmaydi*
13. *Beeʼtibor (mehnat predmetlarini, oʻyinchoqlarni, narsalarni yoʻqotadi).*
14. *"Men maqsadni koʻryapman - hech qanday toʻsiqni koʻrmayapman." U shu qadar jismoniy faolki, u toʻsiqlarni sezmaydi.*

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Inson hayotidagi 3 yoshdan 7 yoshgacha boʻlgan yosh bolalik davrining katta bir qismini maktabgacha yoshi tashkil etadi. Asosan mana shu davrdan boshlab bolaning mustaqil faoliyatlari rivoj lanadi hamda shaxsiy individual xususiyatlari (shaxsiy

fazilatlarini) tarkib topa boshlaydi. Rus pedagoglaridan P.F. Lesgaftning fikricha⁴⁴, insonning maktabgacha yoshidagi davri shunday bir davrki, ana shu davr mobaynida kelgusida qanday xarakter xislatlari paydo bo‘lishi belgilanadi va axloqiy sifatlarining asoslari yuzaga keladi. Insonning kamol topa borishida maktabgacha yoshidagi davrning ahamiyatiga doir P.F. Lesgaftning bu fikri rus pedagogi A.S. Makarenkoning quyidagi fikriga to‘la mos keladi. A.S. Makarenko bolalarni juda kichik davridan boshlab tarbiyalash zarurligi haqida gapirib, tarbiyaning eng muhim asoslari bola ning besh yoshgacha bo‘lgan davri mobaynida yuzaga keltiriladi. Mana shu davrda qilingan butun tarbiya, tarbiya jarayonining 90% ini tashkil etadi, degan edi⁴⁵.

Haqiqatan ham bolaning maktabgacha yoshidagi davri shu qadar mazmundor va faol davrdirki, bu davr bolaning kelgusi o‘shida albatta o‘z aksini qoldiradi. Shuning uchun maktabgacha yoshidagi davr ta‘sir o‘tkazish kuchi jihatidan g‘oyat mas‘uliyatlidir.

NATIJAR VA MUHOKAMA

Bolaning jismoniy jihatdan eng tez o‘sadigan davri bir-ikki yoshligiga to‘g‘ri keladi. Bola uch yoshga to‘lib maktabgacha yoshiga o‘tgandan so‘ng uning jismoniy jihatdan o‘shisi bir qadar sekinlashadi. Bolaning jismoniy jihatdan o‘shidagi notekislik bu davrda ham davom etaveradi. Masalan, bola tug‘ilgandan bir yoshga to‘lguncha bo‘yining o‘shisini quyidagi jadvalda ko‘rishimiz mumkin.

Maktabgacha yoshda jismoniy rivojlanish ko‘rsatkichlari:

Yoshi	0-1	1-2	2-3	3-4	4-5	5-6	6-7
Bo‘yi (sm)	25	40	8	4	6-7	7-8	10

Maktabgacha yoshdagi bolalar psixikasining rivojlanishida ularning nerv sistemalarida sodir bo‘ladigan o‘zgarishlar juda katta rol o‘ynaydi. Bolalar nerv sistemalarining eng kuchli taraqqiy etadigan davri 1 yoshgacha bo‘lgan davrga to‘g‘ri keladi. Yangi tug‘ilgan bola bosh miyasining o‘rtacha og‘irligi 380–400 gr keladi. Bola bog‘cha yoshiga yetguncha uning miyasi g‘oyat tez rivojlanib, deyarli uch baravar

⁴⁴ Лесгафт, П.Ф. Семейное воспитание ребенка и его значение: Учебное пособие / П.Ф. Лесгафт – М.: Просвещение 1992. 200с. – ISBN 5-305-00100-5. М. С. Шойфет. Лесгафт (1837–1909) // 100 великих врачей. — М.: Вече, 2008. — 528 с. — (100 великих). — 5000 экз. — ISBN 978-5-9533-2931-6.

⁴⁵ Макаренко, А.С. Педагогическая поэма: Учебное пособие / А.С. Макаренко – М.: Слово 1976. 624с. Макаренко, А.С. Книга для родителей: Учебное пособие / А.С. Макаренко – М.: Педагогика, 1981. 300с. А.С. Макаренко. Воспитание в семье и школе.

ko'payadi. Demak, bog'cha yoshiga yetgan bolalar miyasining og'irligi 1100–1200 gr ga yetadi.

Rus fiziologlari N.I. Krasnogorskiy⁴⁶ va A.G. Ivanov-Smolenskiylar⁴⁷ tomonidan ko'plab o'tkazilgan tajribalarning ko'rsatishicha, MTM yoshidagi bolalarning nerv sistemalari o'z faoliyati jihatidan hali qat'iy bir izga tushmagan, o'zgarib turadigan bo'ladi⁴⁸. Markaziy nerv sistemasi faoliyatining o'zgaruvchanligi xususan ilk yoshda ravshan ko'rinadi. Masalan, bu yoshdagi bolalarda qo'zg'alish jarayoni tormozlanish jarayonidan ustunlik qiladi. Mana shuning uchun ham bu yoshda bolalar juda serharakat va o'ta hayajonlanuvchan bo'ladilar. MTM yoshidagi bolalarda qo'zg'alish jarayonining nisbatan ustun bo'lishi tufayli muvaqqat bog'lanishlar kattalarga qaraganda sekinlik bilan maydonga keladi. Shu sababli ularda muvaqqat bog'lanishlarni yuzaga keltirish takror-takror ta'sir etishni talab qiladi. Biroq, shunga qaramay, hosil etilgan muvaqqat bog'lanishlar juda yengillik bilan tormozlanib (o'chib) qoladi.

Maktabgacha yoshdagi davrda bolaning barcha psixik jarayonlari jadal rivojlana borib, uning tashqi muhit bilan bo'lgan munosabatlarida anchagina o'zgarishlarni yuzaga keltiradi. Bir tomondan, bola kattalarning doimiy yordamlaridan ancha ozod bo'lib, ulardan bir qadar uzoqlashadi, ikkinchi tomondan, kattalar bilan bo'lgan munosabatlari murakkab, ko'p tomonlama xarakter kasb eta boshlaydi. Shu narsa xarakterliki, kichik bog'cha yoshi dagi (3–5 yoshli) bola doimiy yordam va g'amxo'rlik talab qiladigan obyektidan sekin-astalik bilan oila hamda bolalar guruhining faol a'zosiga aylana boshlaydi. Demak, bola bu davrdan boshlab, muhtojlikdan qutilib, o'zi ham boshqalarga ma'lum darajada yordam bera oladigan, o'zining burchi, vazifalari, qiziqishlari hamda xilma-xil ehtiyojlariga ega bo'lgan shaxsga, jamoa a'zosiga aylana boshlaydi.

Bog'cha yoshidagi bolalarning psixik jihatdan rivojlanishlarida ularda paydo bo'ladigan xilma-xil ehtiyoj va qiziqishlar juda katta ahamiyatga ega. Chunki, ehtiyoj va qiziqishlar bolalarni u yoki bu harakatga undovchi, ularni ishga soluvchi stimul (omil) hisoblanadi. Bog'chagacha tarbiya ishidagi bolalar organik ehtiyojlardan tashqari ijtimoiy va intellek tual ehtiyojlarning dastlabki kurtaklari yuzaga kela

⁴⁶ Красногорский Н.И. О нервноности в детском возрасте и о мерах борьбы с ней /Н.И. Красногорский, прив.-доц. Воен.-мед. акад., консультант Брян. воен. госпиталя. — Петроград: К.Л. Риккер, 1917. — 30 с. Красногорский Н.И. Развитие учения о физиологической деятельности мозга у детей. Изд. 2. — Ленинград, 1939. Красногорский Н.И. Высшая нервная деятельность ребёнка. — Ленинград: Медгиз, 1958. — 320 с

⁴⁷ Иванов-Смоленский А. Г. Биогенез речевых рефлексов и основные принципы методики их исследования // Психиатрия, неврология и экспериментальная психология. — Пг.: ГИЗ, 1922. — 231-242 с. Иванов-Смоленский А. Г. Основные проблемы патофизиологии высшей нервной деятельности / Предисловие И. П. Павлова. — Медгиз, 1933.

⁴⁸ Sabohat Xalilovna Jalilova, Sayyora Mirsoatovna Aripova. Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasi. O'quv qo'llanma. "Faylasuflar". Toshkent, 2017. 294-b.

boshlaydi. Masalan, bog‘chagacha tarbiya yoshidagi bolalar hali yaxshi gapira olmasalar ham, haddan tashqari qiziquvchan bo‘ladilar. Ular ko‘zlariga ko‘ringan har bir narsani qo‘llari bilan timirskilab ushlab ko‘rmaganlaricha tinib-tinchimaydilar. Bog‘chagacha tarbiya yoshi dagi bolalarda uchraydigan mana shunday qiziquvchanlik ularda intellektual ehtiyojlarning yuzaga kelayotganligidan dalolat beradi.

Bog‘cha yoshidagi bolalarda ijtimoiy intellektual va axloqiy ehtiyojlar yaqqol ko‘rina boshlaydi. Agar bog‘chagacha tarbiya yoshidagi bola uzoq vaqt davomida yolg‘iz o‘zi biron o‘yinchoq bilan mashg‘ul bo‘lib o‘tira olsa, bog‘cha yoshidagi (xususan o‘rta va katta guruh bolalari) bola bunday yolg‘iz o‘ynashga toqat qila olmaydi. Ularda o‘zlariga yaqin bo‘lgan katta odamlar va tengdoshlari bilan munosabatda bo‘lish ehtiyoji tug‘iladi. Ular tor oila doirasidagi munosabatlar bilan o‘z ehtiyojlarini qondira olmay, kengroq doiradagi munosabatlarga intila boshlaydilar. Nati jada bu yoshdagi bolalarning ijtimoiy munosabat va faoliyat doiralari tobora kengayib boradi⁴⁹.

Bog‘cha yoshidagi bolalar tabiatlariga xos bo‘lgan kuchli ehtiyojlardan yana biri har narsani bilib olishga bo‘lgan ehtiyojdir. Bolaning faoliyat doirasi kengaygan sari atrofidagi narsalarni bilishga qaratilgan ehtiyojlari ham orta boradi. Bunga sabab bolada turmush tajribasining ozligidir. Har bir narsa bola uchun yangilik bo‘lib tuyiladi va, binobarin, bola uni har tomonlama bilib olishga intilaveradi. Shuning uchun ham ular juda ko‘p savollar beradi.

Bog‘cha yoshidagi bolalarning psixik jihatdan rivojlanishlarida bog‘cha muhiti juda katta rol o‘ynaydi. Bog‘chadagi tartib, intizom va turli-tuman ta’limiy mashg‘ulotlar bolalarda yuksak ijtimoiy, intellektual, axloqiy va gigiyenik ehtiyojlar ning garmonik ravishda yuzaga kelishi uchun sharoit tug‘diradi⁵⁰.

XULOSA

Xulosa o‘rta shuni keltirib o‘tish lozimki, psixologiya nuqtayi nazaridan qaraganda, odatlar o‘z mohiyati jihatidan ehtiyojga yaqin narsalardir. Boshqacha qilib aytganda, turlicha odatlar kundalik holatda takrorlana borishi natijasida vujudimizga juda singib ketib, ehtiyojga aylanib qoladi. Shu ning uchun bolalarda ijobiy va foydali ehtiyojlarni tarbiyalash deganda, ularda ijobiy foydali odatlarni hosil qilinishini tushu namiz. Bog‘cha yoshidagi davrda hosil qilingan mustahkam ijobiy odatlar kishining butun umri davomida saqlanib qoladi.

⁴⁹ Sabohat Xalilovna Jalilova, Sayyora Mirsoatovna Aripova. Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasi. O‘quv qo‘llanma. “Faylasuflar”. Toshkent, 2017. 297-b.

⁵⁰ N.M. Aksarina. Go‘dak bolalar tarbiyasi. – Toshkent. Meditsina. – 1983.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. M. Rasulova, D. Abdullayeva, S. Oxunjonova. Bolalarning maktabga psixologik tayyorligi. – Toshkent. – 2003.
2. N.M. Aksarina. Go‘dak bolalar tarbiyasi. – Toshkent. Meditsina. – 1983.
3. N.V. Latipova. Kichkintoy tarbiyasi. – Toshkent. Meditsina. – 1989.
4. Sabohat Xalilovna Jalilova, Sayyora Mirsoatovna Aripova. Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasi. O‘quv qo‘llanma. “Faylasuflar”. Toshkent, 2017.
5. А.С. Макаренко. Воспитание в семье и школе.
6. Иванов-Смоленский А. Г. Биогенез речевых рефлексов и основные принципы методики их исследования // Психиатрия, неврология и экспериментальная психология. — Пг.: ГИЗ, 1922. — 231-242 с.
7. Иванов-Смоленский А. Г. Основные проблемы патофизиологии высшей нервной деятельности / Предисловие И. П. Павлова. — Медгиз, 1933.
8. Красногорский Н.И. О нервноности в детском возрасте и о мерах борьбы с ней /Н.И. Красногорский, прив.-доц. Воен.-мед. акад., консультант Брян. воен. госпиталя. — Петроград: К.Л. Риккер, 1917. — 30 с.
9. Красногорский Н.И. Высшая нервная деятельность ребёнка. — Ленинград: Медгиз, 1958. — 320 с
10. Красногорский Н.И. Развитие учения о физиологической деятельности мозга у детей. Изд. 2. — Ленинград, 1939.
11. Лесгафт, П.Ф. Семейное воспитание ребенка и его значение: Учебное пособие / П.Ф. Лесгафт – М.: Просвещение 1992. 200с. – ISBN 5-305-00100-5. 6. М. С. Шойфет. Лесгафт (1837–1909) // 100 великих врачей. — М.: Вече, 2008. — 528 с. — (100 великих). — 5000 экз. — ISBN 978-5-9533-2931-6.
12. Макаренко, А.С. Педагогическая поэма: Учебное пособие / А.С. Макаренко – М.: Слово 1976. 624с. Макаренко, А.С. Книга для родителей: Учебное пособие / А.С. Макаренко – М.: Педагогика, 1981. 300с.

INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA RITORIK SO‘ROQ GAPLARNING STRUKTUR-SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Gulchehra Mashraf qizi Hoshimova

BuxDU Xorijiy tillar fakulteti

“Qiyosiy tilshunoslik, lingvistik tarjimashunoslik” yo‘nalishi magistranti

gulchehrahoshimova1991@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada o‘zbek va ingliz tillarining og‘zaki va yozma nutq janrlarida keng tarqalgan ritorik so‘roq gaplarning xususiyatlari ko‘rib chiqiladi. So‘roq gaplarning turlari tahlil qilinadi va eng keng tarqalgan ritorik savollar ham muhokama qilinadi.

Kalit so‘zlar: so‘roq gap, ritorika, ritorik savol, stilistik shakllar

STRUCTURAL AND SEMANTIC FEATURES OF RHETORICAL QUESTIONS IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

ABSTRACT

This paper analyses some structural-semantic features of rhetorical questions in English and Uzbek, which are widely used in both oral and written speech. Types of questions, as well as, common rhetorical questions are reviewed.

Keywords: interrogative questions, answer-eliciting, rhetorical question, stylistic figures.

KIRISH

Kommunikativ nutq tizimida so‘roq gaplar alohida o‘rin tutadi. So‘roq gaplar so‘zlovchi uchun noma‘lum bo‘lgan haqiqatni anglashga qaratilgan savoldir. Bunday gaplar maxsus asosga qurilgan bo‘lib, alohida talaffuz qilinadi va gap oxirida so‘roq belgisi qo‘yiladi. So‘roq gaplar ko‘pincha dialogik shaklda qo‘llaniladi.

So‘roq gaplar ularda ifodalangan savol mazmuniga ko‘ra 3 turga bo‘linadi.

Sof so‘roq gaplar: Who is listening? (Kim tinglayapti?)

So‘roq-buyruq gaplar: Can you speak slowly? (Sekinroq gapirolmaysizmi?)

Ritorik so‘roq gaplar: If your friend jumped off the bridge, would you do it too?
(Agar sherigingiz o‘zini ko‘prikdan tashlasa, siz ham tashlaysizmi?)

So‘roq gaplar tizimida ritorik so‘roq gaplar ham grammatik, ham mantiqiy, ham alohida ma‘noga ega stilistik munosabatni o‘z ichiga oladi. Ritorik so‘roq gapda,

odatda, javob ham savolning ichida bo‘ladi va nutq ta’sirchanligini oshirish maqsadida stilistik vosita sifatida ishlatiladi. Bunday vazifada ishlatilganda, garchi, ritorik so‘roq gap savol shaklida bo‘lsada, hech qanday javob talab qilmaydi, lekin so‘roqda ifodalangan ma’lumotni ta’kidlash va tinglovchining roziligini olish uchun ishlatiladi. Shuning uchun ham ba’zi hollarda ritorik savollar gap oxirida berilmaydi. Ritorik so‘roq gaplar, ko‘pincha, suhbatdosh bilan suhbatni boshlash yoki to‘g‘ridan-to‘g‘ri javobni talab qilmasdan, so‘zlovchining muammoga e’tiborini qaratish maqsadida jalb qilish vositasi sifatida ishlatiladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ritorik savollar sof so‘roq gaplarni pragmatik tushunish sifatida qaraladi.

Who did it? (Lucy, Mr.White, a father, a friend, a doctor....)

Kim qildi buni? – Lusi, Janob Wayt, ota, do‘st, shifokor.....)

Who did it? (Well, me, of course.....who else?)

Kim qildi buni? – Men, albatta, yana kim bo‘lardi?

Rohde (2006), Kaponigro va Sprouse (2007)lar ritorik savollarga haqiqiy bo‘lmagan savol sifatida qaraydi: A-haqqoniy (unbiased interrogative), B- haqiqiy bo‘lmagan savol (biased interrogative). Haqiqiy savollarda javob bilan ta’minlash ehtimoli yuqori bo‘ladi. Ritorik savollarda javob bir maromda emas, chunki u so‘zlovchi hamda tinglovchi o‘rtasidagi o‘zaro ikki tomonlama tushunchaga bog‘liq. Ritorik so‘roq gaplar va sof so‘roq gaplar shuning uchun ham pragmatik.

Sadock (1971,1974) va Han (2002) ritorik savollarni so‘roq gap sifatida emas, balki, qarama-qarshi ta’kidlash sifatida tahlil qildilar.

A: I do not steal anything

B: Do I steal anything? (No, I don’t steal anything!)

Rohde (2006) ritorik savollar so‘roq gapga o‘xshaydi, chunki ular javobni qabul qiladi, faqat ma’lum bir javobning mavjudligi ta’kidni keltirib chiqaradi.

Caponigro va Sprouse (2007) ritorik savollarni so‘roq gaplar sifatida o‘rganib ikkita juda muhim fikrga kelishdi. Birinchisi – ritorik so‘roq gaplar inkor javobdan ko‘ra ko‘prog‘ini talab qiladi; Ikkinchisi – ritorik so‘roq gaplar javob qabul qiladi, ammo bildirilgan fikr javob qabul qilmaydi.

A: It’s understandable that Lucy adores Tim. After all, who helped him when he was in trouble?

B: Lucy / Nobody

A: After all, mina was the only one to help him when he was in trouble!

B: Lucy

NATIJALAR

Garchi savol u ritorikmi yoki yo‘qligini ko‘rsatuvchi eng muhim ko‘rsatkichni o‘zida saqlasada, ba’zi savollar ritorik yoki ritorik bo‘lmagan talqinga moyil bo‘ladi. Masalan, *What time is it?* savoli deyarli barcha holatlarda javob talab qiluvchi sof so‘roq gap sifatida talqin qilinadi, holbuki, *How can a fool know what’s good for him?* kamdan-kam hollarda javob talab qiluvchi savol sifatida qaraladi. Ushbu namunalarga o‘xshamagan ko‘plab savollarni ular ritorik yoki javob talab qiluvchi sof so‘roq gaplar ekanligini osonlik bilan aniqlab olish qiyin. Bunday savollar shunga ishora qiladiki, ba’zi ritorik savollar ularning ritorik tabiatiga mos ma’lum elimentlarni o‘z ichiga oladi.

Ushbu tadqiqot natijalari ritorik so‘roq gaplar ularning sintaktik va semantik xususiyatlarini ko‘rsatuvchi elimentlardan iborat degan fikrni qo‘llab-quvvatlaydi.

MUHOKAMA

Ingliz tilidagi eng keng tarqalgan ritorik savollardan biri: *“Can’t you do anything right?”* (Qo‘lingizdan biror – bir foydali ish keladimi, o‘zi?) Ushbu gapda so‘zlovchi so‘ramayapti, balki, tinglovchi foydali ish qilishga qodirmi yoki yo‘qligini ta’kidlayapti. Ritorik so‘roq gaplar ta’kidni ifodalaganda, ko‘pincha javob berish qiyin. Shunday qilib, ritorik so‘roq gaplar salbiy ma’nodagi fikrning tasdig‘i sifatida namoyon bo‘ladi. Masalan, *“What have you ever done for me?”* (siz men uchun nima qilib berdingiz, yoki siz men uchun nima qilib qo‘yibsiz?) savoli *“You have not done anything for me”* (siz men uchun hech narsa qilib bermagansiz) ma’nosini anglatadi. Xuddi shunday misol U. Shekspirning “Yuliy Sezar” asarida uchraydi: Mark Entoni:

Here was a Caesar! When comes such another? (Bu yerda Yuliy Sezar bo‘lgan! Yana bunaqasi qachon keladi?)

Ushbu misoldagi ritorik so‘roq gap Yuliy Sezarning boshqalarda kamdan-kam uchraydigan qobiliyatga ega ekanligini va bunday odam yaqinda tug‘ilmasligini bildiradi.

Ritorik so‘rov og‘zaki va yozma turli janrlarda, ayniqsa, she’riyatda voqea va axborotning ma’nosini kuchaytirish uchun stilistik vosita sifatida ishlatiladi. Bunda, ko‘pincha, matnda keltirilgan savol uchun metafora shaklida qo‘llaniladi. Ushbu turdagi ritorik savol ko‘pincha “ritorik rivoyat” deb ataladi va bu savolga javob boshqa hazil bilan belgilanadi. Misol uchun,

Is the sky blue? (Osmon ko‘kmi?)

Is the sun hot? (Quyosh issiqmi?)

Is the Pope Catholic? (Papa katolikmi?)

Ba'zi ritorik so'roq gaplar ingliz tilidagi iboraviy birikmalarda o'z aksini topadi:
What's the matter with you? (Sizga nima bo'ldi? Tuppa-tuzuk edingizku?);
Don't you know any better? (Tuzukroq javobingiz yo'qmi?, Yaxshiroq javob bera olmaysizmi?);

Have you no shame? (Uyalmaysizmi? Sizda uyat yo'qmi?);

Are you crazy? (Jinnimisiz?);

How should I know? (Men qayoqdan bilay?)

Zamonaviy ingliz tilida ritorik so'roq gaplarda faol ishtirok etadigan bir qator stilistik shakllar mavjud, masalan, litota, antiteza, kulminatsiya va boshqalar. Ulardan eng keng tarqalgani litotadir. Ma'lumki, ingliz tilida inkorni faqat bitta vosita bilan ifodalash mumkin. Litota deb ataladigan stilistik shakl nutqni qo'sh inkor orqali ifodalab ritorik savol tug'diradi. Masalan:

-It is no ordinary city

XULOSA

Ushbu tahlildan olingan ma'lumotlarga tayanib xulosa qiladigan bo'lsak, ko'pgina holatlarda ritorik so'roq gaplar va standard so'roq gaplar bir xil shaklga ega va ularning ritorik savol yoki javob talab qiluvchi sof so'roq gap sifatida talqin qilinishi to'laligicha ular foydalanilgan kontekstga bog'liq.

Garchi ritorik so'roq gaplar va javob talab qiluvchi sof so'roq gaplarni bir-biridan ajratib turuvchi rasmiy farqlar mavjud bo'lmasada, ba'zi ritorik savollar ularni standard savollardan ajratib turadigan ma'lum shaklga ega.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Asier Alcazar (2017) A syntactic analysis of rhetorical questions
2. Athanasiadou, Angeliki (1991). "The discourse function of questions". Pragmatics:1.1:107-122.
3. Brian's. (2007). "Common errors in English". Washington State University
4. Burton, O. (2007) "Rhetorical questions". Brigham Young University
5. Dzamal Spago (2017). "Rhetorical questions or rhetorical uses of questions?"
6. Samigova, Kh., Khabibullayevich, A. (2020) "Rhetoric in the English and uzbek languages"

LOKUS NAZORATI. O'SPIRINLARDA SUBYEKTIV NAZORAT DARAJALARI. INTERNAL VA EKSTERNAL TIP SHAXSLARNING XARAKTER AKSENTUATSIYASI.

Ismatulloev Abdullo Nasrulloevich

Buxoro davlat universiteti psixologiya mutaxassisligi 1-kurs magistranti

Abdullo.ismatullayev.mail.ru@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada subyektiv nazorat ya'ni lokus nazorati tushunchasi, uning shaxs hayotidagi beqiyos o'rni, shuningdek, lokus nazorati darajasini aniqlashga qaratilgan metod yoritib berilgan, hamda yuqori sinf o'quvchilarining subyektiv nazorati o'rganilib, natijalari tavsiflandi va tahlil qilindi. Subyektiv nazorat darajasi o'z-o'zini anglashning eng muhim xususiyatlaridan biri bo'lib, ijtimoiy o'zaro ta'sirning keng doirasida xulq-atvor reaksiyalarining xususiyatlarini belgilaydi va mas'uliyat hissi, faoliyat darajasi va hayot sharoitlariga ta'sir darajasida namoyon bo'ladi.

Kalit so'zlar: lokus nazorati, subyektiv nazorat, eksternal, internal, shaxs, faoliyat.

ABSTRACT

This article describes the concept of subjective control, its unique role in the life of the individual, as well as a method for determining the level of locus control, and describes and analyzes the results of the study of subjective control of high school students. The level of subjective control can be attributed to one of the most important characteristics of self-consciousness, which determines the characteristics of behavioral reactions in a wide range of social interaction and manifests itself in a sense of responsibility, level of activity and degree of influence on life circumstances.

Keywords: locus of control, subjective control, external, internal, personality, activity.

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается понятие субъективного контроля, его уникальная роль в жизни личности, а также методика определения уровня локусного контроля, а также описываются и анализируются результаты исследования субъективного контроля старшеклассников. Уровень субъективного контроля можно отнести к одной из важнейших характеристик самосознания, определяющей особенности поведенческих реакций в широком диапазоне социального взаимодействия и проявляющейся в чувстве

ответственности, уровне активности и степени влияния по жизненным обстоятельствам.

Ключевые слова: локус контроля, субъективный контроль, экстернал, интернал, личность, деятельность.

KIRISH

Lokus Nazorati (lotincha locus - joy, manzil va fransuzcha controle – nazorat, tekshirish) – shaxsning o‘z faoliyati natijalarini va mas’uliyatni tashqi omillarga (tashqi lokus nazorati)ga yoki ichki omillarga va qobiliyatlari (ichki lokus nazorati)ga yuklashdir.

Lokus nazorati muammosi psixologiya, falsafa, sotsiologiyaning turli bo‘limlarida o‘rganiladi. Subyektiv nazorat yoki lokus nazorati tushunchasi 1954-yilda amerikalik psixolog Julian Rotter tomonidan psixologiyaga kiritilgan bo‘lib, insonning hayotdagi narsa va hodisalar, voqealar va faoliyati natijalarini tashqi omillarga (eksternal, tashqi lokus nazorati) yoki ichki omillarga (internal, ichki lokus nazorati) yuklashi deb tushuniladi. Lokus nazorati "irodali harakatni nazorat qilishning lokalizatsiyasi"deb ham ataladi [1].

Internallarning quyidagi xususiyatlarini aytib o‘tish mumkin: optimizm, o‘ziga ishonch, xayrixohlik, sotsializm, qat’iyatlilik. Eksternal lokus nazorati qarama-qarshi xususiyatlarga ega: mustaqillikning yo‘qligi, ishonchsizlik, shubha. Ushbu xususiyatlarni ko‘rib chiqqandan so‘ng, tashqi lokus nazorati faqat salbiy xususiyatga ega bo‘lib, ichki lokus nazorati esa ijobiy tomonlarni qamrab olgan degan fikr paydo bo‘lishi mumkin.

Internalning yuqoridagi barcha afzalliklari subyektning fikriga asoslanib, hayotdagi hamma narsa va hodisalar uning o‘ziga bog‘liqligidir. Bu mas’uliyat nafaqat yutuqlar sohasiga, balki muvaffaqiyatsizliklar sohasiga ham tegishli.

Insonning hayot qiyinchiliklarini yengib o‘tish qobiliyati ham uning lokus nazoratiga bog‘liq. Internal lokus nazoratida depressiya holatining rivojlanishiga qarshi himoya mexanizmi mavjud bo‘lib, tanadagi somatik kasalliklarni davolash bilan ijobiy holda o‘tadi. Internallar tashqi ijtimoiy ta’sirlarga qarshilik ko‘rsata olishadi. Internallarning qarorlari atrofda odamlarning fikrlaridan mustaqildir.

Eksternalning moslashuvchanligi axborot manbai maqomiga bog‘liq. Manba maqomi qanchalik baland bo‘lsa, eksternallar shuncha fikrlarini o‘zgartiradi. Internallarning fikriga axborot maqomi deyarli ta’sir qilmaydi. Internallar o‘zlarining baxtsizliklari ustida keskin salbiy his-tuyg‘ularni boshdan kechirmaydilar, umumiy erishilgan yutuqlar va hayot darajasini tezda tiklaydilar.

Yuqorida tavsiflangan subyektiv nazorat turlarining har biri o'zining afzallik va kamchiliklariga ega. Tashqi lokus nazoratiga ega bo'lgan kishilar apatiya, mas'uliyatsizlik, infantilizm va nochorlikni his etadilar. O'ziga talabning kuchayishi, shuningdek, hamma narsa va hodisalarni nazorat qilish istagida bo'lgan internallar sezilarli darajada depressiya va boshqa psixik kasalliklarga duch kelishlari mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

G'arb mamlakatlarida lokus nazoratini o'rganish mobaynida bir qator olimlar lokus nazoratini o'lchashga qaratilgan metodlarni yaratdilar. Ularning eng mashhurlaridan biri bu Amerika psixologiyasida va hozirgi kunda butun dunyo psixologiyasida keng qo'llaniladigan metod "J.Rotter shkalasi" deb ataladi.

Rotter lokus nazoratini aniqlashga mo'ljallangan maxsus shkalani ishlab chiqdi hamda tashqi va ichki nazorati bo'lgan odamlarning munosabati va xatti-harakatlarini o'rgandi. Shunga ko'ra, J.Rotter lokus nazoratining ikki turini belgilab o'tadi: eksternal va internal.

"Subyektiv nazorat darajasi" metodi hozirgi kunda insonning xatti-harakatlarini boshqarish va o'zini o'zi boshqarish bilan bog'liq bo'lgan xususiyatlarini, dunyoqarashi va hayotiy pozitsiyalarini, o'ziga xos shaxsiy munosabat va moyilliklarni o'rganish uchun keng qo'llaniladigan metoddir.

J. Rotter shkalasining yakuniy shakli 29 ta bandni o'z ichiga oladi. Ularning har biri ikkita qarama-qarshi hukmdan iborat bo'lib, biri ichki - internal bo'lsa, ikkinchisi esa tashqi - eksternal tiplardir.

Tadqiqotlar davomida ma'lum bo'ldiki, odamlar hayot sharoitlarini nazorat qilish qobiliyatlariga qarab, dunyoga yondashuvlari va munosabatlarida farqlanadi. Tashqi lokus nazorati bilan ichki lokus nazoratini ajratib turadigan asosiy farqlardan biri bu ularni qamrab oluvchi atrof-muhitga nisbatan turli xil qarashlarida va atrof-muhit haqida ma'lumot izlashning turlicha ekanligidadir.

Aytib o'tish mumkinki, eksternal - tashqi lokus nazorati holatga yo'naltirilgan bo'lsa, internal – ichki lokus nazorati natijaga yo'naltirilgan hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan, lokus nazorati shaxsning umumiy faoliyati xarakteri sifatida namoyon bo'ladi. Ushbu teoriya K. A. Abulxanova fikricha, ikkita tarkibiy qismdan iborat: tashabbus darajasi va mas'uliyat darajasi [4].

NATIJALAR

Subyektiv nazorat darajasi ya'ni SND metodi nafaqat internallik va eksternallikning umumiy darajasi (I.O shkalasi)ni aniqlash, balki lokus nazoratini olti maxsus bo'limlarini baholash imkonini beradi.

Oltita maxsus bo'lim: yutuqlar munosabati (И.Д), muvaffaqiyatsizlikka munosabat (И.Н), oilaviy munosabatlar (И.С), ishlab chiqarish munosabatlari (И.П) shaxslararo munosabatlar (И.М) va sog'liq va kasallik munosabatlari (И.З). Turli o'lchovdagi ko'rsatkichlar sezilarli darajada shaxsda farq qilishi mumkin.

Tadqiqot maqsadi o'spirin yoshlarning subyektiv nazorat darajasini aniqlash va tahlil qilish. O'spirin yoshdagi respondentlarning lokus nazorati xususiyatlarini aniqlash maqsadida YCK yoki SND subyektiv nazorat darajasi metodikasi o'tkazildi. Tadqiqot obyekti sifatida maktabning 11 – sinf o'quvchilari olindi. Respondentlarning umumiy soni 60 nafar bo'lib, ulardan o'g'illar - 53 % ni, qizlar esa - 47 % ni tashkil etdi. Respondentlarning o'rtacha yoshi 16 – 17 yoshni tashkil etdi. Shaxsiy xususiyatlarni e'tiborga olgan holda respondentlar tadqiqot mobaynida shaxsiy rivojlanishning so'nggi bosqichida edilar.

Tadqiqot davomida olingan raqamli ma'lumotlar hisoblangan standart ballarning matematik o'rtacha ko'rsatkichlari quyidagicha natijani ko'rsatdi.

Natijalar 1 – jadvalda keltirilgan.

1 - jadval

Shkal	И. О	И. Д	И. Н	И. С	И. П	И. М	И. З
a							
O'rta matematik ko'rsatkich	4,7	5,7	4,2 8	4,7	3,7 1	6,2	6,2 8

Shunday qilib tadqiqotda o'rtachadan yuqori (internal) darajalarda И.Д, И.М, И.З shkalalari ustunlik qildi. Subyektiv darajasining o'rtachadan past (eksternal) darajasida И.О, И.Н, И.С, И.П shkalalari joylashdi. Ma'lum shkalalar subyektiv nazoratning o'rtachadan past darajada joylashgani normal holat hisoblanadi.

Namunadagi o'rtacha ballar subyektlarning qaysi foizi yuqori darajadagi internallikka ega ekanligini va qaysi biri past darajadagi internallikka egaligini hukm qilishimizga imkon bermaydi. Shu bilan birga, bu natijalar nazariy va amaliy ahamiyatga ega.

Bu natijalar asosida turli xil psixologik xususiyatlarga ega kichik guruhlar bilan ishlashda ularga nisbatan to'g'ri samarali metodlarni tanlashga imkon beradi.

Tadqiqot natijalarini batafsilroq tahlil qilish maqsadida respondentlarni yuqori, o'rta va past darajadagi shkalalarga bo'ldik. Tadqiqot natijalari 1- diagrammada ko'rsatilgan.




Diagramma № 1. Respondentlarning shkalalar bo'yicha internallik darajasi foizlarda.

MUHOKAMA

Respondentlarning $\frac{3}{4}$ qismi umumiy munosabatlar shkalasida o'rta daraja ya'ni 73,8 % natijani berdi. Maxsus shkalalar masalasiga kelsak, aksariyat respondentlar o'rta natijani ko'rsatishdi. Natijada aksariyat respondentlar internallik va eksternallik xususiyatlari jihatidan qay darajada bo'masinlar o'zlarini qulay darajalarining qulay zonalarida his qiladilar.

Keling, qolgan natijalarni ko'rib chiqsak. Respondentlarning $\frac{1}{4}$ qismi internallikning past darajasini ko'rsatdi. Ya'ni ularning fikricha hayotdagi aksariyat hodisalar atrofida odamlarga bog'liq deb hisoblashadi.

Ularda yuqori xavotirlilik, o'z xatti - harakatlarning oqibatlari uchun javobgarlikni o'z zimmalariga olishdan bosh tortish holatlari, shuningdek, bir vaqtning o'zida o'z muvaffaqiyatsizliklarida boshqa odamlarni ayblash xususiyatlarini kutish mumkin.

Respondentlarning atigi 3 %i internallik darajasini aniqlashga qaratilgan metodikada yuqori natijani ko'rsatdi. Ularning fikricha barcha narsa va hodisalar sababchisi manbai o'zlari hisoblanishadi. Ularda o'z fikrlarini mustaqil bayon qilish va maqsadga intiluvchanlik xususiyatlari yaqqol namoyon bo'ladi.

Ma'lumki, subyektiv nazorat darajasi dinamik xususiyatlardan bo'lib, yosh o'tishi va atrof-muhit ta'siri, shuningdek, tarbiya ta'sirida o'zgaradi. [10, 12,13]

XULOSA

Tadqiqot bizga quyidagi xulosalarni chiqarish imkonini berdi: o'spirinlardan olingan subyektiv nazorat darajasini aniqlash metodikasi o'spirinlarning umumiy internallikni o'rta darajasini ko'rsatdi. Shuningdek, tadqiqotlarga asoslanib, o'rta darajadagi ko'rsatkichni oilaviy va shaxslararo munosabatlarda ko'rishimiz mumkin. Tadqiqot natijasidan kelib chiqib, respondentlar oilaviy va shaxslararo munosabatlarda ma'suliyatlarini, shuningdek, xatti – harakat natijalarini tashqi omillarga yuklash darajasining pastligini aytib o'tishimiz mumkin. Respondentlarimiz ko'rsatgan shaxslararo munosabatlardagi yuqori internallik darajasi bizga o'spirinlar tomonidan g'ayriijtimoiy xatti-harakatlar sodir etish xavfining pastligini taxmin qilish imkonini beradi. Internallikning past darajasi esa muvaffaqiyatsizlikka munosabatlar shkalasida namoyon bo'ldi. Ya'ni respondentlar muvaffaqiyatsizlikka uchragan vaziyatlarida internallikning past darajada ekanligini hamda respondentlarda eksternallik xususiyatlari namoyon bo'lishini kuzatishimiz mumkin.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Локус контроля // Социология: Энциклопедия / Сост. А. А. Грицанов, В. Л. Абушенко, Г. М. Евелькин, Г. Н. Соколова, О. В. Терещенко. — Минск:
2. Калинина А.О. Факторы, влияющие на формирование субъективного контроля / А.О. Калинина. - М.: ВЛАДОС, 2004. - 383 с.
3. Аракелов Н.Е., Лысенко Е.Е. Локус контроля и методы его исследования // Психологический журнал, 1997. - Т. 4. - №2 - С. 34 - 38.
4. Кондаков И.М., Нилопец М.Н. Экспериментальное исследование структуры и личностного контекста локуса контроля // Психологический журнал, 1995. - Т. 16. - №1. - С. 43 - 51.
5. Социальная психология. Словарь / Под. ред. М. Ю. Кондратьева. — М.: ПЕР СЭ, 2006. — 176 с.
6. Брушлинский А.В. Проблема субъекта в психологической науке // Психологический журнал. 1991. № 6.
7. Бажин Е.Ф., Голынкина С. А., Эткинд А.М. Метод исследования субъективного контроля // Психологический журнал. 1984. № 3.
8. Практическая психодиагностика. Методики и тесты / под ред. Д.Я. Райгородского. М., 2008.
9. Практическая психодиагностика. Методики и тесты. Самара, 2006.

10. Реан А.А. Психология изучения личности. СПб.: Изд-во Михайлова, 1991. 288с.

11. Бажин Е.Ф., Голынкина Е.А., Эткинд А.М. Метод исследования уровня субъективного контроля // Психологический журнал. – 1984. – Т. 5. – №3. – С.152-162.

12. Быков С.В. Алашеев С.Ю. Диагностика локуса контроля личности в асоциальных подростковых группах. // Социологический журнал – 2003. – № 1. – С.121 – 135.

13. Смолева Е.О. Особенности локуса контроля несовершеннолетних, осужденных к лишению свободы // Вопросы современной науки и практики. Университет им. В.И.Вернадского. – 2009. – № 6 (20). – С.56 – 61

LINGUAL ANALYSIS USAGE OF BODY PARTS IN UZBEK AND ENGLISH IDIOMS

Ismoilova Mamlakat Qurbonovna

Teacher of Karshi State University

ismoilova.mamlakat@mail.ru

Kamolova Shaxlo Ubaydillo qizi

Student of Karshi State University

shakhlo9783@gmail.com

ABSTRACT

Phrases are a special form of language that can take the form of word units and sentences. In recent years, the use of body parts in idioms has involved a lot of research. This article discusses the use of body parts in English and Uzbek language phrases. At the same time, it promotes the development of these languages and the development of communication in them.

Key words: Body parts, similarities, differences, English, Uzbek, phrases.

ANNOTATSIYA

Iboralar – bu so‘z birliklari va gaplar shaklini olishi mumkin bo‘lgan tilning maxsus shakli. So‘nggi yillarda tana a‘zolaridan iboralarda foydalanish ko‘plab izlanishlarni talab qilmoqda. Ushbu maqolada tana a‘zolaridan ingliz va o‘zbek tilidagi iboralarda foydalanish haqida so‘z boradi. Shu bilan birga, bu ushbu tillarning rivojlanishiga va ulardagi aloqaning rivojlanishiga yordam beradi.

Tayanch so‘zlar: Tana qismlari, o‘xshashliklari, farqlari, inglizcha, o‘zbekcha, iboralar.

АННОТАЦИЯ

Фразы – это особая форма языка, которая может принимать форму словарных единиц и предложений. В последние годы использование частей тела в идиомах стало предметом множества исследований. В этой статье обсуждается использование частей тела в фразах на английском и узбекском языках. В то же время он способствует развитию этих языков и развитию общения на них.

Ключевые слова: Части тела, сходство, различия, английский, узбекский, фразы.

INTRODUCTION

Uzbek and English are languages with a long history, and idioms in both languages have accumulated in the long time. Body parts are among the most frequently used words in idioms, and they play an important role in expressions in both languages. This article is based on cognitive linguistics and examines the similarities and differences between the idioms expressed with body parts in English and Uzbek. An in-depth study of the differences between them leads to an in-depth study of both cultures.

Idioms are common in all languages and reflect the culture, history, as well as the beauty of the language. Their structure is different, some of them carry a rich meaning, even though they consist of a few words, while others express different meanings and make the speaker and listener a little hasty. Idioms that include body parts are also widely used in everyday life. Oxford Advanced Learners Dictionary defines phrases as the language or grammar used by a particular person in a particular situation. The three most important features of English expressions are: a whole linguistic unit, a structurally cohesive, irreplaceability.

METHODOLOGY AND RESEARCH DESIGN

The object of research involves the English and Uzbek idioms. The purpose of the work is to carry out comparative and contrastive analysis of body part idioms in different languages. Materials of this research are idiom books of English and Uzbek, history of both nations. It needs to be emphasized that this article concentrates on comparative study of characteristics of idioms and some features of their translation. The aim of the article is to give general information about the topic which could be helpful in learning and being aware of sophisticated features of these languages through the comparison.

The rigid structure of idioms in two languages.

Some phrases are rigid in structure, and substituting them creates confusion in speech. For example, we can't change the word "black and blue" to "blue and black." Any change in a phrase will result in a major change in its meaning and will not be considered an idiom. Or in Uzbek we can't replace the idiom "Oq qorani tanigan" to "Qora oqni tanigan".

The basis of the exchange of cultures is the human factor. In English and Uzbek, phrases, idioms and proverbs involving body parts are widely used to liken or compare something. Although English and Uzbek are from a completely different language family, there are many similarities in the idioms and sentences in which body parts are involved. Close ties between countries also have an impact on intercultural

communication, and changes in language can lead to enrichment. Idioms can be used in different aspects of life. In this article, we will look at human body idioms that express emotion, advice, and action.

Emotions are common to all human beings and are manifested in various forms, such as anger, fear, joy, and so on. In many cases, idioms involving body parts can be used to express this feeling more strongly and effectively. If to consider English idioms.

1. "Come to a head" – "Pichoq suyakga taqaldi" – to come to the last resort

2. A sight for sore eyes – "Ko'rib ko'zi quvnadi" – To be happy to see something long-awaited

3. That's music to my ears – "Qulog'imga moyday yoqdi" – It is pleasant to listen to it.

These sentences exemplify that in both languages, body parts are used to express emotions. However, in the first sample, the meaning of the idiom is the same, although the word "suyak" is used in Uzbek instead of the word "head" in English. In the second example, the word "Sight" comes to mean "Quvnadi" and creates a certain degree of contextual synonymy. In the third example, the word "Music" in the Uzbek language means "Moy", which means "gentle, pleasant". It is said that the more beautiful the music, the more pleasant it is to listen.

As in all proverbs, there are idioms that give advice that involve body parts.

1. The walls have ears we - Devorning ham qulog'i bor- - don't talk everywhere, manage your speech.

2. Stick the nose in something - Burnini suqmoq - to intrude into something that is not your affair.

Both idioms use the same lexically identical words and have no difficulty in translation. Research shows that phrases can guide people, give advice them no matter what language they are using. As in the examples above, the word structure is the same in terms of meaning, although the two nations are different.

Idioms involving body parts are used not only to express feelings or advice but also actions.

1. All eyes are on- Ikki ko'zi to'rt bo'ldi- wait with anticipation

2. Keep an eye on- Ko'zini uzmay qarash- to be observed

3. See something out of the corner of your eye- Ko'z qirini tashlamoq- To look out of the corner of your eye.

4. Turn a blind eye - Ko'zi ko'r, qulog'i kar - to forget what you have seen and heard and not to tell anyone.

5. Lend an ear- Qulog'im sizda- I can listen to you.

6. Have nose in the air- Burni osmonda bo'lmoq - Looking down at others.

The eyes and ears are used to express movement in the above phrases in English and Uzbek, although they do not have basic locomotor organs. In the first phrase, the English word "all" is synonymous with the Uzbek word "to'rt". In the fourth example, only the word "eye" is used in English, and the word "quloq" also is used in Uzbek. In the fifth example, the verb "lend" is used to mean hearing. In the sixth example, the word "air" is used as an equivalent to the word "osmon."

Causes of similarities and differences

A comparative study of the above examples in English and Uzbek reveals that there are similarities and differences between the idioms in which the body parts of both languages are involved. Analyzing the similarities, we can conclude that in both languages it is based on the common human bodily experience, that is, the similarity of both physical and mental aspects. People feel the same emotions, regardless of nationality. In addition, the similarity in the cognitive base leads to similarities different nations and languages. The intercultural communication that has emerged as a result of globalization is also having an impact on language and cognitive basis of nations. The reasons for the difference in usage of words in idioms related to the historical events, culture, religion, literature, and customs of each nation.

Historical background factor

Ancient civilization of Uzbek dates to more than three thousands years of history. All historical events and historical background clearly reflected Uzbek idioms. During the Karakhanid period (11th-12th centuries), the final stage of the ethnogenesis of the Uzbek people began with the transfer of political power to the Turkic dynasties in Movarounnahr and Khorezm. Within the Western Karakhanid state, the modern Uzbek Turkic ethnos was established. During the Karakhanid period (11th-12th centuries), the final stage of the ethnogenesis of the Uzbek people began with the transfer of political power to the Turkic dynasties in Movarounnahr and Khorezm. Within the Western Karakhanid state, the modern Uzbek Turkic ethnos was established.

English idioms are closely related to one thousand year history of England which is not so long history incomparasion to Uzbek history. The Roman conquest, the invasion of Scandinavia, the conquest of Normandy and other important events influenced the formation of english idioms. Researching idiom formation of both languages one can learn that history and nations formation emerge language formation. Cultures and languages differ because history is various.

CONCLUSION

In-depth study of phrases leads to the conclusion that idioms are structurally and semantically invariant units that contain different cultural features and information.

This article compares body part idioms in English and Uzbek. As a result of the research, it became clear that the English and Uzbek expressions in which the body parts are present have the same generality and individuality. This research will help people use and understand idioms appropriately in both languages.

REFERENCES

1. Fernando. C. Idioms and Idiomaticity. Oxford: Oxford University Press,1996.
2. Oxford Advanced Learner's Dictionary of current English (6 edition), Oxford: Oxford University Press,2004.
3. Sh. Rahmatullayev. "O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati
4. Keizer, Evelien (2016). "Idiomatic expressions in Functional Discourse Grammar". *Linguistics*. 54: 981–1016. doi:10.1515/ling-2016-0022
5. Mel'čuk, I. 1995. "Phrasemes in language and phraseology in linguistics". In M. Everaert, E.-J. van der Linden, A. Schenk and R. Schreuder (eds.), *Idioms: Structural and psychological perspectives*, 167–232. Hillsdale, N.J.: Lawrence Erlbaum.
6. Swinney, D. A., & Culter, A. (1979). The access and processing of idiomatic expression. *Journal of Verbal Learning and Verbal Behavior*, 18, 523-534
7. www.wikipedia.com

SEDATIV TA'SIRGA EGA BO'LGAN BIOLOGIK FAOL QO'SHIMCHA TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH BO'YICHA OLIB BORILGAN IZLANISHLAR

Alimboyeva Muqaddas Usmonboy qizi,

Toshkent Farmatsevtika Instituti, O'zbekiston, Toshkent

e-mail: alimboyeva9500@mail.ru

Azimova Nargiza Abbosxonovna

Toshkent Farmatsevtika Instituti, O'zbekiston, Toshkent

ANNOTATSIYA

Tarkibida teshik dalachoy, dorivor valeriana va arslonquyruq o'simliklaridan olingan quruq ekstraktini saqlagan kapsulalarni yaratish borasida olib borilgan tadqiqot natijalari keltirildi. Quruq ekstraktlarning fraksion tarkibi, sochiluvchanligi, sochiluvchan zichligi va qoldiq namligi o'rganildi. Taklif etilayotgan kapsulalarning optimal tarkibi tanlandi va texnologiyasi ishlab chiqildi.

Kalit so'zlar: teshik dalachoy, dorivor valeriana, arslonquyruq, fraksion tarkib, sochiluvchanlik, qoldiq namlik, kapsula, sedativ.

ABSTRACT

The results of research on the creation of capsules containing dry extracts from the plants of the field steppe, medicinal valerian and lion's tail are presented. Fractional composition, friability, friability density and residual moisture of dry extracts were studied. The optimal composition of the proposed capsules was selected and the technology was developed.

Keywords: hole steppe, medicinal valerian, lion's tail, fractional composition, fragility, residual moisture, capsule, sedative.

KIRISH

Bugungi kunda zamonaviy tibbiyot olamida tabletka hamda kapsula dori turlari tezkorlik bilan rivojlanib kelmoqda. Ular bir qancha avzalliklarga egaligi tufayli tibbiyot miqyosida keng qo'llanilmoqda. Kapsulalar me'da ichak tizimida bo'kishi va oson erishi, estetikligi tashqi ko'rinishining turlicha ekanligi, noxush hidi va mazasi maskirovka qilinganligi yuqori biosamaradorlikka egaligi, dori vositasining ta'sirini uzaytirish imkoniyatining mavjudligi va shu kabi bir qancha afzalliklarga egaligi sababli ham hozirgi kunda keng miqyosda ishlatilmoqda[1].

Hozirgi kunda mahalliy kombinirlangan dori vositalarini yaratish ham zamonaviy farmatsevtika fani va amaliyoti uchun muhim hisoblanadi. Sedativ dori vositalari tibbiyot amaliyotida qadimdan ishlatilib kelinayotgan dori vositalardan biri bo'lib ular asab tizimining buzilish holatini yaxshilash uchun ishlatiladigan deyarli eng xavfsiz bo'lgan dorilar guruhiga mansub bo'lib ular asosan o'simlik homashyolaridan olinadi. Bugungi kunda dorivor o'simlik xom ashyolaridan olingan dorivor preparatlar kasalliklarni davolash va oldini olishda keng miqyosda ishlatilib kelinmoqda va qadimdan to shu kungacha o'z ahamiyatini yo'qotmagan[2].

Dorivor valeriana *Valeriana officinalis* bu o'simlikdan olingan dorivor preparatlar uzoq yillardan buyon nerv sistemasini tinchlantirishda qo'llanilib kelinmoqda. Dorivor valeriana o'simligi asosida O'zbekiston Respublikasi davlat reestriga kiritilgan ishlab chiqaruvchi korxonalar tomonidan ishlab chiqarilgan bir necha tur dorivor preparatlar mavjud.

Arslonquyruq yer ustki qismi-*Herba leonuri* o'simligi asosida olingan preparatlar ham tinchlantiruvchi ta'sirga egaligi sababli uzoq yillardan buyon nerv sistemasini tinchlantirish maqsadida qo'llanilib kelinmoqda va sedativ preparatlar orasida arslonquyruq asosida tayyorlangan preparatlar ham mashhur hisoblanadi. Bu o'simlik asosida olingan preparatlar shu bilan birga gipertoniya, nerv qo'zg'alishi va ba'zi yurak kasalliklarini davolashda ham ishlatiladi.

Teshik dalachoy- *Hypericum perforatum* Dalachoy o'simligidan tayyorlangan preparatlar asab sistemasini tinchlantirishda, yurak faoliyati muskullarini va asab tolalarini ish faoliyatini mustahkamlashda keng miqyosda qo'llanilib kelinmoqda. Dorivor preparatlari damlama, nastoyka, suyuq ekstrakti, quruq ekstrakt.

Teshik dalachoy qaynatmasining foydalari:
– asablarni tinchlantirib, psixologik buzilishlarning oldini olishda qo'llaniladi;
– stressdan chiqishda, stress ta'siridagi uyqu buzilishlarini yaxshilashda yordamlashib, uyqusizlikni yo'qotadi[3].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Zaminimizdagi boy o'simlik resurslaridan foydalangan holda dorivor valeriana, arslonquyruq va teshik dalachoy o'simliklaridan olingan quruq ekstraktlar asosida sedativ ta'sirga ega bo'lgan kapsula shaklidagi biologik faol modda olish borasida izlanishlar olib borildi va o'simliklardan olingan quruq ekstraktlarning texnologik xossalari o'rganildi. Quruq ekstraktlarning tashqi ko'rinishi xidi ta'mi va mazasi aniqlandi. Quruq ekstraktlarning fraksion tarkibi teshigining diametri 2000, 1000, 500 va 250 mkm bo'lgan elaklar to'plamida aniqlandi. Sochiluvchanligi esa Mariupol texnologik uskunalar korxonasida ishlab chiqarilgan BII 12 A asbobida aniqlandi.

Ekstraktlarimizning sochiluvchan zichligi teshigining diametri 25 mm balandligi esa 22.3 mm bo'lgan qolip yordamida aniqlandi. Quruq ekstraktlar uchun muhim ko'rsatkich hisoblangan qoldiq namlik Влагомер MB 35 Halogen apparati yordamida aniqlandi.

NATIJARLAR

Dorivor valeriana ekstrakti (*Valeriana officinalis*)- quruq ekstraktning tashqi ko'rinishi och jiggar rangdan to'q jiggar ranggacha bo'lgan, o'ziga hos hidli va ta'mli gigroskopik kukun. Arslonquyruq yer ustki qismi (*Herba leonuri*)- quruq ekstraktning tashqi ko'rinishi och jiggar rangdan to'q jiggar ranggacha bo'lgan o'ziga hos hidli va ta'mli gigroskopik kukun. Teshik dalachoy (*Hypericum perforatum*)- quruq ekstraktning tashqi ko'rinishi to'q jiggar rang kukun bo'lib o'ziga hos hidga va ta'mga ega bo'lgan gigroskopik kukun. Qattiq dori shaklining texnologiyasini ishlab chiqishda substansiyaning texnologik xossalarini o'rganish muhim ahamiyatga ega. Quruq ekstraktlarning fraksion tarkibi teshigining diametri 2000, 1000, 500 va 250 mkm bo'lgan elaklar to'plamida aniqlandi. Buning uchun 100 g massa yuqoridagi elaklar jamlanmasining eng yuqoridagisiga solinib, «Erweka» firmasining vibroqurilmasida 36 rad/sek, 5 daqiqa davomida elandi, so'ng elaklar ochilib, har bir elakdagi fraksiya 0,01 g aniqlikda tortildi. Bunda elak ustida qolgan fraksiyalar «+» bilan, elakdan o'tganlari esa «—» ishorasi bilan belgilandi. Quruq ekstraktlarning sochiluvchan zichligini aniqlash uchun teshigining diametri 25 mm, balandligi 22,3 mm bo'lgan qolip kukun bilan to'ldirildi. Keyin qolip temir buyum bilan asta urilib, zichlantirildi va qolipning ustki yuzasidan ortib qolgan kukun chizg'ich yordamida olib tashlandi. So'ngra qolip teshigini ichida qolgan kukun olinib, tarozida 0,01 g aniqlikda tortildi. Ushbu jarayon uch marta qaytarildi va tenglama yordamida hisoblanib natijalar jadvalda keltirildi. Ekstraktlarning sochiluvchanligini aniqlash uchun, undan 100 g tortib olindi va tortma konus burchagi 60°, chiqish teshigi esa voronka konusining uchidan 3 mm masofada, to'g'ri burchak ostida kesilgan asbob voronkasiga solindi. Tortmani voronkaga joylashdan oldin uning chiqish teshigi yopilib, u joylashtirilgach esa voronkaning qopqog'i yopildi. So'ngra asbob elektr tarmog'iga ulanadi va 20 soniya davomida ushlab turildi. Bunda vibratsiya hisobiga kukun zichlanadi. Keyin asbob elektr tarmog'idan o'chirilmagan holda voronkaning teshigi ochilib, kukunning oqib tushgan vaqti belgilandi va kukunlarning sochiluvchanligi tenglama orqali hisoblanib jadvalga kiritildi [4]. Quruq ekstraktlarning qoldiq namligini aniqlash uchun MB 35 Halogen apparatini ochib alyuminiy idishchani joylashtirdik va tara tugmasini bosdik va idishga 500 mg sinov namunamizdan quyib qopqog'ini yopdik start

tugmasini bosdik va 10 daqiqada natijalar tayyor bo'ldi. Bu jarayonni har bir ekstraktimiz uchun 3 martadan takrorlab o'rtacha % ni jadvalga kiritdik.

1-jadval

Quruq ekstraktlarning texnologik ko'rsatkichlari.

№	NOMI	FRAKSION TARKIB		SOCHILUV-CHANLIK 10^{-3} kg/s	SOCHILUVCHAN ZICHLIK kg/m ³	QOLDIQ NAMLIK %
		mkm	%			
1	Dorivor Valeriana	+2000	0	5,4	596,0	5,8
		-2000 +1000	0,362			
		-1000 +500	0,265			
		-500 +250	0,116			
2	Arslonquyruq	+2000	0	5,2	625,0	4,8
		-2000 +1000	0,599			
		-1000 +500	0,254			
		-500 +250	0,214			
3	Teshik Dalachoy	+2000	0,103	5,9	686,0	5,7
		-2000 +1000	21,385			
		-1000 +500	4,735			
		-500 +250	13,493			

2-jadval

Granulalangan aralashmalarning texnologik ko'rsatkichlari.

№	Texnologik ko'rsatkichlar	Etil spirti 70%	Kraxmal kleystri 5%	Etil spirti 96%
1	Sochiluvchanlik, 10^{-3} kg/s	5.6	5.2	7.9
2	Sochiluvchan zichlik, kg/m ³	460.0	450.0	690.0
3	Qoldiq namlik %	5.8	6.3	3.7

MUHOKAMA

Ilmiy tadqiqotlarimizning birinchi bosqichida dorivor valeriana, arslonquyruq va teshik dalachoy o'simliklaridan olingan quruq ekstraktlarning texnologik xossalari o'rganildi va 1-jadvalda keltirildi Bizga ma'lumki o'simlik homashyolaridan olingan quruq ekstraktlar odatda gigroskopik bo'lib ulardan to'g'ridan to'g'ri dori turlari yaratish murakkab jarayon hisoblanadi, undan tashqari kapsula to'ldiruvchi mashinalarning bir me'yorda ishlashini ta'minlash maqsadida massa tarkibiga turli xildagi bog'lovchi va to'ldiruvchi moddalarni qo'shish talab etilishi mumkin. 1-jadval

ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki o'rganilayotgan kukunlar qoldiq namlik, sochiluvchanlik va sochiluvchan zichlik ko'rsatkichlari bo'yicha past texnologik ko'rsatkichlarga ega. Bu ko'rsatkichlarni bartaraf etish uchun turli yordamchi moddalardan foydalanildi yordamchi modda sifatida kraxmal, kalsiy karbonat va MKS yordamchi moddalardan foydalanildi va bu yordamchi moddalar ichidan texnologik xossalari yaxshi natija berganligi sababli tarkib uchun mks to'ldiruvchi moddasi tanlab olindi. Biologik faol qo'shimchani ingredientlarini dozlashning maqbul aniqligini ta'minlash uchun bir tekis granulometrik tarkibni ta'minlash zarur hisoblanadi. Shu maqsadda biz aralshmamizni nam donadorlash usulidan foydalanishni lozim topdik. Granulalovchi agentlar sifatida biz etil spirti 70%, kraxmal kleystri va etil spirti 96% dan foydalandik. Granulalangan aralashmalarning texnologik ko'rsatkichlari 2-jadvalda keltirildi. Kukunlar turli tarkibda yuqorida ko'rsatilgan bog'lovchi moddalar bilan namlandi va 1000 mkm diametrli elakdan o'tkazilib granulalandi, keyin 40-50 °C haroratda quritgich shkafida quritildi.

XULOSA

1-jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, o'rganilayotgan kukun sochiluvchanlik va sochilma zichligi bo'yicha past texnologik ko'rsatkichlarga ega ekanligi aniqlandi. Bu ko'rsatkichlarni bartaraf etish uchun turli xil yordamchi moddalardan foydalanib nam donadorlash usulida granulalar olindi va ularning texnologik xossalari o'rganilib ular orasidan optimal tarkib tanlandi. Olib borilgan ilmiy tadqiqot natijalariga asoslangan holda granulalarni №0 raqamli kapsulalarga joylab, kapsulalarni olishning mo'tadil texnologiyasi ishlab chiqildi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1 X.K. Джалилов, В.Р. Хайдаров, М.М. Қодиров ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 1-қисм Тошкент-2014 бет 248-277. (ўқув қўлланма).

2 Алимбоева М.У., Азимова Н.А. “Седатив таъсирга эга бўлган доривор валериана қуруқ экстракти асосида қомбинирланган капсула олиш борасида изланишлар” Абу али Ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар IV халқаро илмий-амалий анжуман Тошкент-2021 62-63 б

3 Ш.Ф. Искандарова, Н.А. Джаббаров, Ш. Рахимова, Н.С. Абдухалилова. “Тешик далачой экстракти асосида биологик фаол қўшимча технологиясини ишлаб чиқиш” Фармацевтика журнали 2017 й №1 94-98 б

4 С.М. Махкамов, К.С. Махмуджонова «Тайёр дорилар технологияси» ўқув қўлланма Ташкент — 2007 бет 46-49.

KREDIT-MODUL TIZIMI – TA'LIMDAGI YANGI NATIJA

O‘rinboyev Ulug‘bek O‘rolboy o‘g‘li

Sirdaryo viloyati yuridik texnikumi mutaxassislik fani o‘qituvchisi

orinboyevu1@gmail.com

ANNOTATSIYA

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29 apreldagi “O‘zbekiston Respublikasida yuridik ta’lim va fanni tubdan takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-5987-son Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta’lim muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish maqsadida 2021 yil 10 iyunda Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta’lim muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi 359-son qarori haqida.

Kalit so‘zlar: kredit, modul, ta’lim, kadr, jamiyat, yoshlar, akademik mobillik, semestr, ilm fan, o‘qitish tizimi, shaxsiy ta’lim trayektoriyasi, ta’lim dasturi, (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS)

KIRISH

Kredit ilk marotaba XVIII va XIX asrlarda AQSh universitetlarida joriy etilgan bo‘lib, o‘quv jarayonlarini liberalizatsiya qilish, talabning haftalik akademik yuklamasini belgilab berish maqsadida yaratilgan.

1869-yilda Garvard universiteti prezidenti, Amerika ta’limining taniqli arbobi Charlz Uilyam Eliot “kredit soati” tushunchasini iste’molga kiritadi. Shunday qilib, 1870—1880-yillarda kredit soatlari bilan o‘lchanadigan tizim joriy qilinadi. Kredit tizimi bilan o‘qish va o‘quv dasturlarini o‘zlashtirish talabalarga o‘quv jarayonini mustaqil ravishda rejalashtirish, uning sifatini nazorat qilish, ta’lim texnologiyalarini takomillashtirish uchun imkoniyat yaratib berdi.

Kredit to‘plash o‘lchovining kiritilishi talabaga katta erkinlik berish bilan bir qatorda, kelajakda tanlagan sohasining raqobatbardosh mutaxassisi bo‘lib yetishishi uchun akademik jarayonni mustaqil rejalashtirish imkonini ham taqdim etdi. Ayni chog‘da, baholash tizimi va ta’lim texnologiyalarining takomillashishiga ham olib keldi.

O‘zbekiston Respublikasida so‘ngi besh yil ichida ta’lim tizimida tub islohotlar davri bo‘ldi. Mamlakatimizda ilm fanga bo‘lgan e’tibor har qachongidan yuqori pog‘onaga ko‘tarildi. Bu islohotlardan ko‘zlangan asosiy maqsad yuqori malakali

bilimli kadrlarni tayyorlashdir. Kredit-modul tizimi ana shunday saloxiyatli kadrlarni tayyorlashning dunyo tan olgan va e'tirof etgan o'qitish tizimidir. So'nggi yillarda, mamlakatimiz Oliy ta'lim muassasalarida bosqichma-bosqich kredit-modul o'qitish tizimiga o'tish ishlari boshlab yuborilgan. Xususan, 2030 yilgacha kredit-modul tizimi joriy etiladigan OTMLar soni 2 tadan 85 taga yetkazish rejalashtirilmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bugungi kungacha, o'qitishning ushbu tizimi mamlakatimiz Oliy ta'lim muassasalarida amaliyotga keng joriy etilgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29 apreldagi "O'zbekiston Respublikasida yuridik ta'lim va fanni tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5987-son Farmoniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta'lim muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish maqsadida 2021 yil 10 iyunda Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta'lim muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish chora tadbirlari to'g'risida"gi 359-son qarori qabul qilindi. Ushbu qarorga muvofiq 2021/2022 o'quv yilidan boshlab Toshkent davlat yuridik universiteti hamda yuridik texnikumlarda kredit-modul tizimini (Kredit to'plash va ko'chirishning Yevropa tizimini) joriy etish belgilangan. Hukumatning ushbu qarori bilan "Adliya vazirligining yuridik texnikumlarida ta'limning kredit-modul tizimida o'quv jarayonini tashkil etish tartibi to'g'risida"gi Nizomi tasdiqlangan bo'lib ushbu nizom 6 bob 39 bandan iborat.

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlari o'zlarining ish faoliyatlari va funksional vazifalarini mana shu nizom asosida tashkil etadilar.

Jumladan:

kredit-modul tizimida o'quv rejasi majburiy va tanlov fanlari asosida ishlab chiqiladi;

ta'lim oluvchiga o'zining ta'lim dasturini mustaqil shakllantirish imkoniyati yaratiladi;

ta'lim oluvchi tomonidan muayyan modul (fan) bo'yicha o'zlashtirilgan o'quv yuklamasi kreditlar asosida hisoblanadi.

Shuningdek, Yuridik texnikumlarda o'quv jarayonida kredit-modul tizimi Kredit to'plash va ko'chirishning Yevropa modeli (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS)ga muvofiq tashkil qilinadi.

MUHOKAMA

Mazkur tizimning oliy ta'limga joriy qilinishi o'qitish sifatini oshirish, shaffoflikni ta'minlash, korrupsiyaga barham berish, ta'lim oluvchining haqiqiy

bilimini yuzaga chiqarish hamda talabaning mustaqil o'qib-o'rganib, o'z ustida ishlashiga zamin yaratadi. Bugungi kunda Yevropa kredit tizimi ko'hna qit'aning deyarli barcha oliy o'quv yurtida amaliyotga joriy etilgan.

Kredit-modul tizimining joriy etilishi o'qituvchi va talabaning hamkorlikda ishlashida muhim omil hisoblanadi. Modulli ta'limda pedagog tinglovchining o'zlashtirish jarayonini tashkil etadi, boshqaradi, maslahat beradi, tekshiradi. Talaba esa yo'naltirilgan obyekt tomon mustaqil harakat qiladi. Eng katta urg'u ham talabalarning mustaqil ta'lim olishiga qaratiladi.

O'quv jarayonida mustaqil ta'lim olishning ahamiyati ortadi va bu kelajakda mutaxassislarning mustaqilligi, ijodiy tashabbuskorligi hamda faolligini oshirishga olib keladi. Kredit-modul tizimida oliy va professional talim muassasalarining talabalari va o'quvchilari har doim o'qituvchi va kursdoshlaridan yordam hamda - maslahat olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Bu esa o'zaro hamjihatlikni mustahkamlaydi va jamoada ishlash ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi.

Yuridik texnikumlarda esa o'quv jarayoniga kredit-modul tizimini joriy etishning tashkiliy masalalariga oid ma'lumotlar, shu jumladan, ta'lim dasturi, fanlar katalogi, akademik mobillikni ta'minlash, ta'lim to'g'risidagi ma'lumotnoma, kreditlarni tan olish va ko'chirib o'tkazishga taalluqli hujjatlar hamda diplomga ilovaning shakllari, shuningdek, akademik mobillik davrida o'quvchining bilim darajasini aniqlash bo'yicha ko'rsatkichlar va boshqa zarur hujjatlar namunalari Toshkent davlat yuridik universiteti tomonidan ishlab chiqiladi va tasdiqlanadi.

Adliya vazirligining Yuridik texnikumlarida o'quvchi bir semestrda 30 kredit, bir o'quv yilida 60 kredit to'plashi kerak. Semestr davomida o'quvchi tomonidan o'zlashtirilishi lozim bo'lgan kreditlar hajmi o'quv rejasida ko'rsatilgan majburiy va tanlov fanlarini o'z ichiga oladi. O'quvchi o'zining shaxsiy ta'lim trayektoriyasini shakllantirishda har bir semestr uchun 30 kredit hajmidagi fanlarni o'zlashtirishni nazarda tutishi, ular tarkibida o'quv rejasidagi majburiy fanlar bo'lishi shart.

Yuridik texnikum o'quvchilari o'quv rejasida nazarda tutilgan kreditlarni to'plasa, shu jumladan yakuniy davlat attestasiyasidan muvaffaqiyatli o'tsa o'rta maxsus professional ma'lumot darajasiga ega bo'ladi.

NATIJARAR

Kredit modul tizimi o'quvchilarni ko'proq o'z ustida ishlashga, mustaqil fikrga ega bo'lishga o'rgatadigan o'qitish tizimi bo'lib. Bu omil esa bugungi kunda yoshlarimizga o'ziga bo'lgan ishonchning ortishiga xizmat qiladi. Aynan mustaqil fikrlash va izlanish natijasida o'quvchi o'zini yangi imkoniyatlarini ko'rsata biladi. Bu esa o'z navbatida jamiyatga bilimli va malakali kadrlarni tayyorlashga xizmat qiladi.

Bilimli, malakali, kadrlar bugun rivojlanayotgan mamlakatimiz uchun yeng muxim resurs xisoblanadi. Shu o'rinda kredit modul o'qitish tizimini miliy standartlarini ishlab chiqish taklifini ilgari surmoqchiman. Shu yo'l bilan mamlakatimizda kredit modul tizimida o'qitishni yangi bosqichga olib chiqish bo'yicha imkoniyatlarimiz yanada kengayadi. Imkoniyatlarning kengayishi bu ta'lim sifatiga bevosita ijobiy ta'sir qilmasdan qolmaydi. Sifatli ta'lim mustaxkam poydevor demakdir. Poydevori mustaxkam bo'lgan jamiyat va davlat o'z kelajagini strategik rivojlanish yo'llarini aniq belgilay oladi.

XULOSA

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, har qanday tizim rivojlanishi uchun yangiliklarni joriy qilishga ehtiyoj sezadi. Shunday ekan amaldagi oliy ta'lim tizimiga tatbiq qilinayotgan (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) kredit-modul tizimi ham o'z samarasini bermasdan qolmaydi. Buning uchun professor-o'qituvchilar o'quv-tarbiya jarayonida mas'uliyatlarini oshirishi, qattiq intizom bilan o'z ustida muntazam ishlashi, o'zlari tomonidan yaratilgan innovasion g'oyalarga iqtidorli talabalarni keng jalb etgan holda "ustoz-shogird" tizimini joriy etishi shart. Zero ustoz shogird ananasi shu bugungi kungacha insoniyat erishgan ilmiy-texnik va innovatsion yutuqlarning asosidir.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi – 2021-yil
2. "Ta'lim to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni 637-son 2020-yil
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida yuridik ta'lim va fanni tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" 2020-yil 29-apreldagi PF-5987-son farmoni.
4. "O'zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligi tizimidagi ta'lim muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasi Qarori

ELEKTRON MANBAALAR

1. <http://www.tsil.uz>
2. <http://www.norma.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.lex.uz>
5. <http://www.lawbook.ru>
6. <http://www.lawlibrary.ru>

BI TIZIMINING ISHLASH PRINSPI VA ELEKTRON JADVALLAR BILAN O‘ZARO BOG‘LIQLIGI

t.f.d.,k.i.x **Ozod Jo‘raevich Babomuradov**

Jizzax shahridagi Qozon Federal universiteti filiali direktori

bobomuradov@gmail.com

Shoxrux Matkarim o‘g‘li Matchonov

Raqamli texnologiyalar va sun‘iy intellektni rivojlantirish ilmiy-tadqiqot instituti

stajyor tadqiqotchisi

shohruhmatchonov@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu ishda BI tizimlarining ishlash prinspi, BI vositalari va elektron jadvallar o‘rtasidagi o‘zaro ta‘sir, BI tizimining ishlash prinspi juda aniq va lo‘nda qilib tushuntirilgan.

Kalit so‘zlar: BI(Business Intelligence), ETL(Extract-Transform-Load), DWH(Data Warehouse), Advanced Analytics, Predictive Analytics, Text Mining, Data Scientists, OLAP(On-Line Analytical Processing), CPM, Data Marts.

THE PRINCIPLE OF OPERATION OF THE BI SYSTEM AND ITS INTERACTION WITH SPREADSHEETS

ABSTRACT

In this paper, the principle of operation of BI systems, the interaction between BI tools and spreadsheets, the principle of operation of BI systems is explained very clearly and concisely.

Keywords: BI(Business Intelligence), ETL(Extract-Transform-Load), DWH(Data Warehouse), Advanced Analytics, Predictive Analytics, Text Mining, Data Scientists, OLAP(On-Line Analytical Processing), CPM, Data Marts.

BI atamasi birinchi marta 1958 yilda Hans Piter Lunning maqolasida paydo bo‘lgan va taqdim etilgan faktlar o‘rtasidagi bog‘liqlikni tushunish imkoniyati sifatida talqin qilingan. Endi, qaror qabul qilish uchun tahlil qilinishi kerak bo‘lgan ma‘lumotlar miqdori sezilarli darajada oshgan va ularni qayta ishlash maxsus texnik vositalarsiz (ham apparat, ham dasturiy ta‘minot) imkonsiz bo‘lib qolganda, bu atama birinchi navbatda IT tizimlari kontekstida qo‘llanila boshlandi[1]:


Business Intelligence (BI) - bu qarorlarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan korporativ axborot tizimlarining keng toifasi bo'lib, u quyidagi funktsional bloklarni o'z ichiga oladi[2]:

Ma'lumotlarni yuklash va o'zgartirish (ETL, Extract-Transform-Load)

Korporativ ma'lumotlar ombori (DWH, Data Warehouse)

Kengaytirilgan tahlil (Advanced Analytics), shu jumladan bashoratli tahlillar (Predictive Analytics), matn tahlili (Text Mining) va ma'lumotlar muhandislarining boshqa vositalari (Data Scientists)

Hisobotlarni avtomatlashtirish (hisobot qilish) va ma'lumotlarni mustaqil tadqiq qilish (O'z-o'ziga xizmat ko'rsatish BI), shu jumladan OLAP vositalari (On-Line Analytical Processing) va interfaol boshqaruv panellarining vizual dizaynerlari va qat'iy hisobotlar[1-3]



1-rasm. BI tizimining ishlash prinsipi.

KIRISH

1985-yildan beri Microsoft Excel butun dunyo bo'ylab eng mashhur elektron jadval vositasi bo'lib kelgan. Korxonalar uchun bu aytaylik mukammal veb-sayt yoki ishonchli buxgalterning ekvivalenti. Bu siz ishlayotgan sohadan yoki loyihangiz hajmidan qat'i nazar, muhim vositadir. Bu Business Intelligence bo'yicha formulalar va pivot jadvallarni taklif qiladigan yagona dastur bo'lmasada Excel hali ham eng ko'p ishlatiladigan BI vositalaridan biri hisoblanadi.

Excel hech qachon o'zgarmagandek tuyuladi. Uning asosiy funktsiyalari bir xil bo'lib qolmoqda, hatto korxonalar tomonidan qayta ishlanadigan ma'lumotlar hajmi iterativ ravishda kengayishda davom etmoqda. Ma'lumotlar to'plami qanchalik katta

yoki murakkab bo'lishidan qat'i nazar, foydalanuvchilar o'z ma'lumotlarini o'rganish va tahlil qilish uchun uning sinovdan o'tgan asosiy vositalaridan foydalanishadi.

Microsoft Excel o'zgarib bormoqda, uning so'nggi evolyutsiyasining aksariyati elektron jadval vositasidan tashqari boshqa vazifalarni ham qamrab olmoqda. Doimiy yashirincha uni to'liq yechimga aylantirish uchun zarur bo'lgan tahlil va vizualizatsiya vositalari yig'ib borilmoqda.

Ma'lumotlarni qo'lda kiritish - ma'lumotlarni qo'lda kiritishni avtomatlashtirish uchun BI platformasiga o'rnatilgan, shu jumladan ma'lumotlarni kiritish shakllari (ma'lumotlarni kiritish), manba tizimlariga qayta yozish va hisobot, byudjetlashtirish va rejalashtirishni birlashtirish vazifalariga moslashtirilgan shaklga asoslangan echimlar (integratsiyalashgan rejalashtirish).

Bundan tashqari, BI klassi ko'pincha CPM (Korporativ samaradorlikni boshqarish) sinfining echimlari bilan kesishadi, farqi shundaki, agar BI odatda biron bir mavzuga bog'lanmagan asboblarga to'plami bo'lsa, CPM odatda amalga oshirishni tezlashtirish uchun uslubiy ishlanmalarni o'z ichiga oladi.[4-5].

BI ni amalga oshirish uchun zarur shartlar


- Kiruvchi ma'lumotlar hajmining o'sishi;
- Qaror qabul qilish vaqtining qisqarishi;
- Boshqaruv jarayonlarining murakkabligi;
- Boshqaruv, tahlil va baholashning an'anaviy usullarining samarasizligi.

Excel yoki BI.

Deyarli har qanday kompaniyada BI tizimlarining tabiiy "oldingi" Excel (yoki boshqa elektron jadval protsessorlari) bo'lib, u ma'lumotlarni yig'ish, tahlil qilish va vizualizatsiya qilish muammolarini hal qiladi.

Vaqt-vaqti bilan ekspertlar o'rtasida tahlil uchun nima yaxshiroq va qulayroq - Excel yoki BI haqida tortishuvlar mavjud. Ko'p nusxalar buzilgan ammo aniq g'olib yo'q va ehtimol bo'lmaydi ham. Shunday ekan, Excel va BI raqobatdosh emas, balki bir-birini to'ldiradiganligini tan olish kerak.


Boshqa tomondan, yagona hisobotni shakllantirish uchun barcha bo'limlarning ma'lumotlarini jamlaganda, Excelning ko'p sonli fayllarini bitta jadvalga to'g'ri yig'ish deyarli mumkin emas. Xatolarning paydo bo'lish ehtimoli katta, ularning manbasi topilmaydi. BI tizimi bu vazifa uchun ko'proq mos keladi[6-10]. Shuning uchun har qanday BI tizimida elektron jadvallar bilan integratsiya modullari bo'lishi kerak. 2-rasmda BI va Excel yetuk tahlil platformalariga qanday integratsiya qilinganligi ko'rsatilgan.



2-rasm BI vositalari va elektron jadvallar o'rtasidagi o'zaro ta'sir.

BI tizimining ishlash prinsipi.

BI platformalari bir-biridan juda ko'p parametrlar - unumdorlik, funktsionallik, bulutli versiyalarning mavjudligi va boshqalar bilan farq qilishi mumkin. Ammo agar siz ularning ish sxemasini ko'rib chiqsangiz, u hamma uchun printsiptial jihatdan o'xshash. BI platformasi integratsiyalashgan ma'lumotlar manbalari mavjud bo'lib, ular turli xil vositalarni taqdim etadilar va natijada foydalanuvchilar shaxsiy kompyuterlarda, mobil qurilmalarda, video devorlarda va hokazolarda tartibga solinadigan va bashorat qilinadigan hisobotlar, asboblari paneli va grafiklarni olishadi. Ushbu funktsiyalarni ta'minlash uchun turli xil ma'lumotlarni qayta ishlash funktsiyalarini bajaradigan texnik quyi tizimlar taqdim etiladi[10-11].



3-rasm. BI yechimining tipik tuzilishi.

BI yechimining komponentalar turlari.

Ma'lumotlarni yuklash va o'zgartirish (ETL)

BI platformasining ishlashi uchun zarur bo'lgan ma'lumotlar ETL vositalaridan foydalangan holda turli IT tizimlaridan olinadi va maxsus ma'lumotlar omborlariga kiritiladi. Ma'lumotlar bazalaridan farqli o'laroq, bu omborlar ma'lumotlarni yanada samarali tahlil qilish va so'rovlarni qayta ishlash uchun maxsus tarzda tuzadilar. Ma'lumotlar ombori darajasida ma'lumotlarni o'zgartirish odatda ETL vositasi tomonidan tartibga solinadi. DWH darajasida ma'lumotlarni o'zgartirishning yakuniy natijasi "data marts" (Data Marts) deb ataladigan - tozalangan ma'lumotlar to'plamlari bo'lib, foydalanuvchilar OLAP vositalaridan foydalanishga to'g'ridan-to'g'ri kirish huquqiga ega[12-13].

XULOSA

Excel va BI garchi ular funktsionallik nuqtai nazaridan qisman bir-biriga mos kelsa ham turli vazifalarni hal qiladi va bu ularning asosiy farqidir. Tajriba shuni ko'rsatadiki, elektron jadval protsessorlari yoki biznesni tahlil qilish tizimi foydasiga tanlov tashkilot yoki loyihaning ko'lami bilan emas, balki hal qilinayotgan vazifa bilan belgilanadi. Agar muayyan vaziyatda o'zgarishlarni amalga oshirish tezligi juda muhim bo'lsa va umumiy jarayonning uslubiy barqarorligi ikkinchi darajali bo'lsa Excel qulayroq bo'ladi. Excel yangi ma'lumotlarni yuklash, ularni mavjudlari bilan bog'lash, ko'rsatkichlardan faqat bittasi uchun hisoblash usulini o'zgartirish va eskirgan ma'lumotlarni o'chirish kerak bo'lganda qulay. Bu BI tizimi buni qila olmaydi degani emas, shunchaki o'zgartirishlar kiritish qisman qiyinroq bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Ralph Kimball et al. «The Data warehouse Lifecycle Toolkit» (2nd ed.) Wiley ISBN 0-470-47957-4
2. CBAP / CCBA Certified Business Analysis Study Guide. — 2017.
3. Gartner Says Worldwide Business Intelligence, CPM and Analytic Applications/Performance Management Software Market Grew Seven Percent in 2012. Gartner. Дата обращения: 11 мая 2017.
4. Business Intelligence and Analytics Market worth 60.49 Billion USD by 2027 / Emergen Research
5. Efraim Turban, Dursun Delen, Ramesh Sharda. Business Intelligence, Analytics, and Data Science: A Managerial Perspective. — Pearson, 2017.
6. Haenlein, M.; Kaplan, A. A brief history of artificial intelligence: On the past, present, and future of artificial intelligence. Calif.

7. Manag. Rev. 2019, 61, 5–14. [CrossRef]
8. Kaplan, A.; Haenlein, M. Siri, Siri, in my hand: Who's the fairest in the land? On the interpretations, illustrations, and implications of artificial intelligence. Bus. Horiz. 2019, 62, 15–25. [CrossRef]
9. Xu, Y.; Shieh, C.H.; van Esch, P.; Ling, I.L. AI customer service: Task complexity, problem-solving ability, and usage intention. Australas. Mark. J. 2020, 28, 189–199. [CrossRef]
10. Yu, H.; Yang, L.T.; Zhang, Q.; Armstrong, D.; Deen, M.J. Convolutional neural networks for medical image analysis: State-of-the-art, comparisons, improvement and perspectives. Neurocomputing 2021, 444, 92–110. [CrossRef]
11. Li, Z.; Liu, F.; Yang, W.; Peng, S.; Zhou, J. A survey of convolutional neural networks: Analysis, applications, and prospects. IEEE Trans. Neural Netw. Learn. Syst. 2021, 1–21. [CrossRef]
12. Sampson, S.E. A strategic framework for task automation in professional services. J. Serv. Res. 2021, 24, 122–140. [CrossRef]

УДК 594.3(575)

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ТЕКИСЛИК БИОТОПЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ

Авазметова Интизор Ражапбоевна

Хоразм Маъмун академияси таянч докторанти

intizoravazmetova2311@gmail.com

Матякубова Юлдузхон Аманбаевна

Урганч Давлат университети биология кафедраси доценти

Юлдашева Шахноза Хасанбой қизи

Урганч Давлат университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Хоразм воҳаси текисликларидида қуруқлик моллюскаларининг 3 та биотопда тарқалиши ва зичлиги аниқланган. Ушбу ҳудудда қуруқлик моллюскаларининг 14 тури мавжуд бўлиб, кенг тарқалган турларга *Xeropicta candacharica* (2-биотопда) *C. nitens*, *V. costata*, *P. muscorum*, *Deroceras laeve* (3-биотопда) учраб, *X. candacharica* доминант тур ҳисобланиб, унинг популяциядаги зичлиги максимал 100-110 тани ташкил этиб, ўртача зичлиги 93,3 тенг.

Калит сўзлар: қуруқлик моллюскаси, тур, популяция зичлиги, биотоп.

ABSTRACT

In the plains of the Khorezm oasis, the distribution and density of terrestrial mollusks in 3 biotopes were determined. There are 14 species of terrestrial mollusks in this region, the most common species are *C. nitens*, *V. costata*, *P. muscorum*, *D. laeve* (in 3 biotopes), *X. candacharica* is the dominant species, its average density in the population is 100-110. density is 93.3

Keywords: terrestrial mollusk, species, population density, biotope.

Ўзбекистон текислик қисмида қуруқлик моллюскаларнинг биотоплар бўйича тақсимланиши ва популяциядаги зичлиги А.Пазиловнинг бир қатор (Пазилов А, 1996; Пазилов А, 2004) ишларида тадқиқ қилиниб, олинган натижаларга кўра биотоплар бўйича турларнинг популяциядаги зичлиги турлича.

Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Хоразм воҳаси асосан текисликлардан ташкил топган. Ушбу ҳудуд суғориладиган деҳқончилик-

боғлар, беда плантациялари, сабзовот, полиз экинлари, пахта ва бошқа техник экинларига мўлжалланган.

Тадқиқот худудида чиғаноқли моллюскаларни йиғиш А.А. Шилейко (Шилейко А.А., 1984), шиллиққуртларни йиғиш эса И.М. Лихарев ва А.Й.Виктор (Лихарев И.М., Виктор А.Й., 1980) методикаси бўйича амалга оширилди.

Хоразм воҳаси текисликдаги биотопларида куруклик моллюскалари куйидагича:

1-биотоп. Мевали боғлардаги ариқ бўйларида ўсадиган ўтли ўсимликлар.

Бу биотопда: *Cochlicopa nitens*, *C. lubrica*, *Vallonia costata*, *V. asiatica*, *Xeropicta candacharica*, *Zonitoides nitidus*, *Deroceras laeve*, *Macrochlamys turanica* ва ўсимликлар поясида *Novisuccinea evoluta*, *Oxyloma elegans* турлари учраб, уларнинг популяциядаги зичлиги турлича. Масалан, Боғот тумани, Дехқонобод, Найман қишлоғи ариқ бўйларига яқин жойлардаги ўтлар орасида *C. nitens* нинг популяциядаги зичлиги 1м² майдонда 8-9 дона учраса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани турли хил боғлардаги ариқ бўйларидаги ўтлар орасида бу кўрсаткич 4-5 тага тенг. *C. lubrica*, Хива тумани, Беруний ва Соёт қишлоғи олма боғлари остидаги ўтлар орасида популяциядаги зичлик кўрсаткичи 10-12 тага тенг бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё ва Беруний туманларида худди шунга ўхшаш биотопда бор йўғи 1 м² майдонда 2-3 дона учраши мумкин. *V. costata* ва *Z. nitidus* тури юқоридаги иккита тур билан бирга яшаб популяциядаги зичлиги 5-8 тани ташкил қилади. Бироқ, *V. costata* нинг Урганч тумани, Чаккашоликор қишлоғидаги боғларда оқар ариқ сувларига яқин бўлган ўтлар орасида 1м² майдонда 12-13 дона учратиш мумкин. Хонқа тумани, Қорақош қишлоғи мевали боғлардаги ариқ бўйларида ўсадиган ўтли ўсимликлар орасида учрайдиган *V. asiatica* нинг популяциядаги зичлиги 3-4 та. *X. candacharica* турининг зичлиги юқори бўлиб, 1 м² майдонда 17-18 та учрайди.

D. laeve ва *M. turanica* турлари юқорида муҳокома қилинган турлар билан бир хил биотопда, бошқа худудда яшаб, бироқ популяциядаги зичлиги уларга қараганда анча юқори. Масалан, Хива тумани, Беруний ва Соёт қишлоғи олма боғлари остидаги ўтлар орасида *D. laeve* ни популяциядаги зичлиги 15-17 та, *M. turanica* эса 12-14 тани ташкил қилса, Боғот тумани, Найман қишлоғи атрофидаги ариқ бўйларига яқин жойлардаги ўтлар орасида, мос равишда 20-22 ва 16-18 тага тенг бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги худди шундай биотопдаги популяциядаги зичлик кўрсаткичи *D. laeve* ники 5-7 та, *M. turanica* 3-4 тани ташкил қилади.

Ариқ бўйлари ва унга яқин жойлардаги ўтлар поясида *Novisuccinea evoluta*, *Oxyloma elegans* турлари учраб, *N. evoluta*, Боғот тумани, Найман ва Хўжайлик қишлоғи атрофидаги ариқ бўйларида яқин жойлардаги ўтлар поясидаги зичлиги 9-10 та бўлса, Урганч тумани, Юқори Дўрман қишлоғи атрофидаги боғларда ўсимликлар орасидаги популяциядаги зичлиги 6-8 тага тенг бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё, Беруний туманлари боғлардаги ариқлар ёққасидаги ўтлар поясида яшайдиган *O. elegans* нинг зичлик кўрсаткичи 2-3 тага тенг.

2-биотоп. Аҳоли томорқаларидаги беда плантациялари да *C. lubrica*, *P. muscorum*, *Phenacolimax annularis*, бедани остида яшаса, *X. candacharica* эса асосан поясида яшайди. Бу турларнинг популяцияда зичлиги қуйидагича. Боғот тумани, Найман қишлоғи аҳолига тегишли беда майдонларида 1м² майдонда 8-9 та *C. nitens* учрайди. Хива тумани, Соёт қишлоғида тут кўчатлари орасига экилган беда майдонлари остида 1 м² майдонда 10-12 та *C. lubrica*, 5-6 та, *P. muscorum* учраса, беда поясида эса, *X. candacharica* нинг зичлик кўрсаткичи 25-30 тага тенг бўлиб, беда ўриб олингандан кейин, популяциядаги зичлик кўрсаткичи 50-60 тани ташкил қилади. Боғот тумани, Дехқонобод қишлоғидаги очиқ майдонлардаги бедазорларда популяциядаги зичлик кўрсаткичи энг юқори бўлиб 100-110 тага тенг. *Ph. annularis* нинг популяциядаги зичлик кўрсаткичи энг паст бўлиб, Боғот тумани, Найман қишлоғи беда майдонларидаги ариқ бўйлари да 1м² майдонда 3-4 та учрайди.

3-биотоп. Полиз ва сабзовот экин майдонлари ҳамда иссиқхоналар атрофи, бу биотопда асосан шилликқуртлардан *Deroceras laeve*, *Deroceras reticulatum* ва *Deroceras caucasicum* учрайди. Хива тумани, Беруний қишлоғи атрофидаги полиз ва сабзовот экин майдонлари ҳамда иссиқхоналар атрофида *D. laeve* нинг популяциядаги зичлиги 1 м² майдонда 15-20 та бўлса, Боғот тумани, Дехқонобод ва Найман қишлоғи атрофидаги полиз экинлар экиладиган майдонлар четида зичлик кўрсаткичи 25-30 тага тенг.

Бошқа шилликқуртлар сингари *Deroceras caucasicum* турининг зичлиги ёғин-сочин миқдорига боғлиқ бўлиб, 2021 йилда, Хоразм вилояти, Гурлан тумани Обод қишлоғи, Мевазор маҳалласидаги аҳолига тегишл помидор майдонлари атрофида 1м² майдонда 15-16 та учраган бўлса, 2022 йили бу кўрсаткич 50-55 тани ташкил қилган. Ушбу турнинг популяциядаги зичлиги Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё, Беруний, Кегейли, туманларидаги турли хил полиз ва сабзовот экин майдонлари атрофидаги популяция зичлик кўрсаткичи ўрта ҳисобда 12-15 тага тенг.

Deroceras reticulatum турининг популяциядаги зичлиги юқоридаги турларга нисбатан бир оз пастроқ бўлиб, Урганч тумани, Юқорибоғ қишлоғи, Боғдорчи маҳалласидаги аҳолига тегишли бўлган сабзовот экилган томарқаларда 1м² майдонда 9-10 та учраса, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё, туманида фермер хўжаликларга тегишли бўлган полиз экинлари атрофидаги ўтлар орасида зичлик кўрсаткичи 6-8 тага тенг.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, тадқиқот ҳудудининг текислик қисмида 3 та биотопда куруқлик моллюскаларининг 14 тури учраб, кенг тарқалган турларга *Xeropicta candacharica* (2-биотопда) *C. nitens*, *V. costata*, *P. muscorum*, *Deroceras laeve* (3-биотопда) учраб, *X. candacharica* доминант тур ҳисобланиб, унинг популяциядаги зичлиги максимал 100-110 тани ташкил этиб, ўртача зичлиги 93,3 тенг

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лихарев И.М., Виктор А.Й. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. - Л.:Наука, 1980. Т.3. Вып.5. № 122. 437 с.
2. Пазиров А. Мирзачўл ўлкасида тарқалган куруқлик моллюскиси *Xeropicta candacharica* турининг ҳаёт даражаси ва хўжалик аҳамияти // ГулДУ профес-ўқит. ва талабаларининг ХХХ анъанавий илм-наз. анж. - Гулистон, 1996. 6 – 7 - б.
3. Пазиров А. Распределение наземных моллюсков по биотопам равнинной части Узбекистана // Вестник ГулГУ. – 2004 б - №2. - С.18- 20.
4. Шилейко А.А. Наземные моллюски подотряда Pupillina фауны СССР (Gastropoda, Pulmonota, Geophila) Фауна СССР. Моллюски. - Л.: Наука Ленинградское отделение, 1984. Т.3. Вып .3. № 130. - 399 с.

IDISH-TOVOQ LEKSIKASINI BILDIRUVCHI AYRIM BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK TAHLILI (“RAVSHAN” DOSTONI MISOLIDA)

Mahmadiyev Shavkatjon Suyunqulovich

Samarqand davlat universiteti dotsenti

Rasulova Fazilat Hasan qizi

Samarqand davlat universiteti filologiya 4-kurs talabasi

rasulovafazilat24@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada o‘zbek xalq og‘zaki ijodi, jumladan, “Ravshan” dostonidagi ba’zi uy-ro‘zg‘or buyumlarini ifodalovchi til birliklari leksik-semantik jihatdan tadqiq qilinib, ayrim mulohazalar yuritilgan.

Kalit so‘zlar: leksika, folklor, til, lug‘at, doston, uy-ro‘zg‘or buyumlari, izohli lug‘at.

LEXICAL-SEMANTIC ANALYSIS OF INDIVIDUAL UNITS REPRESENTING THE LEXICON OF DISHES (ON THE EXAMPLE OF THE EPIC “RAVSHAN”)

ABSTRACT

The article examines the lexical-semantic study of the Uzbek folklore, including the language units that represent some of household items in the Ravshan epic, and makes some comments.

Key words: vocabulary, folklore, language, epic, annotated dictionary, household items.

KIRISH

Inson va jamiyat o‘rtasidagi aloqa quroli bo‘lgan til qancha-qancha davrlar silsilasidan o‘tib kelmoqda. Bu vaqtlar davomida jamiyatdagi o‘zgarish va taraqqiyot bosqichlari tilning lug‘at tarkibiga ham ta’sir ko‘rsatgani ma’lum. Davrlar, jamiyatdagi insonlar, ayrim urf-odatlar o‘z rivojlanishi davomida tilga bevosita va bilvosita ta’sirini o‘tkazib kelmoqda. Tildagi har bir kichik, yoki ahamiyati ulkan lug‘at o‘zgarishlari leksikologiya bo‘limi orqali chuqur o‘rganiladi. Tildagi har bir so‘zning atash ma’nosi va uning etimologiyasi, o‘zining qo‘llanilish doirasi va davr nutqayi nazaridan muhim

ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun ham har bir leksik birlik millatning kechasi va bugunini bog'lovchi muhim ko'prik vazifasini o'taydi.

Leksikologiyadagi bu birliklar orasida, ayniqsa, maishiy leksikalar o'zining ahamiyati jihatidan tadqiq etish lozim bo'lgandan mavzulardan biridir. Maishiy leksik birliklar xalqimizning hayoti bilan chambarchas bog'liqligi uchun ham o'rganilish, tadqiq etilishga arziydi. Bu turdagi birliklarni o'rganishda xalq og'zaki ijodi namunalari asosiy manba bo'lib xizmat qiladi. Hozirgi o'zbek adabiy tilida maishiy leksika muayyan darajada qiyosiy-tarixiy, leksik-semantik jihatdan alohida tadqiqot obyekti sifatida o'rganilgan bo'lib, unga uy-ro'zg'or buyumlari, kiyim-kechak, taqinchoq va zeb-ziynat nomlarini ifodalovchi til birliklari kiradi. Xususan, o'zbek tilining maishiy leksikasi L.X. G'afurov tomonidan maxsus o'rganilgan. [3:13] Bundan tashqari, Shoira Usmonova ham o'zining "Oltay tillarida bosh kiyim leksikasi nomlari" deb nomlangan tadqiqot ishida aynan bosh kiyim maishiy leksikasi namunalardan ayrim turlarini tahlil qiladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

O'zbek xalq og'zaki ijodi, jumladan, "Ravshan" dostonidagi idish-tovoq leksikasini bildiruvchi ba'zi til birliklari leksik-semantik jihatdan tahlil etilgan. Unda qiyosiy-tarixiy, tavsifiy metodlardan foydalanilgan.

NATIJALAR

O'rganishimizning asosiy manbasi hisoblanuvchi "Ravshan" dostonida ham maishiy leksika namunalari mavjud bo'lib, doston matnidagi maishiy birliklardan uy-ro'zg'or buyum nomlarining tahlil etilishi juda samarali hisoblanadi. Bu birliklarni o'rganishda ular bevosita izohlayotgan ma'nolarini, ularning etimologiyasini o'rganish maqsadga muvofiq bo'ladi. "Ravshan" dostonida uy-ro'zg'or buyumlaridan *kosa*, *lagan*, *piyola*, *mehtara* va boshqa shu kabi til birliklari ishlatilgan. Bu birliklarni biz shartli ravishda quyidagicha tasnifladik:

- 1) *suyuqlik solinadigan idish nomlari*;
- 2) *quyuq taomlar solinadigan idish nomlari*;
- 3) *uy-ro'zg'or buyumi sifatida foydalaniladigan buyum nomlari*;

Suyuqlik solinadigan idish nomlari.

Dastlab e'tiborimizni qaratadigan so'z bu *kosa* atamasidir. ***Kosa*** [f.] Piyoladan kattaroq, suyuqlik va turli ovqatlar solib ichish uchun ishlatiladigan idish. [3:410] Hozirgi adabiy tilda ham o'zining qo'llanilish o'rni, mazmunini saqlagan bu leksema tilimizda faol. Dostonda sharob solib ichiladigan idish ma'nosini anglatgan bo'lsa,

hozirda ham bu buyum nomi suyuq taomlar solinadigan buyum nomini bildiradi, hamda ro‘zg‘orda ishlatiladi.

*“Oltin kosa gulgun sharob,
Ichildi maydon ichinda.
Ajallining kafan to‘ni,
Bichildi maydon ichinda”* [7:560].

Doston matnida **mehtara** leksemasi ham uchraydi. Bu so‘z ayrim manbalarda *mesh*, *sanoch* degan ma‘nolarni anglatadi, deyilgan. Bu so‘zning izohli lug‘atda aynan ma‘nosi keltirilmagan. Dostonda suv solinadigan idishni ifodalash uchun qo‘llanilgan.

*“Mehtaraga suv olib,
Chaqmog‘iga quv olib,
Yo‘lga tushdi bek Ravshan,
Otasidan duo olib”*. [7:390]

Xalq dostonlari, xususan, “Alpomish” dostoni matnida ham bu leksema mehtar deb ishlatiladi. “Alpomish” dostonining izohli lug‘atida quyidagicha ta‘riflangan: *Mehtar – teridan qilingan suv idish*.

*“Mehtariga suv olib,
Chaqmog‘iga quv olib “*. [2:59]

Yana bir tahlil qilinadigan idish nomi ko‘za so‘zidir. **Ko‘za** – suv solish, tashish uchun ishlatiladigan qorni keng, bo‘g‘zi ingichka, bir tomonida dastasi bor idish. [5:447] Dostonda suv solinadigan idish ma‘nosida ishlatilgan.

“Ravshanbek bog‘ning ichidagi qushlardan yorini so‘rab turib edi, bir pilla shiq etib bog‘ning devori ochildi. Ravshan qarasa, bir kampir, qo‘lida ikki mo‘ndi ko‘za kelayotibdi”. [7:398]

Doston matni tarkibida uchraydigan yana bir idish nomi **optova** so‘zini tahlil etamiz. Bu birlikning optova shakli shevada aytilishi bo‘lib, adabiy tilda obdasta shaklida ishlatiladi. *Obdasta* so‘zi [f. qo‘l (yuviladigan) suv] Ro‘zg‘or buyumi; yuz-qo‘lni yuvish uchun ishlatiladigan uzun va ingichka jo‘mrakli, qorni keng, bo‘g‘zi tor idish.[6:72] Uy-ro‘zg‘or buyumi hisoblangan bu atama bugungi kunda ham qo‘llaniladi. Dostonda bozor ta‘rifida aynan shunday idish sotiladigan bozor borligi aytib o‘tilgan.

*“Optovalar, mis bozori,
Beda bozor, xas bozori.
Kadi bozor, nos bozori,
Moxxov bozor, pes bozori,
Qalpoq bozori qaysidi(r)”*. [7:424]

Piyola [f. yun. Phiale – suv ichiladigan yassi kosacha] Tubidan yuqoriga tomon kengayib boradigan kosadan kichik, taglik idish (asosan choy ichish uchun ishlatiladi). [6:256] Dostonda keltirilgan piyola soʻzi may ichish uchun moʻljallangan idish maʼnosida qoʻllangan va piyolaning otindan yasalganligi aytib oʻtilgan.

“*Qirq yigitni yigʻib, dovulni tuyib, oltin piyolaga maylar quyib, araqqa bolni qotib, bolga araqni qotib, qirq yigitni yigʻdirib, silovsin toʻn kiydirib, kuniga kechkisin sergoʻsht qilib, sermoyli palovga toʻydirib, semiz qoʻydan soʻydirib... davrini surib umr oʻtkarar edi*” [9:361]

Quyuyq taomlar solinadigan idish nomlari:

Lagan [f. – togʻora, idish; shamdon] 1 Quyuyq taomlar solish uchun moʻljallangan, tarelkadan katta yassi idish. 2 Shevada esa, kosadan katta, ichi chuqur sopol idish, tovoq. [5:483] Dostonda bu leksema aynan taom solinadigan idishni emas, tilla solishga moʻljallangan buyum maʼnosida kelgan. Qadimda ham keng muomalada boʻlgan bu til birlik hozirda ham saqlanib qolgan va uy-roʻzgʻor buyumi sifatida ishlatiladi.

“*Ravshanbek otini haydab, yoʻrtib, doʻngning ustiga chiqb qarasa, bir toʻp, bari oʻziday yosh, xushroʻy, qalamqosh bola, barining qoʻlida bir lagancha tillasi bor, yaxshi ot ustida bir tepaning ustida tillasi qoʻlida qator boʻlib – saf tortib, otning boshini barobar qilib, osmonga qarab turibdi*” [7:410]

Lagan soʻzi haqida Eshqobil Shukurning qalamiga mansub “Bobo soʻz izidan” asarida quyidagicha fikrlar keltirilgan:

“Asosan quyuyq ovqat solinadigan yassi idish maʼnosini anglatgan “lagan” soʻzining tub ildizi “Oʻzbek tilining etimologik lugʻati” da izohlanishicha, “lagʻun” soʻzidan kelib chiqqan. Qadimda “lagʻun” soʻzi “yogʻochni oʻyib yasalgan idish” degan maʼnoni bildirgan”. [1:245]

Uy-roʻzgʻor buyumi sifatida ishlatiladigan buyumlar:

Biz tahlil etadigan navbatdagi leksek birlik surpa – supra soʻzidir. **Surpa** [a. – safar ozuqasi (ovqati); tushlik dasturxon, supra] Xamir yoyish, non yasash uchun moʻljallangan, odatda oshlangan teridan qilinadigan dasturxonsimon roʻzgʻor buyumi. [6:589] Asar matnida bu buyum nomi bozor taʼrifida surpa sotiladigan bozor borligini ifodalash uchun keltirilgan.

“*Bugʻdoy ham arpa bozori,
Paxtali koʻrpa bozori,
Qoʻy teri- surpa bozori,
Sersavdo turpa bozori,
Qalpoq bozori qaysidi(r)*”. [7:425]

Supra soʻziga “Bobo soʻz izidan” asarida shunday taʼrif berilgan:

“Tilimizdagi xamir yoyish, non yasash uchun ishlatiladigan dasturxonsifat ro‘zg‘or buyumi “supra” deb ataladi. Ilgarilari oshlangan mol terisidan tayyorlanar edi. Men kichikroq gilamday keladigan doira shaklidagi supralarni ko‘rganman. Suprani nonday, dasturxonday aziz tutishardi. Hozir ham yangi tushgan kelinga ,avvalo, suprada xamir qordirish odati mavjud...

Asli arab tilidan kelgan “sufra”so‘zining tub ildizi “ochdi” ma‘noni anglatadi.Shuningdek bu so‘zning “safar ozuqasi”, “tushlik dasturxon” degan ma‘nolari borligi ham manbalarda ta‘kidlangan.

Xalq tilida “supraquloq” degan so‘z ham ko‘p ishlatiladi. “Supraquloq” so‘zi, asosan, bolalarni erkalash ma‘nosida qo‘llaniladi”. [1:243].

Bundan ko‘rindaki, supra so‘zi nafaqat buyum nomi sifatida, balki xalqimizning ayrim urf-odatlarini, an‘analari va milliy qadriyatlarini namoyon etuvchi til birligi ekanligining guvohi bo‘lamiz.

XULOSA

Doston matnida tahlil etilgan har bir idish-tovoq leksemalari til boyligimizni ochib berish bilan bir qatorda, milliyligimizni, urf-odatlarimizni ham o‘zida namoyon etmoqda. An‘anaviy qadriyatlar, xalqning turmush tarzi, ijtimoiy holati va tili, shevalarini ifodalagan har bir til birligi hozirgi o‘zbek adabiy tili, o‘zbek xalqi yashash tarzini taqqoslab o‘rganishdagi asosiy muhim manbadir. Shu jihatdan ham ularning har birini leksik, etimologik tadqiq etish juda samarali va muhim vazifalarimizdan biri desak, adashmagan bo‘lamiz.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Эшқобил Шукур. Бобо сўз изидан. – Тошкент, 2018.
2. Мирзаев Т. ва бошқалар. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2007.
3. Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. –Тошкент, 2010.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V томлик, 1-том. – Тошкент, 2007.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V томлик, 2-том. – Тошкент, 2007.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V томлик, 3-том. – Тошкент, 2007.
7. Булбул тароналари. V томлик, 2- том. – Тошкент, 1972.

ИККИНЧИ ҚАТЛАМИ КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ПЛИТА ВА ҚОБИҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛИГИ ВА ДЕФОРМАЦИЯЛАНГАНЛИК ҲОЛАТЛАРИ

Дусматов Абдурахим Дусматович

Фарғона Политехника институти Доценти,

Узбекистон, Фарғона вилояти,

E-mail: abdurahimdusmatov1@gmail.com

Мусаев Муродбек Хабибулло ўғли

Фарғона Политехника институти М2-20 ИОҚ магистранти,

Узбекистон, Фарғона вилояти,

E-mail: murodbekm394@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада қалинлиги ва физик-механик хоссалари бўйича бир-биридан фарқ қилувчи композит қатламлардан ясалган икки қатламли бирлаштирилган қобик ва металл пластина кўриб чиқилади, шунингдек, бундай қобик ва пластиналарнинг кучланиш-деформация ҳолатининг мустаҳкамлиги ва деформацияланишига таъсири ўрганилади.

Калит сўзлар: икки қатламли бирлаштирилган қобик ва плиталар, тенг тақсимланган юк, дифференциал тенгламалар тизими, қобик деформацияси, ўрта сиртнинг силжиши, бурилиш, силжиш функцияси, тангенциал кучланишлар.

SECOND LAYER STRENGTH AND DEFORMATION STATUS OF PLATES AND SHELLS MADE OF COMPOSITE MATERIALS

ABSTRACT

The article examines a two-layer composite shell and metal plate made of composite layers that differ in thickness and physical-mechanical properties, as well as the effect of such shells and plates on the strength and deformation state of the stress-strain state.

Keywords: two-layer combined shell and plates, evenly distributed load, system of differential equations, shell deformations, median surface displacement, deflection, shear function, tangential stresses.

Ушбу изланишда агрессив мухитга чидамли ички ёки ташқи қатламлари композит материаллар билан ўралган металл ёки темирбетон қатламлардан ташкил топган плиталарнинг кучланганлик ва деформацияланган ҳолатлари тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикаси президенти 7-феврал ПФ-4947 фармонида биноан Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш стратегиясида белгиланган долзарб илмий тадқиқотлар илмий изланишларида янги, енгил конструкцион тузилмаларни яратиш ва уларни мустаҳкамлиги, бикрлиги ҳамда узоққа чидамлилигини таъминлаш борасидаги долзарб ишлар қаторига ушбу изланишни киритиш мумкин. Охириги йилларда агрессив мухитда ишловчи иншоотларнинг қурилиш тузилмаларини яратиш ва уларни тадқиқотлари ҳам муҳим масалалар қаторига киради. Бунга сабаб хали бизнинг юртимизда агрессив мухитга чидамли конструкциялар, иншоотларга агрессив таъсир қилувчи кислоталар ишқор ва бошқа кимёвий эритмаларни сақловчи резервуарларни ишлаб чиқарадиган корхоналаримиз хали кўп эмас. Ташқи динамик ва статик юкларни бемалол кўтара оладиган мустаҳкам, узоққа чидамли ҳамда агрессив мухитга чидамлик иқтисодий жихатдан самарадор тузилмаларни ҳосил қилиш ва чокдаги силжиш деформациясини мустаҳкамликка ва эгилювчанликка тасирини аниқловчи ҳисоблаш услубларини яратиш ушбу изланишда асосий мақсад қилиб олинган.

Хукуматимиз томонидан бундай замонавий қурилиш тузилмалари ва янги композит материаллар ёки машина деталларини ҳисоблаш, лойиҳалаш, синаш ишларини олиб боришга ҳозирги пайтда алоҳида эътибор қаратилган. Икки қатламли пластина ва қобикларни Кирхгов-Ляв гипотезасига бўйсунди деб қабул қиламиз [2-6].

Ушбу ишда металл ва композит қатламлардан иборат бўлган икки қатламли комбинациялашган плита ва қобикларнинг силжиш деформацияларини мустаҳкамликка ва деформацияланганлик ҳолатларига тасирини кўриб чиқамиз.

Юк котарувчи биринчи қатлам иккинчи мустаҳкамловчи қатламдан сезиларли даражада катта деб фараз қиламиз ($h > \delta$).

Биринчи ва иккинчи қатламларнинг қалинлиги плита бўйлаб доимий деб ҳисоблаймиз.

Бу ерда e_{yz} – деформациянинг z координатаси бўйича нисбий чўзилиши ҳисобга олинмайди; $e_{yz} = 0$; $w = w(x, y)$

Биринчи юк кўтарувчи плита ва ва қобик қатламинининг силжиш деформацияси

$$e_{\alpha\gamma}^{(1)} = 0,5 \left(\frac{h^2}{4} - \gamma^2 \right) \Phi_1(\alpha, \beta) + \left(0,5 - \frac{\gamma}{h} \right) \frac{\tau_1(\alpha, \beta)}{G_{\alpha\gamma}^{(1)}} \quad (1)$$

$$e_{\beta\gamma}^{(1)} = 0,5 \left(\frac{h^2}{4} - \gamma^2 \right) \Phi_2(\alpha, \beta) + \left(0,5 - \frac{\gamma}{h} \right) \frac{\tau_2(\alpha, \beta)}{G_{\beta\gamma}^{(1)}}$$

Иккинчи мустахамловчи қатламнинг силжиш деформацияси плита қалинлиги бўйича қуйидаги қонуният асосида ўзгаради

$$e_{\alpha\gamma}^{(2)} = \left(\frac{1}{2} + \frac{\gamma_1}{\delta_1} \right) \frac{1}{G_{\alpha\gamma}^{(2)}} \cdot \tau_1(\alpha, \beta) \quad (2)$$

$$e_{\beta\gamma}^{(2)} = \left(\frac{1}{2} + \frac{\gamma_1}{\delta_1} \right) \frac{1}{G_{\beta\gamma}^{(2)}} \cdot \tau_2(\alpha, \beta)$$

Қатламларнинг ($i=1,2$) нормал ва кучланишлари қуйидаги формулалар орқали ифодаланади

$$\sigma_{\alpha}^{(i)} = B_{11}^{(i)} E_{\alpha}^{(i)} + B_{12}^{(i)} E_{\beta}^{(i)} \quad (3)$$

$$\sigma_{\beta}^{(i)} = B_{22}^{(i)} E_{\beta}^{(i)} + B_{12}^{(i)} E_{\alpha}^{(i)}$$

$$\tau_{\alpha\gamma}^{(i)} = G_{ik}^{(i)} e_{\alpha\gamma}^{(i)}$$

$$\tau_{\beta\gamma}^{(i)} = G_{ik}^{(i)} e_{\beta\gamma}^{(i)} \quad (4)$$

бу ерда δ , h — шиша толали ва металл қатламларининг қалинлиги;

$\Phi_i = \Phi_i(x, y)$ — ахтарилаётган силжиш функцияси ;

$\tau_i = \tau_i(x, y)$ — уринма кучланишлар ;


$G_{ik}^{(1)}$, $G_{ik}^{(2)}$ — биринчи ва иккинчи қатламларнинг силжиш модуллари ($i=1,2$; $k=3$).

γ координаталар қуйидаги ўзгариш чегараларига эга ;

биринчи қатлам учун $-\frac{h}{2} \leq \gamma \leq \frac{h}{2}$;

иккинчи қатлам учун $-\frac{\delta}{2} \leq \gamma_1 \leq \frac{\delta}{2}$.

С. А . Амбарцумяннинг аниқлаштирилган назарясини ушбу изланишга асос деб қабул қиламиз.



1-рasm

Икки қатламли комбинациялашган плита.

Биринчи қатламнинг кўчиши куйидаги кўринишда ифодаланади:

$$u^{(1)} = u_0 - \gamma \frac{\partial w}{\partial x} + \left(\frac{\gamma h^2}{8} - \frac{\gamma^3}{6}\right) \Phi_1 + \gamma \left(\frac{1}{2} - \frac{\gamma}{2h}\right) \frac{\tau_1}{G^{(1)}_{13}};$$

$$v^{(1)} = v_0 - \gamma \frac{\partial w}{\partial y} + \left(\frac{\gamma h^2}{8} - \frac{\gamma^3}{6}\right) \Phi_1 + \gamma \left(\frac{1}{2} - \frac{\gamma}{2h}\right) \frac{\tau_1}{G^{(1)}_{13}}. \quad (4)$$

Худди шундай иккинчи композит қатламнинг кўчиши:

$$u^{(2)} = u_0 - \gamma_1 \frac{\partial w}{\partial x} + \gamma_1 \left(\frac{1}{2} - \frac{\gamma_1}{2\delta}\right) \frac{\tau_1}{G^{(2)}_{13}};$$


$$v^{(2)} = v_0 - \gamma_1 \frac{\partial w}{\partial y} + \gamma_1 \left(\frac{1}{2} - \frac{\gamma_1}{2\delta}\right) \frac{\tau_2}{G^{(2)}_{23}}. \quad (5)$$

Бу ерда $u_0 = u_0(x, y)$, $v_0 = v_0(x, y)$ – биринчи қатламнинг нейтрал ўқиға мос келадиган нуқтасининг кўчишлари.

Тангенциал силжишлар $u^{(1)}$, $u^{(2)}$, $v^{(1)}$, $v^{(2)}$ – плитанинг исталган нуқтаси, формулалар (4), (5) классик назариядан фарқли ўлароқ, улар γ , иккинчи қатламда γ_1 -га чизиқли боғлиқ. Бунинг сабаби қатламларнинг қалинлигидаги фарқ ва кучлироқ биринчи навбатда кўндаланг кесишни ҳисобга олишдир.

Логранжнинг вариацион принципага асосан эластик тузилмаларнинг потенциал энергиясини куйидаги кўринишда ифодалаймиз.

$$u = \frac{1}{2} \iiint (\sigma^{(1)}_x \varepsilon_x^{(1)} + \sigma^{(1)}_y \varepsilon_y^{(1)} + \tau^{(1)}_{xy} \varepsilon_{xy}^{(1)}) dx dy dz + \frac{1}{2} \iiint (\sigma^{(2)}_x \varepsilon_x^{(2)} + \sigma^{(2)}_y \varepsilon_y^{(2)} + \tau^{(2)}_{xy} \varepsilon_{xy}^{(2)}) dx dy dz + \frac{1}{2} \iiint (\tau_1 \varepsilon_{11} + \tau_2 \varepsilon_{23} - 2qw) ds. \quad (5)$$



2-расм

Эйлернинг вариацион тенгламасидан фойдаланиб, биз номаълумларга ($w, u_0, v_0, \Phi_1, \Phi_2, \tau_1, \tau_2$) нисбатан тўртинчи даражали дифференциал тенгламалар тизимини ҳосил қиламиз.

Мисол тариқасида, шиша толали мустаҳкамловчи қатламли икки қатламли цилиндрсимон қобик куйидаги параметрлар билан ҳисоблаб чиқилган:

- шиша толали ва металл кесиш модуллари $G_{12}^1 = 5.5 \cdot 10^3$ Мпа,

$G_{13}^1 = 4.2 \cdot 10^3$ Мпа, $G_{23}^1 = 0.35 \cdot 10^3$ Мпа, $G_{12}^2 = G_{13}^2 = G_{23}^2 = 7.87 \cdot 10^4$

Мпа;

- шиша толали ва металлнинг еластиклик модули

$E_1^{(1)} = 1.7 \cdot 10^4$ Мпа, $E_2^{(1)} = 5.0 \cdot 10^3$ Мпа, $E_1^{(2)} = E_2^{(2)} = 2.02 \cdot 10^5$ Мпа;

- ички босим $q = 0.1$ Мпа;

- Металл ва шиша толанинг Пуассон нисбати

$\mu_{12}^{(2)} = \mu_{21}^{(2)} = 0.3$, $\mu_{12}^{(1)} = \mu_{21}^{(1)} = 0.4$;

- қобик узунлиги $\ell = 30$ см;

- шиша толали ва металл қатламнинг радиуси (2-расмга қаранг).

$R_n = 10.5$ см, $R_M = 10.35$ см;

- металл қалинлиги $h_M = 2.04$ мм;

- шиша толали қатлам қалинлиги $\delta_n = 0.95$ мм;

- чок қалинлиги $h_w = 10^{-2}$ см (0 дан 1 мм гача).

Чокларни кесиш модуллари $G_{ш13}$ ва $G_{ш23}$ 1 дан ўзгарди 5×10^4 Мпа. гача.

Ҳисоблаш натижалари (2-расмда) қатламлардаги кучланиш ўзгаришлари кўринишида кўрсатилган. Бунда кўчишлар, салқилик (W) ҳамда силжиш функцияларининг кучланганлик ва деформацияланганлик ҳолатларини ўзгаришлари кўрсатилган.

Қатламга нисбатан чок ($G_{шik} < G_i^{(1)}, G_{шik} < G_i^{(2)}$), икки қаватли цилиндрсимон қобикларнинг кучланиш-деформация ҳолатига чок мос келишининг таъсири кўпроқ аниқланади. Чокнинг силжиш модулини ўн марта (50 дан 500 МПа гача) ошириш металлдаги кучланишни 4,8% га, мустаҳкамловчи (пўлатқатлам) да еса 8,5% га ўзгартиради. Чокнинг силжиш модули юқори бўлганда ($G_{шik}$) иккинчи қатлам кучланиши $\delta_\beta^{(2)}$ ни ўзгариши нисбатан кичик бўлади (0,1%).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Амбарцумян С.А. Общая теория анизотропных оболочек Изд-во «Наука», гл.ред. Ф.М.Л., Москва, 1974г

2. Лобанов Д.С., Вильдеман В.Э., Бабин А.Д., Гринев М.А. Экспериментальное исследование влияния внешних воздействующих факторов и эксплуатационных загрязнений на работоспособность полимерных волокнистых композиционных материалов // Механика композитных материалов. — 2015. — Т. 51, № 1. — С. 97—108
3. Воблых В.А., Дусматов А.Д. Напряженно-деформированное состояние комбинированных плит и оболочек с учетом поперечного сдвига и податливости клеевого шва, Д:Строительство и архитектура, сер.8,вып7 М.1981г
4. Lobanov D. S., Vildeman V. E., Babin A. D., Grinev M. A. Experimental research into the effect of external actions and polluting environments on the serviceability of fiber-reinforced polymer composite materials // Mechanics of Composite Materials, — 2015 — Vol. 51 — No. 1 —pp. 69-76.
5. Дусматов А.Д. Прочность и деформативность двухслойных плит с податливыми клеевыми швами. Деп.в ВНИИИС.Р.Ж.Строительство и архитектура,сер.8, вып.7, М.,1982.
6. Дўсматов А.Д., Каримов Е.Х. Кесиш қаттиқлигини ҳисобга олган ҳолда уч қатламли бирлаштирилган плиталарнинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш. " Саноатдаги композит материаллар " 29-Халқаро конференцияси материаллари , 2011 йил 6-11 июн, Ялта.(п445-446)
7. Sapozhnikov S. B., Ignatova A. V. Experimental and theoretical investigation of deformation and fracture of subcutaneous fat under compression // Mechanics of Composite Materials. —2013. — Vol. 48. — № 6. — P. 649-654
8. Shilova A.I., Wildemann V.E., Lobanov D.S. Researching damage mechanisms of carbon composites based on mechanical tests with monitoring acoustic emission // International Workshop on Failure of Heterogeneous Materials under Intensive Loading: Experiment and Multi-scale Modeling, Institute of Continuous Media Mechanics Ural Branch of Russian Academy of Sciences, 10-14 February 2014. —Perm, Russia. — pp. 62-63
9. Сергеевич Л. Д. Экспериментальные исследования деформационных и прочностных свойств полимерных композиционных материалов и панелей с наполнителем 2015 24-42
10. A.Dusmatov, Musayev Murodbek Xabibullo o'g'li. (2021). STRENGTH AND DEFORMATION CONDITIONS OF SLABS OF THE SECOND LAYER COMPOSITE MATERIALS. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE, 1(1), 9–14.

O‘LCHOV NATIJALARINI QAYTA ISHLASH USULLARINI TANLASH

Xo‘jakeldiyev Komil Nosirovich

Qarshi muhandislik iqtisodiyot institute

xujakeldiyevkomil@gmail.com

Mirzayev Jonibek Oltiyevich

Qarshi muhandislik iqtisodiyot institute o‘qituvchi

qmii-jonibek.mirzayev@mail.ru

Ibragimov O‘tkir Nurmamat o‘g‘li

Qarshi muhandislik iqtisodiyot institute

Utkir.ibragimov.92@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada xatolar nazariyasi va geodezik o‘lchashlarda ularning tasiri tuzatish haqida so‘z yuritilgan. Geodezik o‘lchashlarni olib borish davrida bu xatolarni iloji boricha kamroq tasir etish choralari va tenglashtirish yo‘llari ko‘rilgan.

Kalit so‘zlar: Eksperimental, xato, tenglashtirish, balandlik, koordinata, burchak, o‘lchash.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается теория ошибок и их исправление в геодезических измерениях. В период проведения геодезических измерений были приняты меры по минимизации влияния этих погрешностей и способы их нивелирования.

Ключевые слова: Экспериментальный, ошибка, уравнивание, высота, координата, угол, измерение.

ABSTRACT

This article discusses the theory of errors and their correction in geodetic measurements. During the period of geodetic measurements, measures were taken to minimize the impact of these errors and ways to equalize them.

Keywords: Experimental, error, equalization, height, coordinate, angle, measurement.

Eksperimental fizikaning asosiy vazifasi fizik hodisalarning miqdoriy tekshiruvi bo'lib, uning jarayonida jismoniy miqdorlarning raqamli qiymatlari aniqlanadi va natijada o'rganilayotgan hodisalarning qonunlari belgilanadi.

Miqdoriy tadqiqotlar ketma-ket ikki bosqichdan iborat:

- 1) jismoniy miqdorlarni o'lchash,
- 2) o'lchovlarning oxirida amalga oshiriladigan hisob-kitoblar, ya'ni o'lchov natijalarini matematik qayta ishlash.

O'lchov aniqligi har doim cheklangan va o'lchov natijasi o'lchangan qiymatning taxminiy qiymatini beradi. Buning sababi o'lchov vositalarining noto'g'riligi, o'rganilayotgan hodisa haqidagi bilimimizning to'liq emasligi, o'lchovlarga ta'sir qiluvchi barcha yon omillarni hisobga olish qiyinligi. Shunday qilib, har qanday o'lchov har qanday xato bilan amalga oshiriladi.

O'lchov paytida paydo bo'ladigan xatolar, ularning paydo bo'lishining muntazamligiga qarab, tizimli, tasodifiy va o'tkazib yuborilgan (qo'pol xatolar) ga bo'linadi.

Qo'pol xatolar o'lchash ishlarini ishlab chiqarishda jiddiy xatolar bilan bog'liq. Ushbu xatolar osongina aniqlanadi va o'lchovlarni qayta bajarish orqali yo'q qilinadi. [1]

Muntazam xato faqat eksperimental tarzda aniqlash mumkin: ularni standartlardan foydalanib qo'shimcha tekshirish, doimiy omillarni hisobga olish, o'lchash usullarini tanqidiy tahlil qilish, bir xil qiymatni aniqlash uchun turli usullardan foydalanish.

Agar sistematik xato aniqlansa, u o'lchovlarda hisobga olinadi va bu holda tuzatish deb ataladi.

Tasodifiy xatolar har doim eksperimentda mavjud bo'lib, ular bir o'lchovdan ikkinchisiga o'zgaradi va oldindan belgilanmaydi. Tasodifiy xatolar o'lchangan miqdorning haqiqiy qiymatiga nisbatan takroriy o'lchov natijalarini tarqalishiga olib keladi.

O'lchash natijasida vujudga keladigan qo'pol xato, muntazam (sistematik) xato va tasodifiy xatolar matematik qonuniyatdan kelib chiqqan holda tuzatiladi. Matematik qonuniyatlarni bo'yicha bir qancha geodezik olimlar o'z taklif va muloxazalarini yuritishgan.

Geodezik o'lchovlarni tenglashtirish — yer yuzasidagi nuqtalarning geodezik koordinatalarining eng ehtimolli qiymatini olish va o'lchash natijalarining to'g'riligini baholash uchun bajariladigan matematik amallar majmuasidir.

Tenglashtirish haddan tashqari o'lchangan qiymatlarda xatolar mavjudligi sababli tafovutlarni bartaraf etish va noma'lum noma'lumlarning eng mumkin bo'lgan qiymatlarini yoki ularning eng ehtimolga yaqin qiymatlarini aniqlash uchun amalga oshiriladi. Tenglashtirish jarayonida bunga o'lchangan qiymatlarga (burchaklar, yo'nalishlar, chiziq uzunligi yoki balandliklar) tuzatishlarni aniqlash orqali erishiladi.

Geodezik o'lchovlarni tenglashtirish qat'iy va soddalashtirilgan (qat'iy bo'lmagan) bo'lishi mumkin. Qat'iy tenglashtirish holatida tuzatishlar odatda eng kichik kvadratlar usuli yordamida aniqlanadi, shunda barcha tuzatishlar kvadratlarining yig'indisi eng kichik bo'ladi. Aniqlangan tuzatishlar va bunday tuzatishlar eng ehtimoliy (optimal) qiymatlarga ega. O'lchangan qiymatlarni sozlash uchun eng kichik kvadratlar usulini qo'llash, agar ularning xatolari tasodifiy xarakterga ega bo'lsa, juda qonuniydir.

Shunday qilib, tekis uchburchakning eng oddiy misolida burchaklar yig'indisi qat'iy ravishda 180° ga teng bo'lishi kerak. O'lchov xatolari tufayli o'lchangan burchaklar odatda bu shartni qondirmaydi va tegishli tuzatishlar qo'shib tuzatilishi kerak.

Geodeziya tarmoqlarini, ayniqsa yirik tarmoqlarni qat'iy tartibga solish bir qator texnik va tashkiliy qiyinchiliklar bilan bog'liq. Shuning uchun amalda ko'pincha soddalashtirilgan (qat'iy bo'lmagan) sozlash qo'llaniladi, unda barcha geometrik shartlar qondiriladi va miqdorlarning eng mumkin bo'lgan qiymatlari va aniqlik bahosi taxminan olinadi.

Geodeziya amaliyotida qat'iy va soddalashtirilgan tenglashtirish bilan, asosan, ikkita sozlash usuli keng qo'llaniladi: shartli o'lchovlar usuli va o'rtacha o'lchovlar usuli. Birinchi usulda tuzatishlar to'g'ridan-to'g'ri o'lchangan qiymatlarga, ikkinchisida ularning funktsiyalariga (qoida tariqasida, koordinatalarga) so'raladi.

Har qanday tenglashtirish usuli quyidagi asosiy jarayonlardan iborat: dastlabki hisob-kitoblar, shartli tenglamalar yoki xato tenglamalarini tuzish, normal tenglamalarni tuzish, normal tenglamalarni yechish, o'lchangan va rostlangan qiymatlarning aniqligini baholash. Ko'p sonli normal tenglamalar bilan tenglashtirish hisob-kitoblarining eng ko'p vaqt talab qiladigan qismi ularning yechimidir, shuning uchun u odatda kompyuterda amalga oshiriladi. Tenglamalar noma'lumlarni ketma-ket yo'q qilish (Gauss sxemasi) yoki iteratsiya (yaqinlashmalar) yo'li bilan yechilishi mumkin. Ba'zan normal tenglamalar tuzilmaydi, bu holda noma'lumlar to'g'ridan-to'g'ri shartli tenglamalar yoki xato tenglamalar yechimidan aniqlanadi. Ba'zi hollarda, past aniqlikdagi geodezik o'lchovlar materiallarini qayta ishlashda natijalarni tenglashtirish grafik tarzda amalga oshiriladi.

Geodeziya amaliyotida turli xil tenglashtirish usullari qo'llaniladi: parametrik, korrelyatsion, kombinatsiyalangan, takroriy, bog'liq o'zgaruvchilar bilan parametrik usul, qo'shimcha parametrlar bilan korrelyatsiya usuli, ketma-ket yaqinlashish usuli va boshqalar.

Bu usullarni qaysi birini tanlashni, tenglashtirishga qo'yilgan talabdan va tenglashtirishning optimal variantini tanlashdan kelib chiqib tanlanadi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Mirzayev J. "Xatolar nazariyasi haqida umumiy ma'lumot" ORIENS jurnal 2022 yil 1-son 1175-1177 betlar.
2. Jo'rayev D. "Geodeziya II" Toshkent 2006
3. Jo'rayev D. Jo'rayeva H. "Geodezik o'lchashlarni matematik ishlash nazariyasi" 1-2- qism Toshkent. 2014
4. <http://spbtgik.ru/book/1123.htm>

SOTSIAL PSIXOLOGIYADA OILA MUAMMOSI

Boboxolova Shahnoza Akrom qizi

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti

Amaliy psixologiya ta‘lim yo‘nalishi 2-bosqich talabasi

bobokholovashakhnoza@gmail.com

Qo‘chqorova Dilnoza Sherboboyevna

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti

Amaliy psixologiya ta‘lim yo‘nalishi 3-bosqich talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada oila va nikoh, ularning kelib chiqishi, ya‘ni yaratilish tarixi, oilaviy vaziyatlar va undagi hayot-mamot, turmush masalalari, oila a‘zolari va ular o‘rtasida uchrab turadigan turli nizolar, kelishmovchiliklar, tortishuvlar, muammolar, ajrim holatlari va bu vaziyatlardan qanday qilib chiqish lozim ekanligi, muammolarni yechish usullari, yo‘llari, bu borada psixologlarning o‘ziga xos tavsiyalari to‘g‘risida batafsil yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Oila, nikoh, turmush, ajrim, inqiroz, muammo, yechim, sotsiologiya, psixologiya, jamiyat, islohot, ijtimoiy birlik, munosabat, maskan.

ABSTRACT

In this article, the family and marriage, their origin, ie the history of creation, family situations and life and death in it, marriage issues, family members and various conflicts, disagreements, disputes, problems, rulings between them There is a detailed description of the situation and how to get out of these situations, ways to solve problems, specific recommendations of psychologists in this regard.

Keywords: Family, marriage, marriage, divorce, crisis, problem, solution, sociology, psychology, society, reform, social unity, relationship, place.

KIRISH

Biz bilamizki, odamzot paydo bo‘lganidan tortib to hozirgi kunga qadar oila muqaddas qo‘rg‘on, tarbiya o‘chog‘i, madaniyat va ma‘rifat maskani sifatida e‘tirof etib kelinmoqda. Shunga ko‘ra, oila ijtimoiy institutlarning eng qadimgisi sanaladi. Insoniyat boshidan kechirgan turli tarixiy davrlar qanchalar turfa xil va murakkab bo‘lishiga qaramasdan o‘zining kuch-qudrati, sabr-toqati bilan qiyinchiliklarni yengib o‘tgan jamiyatning bo‘g‘inidir. Ayniqsa, XIX asrning oxiri XX

asrning boshlarida ro'y bergan buyuk o'zgarishlar, islohotlarga dosh bera olgan, sog'omon chiqa olgan ushbu maskan o'zining tarkibi, tuzilishi, tarixi, jamiyat oldidagi muayyan majburiyatlari va vazifalari nuqtai nazaridan kelib chiqqan holda tashkil topgan tuzilma hisoblanadi. Oilani insoniyat tashkil qiladi. Oiladagi hayot-mamot masalalari, a'zolar o'rtasidagi munosabatlarni tashkil topishini hisobga oladigan bo'lsak, bu yerni tom ma'noda, chinakamiga sof psixologik jarayonlar maskani deb yuritishimiz mumkin. Oila- bu o'ziga xos ijtimoiy birlik bo'lib, unda er va xotinning o'zaro ittfoqi, maishiy hayot birligi, axloqiy va huquqiy birligi, ota-onalarning farzandlar oldidagi muayyan majburiyatlari, burchlari, vazifalari va o'z navbatida farzandlarning ham ota-onalari oldidagi burchlardan tashkil topadi. Shu o'rinda aytishimiz mumkinki, oila jamiyatning bir bo'lagi sifatida e'tirof etilar ekan, uning jamiyat oldidagi muayyan majburiyatlari va vazifalari haqida to'xtalib o'tadigan bo'lsak, ular quidagilardan iborat:

- Har bir inson o'z oilasining moddiy va ma'naviy ehtiyojlarini qondirishi bilan bir qatorda, jamiyat va davlatning ehtiyojlarini qondiruvchi yetuk shaxs sifatida o'z faoliyatini olib borishi;
- O'z yurti uchun munosib bo'lgan sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalab, voyaga yetkazishi, uning ilm olishi, kamolga yetishi uchun shart-sharoitlarni yaratib berishi;
- Bog'-u rog'lar, inshootlar, binolar bunyod etishi;
- Doimo xalq xizmatida kamarbasta bo'lib, yaxshi- yomon kunlarda yonida turishi.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Shu jihatdan olib qaraganda Xitoy ta'lim tizimiga nazar solmoqlikni joiz deb bildik. Unga ko'ra, „Buguningni o'ylasang bug'doy ek, ertangni o'ylasang daraxt ek, kelajagingni o'ylasang ilm ol”⁵¹. Oila borasida chet el psixologlari juda ko'plab izlanishlarni olib borishgan. Natijada sotsiologiyada oila psixologiyasi fani vujudga keldi. Dastavval, bu fanga nisbatan nopisandlik bilan qarash holati kuzatildi. Bunga asosiy sabab esa bu fan mustaqil fan bo'lmaganli uchun uning kelajagi yo'q deb hisoblanishi bo'ldi. Bu holatni quidagi misollar orqali izohlashimiz mumkin: oilada o'tkaziladigan ekspremental metodlarning kamligi, ularning deyarli o'tkazilmasligi va bu nihoyatda qiyin ekanligi, shaxsiy tajribalarning ishonchli emasligi bahona bo'lar edi. Shunga qaramasdan Sharq mutafakkirlari, allomalari, shoir-u fuzalolari o'z ijodida oila masalasiga oid muhim qarashlarni bayon etganlar. Oilani o'rganish qadimdan boshlangan. Buni xalq og'zaki ijodining ertak, doston, she'r va qo'shiqlarida

⁵¹ Konfutsiy ta'limoti.

kuzatishimiz mumkin. Jumladan, Yusuf Xos Hojibning „ Qutadg‘u bilig “(„Baxtga eltuvchi saodat), Alisher Navoiyning „Mahbub ul-qulub“, Abu Ali ibn Sinoning “Risolayi ishq”, Boburning “Boburnoma”, Ahmad Yassaviyning „ Hikmat” lari, al-Buxoriyning hadislari va shunga o‘xshash ko‘plari asarlarni misol tariqasida keltirish mumkin. Yusuf Xos Hojibning fikricha, uylanmagan yigitlar oila qurishdan oldin bo‘lajak kelin bo‘lmishning kasb-korini, turmush tarzini, xulq-atvorini, yetti pushtisini surishtirib ko‘rmog‘i kerak.⁵²

Darhaqiqat, ikki yosh ahd-u paymon ila, sevib- sevilib, bir-birini tushinib, otanalar rizoligi asosida bir-birlariga ma‘qul ko‘rilsa, Alloh in‘om etgan buyuk tuyg‘u-muhabbatning qadrlanishi asnosida turmush qurishlari maqsadga muvofiqdir. Oila deya atalmish qo‘rg‘on devorlarining mustahkam bo‘lishi uchun esa yuksak ishonch, o‘zaro hurmat kabi aloqa ko‘priklari mustahkam bo‘lishi lozim. Shu asnoda, Bobur hazratlarining o‘g‘li Humoyun Mirzoga qilgan nasihatlarini eslab o‘tishimiz maqsadga muvofiq bo‘lardi. Hazrat o‘g‘liga oila borasida shunday nasihat qiladi: „ O‘g‘lim, sizga otalik so‘zim, kun kelib uylanishni ixtiyor qilsanggiz, zinhor qo‘shxonanggizga may birla kirmanggiz. In chunun zurriyotlarininggiz sog‘lom dunyoga kelgay.⁵³

NATIJALAR

Ko‘rib turganimizdek, oilaga e‘tibor kecha yoki bugun paydo bo‘lib qolmagan, balki asrlar davomida shakllanib kelgan. Yurtimizda oilaga bo‘lgan asosiy e‘tibor 1960-yilning oxiri 1970-yillarning boshlarida yuzaga kelgan. Bunga asosiy sabab esa oilaviy nizolarning avj olishi, ajrimlar sonining asta- sekinlik bilan ortib borishi bo‘ldi. Bunday vaziyatlarda inqirozlar oilaviy muammolarning asosiy ildizi bo‘lib xizmat qiladi. Oilaviy munosabatlar inqirozining bir necha bosqichlari mavjud:

- 1- inqiroz- bir yillik inqiroz bo‘lib, u ko‘pincha yangi turmush qurgan, yosh oilalarda uchrab turadi.
- 2- inqiroz- uch yillik inqiroz deya nomlanib, farzandsizlik va ayol organizmida homilaning hosil bo‘lmasligi bilan kechadigan jarayonlarni qamram oladi.
- 3- inqiroz-to‘ng‘ich inqirozi. Bu asosan oilada birinchi farzand dunyoga kelganda ota-onada kuzatiladigan holatlardan iborat.
- 4- inqiroz- besh yillik inqiroz.
- 5- inqiroz- yetti yillik inqiroz bo‘lib, oiladagi bir xil munosabatlardan zerikish ta‘sirida kelib chiqadi.

⁵² Yusuf Xos Hojibning „ Qutadg‘u bilig “(„Baxtga eltuvchi saodat)

⁵³ Zahiriddin Muhammad Bobur „Boburnoma”

6- Inqiroz- o'n to'rt yillik nikoh davrini qamrab olib, bolaning o'tish davriga, ota-onaning esa o'rta yosh davriga to'g'ri keladi.

7- Inqiroz- farzandlar ulg'ayganda ular bilan sodir bo'ladigan vaziyatlar er va xotin munosabatiga ham ta'sir qiladigan davr.

Yuqoridagi barcha inqiroz turlarida kuzatiladigan salbiy vaziyatlarning kelib chiqish sabablari quidagilardan iborat: moslasha olmaslik, er va xotin oiladagi o'z funksiyalarini yaxshi bilmasligi, ehtiyojlarni o'z vaqtida ayta olmaslik, qoniqmaslik, garmonal o'zgarishlar, farzandsizlik, farzandli bo'lgach ayollarning o'zlariga qaramay qo'yishi, erga nisbatan e'tiborini kam qaratishi, erdan o'zini olib qochish, farzand tarbiyasida erni jalb qilmaslik, oilaviy majburiyatlarning to'g'ri taqsimlanmasligi va boshqalar.

MUHOKAMA

Muammolarning yechimi

Har narsaning ham o'z yechimi bor. Yaratgan mavjudodlar ichida faqat insoniyatnigina choralı-tadbirli qilib yaratgan. Shunday ekan hayotimizdagi kichik nizolardan katta muammolarni yasamasligimiz lozim. Inqirozlarni bartaraf etish uchun ularni qay tarzda kelib chiqishini, sabablarini bilishimiz lozim. Hayotimiz davomida qilgan har bir to'g'ri va noto'g'ri amallarimiz bizga ma'lum bir narsani o'rgatadi, nimagadir imon beradi. Demak, biz yuqorida sanab o'tgan 7 inqirozning bizga beradigan imkoni to'g'risida to'xtalib o'tadigan bo'lsak:

1- inqiroz- Ko'p narsani: aynan yangi turmush qurganlar bir-birlariga moslashishni, tushinishni, oilani qadrlashni, er va xotin funksiyalarini, ehtiyojlarini bemalol, xijolat bo'lmasdan ayta olishni, qoniqish hosil qilishni o'rgatadi.

2- inqiroz-3yillik bo'lib, endi ular bir-birlarini yaxshi bilishi, yoshlikdagi sevgining so'nishi, ehtirosiga to'la „pushti ko'zoynaklarning“ yechilishi tufayli o'rtadagi munosabatlarni buzilishi natijasida, men tanigan, bilgan inson nahotki shu bo'lsa, hayot deganlari shu ekanmi? Deya o'ylamasliklari, afsus qilmasliklari uchun tez-tez dil izhori qilib turishlari, kutilmagan sovg'a sifatida har xil hadyalar in'om etishlari, sevib-sevilib, baxtli yashash imkonini beradi.

3- Inqiroz- to'ng'ich inqirozi bo'lib, bunda bosh farzand tug'ilgach, endi unga ko'proq e'tabor qaratish bilan bir qatorda erga ham o'z navbatida, kerakli o'rinda e'tiborli bo'lishlari talab etiladi. Vaqt ajratishi, suyib erkalashlar, doimo go'zal bo'lib yurishlar, bola parvarish ishlarini birgalikda amalga oshirish, tashqi ta'sirlarni bartaraf etib, oila tinchligini saqlash, hamnafas, hamfikir, hamsuhbat bo'lib yashashlari kerak bo'ladi.

4- Inqiroz- 5 yillik inqiroz bo‘lib, bu davrda oilaviy majburiyatlar taqsimoti to‘g‘ri tashkil qilinmasligi, tushunmovchiliklar, biroz tortishuvlar yuzaga kelganida er bilan tortishmasdan hotirjam gaplashish tavsiya etiladi

5- Inqiroz- bu 7 yillik inqiroz bo‘lib, u bir xillilik deb ataladi. Aynan, bunday vaziyatlarda xiyonat yuz bermasligi uchun, o‘ziga xos yangi his tuyg‘ularni yaratishlari, birgalikda sayohatga chiqishlari, ta‘tillarni o‘tkazishlari muhimdir. Aynan shu maslahatlarga amal qilinsa, ehtimol er va xotin bir- birlariga kerakli ekanliklarini his etishlari mumkin.

6- Inqiroz- 14 yillik nikoh davridir. Bunda bolaning o‘tish vaqti bo‘libgina qolmay, balki ota-onalarda ham o‘rta yosh davridir. Bunday vaqtlarda ota-onalar va farzandlar o‘rtasidagi munosabatlar yomonlashishi ehtimoli uchrab turadi. Ularning vujudga kelmasligi uchun yangi qiziqishlar topish kerak. Ota-ona ham, farzandlar ham bir xil odatiy hayotdan chalg‘igan holda, emotsional holatlarini biroz yengillatib olishlari darkor.

7- Inqiroz- ulg‘aygan farzandlar inqirozi bo‘lib, farzandlar „uchirma“ bo‘lgach, ota-onalar yolg‘iz qoladilar, ularning o‘rtasida begonalik hissi bo‘lmasligi uchun er bilan ayol qaytadan tanishishi, o‘zlari uchun bir-birlarining yangidan yangi qirralarini kashf etishlari kerak. Ushbu gaplarga qo‘shimcha qilgan holda Abu Ali ibn Sinoning Abdulla ibn Ja‘fa tilidan ayollar, qizlar va yosh kelinlarga qilgan quidagi nasihatlarini keltirib o‘tsak: „, Rashkdan saqlangil, chunki u taloqning kalitidir. Senga eringni tanqid qilishni ta‘qiqalayman. Negaki, tanqid nafratni uyg‘otadi. O‘zingni bezab yurgil. Buning uchun eng yaxshi vosita surmadur. Xushbo‘y atirlardan foydalan. Ular orasidagi eng yaxshisi suvdur. Suv-yuza tomonga jilo beradi, qalbni poklaydi.“⁵⁴

Ha rostdan ham har bir inson hayot so‘qmoqlaridan asta sekin yurib borar ekan, yo‘l davomida uchraydigan umr daryosidagi shiddat bilan oqayotgan kuchli oqimlarga, turli to‘fonlarga duch keladi. Ana shu dovullardan eson-omon chiqa olish uchun har bir ayol-u erkak oiladagi o‘z vazifalarini yaxshi bilishi kerak.

Xususan, oilada erning ayoli oldidagi burchlari ikkiga bo‘linadi:

- a) moliyaviy;
- b) muomalaviy;

Mahr berish, nafaqa to‘lab borish, xotinini xotin sharafiga to‘y qilib olib kelish kabi burchlar yuqorida aytib o‘tilgan, erning rafiqasi oldidagi bajarishi lozim bo‘lagan burchlariga misol bo‘la oladi. Xo‘sh, endi ayolning erkak oldidagi burchlari qanday degan savolga javob berib o‘tadigan bo‘lsak, xotin birinchi o‘rinda erga itoat etmoqligi, erining ruxsatisiz nafl ro‘zasini tutmasligi, barcha yumushlarini bajarayotganda eriga

⁵⁴ Abu Ali ibn Sino „, Risolayi ishq“.

nisbatan xushmuomila bo'lishi, eridan ruxsatsiz biror amal bajarmasligi lozim. Bundan tashqari ayol kishi oilada nafaqat xotin rolini, balki kelin rolini ham ijro etishi zarur sanaladi. Demak, kelinlarning oilasi oldidagi burchlari va ular nimalarni bilishi muhim ekanligi to'g'risida:

- Muomala madaniyatini yaxshi bilmoqliklari lozim.
- Shirin taomlar tayyorlay olishi lozim.
- Chevarchilik hunarini egallagan bo'lishi lozim.
- Yangi muhitga, yangi oilagan tezda moslasha olishi kerak.
- Hamshiralik qila olishi juda muhim sanaladi.

Oila masalasiga juda ko'plab olimlar o'zlarining munosabatlarini bildirib, fikrlarini asoslaganlar. Oilaviy masalalar bilan, asosan, psixoterapevtlar oila terapiyasi orqali ish olib boradilar. Bunda ular ham psixologik, ham terapevtik usullardan foydalangan holda, "ko'zgu"ni har ikki tomonga ham yo'naltirib ko'rishadi va vaziyatni mo'tadillashtirib, har bir insonni o'zini-o'zi anglashi uchun zamin yaratib berishadi.

XULOSA

Tan olib aytishimiz kerakki, barchaning oilasida tinch-totuv kunlar bilan bir qatorda notinch kunlar ham, quvonch bilan bir qatorda qayg'uli va qora bulutli kunlar ham bo'lib turadi. Ammo, bunday vaziyatni tinchitish yoki, aksincha, yanada alangalatish shu oila a'zolarining o'z qo'lidadir. Har qanday holatda ham, eng qaltis vaziyatlarda ham ota-onadan talab qilinadigan narsa bu bosiqlik, vazminlik, sokinlikdir. Ota-onalar oddiy masala yuzasidan gaplashayotganlarida ham, murakkab vaziyatni tahlil qilayotganlarida ham yonlarida farzandlari bor ekanligini his qilishlari lozim. Sababi, har bir oilada kelajak avlod shakllanib keladi. Ularga rangli va chiroyli hayotni ko'rsatish orqaligina kelajagimiz tinchligini ta'minlashimiz mumkin. Shunday ekan har bir inson o'z oilasida tinchlik deya atalmish muqaddas ne'matni qadriga yetib yashashi lozim. Tinch oilada fayz-baraka ham, baxt-saodat ham ortig'i bilan bo'ladi. Shunday ekan har birimiz baxtli kunlarimizni qadriga yetib yashaylik.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Konfutsiy. Hikmatlar. Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. Toshkent – 2012.
2. Yusuf Xos Hojib. "Qutadg'u bilig" ("Baxtga eltuvchi bilim"). Toshkent, "Fan" – 1971.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur. "Boburnoma". Toshkent, "Yangi asr avlodi" – 2018.
4. Abu Ali ibn Sino. "Risolayi ishq". www.ziyonet.uz

TENGLASHTIRISH USULLARI

Xo'jakeldiyev Komil Nosirovich

Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti

xujakeldiyevkomil@gmail.com

Mirzayev Jonibek Oltiyevich

Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti o'qituvchi

qmii-jonibek.mirzayev@mail.ru

Ibragimov O'tkir Nurmamat o'g'li

Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti

Utkir.ibragimov.92@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada geodezik o'lchashlarda bog'lanmaslik xatolarini yo'qotish usullari haqida so'z yuritilgan. Geodezik o'lchashlarni tenglashtirish usullarini tanlash va bu davrida xatolarni iloji boricha optimal tarqatish yo'llari ko'rilgan.

Kalit so'zlar: bog'lanmaslik, xato, tenglashtirish, korelatiya, parametrik, burchak, balandlik.

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь шла о способах устранения погрешности привязки при геодезических измерениях. Выбор методов выравнивания геодезических измерений и построение путей максимально оптимального распределения погрешностей в данном периоде.

Ключевые слова: несвязанность, погрешность, выравнивание, корреляция, параметрическая, угол, высота.

ABSTRACT

This article is about the methods for eliminating non-linking errors in Geodetic measurements. The choice of methods of Equalization of Geodetic measurements and ways of distributing errors as optimally as possible during this period was seen.

Keywords: non-binding, error, equalization, correlation, parametric, angle, height.

O'lchovlar bevosita yoki bilvosita bo'lishi mumkin. Belgilangan qiymat o'lchov birligi bilan to'g'ridan - to'g'ri taqqoslash natijasida olinganda bunday o'lchovlar

bevosita deyiladi. Masalan, yer o'lchagich lenta, lenta o'lchovi bilan chiziqlar uzunligini o'lchash. Bilvosita o'lchovlar - bu aniqlanishi kerak bo'lgan miqdor boshqa bevosita o'lchangan miqdorlarning funktsiyasi sifatida olinadi. [1] Bu o'lchashlarga tashqi muhit, asbob, o'lchov usuli va inson omili tasirida o'z – o'zidan xatolar vujudga keladi. Buning natijasida bu xatolarni to'g'irlash (tenglashtirish) kerak bo'ladi.

Geodezik o'lchovlarni tenglashtirish — yer yuzasidagi nuqtalarning geodezik koordinatalarining eng kerakli ehtimolliiy qiymatini olish va o'lchash natijalarining to'g'riligini baholash uchun bajariladigan matematik amallar majmuasidir.

Tuzatish haddan tashqari o'lchangan qiymatlarda xatolar mavjudligi sababli tafovutlarni bartaraf etish va noma'lumlarning eng mumkin bo'lgan qiymatlarini yoki ularning eng ehtimolga (haqiqatga) yaqin qiymatlarini aniqlash uchun amalga oshiriladi. Tenglashtirish jarayonida o'lchangan qiymatlarga (burchaklar, yo'nalishlar, chiziq uzunligi yoki balandliklar) tuzatishlarni aniqlanadi.

Geodezik o'lchovlarni tenglashtirish qat'iy va soddalashtirilgan (qat'iy bo'lmagan) bo'lishi mumkin. Qat'iq tuzatish holatida tuzatishlar odatda eng kichik kvadratlar usuli yordamida aniqlanadi, shunda barcha tuzatishlar kvadratlarining yig'indisi eng kichik bo'ladi. Aniqlangan tuzatishlar va bunday tuzatishlar eng ehtimolliiy (optimal) qiymatlarga ega bo'lishi kerak. O'lchangan qiymatlarni sozlash uchun eng kichik kvadratlar usulini qo'llash, agar ularning xatolari tasodifiy xarakterga ega bo'lsa, juda mos qonuniyatdir.

Shunday qilib, tekis uchburchakning eng oddiy misolida burchaklar yig'indisi qat'iy ravishda 180° ga teng bo'lishi kerak. O'lchov xatolari tufayli o'lchangan burchaklar odatda bu shartni qondirmaydi va tegishli tuzatishlar qo'shib tuzatilishi kerak. O'lchangan burchaklar yig'indisini 180° ga keltiradigan barcha cheksiz tuzatishlar to'plamidan faqat bitta tuzatish tizimi ularning kvadratlari yig'indisi minimal bo'lgan xususiyatga ega; bunday tizim eng ehtimolli hisoblanadi.

Geodeziya tarmoqlarini, ayniqsa yirik tarmoqlarni qat'iy tartibga tenglashtirish bir qator texnik va tashkiliy qiyinchiliklarga ega. Shuning uchun amalda ko'pincha soddalashtirilgan (qat'iy bo'lmagan) tenglashtirish qo'llaniladi, unda barcha geometrik shartlar qondiriladi va miqdorlarning eng mumkin bo'lgan qiymatlari va aniqlik bahosi taxminan olinadi.

Geodeziya amaliyotida qat'iy va soddalashtirilgan tenglashtirish bilan, asosan, ikkita tenglashtirish usuli keng qo'llaniladi: shartli o'lchovlar usuli va o'rtacha o'lchovlar usuli. Birinchi usulda tuzatishlar to'g'ridan-to'g'ri o'lchangan qiymatlarga, ikkinchisida ularning funktsiyalariga (qoida tariqasida, koordinatalarga) tuzatishlar kiritiladi.

Har qanday tenglashtirish usuli quyidagi asosiy jarayonlardan iborat: dastlabki hisob-kitoblar, shartli tenglamalar, normal tenglamalarni tuzish, normal tenglamalarni yechish, o'lchangan va tenglashtirilgan qiymatlarning aniqligini baholash. Ko'p sonli normal tenglamalar bilan tenglashtirish hisob-kitoblarining eng ko'p vaqt talab qiladigan qismi ularning yechimidir, shuning uchun u odatda kompyuterda amalga oshiriladi. Tenglamalar noma'lumlarni ketma-ket yo'q qilish (Gauss sxemasi) yoki iteratsiya (yaqinlashmalar) yo'li bilan yechilishi mumkin. Ba'zan normal tenglamalar tuzilmaydi, bu holda noma'lumlar to'g'ridan-to'g'ri shartli tenglamalar yechimidan aniqlanadi. Ba'zi hollarda, past aniqlikdagi geodezik o'lchovlar materiallarini qayta ishlashda natijalarni tenglashtirish grafik tarzda amalga oshiriladi.

Geodeziya amaliyotida turli xil tenglashtirish usullari qo'llaniladi: parametrik, korrelyatsion, kombinatsiyalangan, takroriy, bog'liq o'zgaruvchilar bilan parametrik usul, qo'shimcha parametrlar bilan korrelyatsiya usuli, ketma-ket yaqinlashish usuli va boshqa bir qancha tenglashtirish usullari.

Eng kichik kvadratlar usuli tasodifiy xatolarni o'z ichiga olgan o'lchov natijalaridan noma'lum miqdorlarni baholash uchun xato nazariyasi usullaridan biridir. Eng kichik kvadratlar usulini C.F.Gauss va A.Legendre taklif qilgan. Dastlab bu usuldan astronomik va geodezik kuzatishlar natijalarini qayta ishlash uchun foydalanilgan. Qat'iy matematik asoslash va eng kichik kvadratlar usulining mazmunli qo'llanilishi chegaralarini aniqlash A.A.Markov va A.N.Kolmogorov tomonidan berilgan. Hozirgi vaqtda bu usul matematik statistikaning eng muhim bo'limlaridan biri bo'lib, fan va texnikaning turli sohalarida statistik xulosalar qilish uchun keng qo'llaniladi.

Eng kichik kvadratlar usuli berilgan funktsiyani boshqa (oddiyroq) funktsiyalar bilan yaqinlashtirish uchun ham qo'llaniladi va ko'pincha geodezik o'lchovlarni qayta ishlashda foydalidir.

Eng kichik kvadratlar usuli ikkita asosiy usulni o'z ichiga oladi: korrelyatsiya va parametrik, ular qat'iy tenglashtirish bilan bir xil natijalarni beradi. Usulni tanlash odatda hisob-kitoblar hajmiga bog'liq bo'lib, bu asosan birgalikda hal qilingan tenglamalar soni bilan belgilanadi, ya'ni, tarmoq konfiguratsiyasi. Korrelyatsiya qilingan usul erkin tarmoqlar va boshlang'ich nuqtalari kam va aniqlanganlar soni ko'p bo'lgan tarmoqlar uchun maqbulroqdir, chunki tenglamalar soni ortiqcha o'lchovlar soniga teng. Parametrik usul, aksincha, ko'p sonli boshlang'ich va oz sonli aniqlangan tarmoqlar uchun foydalidir, chunki tenglamalar soni kerakli o'lchovlar soniga teng bo'ladi.

Korrelyatsiya usulining g'oyasi o'lchangan qiymatlarga korrelyatsiya deb ataladigan yordamchi noaniq omillar orqali tuzatishlarni topishdir. Korrelyatsion usul

bilan tuzatishning mohiyati shundan iboratki, Teylor qatorida kengaytirilgan tenglama funksiyasining minimalini topish muammosi Lagranj usuli bilan ma'lum korrelyatsiyalar bilan hal qilinadi, buning natijasida korrelyatsion tuzatish tenglamalari (tuzatish vektorlari) olinadi. Tuzatish tenglamalarini o'zgartirish orqali normal korrelyatsion tenglamalar olinadi, ular orqali tuzatishning eng muhim bo'lgan qiymatlari topiladi.

Parametrik usul o'lchov qiymatlari uchun emas, balki ba'zi taxminiy qiymatlar (parametrlar) uchun tuzatishlarni hisoblashni nazarda tutadi, ya'ni, geodezik tarmoqlarda nuqtalarning koordinatalari yoki balandligi bo'lgan tenglamaning yakuniy natijalariga va o'lchangan tarmoq elementlarining eng mumkin bo'lgan qiymatini chetlab o'tib, parametrlarning eng mumkin bo'lgan qiymatlarini to'g'ridan-to'g'ri olish.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Mirzayev J. "Xatolar nazariyasi haqida umumiy ma'lumot" ORIENS jurnal 2022 yil 1-son 1175-1177 betlar.
2. Jo'rayev D. "Geodeziya II" Toshkent 2006
3. Jo'rayev D. Jo'rayeva H. "Geodezik o'lchashlarni matematik ishlash nazariyasi" 1-2- qism Toshkent. 2014
4. Muborakov X. Geodeziya. Cho'lpon nomidagi nashriyot- matbaa ijodiy uyi, 2007-y.
5. Qo'ziboyev T.K. Geodeziya T., O'qituvchi 1975 y

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Тўева Мухайё Шухрат қизи

Тошкент давлат педагогика университети 1 босқич магистранти

Timaramanov67@gmail.com

АННОТАТСИЯ

Янгиланаётган Ўзбекистонда хотин қизларни ҳуқуқлари нечоғлик ҳимоя қилинганлиги ва кафолатланганлиги ҳақида аниқ илмий хулосалар бериш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш.

Калит сўзлар: Адолат, гендер тенглик, матонат, жасорат, сабр тоқат, ижтимоий ва маънавий муҳитни соғломлаштириш.

АННОТАЦИЯ

Дать четкие научные выводы о том, как защищены и гарантированы права женщин в обновленном Узбекистане и повысить правосознание.

Ключевые слова: Справедливость, гендерное равенство, стойкость, мужество, терпение, здоровая социальная и духовная среда.

ABSTRACT

To give clear scientific conclusions on how women's rights are protected and guaranteed in the renewed Uzbekistan and to raise legal awareness.

Keywords: Justice, gender equality, perseverance, courage, patience, healthy social and spiritual environment.

КИРИШ

Бахор фаслининг биринчи кунидан президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишининг мавзуси ҳам аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларига бағишланган эди. Хотин қизлар ҳақ ҳуқуқлари деганда кўпчиликка эриш туюладиган бу тушунча бугунги кунда қонун билан ҳимоя қилинибгина ҳуқуқлари тامينланмоқда. Ҳалигача юртимизда аёлларга нисбатан бир поғона пастда юриш керак деган тушунча ва қарашлар сақланиб қолган, шунингдек хотин қизларимизнинг нафақат бугунги кундаги мақоми ва жамиятдаги обрўйи энг аввало унинг оиласидаги ўрни ҳамда фарзандлари тарбиясидаги муваффақиятига боғлиқ эканини чуқур ўйлашимиз зарур. Конститутсиямизнинг 46-моддаси “Хотин қизлар ва эркаклар тенг

хуқуқлидирлар⁵⁵» деб қонунда мустақкамлаб қўйилганига қарамасдан ҳалигача биз ўзимизни тенг хуқуқли деб ҳис этолмаймиз. Сабаби хотин қизларнинг ҳақ хуқуқлари паймол бўлиши, қадрини пастга уриш, оилаларнинг бузилишида айбдор ҳалигача аёл.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» davlat ilmiy nashriyoti O‘zbekiston Xotin-qizlar qo‘mitasi va Vazirlar mahkamasi huzuridagi «Oila» ilmiy amaliy tadqiqot markazi bilan hamkorlikda «Oila ensiklopediyasi» hamda «Xotin-qizlar ensiklopediyasi» kitoblarini nashrdan chiqardi.

«Oila ensiklopediyasi»da oila institutining yosh avlodni ma‘nan kuchli, aqlan yetuk, barkamol qilib tarbiyalashdagi roli va ahamiyati, oiladagi shaxslar aro munosabatlarning turlari to‘g‘risidagi ma‘lumot keltirilgan. Sog‘lom psixologik muhitni tarkib toptirishda ota-onalarning huquqiy, ma‘naviy, tibbiy, iqtisodiy, psixologik bilimlarini farzand tarbiyasida qo‘llay olish choralari haqida tavsiyalar berilgan.

Mazkur ensiklopediyalarni keng omma e‘tiboriga taqdim etish maqsadida 5-mart kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligining press-xolida taqdimot marosimi o‘tkazilishi rejalashtirilgan.

Ushbu bir jildli ensklopediya ayollarga bag‘ishlangan. Unda qiz bolaning dunyoga kelishidan boshlab, uni tarbiyalab o‘stirish, balog‘at yoshiga yetguniga qadar ichki va tashqi dunyosida yuz beradigan o‘zgarishlar, qiz bolani oila qurishga tayyorlash, er-xotinlik munosabatlari, ro‘zg‘or tashvishlari, kelajak baxti, oilani yaxshilash, ruhiy muhit, muhabbat va vafo masalalari o‘rin olgan.

Kitob 9 bo‘limdan iborat. Har bir bo‘limda xotin-qizlar hayotida muayyan o‘rin va ahamiyatga ega bo‘lgan masalalar guruhlariga ajratib, izchil yoritilgan. Kitobning ijodkorlari o‘zbek ayollari bilishlari lozim bo‘lgan umumbashariy masalalarning eng muhimlarini tanlab olar ekanlar, imkon doirasida har bir mavzuda sharqona, o‘zbekona odatlarimiz kelib chiqqan holda fikr yuritganlar.

Kitobning uslubi ayol bilan ayolning chin dildan, samimiy suhbat tarzida qurilgan. Ensiklopediya 1999 – yilda “Ayollar yili” munosabati bilan 10000 nusxada nashr etilgan.

Ayollar shahri kitobi yoki Le Livre de la Cité des Dames (1405 yilda tugagan), ehtimol Kristin de Pizaneng taniqli adabiy asari va bu uning uzoq nasrdagi ikkinchi

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, 2-бўлим, 10-боб, 46-моддаси, 12-бет. Тошкент ш. 2021 йил 8 феврал.

asari. Pizan kitobni yaratish uchun mahalliy frantsuz tilidan foydalanadi, lekin u ko‘pincha frantsuz nasrida lotin uslubidagi sintaksis va konventsiyalardan foydalanadi. Kitob uning rasmiy javobi sifatida xizmat qiladi Jan de Meunmashhur Roman de la Rose. Pizan ayollarning allegorik shaharini yaratish orqali Meunning ayollar haqidagi bayonotlariga qarshi kurashadi. U tarix davomida ko‘plab taniqli ayollarni to‘plash orqali ayollarni himoya qiladi. Bu ayollar aslida kitob bo‘lgan Xonimlar shahrida "joylashtirilgan". Pizan o‘z shahrini barpo etar ekan, u har bir taniqli ayoldan nafaqat shahar devorlari va uylari uchun, balki tezlari uchun ham qurilish materiallari sifatida foydalanadi. Shaharga qo‘shilgan har bir ayol Pizanning ayollarning jamiyatning qadrlı ishtirokchilari sifatida bahslashishiga qo‘shimcha qiladi. Shuningdek, u ayollar uchun ta'lim berish tarafdori.

Kristin de Pizan ham 1405 yilga qadar yakun yasagan Xonimlar shahrining xazinasi (*Le tresor de la cité des dames de degré en degré*, shuningdek ma'lum Uch fazilat kitobi) ga bag'ishlangan o‘quv qo‘llanma Burgundiya malika Margaret. Bu barcha mulkdagi ayollarni tarbiyalashga qaratilgan, ikkinchisi erlari bo‘lgan ayollarga: "Agar u ehtiyotkorlik bilan harakat qilishni va dunyoning ham, erining ham maqtovini olishni istasa, u doimo u bilan quvnoq bo‘ladi".⁵⁶

МУҲОКАМА

Ҳаётда оқ ва қора, яхши ва ёмон, муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат, эзгулик ва қабохат деган тушунчалар бир бирига қарама қарши бўлганидек аёл ва эркак деган бир бирига қарама қарши, лекин бир бирига чамбарчас боғланган инсонлар жамиятдаги, ҳаётдаги барча қарамақаршилиқ қонунларини инкор этиб туради.

Бугунги кунда аёлларга нисбатан зўравонликлар, хунрезликлар, куч ишлатишлар ва хўрлашлар кучайиб бормоқда. Ҳадисларда келтирилишича: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинади. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккани фатҳ қилган куни хутба қилиб айтдиларки: "...Аёлларга яхши муомалада бўлинг. Зеро, улар сизнинг измингиздаги ўзлари учун ҳеч нарсага эга бўлмаган асиралардир. Бунинг устига, сизлар уларни Аллоҳнинг омонати сифатида қабул қилиб олдингиз. Уларнинг фаржлари сизларга Аллоҳнинг калимаси билан ҳалол бўлди. Ақлингизни ишлатинг!", яъни улар билан чиройли яшаш, ҳақларини адо қилишда Аллоҳдан кўрқинг⁵⁷ деб таъкидланган. Ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий инқирозлар аввало хотин-қизларнинг ҳаётини издан чиқаради, уларга зарба беради. Биринчи бўлиб

⁵⁶ De Pizan, Kristin. *Ayollar shahri kitobi*. 1405. Trans. Rozalind Braun-Grant. London: Penguen, 1999.

⁵⁷ Hidoyat.uz "Хайрли аёллар хусусида" 11.12.2019й.

айнан аёллар даромад манбаини йўқотади. Улар оғир вазиятда жамиятнинг ижтимоий неъматларидан жуда тез маҳрум бўлади, давлат ҳимоясига айниқса муҳтож бўлиб қолади. Бундай пайтда ижтимоий лифтлар издан чиқади. Тан олиш керак, аслида мамлакатимизда кўпчилик хотин-қизларда бундай қулайликнинг ўзи йўқ.

Қизлар туғилади, вояга етади, орзу қилади, бир маромда яшайди ва... умр бўйи аҳволини яхши томонга ўзгартира олмай... ўтиб кетади.

Бугун Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг янги Низоми тақдим этилди, шунингдек, мазкур комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия раиси Танзила Норбоева томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган ягона Миллий дастур тақдим этилди.

Миллий дастур мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётига иложи борица кўпроқ хотин-қизларни жалб этиш ва бу йўналишда жамиятимизнинг янада ривожланишига замин яратишга қаратилган.

Умид қиламанки, бу тузилма ҳақиқатан ҳам аёлларимиз ҳаётини яхшилайдиган самарали органга айланади. Бунинг учун барча бўғинлардаги ҳар бир ташкилот ва муассаса уйғунликда иш олиб бориши зарур.

Бугунги кунда хотин қизларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқламини ҳимоя қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “биз ўз фаолиятимизнинг илк кунларидан бошлаб мунис ва мўтабар аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш иқтисодий ва ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласини давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди⁵⁸”.

Аёл ҳақ ҳуқуқини талаб қилса “уни тили чиқди”га йўйишади. Лекин унинг ҳақ ҳуқуқини келиб кимдир ҳимоя қила оладими? Аёлнинг қалбидаги орзу умидларини битта тарсаки билан яксон қилиш мумкин. Битта аччиқ сўз билан аёлнинг нозик кўнглидаги жамики ришталарни узиб ташлаш мумкин. Аёлнинг юрагини дард эмас, яқин кишиларидан келадиган озорлар ўлдиради. Ҳамма аёллар ва хотин қизлар бахтли бўлишга ҳақли, деймизу аммо ҳаммани бахтли қиладиган қонун ҳеч қаерда йўқлигини тан олгимиз келмайди!

НАТИЖАЛАР

Шуни алоҳида эътиборга олишимиз зарурки бугунги кунда аёл жамиятнинг энг асосий бўғини ҳисобланади, чунки унинг қўлида ёш авлод тарбияси, келажак

⁵⁸ Ш.Мирзиёев “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш”га бағишланган видеоселектор йиғилиши, 01.03.2022й.

мавжуд. Шунинг учун аёлларимизга барча имкониятлар ва шарт шароитлар яратишимиз зарур. Зеро президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади. Шунинг учун ҳам барчамиз – Президентдан тортиб энг қуйи бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар ана шу олий мезонга амал қилиб ишлашимиз зарур. Шундагина халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади”⁵⁹.

Биз ким Тўмарис авлодларимиз, сиз билишингиз керак бувингиз қўлида қилич билан ватанини ҳимоя қилган. У аёлман, ожизаман деб ўтирмаган, ёвни зир қақшатган. Нодирабегим, Увайсий ва Зулфияхонимлар ўз даврининг номдор аёллари бўлишган. Улар тарих зарварақаларида муносиб ўрин олишди. Хўш! Сиз ҳам ўзингизга савол бердингизми? Бугун қандай ташвишлар билан оворасиз. Келажагингиз учун бугундан нимадир қила олдингизми. Зеро аёллардан пайғамбар чиқмаган дейишади, лекин пайғамбарларни ақлли аёллар дунёга келтиришган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганимизда жамиятда аёлнинг ўрни ва мавқеини ошириш билан биз мамлакатимиз келажагини соғлом фикрли ва ватанпарвар келажак авлодни тарбиялай оладиган оналарга имконият яратамиз. Оқида аёлларни қўллаб қувватлаш билан биргаликда биз ҳаммамиз севиб кўрадиган “Суюнчи” филмидаги Ханзрат бувидек маҳалланинг виждонига айланган марифатли жамиятни, марифатли аёлларни имконият берган бўламиз. Чунки аёлнинг билимдонлиги, маънавияти, маърифати ва саводхонлиги фарзанднинг оиласининг бахти саодатидир. Сиз ҳам уларнинг ҳуқуқларини оёқ ости қилманг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, 2-бўлим, 10-боб, 46-моддаси, 12-бет. Тошкент ш. 2021 йил 8 феврал.
2. De Pizan, Kristin. *Ayollar shahri kitobi*. 1405. Trans. Rozalind Braun-Grant. London: Penguin, 1999.
3. Ш.Мирзиёев “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш”га бағишланган видеоселектор йиғилиши, 01.03.2022й.;
4. [Hidoyat.uz](https://hidoyat.uz) “Хайрли аёллар хусусида” 11.12.2019 й.
5. Ш.Мирзиёев “8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанли тадбир”га бағишланган видеоселектор йиғилиши, 06.03.2021й.

⁵⁹ Ш.Мирзиёев “8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанли тадбир”га бағишланган видеоселектор йиғилиши, 06.03.2021й.

BUXORO VILOYATIDAGI JONDOR TOPONIMINING IZOHI

Javlonbek Jamshid o‘g‘li Tog‘ayev

Samarqand davlat universiteti Filologiya fakulteti 4-kurs talabasi

javlonbektogayev@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada Buxoro viloyatidagi Jondor toponimining vujudga kelishida foydalanilgan lingvistik vositalar, leksik-semantik tahlil qilingan. Jondor toponimi etimologiyasi, tarixiy shakllari haqida ham atroflicha fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: ensiklopediya, jondor, toponim, etimologiya, lug‘at, til, leksema, semantika.

COMMENTARY ON THE TOPONYM OF JONDOR IN BUKHARA REGION

ABSTRACT

The article analyzes the lexical-semantic analysis of linguistic means used in the formation of the toponym Jondor in Bukhara region. The etymology and historical forms of the toponym Jondor are also discussed in detail.

Keywords: encyclopedia, creature, toponym, etymology, dictionary, language, lexeme, semantics.

KIRISH

Kishilik jamiyati paydo bo‘libdiki, o‘zi yashaydigan atrof-muhit – g‘or, dara, tog‘, cho‘l, qishloq, shaharlarni ayrim nomlar bilan atab keladi. Mana shu nomlarsiz geografik joylarni bir-biridan ajratish oson emas va qolaversa, kishilarning kerakli manzilni belgilashlarida juda katta qiyinchilik tug‘diradi. Shu sababdan, sayyoramizda bir necha millionlab nomlar paydo bo‘ldi va shu bilan birga ularning ma‘no mazmunlari shakllana bordi. Geografik nomlarni tahlil etish va ularga qiziqish antik davrdan beri mavjud bo‘lsa-da, ularni lingvistik jihatdan o‘rganish XIX asrning birinchi yarmida boshlangan hamda toponimika fani vujudga kelgan. Toponimika grekcha topos – joy va onoma – nom so‘zlarning birikmasidan tashkil topib, geografik nom(toponim)larni, ularning etimologiyasi, paydo bo‘lish tarixi, yasaliş va leksik-semantik xususiyatlari bilan tilshunoslik fanining ayni shu nomdagi sohasi shug‘ullanadi.

Demak, toponim deb bir hududning boshqa bir joydan farqlanuvchi nomiga aytiladi va shu joy nomlarining umumiy toponimiya, ularni o'rganuvchi fan esa toponimika deyiladi. Hozirgi davrda biror bir hududni uning nomisiz tasavvur qilish mumkin emas. Xalqlarning turmush tarzi, faoliyatlari haqida muhim ma'lumot beruvchi manba bu ularning yashab kelgan joy nomlaridir. Buxoro tarixiy toponimlarga boy hudud hisoblansa-da, lekin bu toponimning etimologiyasi haqida olimlar tomonidan haligacha bir to'xtamga kelinmagan. "Akademik V.V.Bartol'd "Buxoro" sanskritcha (qadimiy hindcha) Vixara, ya'ni "ibodatxona" so'zidan olingan deb hisoblasa, atoqli o'zbek olimi akademik A.Muhammadjonov "Buxoro" sug'dcha "Bug'oro" – "Tangri jamoli" ma'nosini anglatadi, degan fikrni ilgari suradi. Ilk o'rta asrlarda Buxoroni xitoyliklar turli nomlar bilan atashgan. Buxo, An, Ansi, Buxala, Fuxo, Puxala".[1:3,4]

Buxoro toponimlari, asosan, ikki qismli, ba'zi o'rinlarda esa uch qismdan tashkil topishini ko'rishimiz mumkin. Shu qismlarni tashkil etuvchi so'zlarda fors-tojik, sug'd, qisman arab jumalari uchraydi. Masalan, Vag'ozkent – sug'dcha varg' – "suv to'planadigan joy, to'g'on, band" va kent, ya'ni "qishloq" so'zlari birikmasidan tashkil topgan ikki komponentli toponim.[2:68]

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Maqolada S. Qorayevning "Toponimika" qo'llanmasi hamda H. To'rayevning Buxoro viloyati toponimiyasiga bag'ishlangan "Buxoro toponimikasi" kitobida keltirilgan toponimik qonuniyatlardan foydalanilgan holda fikr yuritilgan. Buxoro viloyati toponimiyasi, jumladan, Jondor tumanidagi joy nomlarini ifodalovchi til birliklari leksik-semantik jihatdan tahlil etilgan. Unda qiyosiy-tarixiy, tavsifiy metodlardan foydalanilgan.

NATIJALAR

Bizning kuzatish obyektimiz bo'lgan Buxoro toponimiyasi, xususan, Jondor tuman toponimlarining leksik-semantik xususiyatlari, yasaliş usullarini, etimologiyasi, shuningdek, ularni fanda mavjud bo'lgan tadqiqotlarga tayangan holda o'rganish ishimizning muhim masalalaridan hisoblanadi. Toponimlarning hosil bo'lishi xalqimizning yashash tarzi, tarixiy taraqqiyoti, hudud xususiyatlari bilan chambarchas bog'liqdir. Dastavval, Jondor toponimining etimologiyasi haqida tarixiy ma'lumotlarni keltirishni lozim deb topdik.

O'zbekiston milliy ensiklopediyasining zarvaraqlarida *harbiy lavozim – silohdor, yasovulboshi, qo'riqchi, jallod, shaxsiy gvardiyaning nomdor kishisi* sifatida **jondor** so'zi tilga olinadi. Daryoning narigi tomoni – Movorounnahrda qoraxoniylar va

xorazmshohlar davrida yasovulboshilar, saljuqiylar davrida esa qo‘riqchilik va jallodlik bilan shug‘ullanuvchi jangchilar jondorlar deb yuritilgan.[3:190] Jondor toponimining etimologiyasi haqida turli fikrlar mavjud. Jondor – saroy lavozimi ekanligidan kelib chiqsak, *jondorlar* shahar markazi sanalgan Buxorodan uncha uzoqlikda bo‘lmagan hududlarda yashagan. Jondor tumani ham Buxorodan 16-17 km masofada joylashgan. Bu esa Jondor toponimini harbiy amaldorlar istiqomat qiladigan hudud bo‘lganligini ko‘rsatadi. Bu nomning toponimga aylanish jarayoni taxminan X asrlarga borib taqaladi.

Jondor leksemasi ayrim manbalarda “*tirik*”, “*tirik mavjudot*” ma’nolarini bildirar ekan, uning yasaliş tarixini *jon* – asos va *-dor* qo‘shimchasi qo‘shilishidan hosil bo‘lgan toponomik tipga misol bo‘la oladi deyishimiz mumkin.

Jondor toponimining ajablanarli xususiyati shundaki, ushbu nom muayyan tarixiy davrning xarakterli jihatlarini ham, geografik landshaftning ayrim xususiyatlarini ham o‘zida aks ettirgan.

XULOSA

Jondor toponimining izohi, leksik-semantik xususiyatlari, etimologiyasini o‘rganar ekanmiz, bu nom haqida turfa xil yangicha qarashlar paydo bo‘lganligini guvohi bo‘lamiz. Bu til birligi nafaqat joy nomi, balki xalqimizning tarixiy taraqqiyotini ko‘rsatuvchi ko‘zgu vazifasini bajarganligini guvohi bo‘lamiz.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. To‘rayev, H. (2021). Buxoro toponimikasi. Durdon .
2. Adizova N. (2020). Buxoro tumani toponimlari. Navro‘z.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. (2000). Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти.
4. Qorayev, S. (2006). Toponimika. O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti.

UYUSHGAN KESIMNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATI

Arakulova Shohsanam

Sh. Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

Filologiya fakulteti 4-kurs 406-guruh talabasi

qarshiboyevagulsun81@gmail.com

ANNOTASIYA

Uyushgan kesimning o‘ziga xos xususiyati, o‘zbek tilshunosligida qo‘llanilish o‘rni, o‘quvchilarga mavzuni yetkazishda o‘ziga xos usullari haqida fikr yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Uyushgan kesim, tilshunoslik, kesimlilik shakllari, uyushiq sodda gap, uyushiq qo‘shma gap, strukturali nutqiy hosila, prediaktivlik.

ABSTRACT

The peculiarities of the organized section, the place of its use in Uzbek linguistics, the peculiar methods of conveying the topic to students are discussed.

Keywords: Cohesive cut, linguistics, cut forms, cohesive soda sentence, cohesive compound sentence, structural speech product, prediactivity.

Uyushgan kesim haqida o‘zbek tilshunosligida juda ko‘p tilshunoslar o‘z fikr va mulohazalarini keltirib o‘tishganlar.

Men bu mavzuni yoritishda bir necha kitoblardan foydalandim. Jumladan: Ra’no Sayfullayevaning “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” nomli kitobida shunday deyilgan: “Uyushgan kesimlarda kesimlilik shakllari bilan faqat oxirgi kesim shakllangan, boshqalari esa bu qo‘shimchani olmagan bo‘ladi”.

Masalan: Bizning yoshlar dono va zukkodirlar. Bu yerda “dono” va “zukkodirlar” uyushiq kesim. E’tibor qilsak, “dono” so‘zida hech qanday kesimlilik shakli yo‘q, ammo “zukkodirlar” so‘zida esa kesimlilik shakllari mavjuddir.

Agar ikkala so‘zda ham kesimlilik shakllari bo‘lganda ular alohida-alohida gapni hosil qilgan bo‘lar edi va uyushiq kesimni hosil qilmas edi.

Quyidagi misolga nazar tashlaymiz.

U vaqtlarda otam kosib, onam tikuvchi edi(uyushgan sodda gap). U vaqtlarda otam kosib edi va onam tikuvchi edi(qo‘shma gap).

Bu gaplarning ikkinchisida uslubiy g‘alizlik yaqqol ko‘rinadi. Shu sabab bu gap uyushiq kesimli sodda gap bo‘lgani to‘g‘ridir.

Uyushiq kesim turli soʻz turkumlari boʻlishi mumkin. Bu ot va olmoshda mavjud. Masalan: Taniganim, bilganim sen va Halimdir.

Ammo boshqa soʻz turkumlari bunday xususiyatga ega emas. Uyushiq keimlarning oldin turgani **(-i(b))** shakli ravishdosh bilan ifodalanganda, hol bilan monand boʻlib qoladi.

1. U qoʻrib, baqirib yubordi.
2. U tanib, bilib, soʻray boshladi.

Har ikkala gapda qoʻllanishda ham feʼl soʻz shakllari bir-biriga oʻxshaydi. Biroq gaplarning birinchisida feʼl hol(**qoʻrqib**) va kesim(**baqirib yubordi**). Keyingi gapda esa uyushiq kesim mavjud, ammo birinchi gapda uyushiqlikning zaruriy belgisi – uyushtiruvchi ohang mavjud emas. Hozirgi oʻzbek tili sintaksisini oʻranish boʻyicha ancha ishlar qilingan boʻlishiga qaramay tilimiz va nutqimizda keng isteʼmolda boʻlgan qator hodisalarning Grammatik qurulishidagi oʻrni aniq belgilanmagan. Men ham uyushiq boʻlaklarni oʻrganishda juda koʻp chalkashliklarga duch keldim. Bu holat doimo tilshunoslik muhokamasida boʻlib kelgan. Shulardan biri sostavli kesimlarga ega boʻlgan qoʻshma gap strukturali nutqiy hosilalardir. Bunday konstruksiyalarda predikativlik maʼnolari har ikkala kesim uchun umumiy boʻlgan taqdirda predikativlik fomalarini oʻzida tashuvchi element koʻpincha “ixchamlik” maqsadida “qavsdan tashqari” ga chiqariladi, yaʼni u umumiy boʻlak sifatida gapning oxirida takrorlanib, har ikkala kesimga tegishli boʻladi. Chunonchi, yuqorida keltirilgan otam kosib, onam tikuvchi edi jumlasida (uyushgan sodda gap) ushbu fikrning yaqqol dalilidir. Demak gap tarkibida ikki va undan ortiq atov birliklar (soʻz, ibora, soʻz birikmalari) bilan ifodalanish kesimga xos boʻlib, kesimni shakllantiruvchi vositalar faqatgina keying kesim tarkibida ifodalanib, barchasiga aloqador boʻlsa, bunday koʻp kesimli gap uyushiq kesimli gap boʻlib keladi. Kesim uyushib kelganda uni shakllantiruvchi vositalar (zamon, shaxs-son, mayl, tasdiq-inkor shakllari, bogʻlama va koʻmakchi feʼllar) doimo oxirgi boʻlakka qoʻshilib keladi:

Mavzuni yaxshi tushunish uchun, avvalo, darsni diqqat bilan tinglash, berilgan topshiriqlarni bajarish, muntazam takrorlash kerak;

Men uzoq yillardan buyon shu shaharda yashab, oʻqib, ishlab kelayapman;

Biz harbiy uchuvchi va vatan posponlari boʻlamiz.

Agar ushbu vositalar har bir kesimga qoʻshilib kelsa, bunday gap uyushiq kesimli soda gap emas, balki qoʻshma gap hisoblanadi:

Nutq qudratli kuch: u ishontiradi, undaydi, majbur etadi;

Men bu masalani uqqanman va yechganman;

Biz voqea sodir boʻlgan joyga borishimiz kerak, hammasini oʻz koʻzimiz bilan koʻrishimiz kerak va ishonch hosil qilishimiz kerak;

Do‘kondorlar molini maqtab turishardi va xaridorlarni chorlab turishardi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, o‘zbek tilshunoslarining fikrlari, dalil va misollari uyushiq kesim haqidagi ko‘plab ma’lumotlarni berdi. Lekin bu uyushgan kesimni to‘liq o‘rgandik degani emasdir. Shunday ekan, gap tarkibida ikki va undan ortiq atov birliklar bilan ifodalangan kesim bo‘lib, kesimni shakllantiruvchi vositalar faqat va faqat keyingi kesim tarkibida ifodalanib, barchasiga aloqador bo‘lsa, bunday ko‘p kesimli gaplar uyushiq kesimli gaplar sanaladi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. R.Sayfullayeva, B.Mengliyev, G.Boqiyeva, M.Qurbonova, Z.Yunusova, M.Abuzalova “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”. Toshkent-“Fan va texnologiya”-2009
2. H.Jamolxonov. “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”. T; 2005
3. B. Mengliyev, O‘. Xoliyorov. O‘zbek tilidan universal qo‘llanma. T; 2007

YER UCHASTKALARI MAYDONLARINING ANIQLIGINI BAHOLASH NATIJALARINI TAQQOSLASH TAHLILI

Mirzayev Jonibek Oltiyevich

Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti o'qituvchisi

qmii-jonibek.mirzayev@mail.ru

Mirzayev Jovohir Baxtiyor o'g'li

Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti talabasi

javohir_mirzayev01@mail.ru

Xamrayev Asadbek Jamoliddin o'g'li

Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti talabasi

asadbek.xamrayev@mail.ru

ANNOTATSIYA

Turli konfiguratsiyali yer uchastkalari maydonini o'rta kvadratik xatolarini hisoblash formulalari ko'rildi. Hisoblash natijalarining tahlili bajarildi.

Kalit so'zlar: kadastr ishlari, yer uchastkalari maydoni, maydonni aniqlash o'rta kvadratik xatosi, cho'ziqlilik koeffitsienti.

АННОТАЦИЯ

Рассмотрены формулы для расчета среднеквадратичной ошибки площади земельных участков различной конфигурации. Проведен анализ результатов расчета.

Ключевые слова: кадастровые работы, площадь земельных участков, среднеквадратическая ошибка определения площади, коэффициент длины.

ABSTRACT

Formulas for calculating the mean square error of the area of land plots of different configurations are considered. The analysis of the calculation results was performed.

Keywords: cadastral works, area of land plots, standard error of area determination, length coefficient.

Davlat ko'chmas mulk kadastrini tashkiliy tuzilmasini, kadastr ishlarini bajarish texnologiyasi va vositalarini, ma'lumotarni olish, tizimlashtirish va faollashtirish usullarini takomillashtirish kadastrni rivojlantirishning muhim yo'nalishlarning biri hisoblanadi. Bu holda kadastrni amal qilish sohasini, uni saqlash usullarini, va

ma'lumotlarni uzatish vositalarini tartibga soluvchi normativ-huquqiy xujjatlarni mazmuni o'zgaradi.

Barcha normativ talablarga javob beruvchi va yuqori aniqlikni xarakterlovchi, olingan faol va ishonchli natijalar, davlat ko'chmas mulk kadastrini samarali yuritish uchun muhim tashkil etuvchilardan biri hisoblanadi.

Hozirgi kunda yer uchastkalari maydonini va uni o'rta kvadratik xatolarini hisoblashda quyidagi formulalardan foydalaniladi [5]:

$$m_p = m_t \sqrt{P}, \quad (1)$$

bu yerda m_p – maydonni aniqlash o'rta kvadratik xatosi; m_t – uchastka chegara nuqtalar (chegara belgilar) holatining o'rta kvadratik xatosi;

$$m_p = m_t \sqrt{P} \sqrt{\frac{1+K^2}{2K}}, \quad (2)$$

bu yerda K – yer uchastkasining cho'ziqlilik koeffitsienti.

(1) formuladagi ma'lumotlar – cho'ziqlilik koeffitsientini hisobga olmagan holdagi o'rta kvadratik xatolari va (2) – cho'ziqlilikni hisobga olgan holda maydonni aniqlash o'rta kvadratik xatolari soddalashgan ko'rinishda olingan va namunaviy geometrik shakllardagi [2] yer uchastkalari uchun ishchi formulalar hisoblanadi.

O'rta kvadratik xatoning murakab formulasi quyidagi ko'rinishda ifodalanishi mumkin [1,3,4]:

$$m_p = \frac{m_t}{\sqrt{8}} \sqrt{(y_{i+1} - y_{i-1})^2 + (x_{i+1} - x_{i-1})^2} \quad (3)$$

bu yerda x_i, y_i – chegara belgilarining koordinatalari.

O'rta kvadratik xatolarni hisoblangan miqdorlari (1), (2), (3) formulalar bo'yicha hisoblangan, natijalari esa (1-4) jadvallarda keltirilgan. 1-jadvalda (1) formula bo'yicha hisoblangan xatoliklarning qiymatlari keltirilgan.

Turli kategoriya va funksional ahamiyatli yerlarda cho'ziqlilik koeffitsientlarini hisobga olmagan holda maydonni o'rta kvadratik xatolarining hisoblari

1-jadval

m_t	P, m^2	m_p
0,10	600	2,45
0,10	900	3,00
0,10	1200	3,47
0,20	1500	7,75
0,20	1800	8,48
0,20	2500	10,00
0,20	5000	14,14
0,20	7500	17,32
2,5	10000	250,00
2,5	50000	559,02

Taqdim etilgan, maydonlarni o'rtta kvadratik xatolarining hisoblangan qiymatlari taqribiy hisoblanadi, chunki loyihalangan yer maydonlarini fazoviy tashkil etuvchlarni to'liq o'lchamda aks etmaydi.

2, 3, 4 jadvallarda esa (2) formula orqali cho'ziqlik koeffitsientiga bog'liq holda hisoblangan o'rtta kvadratik xatolarning qiymatlari keltirilgan.

Aholi punkt yerlari, cho'ziqlik koeffitsienti K miqdori hisoblangan, berilgan maydonlari bilan turli funksional ahamiyatli qishloq xo'jalik yerlar uchun maydonlarni o'rtta kvadratik xatolarini hisoblash natijalari (2-4) jadvallarda ifodalangan. Olingan qiymatlar eng aniq hisoblanadi va loyihalangan ob'ektni geometrik tashkil etuvchisini aks ettiradi. Bu holda (2) formula amaliyotda kam ishlatiladi, ayrim hollarda qo'llanilmaydi, murakkab geometrik tuzilishga ega bo'lgan yer uchastkalarida, cho'ziqlik koeffitsientini hisoblash muammoroq bo'ladi (ko'pchilik hollarda hisoblashni umuman imkoni bo'lmaydi). (2) formula bo'yicha aholi yashash punktlari yerlari maydonlarini o'rtta kvadratik xatolari miqdorlarini hisoblari

2-jadval

m_t	P, m^2	m_p									
		$K=1$	$K=1,5$	$K=2$	$K=2,5$	$K=3$	$K=3,5$	$K=4$	$K=4,5$	$K=5$	$K=6$
0,10	600	2,45	2,55	2,74	2,95	3,16	3,37	3,57	3,76	3,95	4,30
0,10	900	3,00	3,12	3,35	3,61	3,87	4,13	4,37	4,61	4,84	5,27
0,10	1200	3,47	3,61	3,87	4,17	4,47	4,77	5,05	5,32	5,59	6,08

(2) formula bo'yicha turli maqsadlarda foydalanish uchun qishloq xo'jalik ahamiyatidagi yer maydonlarini o'rtta kvadratik xatosining miqdorini hisoblash

3-jadval

m_t	P, m^2	m_p									
		$K=1$	$K=1,5$	$K=2$	$K=2,5$	$K=3$	$K=3,5$	$K=4$	$K=4,5$	$K=5$	$K=6$
0,20	1500	7,75	8,06	8,66	9,33	10,00	10,66	11,29	11,90	12,49	13,60
0,20	1800	8,48	8,83	9,49	10,22	10,95	11,68	12,37	13,04	13,68	14,89
0,20	2500	10,00	10,41	11,18	12,04	12,91	13,76	14,58	15,37	16,12	17,56
0,20	5000	14,14	14,72	15,81	17,03	18,26	19,46	20,61	21,73	22,80	24,83
0,20	7500	17,32	18,03	19,36	20,86	22,36	23,83	25,25	26,61	27,93	30,41

(2) formula bo'yicha qishloq xo'jalik ahamiyatidagi yer maydonlarini o'rtta kvadratik xatosining miqdorini hisoblash

4- jadval

m_t	P, m^2	m_p									
		$K=1$	$K=1,5$	$K=2$	$K=2,5$	$K=3$	$K=3,5$	$K=4$	$K=4,5$	$K=5$	$K=6$
2,5	10000	250,00	260,20	279,52	301,04	322,75	343,94	364,43	384,15	403,12	438,99
2,5	50000	559,02	581,84	625,00	673,14	721,69	769,10	814,90	858,98	901,39	981,60

O‘rta kvadratik xatolarni hisoblangan miqdorlarini olingan natijalarini konkretlashtirish orqali quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

- yer uchastkalari maydonlarini o‘rta kvadratik xatolarini aniqlashda aniqlikni baholash uchun taqribiy formulalar qo‘llaniladi;
- hozirgi vaqtda yer uchastkalari maydonlarini aniqligini baholash uchun qabul qilingan usullar, kadastr ishlari natijalariga qo‘yilgan talablarni qanoatlantirmaydi;
- yer uchastkalari maydonlarini hisoblashda, ularni aniqligini katta aniqlik bilan baholash maqsadga muvofiq bo‘ladi buning uchun (3) formuladan foydalanish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Nishonboev N. va boshqalar. Shahar kadastrini yuritishda geodezik ishlar.- Toshkent. -2015 yil.
2. Геодезические работы при землеустройстве / А.В. Маслов, Г. И. Горохов, Э. М. Ктиторов, А.Г. Юнусов. М., Недра, 1976. – С.73–88.
3. Терентьев Д.Ю. К вопросу об оценке точности площадей земельных участков// Вестник СГГА. – 2013. – Вып. 1(21). – С. 45–48
4. Маслов А.В. Способы и точность определения площадей. – М.: Изд-во геод. лит., 1955. – 228 с.
5. Дьяков Б.Н. Об относительной ошибке площади участка с прямолинейными границами // Вестник СГГА. – 1997.– Вып. 2. – С. 5–7.

УДК 677.051

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ ХИМИЧЕСКОЕ НЕОДНОРОДНОСТЬ НА ВЕЛИЧИНУ ЗЕРНА И ЕЁ ИЗМЕНЕНИЕ.

Рахимов Яхъёхон Тошпулатович

старший преподаватель Наманганский инженерно-технологический институт

rayax59@mail.ru

Усмонхўжаев Санжар Иброхим ўгли

ассистент Наманганский инженерно-технологический

sanjar.usmonxojayev@mail.ru

Рустамжонов Шахдорбек Шавкатжон ўгли

студент Наманганский инженерно-технологический

shahdorbek@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются влияние факторы, влияющие на величину зерна и её изменение. Рост зародышей приводит к возникновению граничащих друг с другом зерен, причем из каждого зародыша вырастет зерно. Окончательный размер зерна зависит от общего числа зародышей и их распределения в объеме металла. В свою очередь общее число зародышей зависит от скорости кристаллизации, так как если при заданном переохлаждении со временем возрастает скорость образования зародышей, то соответственно уменьшается объем жидкого металла. Итак, число зерен определяется соотношением между скоростью их роста. Остальные факторы: химическая неоднородность, гравитационный эффект (осаждение свободных кристаллов), эффект массы (влияние неодинаковой скорости охлаждения различных частей слитка) – еще более осложняет проблему и эту проблему требует дополнительно изучать перечисленных факторов.

Ключевые слова и выражение: изложница, зародыш, расплав, структура, температура, давление, кристаллической модификации, атомов примесей, модификация железа, мелкое зерно, дисперсия, расплав, миграция, кипящих слитков.

ABSTRACT

In article are considered influence factors, influencing upon value grain and her(its) change. The Growing зародышей brings about origin граничащих with each other зерен moreover from each fetus вырастет grain. The Final size grain depends on

the total number зародышей and their distribution in volume of the metal. In turn, the total number зародышей depends on velocities of the crystallizations, since if given undercooling since time increases the velocity of the formation зародышей, that accordingly decreases the volume of the fluid metal. The Ithaca, number зерен are defined by correlation between velocity of their growing. The Rest factors: chemical spottiness, гравитационный effect (осаждение free crystal), effect of the mass (the influence to different velocity of the cooling the different parts solid) - else more complicates the problem and this problem requires in addition to study the enumerated factor.

Keywords and expression: изложница, fetus, расплав, structure, temperature, pressure, crystalline modification, atom of the admixtures, modification ferric

После того как сталь залита в изложницу, начинается процесс затвердевания металла, который развивается непрерывно по всему периметру слитка. Затвердевание начинается с образования в расплаве зародышей, которые затем растут до тесного соприкосновения друг с другом и образуют структуру, характерную для твердого металла [1].

Возникновение зародышей возможно лишь благодаря переохлаждению, которое сопровождает переход металла из жидкого состояния в твердое. На этот процесс влияют температура, давление и других факторы. Зарождение бывает гомогенным, когда зародыши имеют то же происхождение, что и сталь, и гетерогенным, когда зародышами являются чужеродные твердые частички.

Зародыш, который образуется в расплаве температуры плавления $T_{пл}$, недолговечен. Ниже температуры $T_{пл}$ зародыш стабилен, лишь в том случае, если его размер достаточно велик, т.е. если он имеет критический размер r_c . Такой зародыш может расти и при условии постоянного отвода тепла. При температуре ниже T' критический радиус зародыша уменьшается, а вероятность возникновения зародыша увеличивается. Об этом свидетельствуют кривые роста кристаллов. по временам [2].

Давление при этом также играет роль, хотя и небольшую, увеличение давления уменьшает значение критического радиуса зародыша. Чтобы использовать это свойство, жидкую массу металла подвергают вибрации; трудно только передать металлу достаточную энергию [3].

Гомогенные образование зародышей требует переохлаждения более чем 100 град, и может наблюдаться при медленном охлаждении в отсутствии твердых зародышей. Для этого необходимо охлаждение в плавильной печи с гладкими остеклованными стенками, как при изготовлении монокристаллов.

В производственной практике переохлаждение не превышает 1 *град*; это означает, что залитая в изложницу сталь уже двухфазная, т.е. в расплаве находятся твердые зародыши в виде суспензии. Таким образом, во время затвердевания в сердцевине слитка сохраняется квазипостоянная температура.




Рис. 2. Микроструктура стали 40 X после предварительной закалки с различных температур, повторного нагрева 760 °С и закалки. а – предарительная закалка 870 °С, б- 1000°С, в,г -1200°С. А- участки зернограничного образования аустенита. Б- участки формирующегося, В- сформировавшийся

Так как собственные зародыши не выдерживают перегрева ~ 80 *град* обычных производственных условиях, наличие твердых зародышей при разливке в изложницу можно объяснить следующими причинами: либо это собственные (гомогенные зарождение) из числа тех, которые образовались при соприкосновении металла с холодным основанием или стенками изложницы, или были унесены жидким потоком, либо построение зародыши, возникшие до или во время затвердевания[4].

Скорость кристаллизации зависит от химического состава, от кристаллической модификации, в которой затвердевает сталь (γ или α) и от кристаллографического направления. Так как образование кристаллов замедляется освобождением скрытой теплоты затвердевания, то кристаллизация зависит также от скорости охлаждения. Этот последний фактор очень важен.

Рост зародышей приводит к возникновению граничащих друг с другом зерен, причем из каждого зародыша вырастет зерно. Окончательный размер зерна зависит от общего числа зародышей и их распределения в объеме металла. В свою очередь общее число зародышей зависит от скорости кристаллизации, так как если при заданном переохлаждении со временем возрастает скорость образования зародышей, то соответственно уменьшается объем жидкого металла.

Однако следует отметить, что возможность регулирования скорости охлаждения в процессе кристаллизации, при затвердения, весьма ограничена (существует только литые сухие, сырые земляные и металлические формы). С целью регулирования размеров зерен широко используют искусственное введение в расплавленный металл веществ, создающих центры кристаллизации, так как самопроизвольное зарождение центров кристаллизации в металлах и металлических сплавах имеет место, но не всегда является решающим. Значительно большую роль в качестве центров кристаллизации в технических металлах играют всякого рода инородные, неметаллические включения, попадающие в металл при плавке или вводимы специально.

Искусственное введение в жидкий металл тугоплавких мелких частичек, служащих дополнительными центрами кристаллизации, является наиболее прогрессивным, действенным методом регулирования размеров зерен, их формы, а следовательно, и свойств металлов и сплавов [5].

Итак, число зерен определяется соотношением между скоростью их роста. Схема Таммана показывает, что при очень быстро их охлаждении возникает большое число зародышей, в результате чего получается мелкозернистая структура.

При скоростях охлаждения, обычных в промышленности, трудно предвидеть величину зерна. Не существует единой точки зрения относительно формы и положения кривых Таммана для металлов. В частности, Зигель подчеркивает, что присадки в сталях влияют на число зародышей, а не на положение соответствующей кривой [2]. Он показал, что при значительном переохлаждении (мало зародышей) и малой скорости кристаллизации зерна в стали мельче, чем при малом переохлаждении и высокой скорости кристаллизации.

В заключение можно сказать, что размер зерна очень трудно предвидеть, так как он зависит от многочисленных трудно определяемых факторов, таких как скорость образования зародышей, скорость их роста и скорость охлаждения на поверхности раздела твердое тело – жидкость. Остальные факторы: химическая

неоднородность, гравитационный эффект (осаждение свободных кристаллов), эффект массы (влияние неодинаковой скорости охлаждения различных частей слитка) – еще более осложняет проблему.

БИБЛИОГРАФИЧЕСКИЙ СПИСОК

- [1]. Федюкин В.К. Закономерности и особенности фазовых превращений при термоциклической обработке и ее влияние на надежность изделий из сталей перлитного класса. Л.: ЛДНТП, 1974, 29 с.
- [2]. А.А. Мухамедов. Исследование свойств после перекристаллизации стали. МиТОМ. 1972. № 12. с. 14-20.
- [3]. Хрушов М.М. , Бабичев М. А. Абразивное изнашивание. М.: Наука, 1970. с. 43.
- [4]. Я. Рахимов, З. Абдукаххоров, Поверхностная диффузия и её влияние на свойства рабочих поверхностей деталей машин. Материалы международный научно-практической интернет-конференции Астрахань, 29 февраль 2016 г.
- [5]. Я. Рахимов, К.Тошпулатов, З. Абдукаххоров. Влияние карбидообразующих элементов на структуру и свойства стали. Журнал “Устойчивое развитие науки и образования” г.Воронеж № 8 2017. стр.117

ТДУ-811.111'22

ТКБ-81.2Англ. Ҷ 99

РОҶЕЪ БА МУНОСИБАТҲОИ ГУНОГУНЗАМОНӢ ДАР ҶУМЛАҲОИ МУРАККАБИ ТОБЕЪ БО ПАЙРАВИ ЗАМОН ДАР ЗАБОНҲОИ АНГЛИСӢ ВА ТОЧИКӢ

Ҷӯраева Мунзифа Негматовна

Донишгоҳи давлатии Хучанд ба номи академик Бобочон Ғафуров
докторанти кафедраи фонетика ва лексикологияи забони англисӣ.

Тоҷикистон, Хучанд

E-mail: mary-k-93@mail.ru

АННОТАТСИЯ

Мусаллам аст, ки муносибатҳои замони яке аз хусусиятҳои муҳимтарини синтаксисии ҷумлаҳо буда, дар муайян намудани алоқаи грамматикӣ, алоқаи мазмунӣ, сохт ва таркиби ҷумлаҳои пайраву сарҷумлаҳо аҳамияти бузург дорад. Муносибатҳои замони чунин муносибатҳое ҳастанд, ки дар сохторҳои ҷумлаҳои гуногун, ки якҷанд амалҳо доранд ба мушоҳида мерасанд ва тавассути шаклҳои худудию замонии феъл ва пайвандакҳо ифода ёфта, дорои ду намуд- ҳамзамонӣ ва гуногунзамонӣ мебошанд.

Ҷумлаҳои пайрави замон яке аз воситаҳои асосии ифодаи муносибатҳои замони мебошад. Таҳлили фактологӣ дар забонҳои англисӣ ва тоҷикӣ нишон дод, ки муносибати гуногунзамонӣ дар забони англисӣ бо шаклҳои феъл-хабарҳои сарҷумла дар замони Future in the Past ва хабари ҷумлаи пайрав дар шакли аорист, хабари сарҷумла дар замони Future Indefinite, хабари ҷумлаи пайрав дар шакли аорист ва хабари сарҷумла дар замони Past Indefinite ва хабари ҷумлаи пайрав дар шакли аорист ифода меёбанд.

Дар забони тоҷикӣ ифодаи муносибати гуногунзамониро дар шаклҳои феълҳои хабарҳои сарҷумла ва ҷумлаҳои пайрав дар шакли аорист, хабари сарҷумлаҳо дар замони оянда ва хабари ҷумлаи пайрав дар шакли аорист, хабари сарҷумла дар замони ҳозира-ояндаи сиғаи хабарӣ, хабари ҷумлаи пайрав дар шакли аорист, хабари сарҷумла дар шакли аорист, хабари ҷумлаи пайрав дар замони гузашта ифода карда мешаванд.

Калидвожаҳо: муносибати замони, муносибати гуногунзамонӣ, ҷумла, ҷумлаи мураққабати тобеъ, пайрави замон, феъл, хабарҳо.

К ВОПРОСУ ОТНОШЕНИЯ РАЗНОВРЕМЕННОСТИ В СЛОЖНОПОДЧИНЕННЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЯХ С ПРИДАТОЧНЫМ ВРЕМЕНИ В АНГЛИЙСКОМ И ТАДЖИКСКОМ ЯЗЫКАХ

АННОТАЦИЯ

Доказано, что временные отношения являются одним из важнейших синтаксических признаков предложений и имеют большое значение в определении грамматической связи, смысловой связи, структуры и состава предложений. Временные отношения- это отношения, которые наблюдаются в структурах разных предложений, которые имеют несколько действий, выражаются через территориально-временные формы глаголов и союзов и имеют два типа- одновременные и разновременные.

Фактологический анализ показал, что отношения разновременности в большинстве случаев выражается в видо-временных формах сказуемого главного предложения в Future in the Past и сказуемое придаточного предложения в форме аориста и сказуемое главного предложения в Future Indefinite и сказуемое придаточного предложения в Past Indefinite и сказуемое придаточного предложения в форме аориста.

В таджикском языке отношения разновременности выражаются в форме сказуемого главного предложения и придаточного главного предложения в будущем времени, сказуемое придаточного предложения в форме аориста, сказуемое главного предложения в настояще-будущем времени, сказуемое придаточного предложения в форме аориста, сказуемое главного предложения в форме аориста, сказуемое придаточного предложения в прошедшем времени.

Ключевые слова: временные отношения, отношения разновременности, предложение, сложноподчиненные предложения, придаточные времени, глагол, сказуемое.

RELATION OF SEQUENCE IN COMPLEX SENTENCES WITH SUBORDINATE CLAUSE OF TIME IN ENGLISH AND TAJIK LANGUAGES

ABSTRACT

